

Х. Ж. Худойкулов , А. Э. Кенжабоев,  
Т. Р. Нурмухамедов

# ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ АСОСЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус  
таълим вазирлиги

Тошкент темир йўл мухандислари институти

Термиз давлат университети

Х.Ж.Худойкулов, А.Э. Кенжабоев,  
Т.Р.Нурмухамедов

# Педагогик маҳорат асослари

*Магистратуранинг биринчи босқич  
талабалари учун  
(Ўқув қўлланма )*

TerDU ARM  
№ 388985

«NAVRO'Z»  
Тошкент 2012

УДК: 177.2

ББК: 82.3 Узб-4

К - 30

Сизга тақдим этилаётган ушбу ўқув қўлланмада педагогика фанининг асосий қисми бўлган "Педагогик маҳорат" курси мазмунида педагогик фаолиятини самарали ташкил этиш, таълим субъектлари ўртасида ижобий муносабатни йўлга қўйиш, уларнинг педагогик маҳоратини шакллантириш ва ҳоказолар хусусидаги масалаларнинг мазмуни ёритиб берилган.

Ўқув қўлланма мазмунига педагогик кадрларни тайёрлашга нисбатан қўйилаётган бугунги кун талабаларидан келиб чиқиб ёндошилган, унда ҳар бир мавзуга оид керакли маълумотлар илмий жиҳатдан асосланган бўлиб, керакли адабиётлар рўйхати ҳам қайд этилган.

Мазкур ўқув қўлланма олий таълим муассасаларининг педагогик йўналишларидаги талабаларга, ўрта махсус касб-хунар таълими ўқитувчиларга мўлжалланган бўлиб, ундан таълим соҳасидаги барча мутахассислар, магистрлар ва ўқитувчилар фойдаланиши мумкин.

Масъул муҳаррир: **Ю.Ф. Махмудов**  
Педагогика фанлари доктори,  
профессор

Тузувчи: **Х.Ж. Худойкулов** Пед.ф.д., доцент  
**А.Э. Кенжабоев** Пед.ф.н., доцент  
**Т.Р. Нурмухамедов** Тех.ф.д., профессор

Тақризчилар: **И.Р. Ахмедов**  
Педагогика фанлари доктори,  
профессор;  
**Б.А. Қодиров** Педагогика фанлари  
доктори, профессор.

Ушбу услубий қўлланма Термиз давлат университетининг Илмий-услубий кенгашида кўриб чиқилган ва нашрга тавсия этилган.  
26 январь 2012 йил, 7-сонли мажлис баённомаси асосида.

ISBN 978-9943-381-31-5

© «Navroʻz» нашриёти, 2012 йил.

## КИРИШ

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши, Олий таълим муассасалари олдига янги демократик давлат фуқароларини шакллантиришдек муҳим вазифани қўйди. Бу эса эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги улкан ишларни ташкил этишни талаб этади. Инсон тарбияси мазмунини янгилашга, уни ўлигини англашдаги имкониятларни рўёбга чиқаришда, маънавий интеллектуал салоҳиятнинг ривожланишида, янги шарт-шароитлар яратиб бериш имкониятини берди. Ижтимоий, иқтисодий ривожланиш босқичида турган жамиятимиз ҳозирги кунда ўз олдига узлуксиз таълим тизими мазмунини такомиллаштириш йўлида педагогика олий таълим муассасалари, академик лицей, касб-хунар коллежлари, умумтаълим мактабларига малакали кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш муаммосини қўймоқда.

Бу эса ҳозирги вақтда Олий таълим муассасаларида давр талабига жавоб берадиган ёш кадрларнинг фақат назарий билишларини эмас, балки буюк инсоний фазилатларга эга бўлган, муомалага кириша оладиган, ўз ишини пухта биладиган моҳир мутахассислар тайёрлашга катта эътибор беришни талаб этади. Айниқса, ҳозирги даврнинг талаби бўлажак ўқитувчиларни юксак педагогик маҳорати ва янги педагогик технология кўникмалари билан қуролланган, маданиятли шахс сифатида тайёрланишлари асосий вазифа қилиб қўймоқда.

"Педагогик маҳорат" ўқув курсининг асосий мақсади бакалаврият йўналишидаги талабалар учун педагогик маҳорат, педагогик техника ва маданиятга эга бўлган билимли мутахассисларни тайёрлаш. Ҳозирги замон ўқитувчиси ҳаётимизда юз бераётган туб ўзгаришларнинг асосий иштирокчиларидан бўлиб, у ҳар томонлама етук, чуқур билимга эга бўлган мутахассис, Ватан ва халққа содиқ, педагогик маҳорат ва лисқатга эга бўлган, касб вазифаларини яхши биладиган шахс бўлиши даркор.

Ишларни миллий-маънавий руҳда, ахлоқли, одобли қилиб тарбиялаш ўқитувчининг ўзидан ҳам шу хусусиятларга эга

бўлишини талаб этади. Назарий билимларни педагогик амалиётга тайёрлаш, ўзининг ва бошқа педагогларнинг илғор педагогик тажрибасини ўрганиш ва маҳоратини ошириш зарурий эҳтиёж ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилиндики, булар асосида юқори маҳоратли педагог ва касб эгалари тайёрлаш ўзига хос аҳамиятга эга.

Ўқитувчи фаолиятининг мураккаб томони шундаки, у талабага таълим-тарбия бериш жараёнида унга таъсир эта олиши, у билан мулоқотга киришиши ва талабаларни бошқара олиши зарур. Бўлажак ўқитувчи талабаларнинг шахсий хусусиятларини, интеллектуал қобилиятларини ҳисобга олиб, уларни мукамал, етук, ҳар томонлама ривожланишларини таъминлаши зарур. Шунингдек, педагогик факт ва ҳодисаларни умумлаштира олиши, ўзи ва талабалар фаолиятини бошқара олиш, раҳбарлик қобилиятга, малака ва кўникмаларга эга бўлишини талаб қилади.

Ўқув қўлланмада педагогик маҳоратни шакллантириш йўллари батафсил баён этилган. "Педагогик маҳорат" фанида талабалар ўқитувчи фаолиятида касбий маҳоратнинг тутган ўрни, моҳияти, ҳамда фаолиятининг турли ҳолларида ўқитувчи муомала маданияти, мулоқотга кириш услублари юзасидан маълумот берилган.

Бўлажак ўқитувчи ихтисослиги бўйича билимларни эгаллаш давомида ўзининг маънавий-ахлоқий даражасини кенгайтиради; ўз касбий доирасида одоб ва ахлоқ меъёрларига риоя қилиш хусусиятини, унинг моҳиятини ўзлаштиради; ўқитувчи одобининг бола шахсига таъсирини англаб, турли вазиятларда ўз хулқини идора қила олиш заруратини тушуниб этади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, мазкур ўқув қўлланма ўз ҳаётини педагогиклик касбига бағишлаган бўлажак ўқитувчилар учун педагогик маҳорат услубларини мукамал ўзлаштиришида, уни санъат даражасига олиб чиқишда яхши маслаҳатчи ва ёрдамчи бўлади, деб умид қиламиз.

## 1-мавзу: "Педагогик маҳорат" тушунчаси, унинг фан сифатида предмети, мақсад ва вазифалари

### РЕЖА:

1. "Педагогик маҳорат" тушунчасининг мазмуни.
2. Ўқитувчилик касбининг ижтимоий-тарихий жиҳатлари ва унинг жамиятда тутган ўрни ва моҳияти.
3. Педагогик маҳоратнинг ўзига хос вазифалари.

#### 1. "Педагогик маҳорат" тушунчасининг мазмуни.

Педагоглик касби ўз моҳиятига кўра индивидуалдир. Ҳар бир педагогнинг ҳаётий ўрни ўз ишининг устаси бўлиши, уста (мастер) жуда илғор, билимдон ёки ўз ишини мохирлик билан бажарувчи деб ифодаланади. Педагоглик маҳорати унинг фаолиятида кўринади. Педагог энг аввало, педагогик жараён қонуниятлари ва механизмларини яхши эгаллаган бўлиши лозим. Шу маънода педагогнинг умумлашган малакалари, унинг педагогик техникаси катта аҳамиятга эга. Маҳорат - бу алоҳида қудрат. Юқори ва кичик даражада уста бўлиш мумкин эмас. Маҳоратга эришиш ҳам, эришмаслик ҳам мумкин. Ҳақиқий уста меҳнат фаолияти чоғидагина гўзалдир.

Педагогик маҳоратга етишиш педагогнинг муайян шахсий сифатлари билан амалга ошади. Педагогик маҳорат юксак даражада педагогик фаолиятнинг тараққий этишини, педагогик техникани эгаллашни, шунингдек, педагог шахси, унинг тажрибаси, фуқаролик ва касбий мавқеини ифодалайди.

Педагогик маҳорат категория сифатида ўзининг илмий асосларига эга. Сўнгги йиллардаги илмий ёндашувлар бу ҳолатга нисбатан қуйидагича хулоса қилишга имкон берди:

Педагогик маҳорат касбий фаолиятдаги индивидуалликнинг ёрқин кўриниши сифатида тушунилади.

Педагогик маҳорат категорияси касбий фаолият нуқтаи назаридан киши индивидуаллигини характерлайди.

Ҳозирги тадқиқотларда педагогик маҳоратнинг ўзига хослиги қуйидаги категорияларда жамланади:

- \* Педагогик маҳорат;
- \* Новаторлик;
- \* Фаолият услуби;
- \* Педагогик технология;
- \* Педагогик иход;
- \* Касбий билимдонлик;
- \* Инновацион фаолият;
- \* Маҳорат.

Ўқув тарбиявий ишлар жараёнида энг юксак натижаларга эришиб, фаолиятнинг юксак даражада баҳоланиши ва ҳар жиҳатдан тан олинисини истамайдиган педагог топилмаса керак. Бунга эришиш орзусининг ушалишини педагогик маҳорат деймиз. Хўш педагогик маҳорат нима? Унинг моҳияти нимадан иборат? Унга қандай эришса бўлади? Ҳозирги замон педагогика ва психология соҳасидаги илмий манбаларда педагогик маҳорат тушунчасига нисбатан турлича изоҳларга дуч келамиз. Бу тушунча моҳиятининг аниқроқ таърифи "Педагогик энциклопедия"да берилган. Бизнингча, бошқаларга нисбатан бу таъриф педагогик маҳорат мазмун-моҳиятини анча тўғри ёритади. "Тарбия ва ўқитишда юқори даражага эришиши ва уни доимо такомиллаштириб бориш имкониятини таъминловчи санъат бўлиб, талабага меҳр қўйган ва ўз касбини севган, ҳар бир педагогнинг қиладиган иши.

Ўз ишининг моҳир устаси бўлган педагог - бу юксак даражада маданиятли, ўз фанини чуқур билладиган, фаннинг ёки санъатнинг тегишли соҳаларини яхши таҳлил эта оладиган, тарбиялаш ва ўқитиш услубиётини мукаммал эгаллаган мутахассисдир"<sup>1</sup>.

Бу таърифни яхши тушуниб, унинг маъно моҳиятини таҳлил этадиган бўлсак, ушбу таърифда педагогик маҳорат тушунчаси мазмунга кирадиган қуйидаги масалаларни ажратиш мумкин бўлади:

1. Умумий маланиятнинг юқори даражаси ҳамда билимдонлик ва ақл-заковатнинг юксак кўрсаткичи.

2. Ўзининг ўқитаётган фанига доир кенг ва чуқур билим соҳиби.

3. Педагогика, умумий ва педагогик-психология каби фанлар соҳасидаги билимлар билан қуроолланганлик, улардан ўқитиш ва тарбиялаш ишлари тажрибасида эркин ва усталик билан фойдалана билиш.

4. Ўқув-тарбиявий ишлари методикасини мукаммал эгаллан бўлиши.

Педагогик маҳоратнинг мазмунига қуйидаги ўзаро боғлиқ бўлган асосий қисмларга ажратиш мумкин:

---

<sup>1</sup> Г.А. Султонова. Педагогик маҳорат. - Т.: ТДПУ. 2005 й.



Педагог касби дунёдаги энг қадимги касблардан бири бўлиб, унинг ижтимоий аҳамияти айни пайтда ҳам ҳеч қачон камаймайди. Педагогик касби бир қатор муҳим талабларга жавоб бериши керак.

Мустақил Ўзбекистонда қурилаётган демократик ҳукукий давлатда фаолият кўрсатадиган педагог қандай бўлиши керак? Ҳозирги замон педагогининг шахси учун энг муҳим асос - бу инсонпарварлик. Педагог жуда юксак даражадаги маданиятга эга бўлган шахс. У жуда кўп нарсани билиши керак, Ҳозирги замонда ўзи ўқиётган фан соҳасидаги ютуқлардан, янгиликлардан хабардор бўлиши керак. Ўқувчиларни ҳар куни ўқишга ўргатиб бориш учун ўзи мунтазам ўқиб, ўрганиб, ўз билимини тўндириб, чуқурлаштириб бориши керак.

Демак, педагог, педагогик маҳоратнинг асоси ўз устида мустақил ўқишдир. Фан ва маданият ривожланиши таълим-тарбия ишларининг қай йўсинда олиб борилишидан келиб чиқади. Бу фалсафий ақида давлат аҳамиятига эга бўлган ижтимоий қонуният ҳисобланади. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин таълим-тарбия соҳасида, миллий ахлоқ-одобни қайта тиклаш борасида, миллий урф-одатлар анъаналарни жой-жойига қўйиш, миллий кадриятларни янада ривожлантириш хусусида буюк бурулишлар бўлгани барчага аён. Давлатнинг буюк келажаги, албатта, ёшларни чуқур билимли ва покиза одоб-ахлоқли қалб эгаси эканини ёддан чиқармас-



лик лозим. Бу муаммода маҳоратли, билимли педагогларнинг ўрни муҳим ва педагогик маҳорат фанининг роли ўлкан. Педагогик маҳорат ўқув фанининг предмети - педагогнинг маҳорати, мақсади - маҳоратли педагогни тарбиялаш.

Педагогик маҳорат ўқув фанининг мазмуни, тарбия моҳияти ва шахсни ҳар томонлама тараққий эттиришда тарбиянинг родини очиб беради. Тарбиянинг мақсади, мазмуни, услублари, уни ташкил этишдаги шакллари ўртасидаги боғланишларни кўрсатади. Шунингдек, педагогик маҳорат фани ўз тараққиёти давомида таълим-тарбия соҳасидаги тажрибаларни умумлаштиради, тарбиянинг келгусидаги ривожланиш истиқболлари йўлларини ёритиб беради. Тарбиявий ишлар шаклларини кўрсатиб беради. Педагогнинг маҳорати шундай бир малакалар йиғиндисидирки, у педагогга тарбияланувчилар кўриб ва эшитиб турган нарсалар орқали ўз фикрларини етказиш имконини беради.

Президент И.А.Каримов ўзларининг қатор нутқлари ва асарларида таълим - тарбия масалаларига тўхталар эканлар, энг аввало, ўқитувчилик касбига эътибор бериб, бу касбнинг машаққатли ва шарафли эканлигини, жамиятимизда таълим бериш тизимини замон талаблари асосида янгилаш, муносиб авлодни шакллантиришни ўқитувчи фаолияти билан боғлаб, унинг ўзида ана шу хусусиятлар бўлишини кўрсатиб ўтадилар.

Бугунги кунда боланинг дунёқараши, диди, салоҳияти шаклланадиган бошланғич синфларда тажрибали, маҳоратли ўқитувчилар бўлишини тақозо этади.

Ўзлуксиз таълим тизимини амалга ошириш жараёнида ёш авлодни кўнгилдагидек ўқитиш, тарбиялаш борасида гап борар экан, бу ғоят мураккаб ва кўп қиррали вазифани фақат малакали педагогик маҳоратга эга бўлган ўқитувчи кадрлар билан амалга ошириш мумкин. Шундай экан, ўқитувчилик бу санъат. Бу санъатга у ёки бу педагог осонгина ўз-ўзидан эриша олмайди. Бунинг учун ўқитувчилик касбига, яъни соғлом авлоднинг чинакам мураббийси бўлишига ҳаваси, иштиёқи зўр, замон талабларини тез ва чуқур тушунадиган, ўзининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий савиясини, педагогик маҳоратини изчил ошириб боровчи, мустақиллик ғояси ва мафқураси билан пухта қуролланган ва танпарвар ва меҳнатсевар кишиларгина эриша оладилар.

Педагогик маҳорат - туғма талант ёки наслдан - наслга ўтувчи хусусият эмас, балки изланиш, ижодий меҳнат маҳсули. Бу

кўп қиррალი педагогик фаолият заминида ижодий меҳнат ётади. Шунинг учун ҳам педагогик маҳорат ҳамма ўқитувчилар учун стандарт, яъни бир қолипдаги иш усули эмас, балки у ҳар бир ўқитувчининг ўз устида тинмасдан ишлаши, ижодий меҳнати жараёнида ташкил топади ва ривожланади. Бу жараёнда илғор ўқитувчининг педагогик маҳорати ва тажрибалари бошқа ўқитувчи ўрганиши, ундан ижодий фойдаланиши ва ўз фаолиятини илғор тажрибалар билан бойитиши зарур. Ўқитувчининг педагогик маҳорати, асосан, аудитория машғулотида яққол кўринади.

Агар педагогнинг касбий маҳорат дастурига амалий қаралса, у ҳолда биринчи ўринга унинг интеграл сифати - ўқитувчи маҳоратидан иборат. Педагогик маҳоратга берилган таърифлар шунча кўп бўлишига қарамай, уларда маҳоратнинг қайсидир жиҳатлари, албатта, ифодаланади.

Маҳорат - бу юқори ва доимо юксалиб боровчи тарбия ва ўқитиш санъатидан иборат. Педагог-ўз ишининг устаси, ўз фанини чуқур билувчи, фан ва санъатнинг мос соҳалари билан яхши таниш, амалда умумий ва ёшлар психологиясини яхши тушунувчи, ўқитиш ва тарбиялаш методикасини ҳар томонлама билувчи ҳамда юқори маданиятга эга бўлган муту-хассисдир.

Педагогика назариясида ўқитувчи маҳоратини 2 хил тушуниш мумкун. Биринчидан, педагогик меҳнатни тушуниш билан боғлиқ бўлса, иккинчидан тарбияда педагог шахси асосий ўрин тутаяди.

Маҳоратни эгаллаш учун кўп нарсани билиш, унга амал қила билиш зарур. Тарбия тамойилари ва қонунларини ҳамда уни ташкил этувчи омилларини билиши зарур. Ўқув-тарбиявий жараён ва унинг ташкил этувчи омиллари самарали технологиялардан фойдаланиш, ҳар бир аниқ ҳолат учун уларни тўғри танлаб олишни, ташхизлашни, олдиндан ишни режалаштиришни билиши ва берилган даража ва сифатни лойиҳаланиш яхши билиши зарур.

"Бизнинг педагогик ишда ҳамма нарсани охир-оқибат маҳорат ҳал этади", - дейди Ю.П.Азаров. Аниқ ирсий хусусият соҳиби бўлган талантли инсонгина ҳақиқий уста - ўқитувчи бўлиши мумкин, деган фикрлар мавжуд. Ўқитувчи бўлиб туғилмоқ зарур. Деярли барча инсонлар (баъзилардан қатъи назар) табиат томонидан табиий тарбиячи сифатларга

эга бўлиб туғилади. Асосий масала шундан иборатки, уларни педагогик маҳоратга ўргатиш зарур.

"Талантли инсонларнинг тасодифий тақсимотига ишонишимиз мумкинми? Бизлар талант ҳисобига тарбияни амалга оширишимиз мумкинми? Йўқ. Шунинг учун фақат маҳорат тўғрисида гапириш мумкин, яъни ҳақиқатда тарбиявий ишларни билувчи, тарбиялай олиш ҳақида гапириш мумкин. Мутахассислик ва билишга асосланган маҳорат ҳамма масалаларни ҳал қила олади",<sup>1</sup> - деган эди А.С.Макаренко.

"Тарбиячи ўзини шундай тутиш керакки, унинг ҳар бир ҳаракати тарбияласин ва ҳар доим у ўзининг нимани хоҳлаганлигини ва нимани хоҳламаслигини билиши зарур. Агар тарбиячи буни билмаса, у кимни тарбиялай олади",<sup>2</sup> - дейди А.С.Макаренко.

Ўқитувчининг маҳорати, ҳар қандай шароитларда ҳам керакли даражадаги тарбияланганли, ривожланганлик ва билимдонларни тарбия қилувчи ўқув жараёнини ташкил қила олишдан иборат.

Ҳақиқий ўқитувчи исталган саволга тўғри жавоб топа олади, талабага ўзига хос йўл билан яқинлаша олади, уни рағбатлантирувчи фикрлар билан ўзига тортади. Бундай ўқитувчи ўз фанини чуқур билади, шулар билан бирга замонавий адабиётни, маданият ва янгиликларни, халқаро ҳодисаларни таҳлил қила олади, у талабалари яхши кўрадиган оммабоп журналларни ўқиб боради.

Демак, уста-бу ҳозирги замон ўқитиш услубларини яхши билувчи ўқитувчи.

Ўқитувчилик санъати, айниқса, дарсларда ўқитишни билишдан иборат. Тажрибали педагог тингловчиларнинг дастурий материални дарс пайтида ўзлаштиришларига эришади. Унинг учун уй иши билимларни мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш ва кенгайтириш усулидан иборат.

Маҳоратнинг яна бир асосий кўрсаткичи ўқувчиларни фаоллаштириш, уларнинг қобилиятлари мустақиллигини ва ўз устида ишлашга нисбатан талабчанлигини ўстиришдан иборатдир. Педагогик маҳоратнинг ташкил этувчиси - бу тарбиявий ишни

<sup>1</sup> Макаренко А.С. Таълим-тарбия тажрибасидан баъзи бир хулосалар. - Т.: Ўқитувчи, 1988. 139-б.

<sup>2</sup> Ўша китоб.

Ўқитиш жараёнида самарадорликни ошириш, ўқувчиларда юқори маънавият, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, мустақилликни шакллантириш.

Ўқитувчининг вазифаси - ўқувчиларда ўқитиш жараёнида, ижобий ҳис-туйғуларни ишлаб чиқишга йўл топа билиш. Булар оддий услублар бўлиб: унга иш услубини ўзлаштириш, ҳиссий ҳолатни яратиш, ўқитувчи фаоллигига оид қизиқ мисоллар келтириш, кучли маъноли танбеҳлар ва шу кабилар. Бу каби услублар нафақат вақтинчалик мувафаққиятни ҳосил қилмасдан, балки улар ўқитувчига бўлган ҳурматни оширади, фанга бўлган турғун ва доимий интилишни юзага келтиради.

Педагогик маҳоратнинг моҳияти - бу муаллим шахсий маданияти, билимлари ва дунёқараши, унинг ўқитиш ва тарбиялаш услубларини билиши, педагогик техника бўйича ҳар томонлама тайёргарликларининг ўзига хос қотишмаси.

Педагогик маҳоратнинг асосий белгиларидан бири ўқитувчи педагогик техникасининг юқори даражаси ҳисобланади.

Ўқитувчи-уста педагогик воситаларнинг барчасини билган ҳолда улардан оптимал ҳолатни лойиҳалаштирилган ҳолга етказувчи энг арзон ва самаралисини ажратиб олади.

Педагогик техниканинг эгаллаганлик даражаси педагогик қобилиятнинг ташкилий қисмидан иборат бўлиб, у педагогика, психология ва алоҳида амалий тайёрланганликни чуқур ва пухта бўлиштини талаб қилади.

Педагогик техниканинг ташкилий қисми - тарбиячининг ўқувчилар эътибори ва ўзининг эътиборини бошқара олишидан иборат бўлиб, у педагогик таъсир - характерлардаги суръатни, тезкорликни сезиш.

Республикамиз раҳбарияти халқ таълими соҳасида ўртага қўяётган вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ. Янги бозор иқтисодиёти сиёсатига ўтиш шароитида таълим-тарбиядан кўзда тутилаётган мақсадларга эришиш, ўқувчиларнинг хилма-хил фаолиятини уюштириш, уларни билимли, одобли, эътиқодли, меҳнатсевар, баркамол инсон қилиб ўстириш ўқитувчи зиммасига юклатилган.

Ҳозирги замон тарбияшунослик фанлари олдида турган муҳим муаммолардан бири-ўқитувчи ва педагогларнинг меҳнат шароити муаммоси ҳисобланади. Чунки ўқитувчида барча педагогик ғоялар мужассамланган бўлиб, унинг фаолияти орқали бу педагогик ғоялар амалга оширилади ва ҳаётга татбиқ эти-

лади. Ўқитувчининг кўп киррали ва мураккаб қобилияти зами-нида ёш авлодни одобли, эътиборли қилиб тарбиялаш, уларни илмий билимлар билан қуроллантириш каби муҳим вазифалар ётади. Буларни амалга ошириш эса ўқитувчининг хилма - хил фаолиятига боғлиқ. Болаларни ўқитиш, дарс-дан ва таълим муассасаларидан ташқари, тарбиявий ишларни ташкил эта билиш ва ўтказиш, ота-оналар ва жамоатчилик ўртасида педагогик тарғибот ишларини олиб бориш ва хоказо. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчидан чуқур билимга эга бўлишини, ўз соҳа-сини, ўқувчиларни севишни талаб қилади. Ўзининг фидоко-рона меҳнати билан ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш сифа-тини оширишга катта ҳисса қўшаётган ижодкор ўқитувчилар сони йилдан - йилга кўпайиб бормоқда. Айниқса, ислохотлар даврида бундай ўқитувчилар эл-юртга танилмоқда.

Таълим муассасаларини ташкил этувчи ва унда тарбияни амалга оширувчи шахс - бу ўқитувчи. Ўқитувчилик шарафли, лекин жуда мураккаб касб. Яхши ўқитувчи бўлиш учун педа-гогика назариясини эгаллашнинг ўзигина етарли эмас. Чунки педагогик назария болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида умумий қонун - қоидалар, умумлаштирилган, услубий ғоялар-ни баён этилади. Педагогик назарияга мос келмайдиган вазия-тлар учраб туради. Бу эса ўқитувчидан кенг билимдонликни пухта амалий тайёргарлик, юксак педагогик маҳорат ва ижод-корликни талаб этади.

Шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистон давлатининг уму-мий ўрта таълим муассасаларида ишлайдиган ўқитувчи қуйи-дагиларни билиши шарт:

— педагогик фаолиятда қобилиятли, ижодкор, ишбилар-мон бўлиши керак;

— миллий маданият ва умуминсоний қадриятларни, дунё-вий билимларни мукамал эгаллаган, диний илмлардан хабар-дор, маънавий баркамол киши бўлиши керак;

— Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида тараққий эти-шига ишонадиган, ватанпарварлик бурчини тўғри англаган, эъти-қодли фуқаро сифатида шаклланган бўлиши керак;

— ихтисослигига доир билимларни, психологик, педаго-гик билим ва маҳоратни, шунингдек, назарий билимларни мукамал эгаллаган бўлиши лозим;

— ўқитувчилик касбини ва болаларни яхши кўрадиган, ҳар бир ўқувчиси улғайиб яхши одам бўлишига чин қўнгилдан ишо-

надиган, уларнинг шахс сифатида ривожланиб, инсон сифатида камол топишига қўмаклашадиган киши бўлиши лозим;

— эркин ва ижодий фикрлай оладиган, талабчан, адолатли, одобли бўлмоғи даркор.

Ўқитувчига бундай таъриф бериш, яъни ўқитувчи-бу ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш учун халқ олдида, давлат олдида жавоб берадиган, ўқувчиларга таълим - тарбия беришга махсус тайёргарлик кўрган ва педагогик фаолият билан, касбий жиҳатдан шуғулланаётган инсон. Бу ерда "Касбий жиҳатдан" деган сўзга эътибор бериш лозим, чунки нокасбий педагогик фаолият билан деярли барча одамлар шуғулланади, аммо фақатгина ўқитувчилар биладики қачон, қаерда, қандай тарбия бериш керак? Ва бу тарбияни амалга оширишда қандай услублардан фойдаланиш ва педагогик қоидаларга мос ҳолда олиб боришни уйдalay олади, ўз касбий бурчини бажариш учун белгиланган тартибда масъулиятни сезган ҳолда самарали бажаради. Ўқитувчилик касбини ўз зиммасига олган инсон барча нарсага масъулиятли, барча нарсани билади ва уйдalayди. Ўқитувчи иши - фаолиятининг энг мураккаб турларидан бири. Ўқувчиларни тарбиялашда уларнинг ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиш, ўрганиш мураккаб жараён. Бунда одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларг мураккаблигини ўзида акс эттирувчи махсус услублардан фойдаланилади.

"Ўз-ўзини эл ишига бағишлаган инсон тарбиясига жон тиккан олижаноб ўқитувчиларни, муътабар ўқитувчиларни бундан бундан ҳам бошимизга кўтарамиз"<sup>1</sup> - дейди Президент И.А.Каримов.

Аммо одамларнинг аксарияти ўқитувчи айнан нима билан шуғулланишларидан тўлиқ хабардор эмаслар ва унинг фаолияти кўзга ташланган ташқи таърифини кўрсатиш билан чекланиб қоладилар.

2. Ўқитувчилик касбининг ижтимоий-тарихий жиҳатлари ва унинг жамиятда тугган ўрни ва моҳияти.

Ҳозиргача "Касбий психология", "Касбий педагогика", "Касбий таълим методикаси" ва бошқа бир қатор профессийо-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. - Т.: Ўзбекистон. 2009. 176 бет.

нал-педагогик тафаккурни шакллантирувчи фанлардан маърузалар эшитдингиз, амалий тажриба ишларини бажардингиз. Бугун биз педагогика фанларидан бири ҳисобланган, "Педагогик маҳорат"ни ўрганишни бошлаймиз. Бу ўқув фанининг вужудга келиши буюк педагог А.С.Макаренко (1888-1939) номи билан бевосита боғлиқ. У болалар калониясидаги фаолиятида "Инсоният чиқиндисининг энг охири сарқитлари", яъни фақат тарбияси эмас, балки маънавий қиёфасини ҳам йўқотган болалар билан ишлаб, уларнинг бениҳоят хурматига, ишончига сазовор бўлди. Шахсий тарбиявий услуби билан бутун оламга машҳур бўлганлигининг ўзи ҳам А.С.Макаренконинг юксак педагогик маҳорат чўққисига эришганлигининг яққол далили. А.С.Макаренко асарлари жаҳондаги 104 та мамлакатда 15 тилда нашр этган. Унинг "Педагогик поэма" си Германияда 50 марта нашр қилинган. Жазоирликлар бу асарни муқаддас китоблар қаторига киритадилар. А.С.Макаренконинг жаҳон педагогикасига қўшган буюк хизматларини эътиборга олиб, ЮНЕСКО 1988 йилни унинг 100 йиллиги муносабати билан "Макаренко йили" деб эълон қилди ва бу байрам кенг нишонланди.

А.С.Макаренко бўлажак педагог - талабалик давридаёқ педагогик маҳорат сирларини ўрганиши зарурлигини таъкидлаб бундай дейди: "Нима учун техника олий таълим муассасаларида материаллар қаршилиги ўқитилади-ю, аммо педагог ўқув юртларида тарбия жараёнида, унга шахснинг қаршилиқ кўрсатиши ҳақидаги фан ўқитилмайди?"<sup>1</sup> Буюк педагогнинг бу фикрига Полтава (Украина Республикаси) педагогика институти олимлари (А.С.Макаренко бу даргоҳда ишлаган) жуда катта масъулият билан қарашди.

Улар бир неча йиллар давомида А.С.Макаренко педагогик маҳорати мактабини, мавжуд бўлган илғор педагогика назарияси ва амалиётини атрофлича таҳлил қилишди. Натижада 1979 йилда "Педагогик маҳорат асослари" ўқув фани яратилди ва у барча олий педагогика таълим муассасаларида ўқитила бошланди.

Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси ўқув фанларида ҳар бир ўқитувчининг ижодий қобилиятларини ривожлантириш бўйича анчагина йўл-йўриқ ва тавсияномалар

---

<sup>1</sup> А.С.Макаренко. Таълим-тарбия тажрибасидан баъзи бир хулосалар. - Т.: Ўқитувчи, 1988. 136 - б.

берилган бўлса, "Педагогик маҳорат асослари" фанида педагогик маҳорат нималарга боғлиқ ва унга қандай қилиб эришилади, маҳоратли педагог бўлиш учун нималарга эътибор бериш зарур, каби саволларга жавоб топасиз.

Бу ўқув фани тўзилиш принципининг ўзига хослиги шундаки, у муҳандис-педагогга шахс ва жамоага таъсир эта олишни таъминлайдиган, турли фанларга боғлиқ бўлган билимларни тинглаб, уларни ўзида мужассамлантиради. Шунинг учун ҳам фан дастурига педагогик маҳорат моҳияти талабага таъсир этиш воситалари ва услублари каби педагогик маҳоратларнинг одатдаги масалаларидан ташқари, театр педагогикаси ва нотиклик санъати ҳақидаги маълумотлар ҳам киритилган. Бу ўқув фанини ўрганиш педагогика, психология, методика ва бошқа педагогика фанлардан эгалланган бўлимларга асосланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, "Педагогик маҳорат" фанининг мақсади талабаларда педагогик жараёнини мустақил, юқори савияда ташқил этиш ва ўз фаолиятида энг юқори самарадорликка эришишда малакаларни шакллантириш бўлиб ҳисобланади. Бу мақсадга эришиш куйидаги вазифаларни ҳал этиш, бўлажак муҳандис-педагог шахсида куйидаги ҳислатларни таркиб топтириш билан боғлиқ:

- инсонпарварлик ҳислатларини ривожлантириш;
- коммуникатив (мулоқотга мойиллик) малакаларини шакллантириш;
- касбий мустақиллик, ишчанлик, ҳиссий барқарорлик, ўз ишига ижодий ёндашиш ҳислатларини таркиб топтириш;
- педагогик таъкид ва педагогик техникадан оқилона фойдаланишни шакллантириш;
- нутқ техникасини, ўз товуш ва гавдасини бошқариш, жамоага ва шахсга таъсир кўрсатиш қобилиятларини такомиллаштириш.

Педагогик маҳорат-бу педагогик (ўқув тарбиявий) жараённинг барча шакллари энг қулай ва самарали ҳолатда ташқил этиш, уларни шахс камолоти мақсадлари томон йўналтириш, тарбияланувчиларда дунёқараш, қобилиятни шакллантириш ва уларда жамият учун зарур бўлган фаолиятга мойиллик уйғотиш.

Инсон фаолиятининг бошқа турлари каби педагогик фаолият ҳам ўз хусусиятлари билан бир-биридан ажралиб турувчи: мақсад, объект, субъект ва воситалардан ташқил топади.



Энг аввало, педагогик мақсаднинг ўзига хослигини тушунишга ҳаракат қиламиз. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Педагогик фаолиятнинг мақсади жамият томонидан белгиланади, яъни педагог фаолиятнинг натижаси жамият манфаатлари билан боғлиқ. Унинг меҳнати ёшлар шахсини ҳар томонлама комил топтиришга йўналтирилган бўлиши зарур. Педагогик фаолият авлоднинг ижтимоий узвийлигини) таъминлайди, бир авлод тажрибасини иккинчи авлодга ўтказиши. Ёшларни ижтимоий муносабатлар томон йўллайди, ижтимоий тажриба орттириш учун инсондаги табиий имкониятларни рўёбга чиқаради.

2. Педагогик фаолият доимо шахс фаолиятини бошқариш билан боғлиқ. Унда педагогик мақсад талаба мақсадига айланиши муҳим. Унга эришиш осонликча бўлмайди. Педагог ўз фаолияти мақсадини ва унга эришиш йўллари аниқ тасаввур қилиш, мақсадга эришиш талабалар учун ҳам аҳамиятли эканлигини уларга англата олиш зарур. И.Гёте таъкидлаганидек, "Ишонч билан гапир, ана шунда сўз ҳам, тингловчиларни маҳлиё қилиш ҳам ўз-ўзидан келаверади."<sup>1</sup>

3. Педагогик маҳоратнинг ўзига хос ва вазифалари.

Педагогик (таълим, тарбия) жараёнида талаба фаолиятини бошқариш шунинг учун ҳам мураккабки - педагог мақсади талаба келажиги томон йўналтирилган бўлади. Бу мақсадни талабадан кўра, педагог яққолроқ тасаввур қилади. Талаба эса кўп ҳолларда ҳаётининг тажрибаси етишмаслиги сабабли ҳозирги ҳаёт, шу бугун ташвишлари билан яшайди, келажакни эса тўла тасаввур қила олмайди. Бунёдкор педагоглардан бири Ш.А.Амонашвили номувофикликни "тарбиядаги асосий фожеа" деб атади. Буни англаган ҳолда, моҳир педагоглар ўз фаолияти мантигини талабалар эҳтиёжларини мувофиқ ҳолда лойиҳалашди. Ҳамкорлик педагогикасининг туб моҳияти ана шундан иборат.

Шундай қилиб, педагогик фаолият мақсадининг ўзига хослиги ўқитувчидан қуйидагиларни талаб қилади:

- жамиятнинг ижтимоий вазифаларини (масалан, муҳандис-педагоглар тайёрлашни) тўла англаб, ўз шахсига қабул

<sup>1</sup> А.С.Макаренко. Таълим-тарбия тажрибасидан баъзи бир хулосалар. - Т.: Ўқитувчи, 1988. 97-98 - б.

қилиш. Жамият мақсадларининг "ўсиб", унинг педагогик нуқтаи назарига айланиши;

- муайян ҳаракат ва вазифаларга ижодий ёндашиш;

- талабалар қизиқишларини эътиборга олиб, уларни педагогик фаолиятнинг белгиланган мақсадларига айлантириш. Талабалар билан касбга йўналтириш ишларини олиб боришда бунга эътибор бериш зарур.

Энди педагогик фаолият объектининг ўзига хослигини кўриб чиқамиз. Бу фаолиятнинг объекти инсон. Педагог-тадқиқотчиларнинг фикрича, педагогик объектнинг ўзига хослиги қуйидагилардан иборат:

1. Инсон-табиатнинг жонсиз моддаси эмас, балки ўзининг индивидуал сифатлари, рўй бераётган воқеаларнинг идрок қилиши ва уларга ўзича баҳо берадиган, такрорланмайдиган фаол мавжудот. Психологияда таъкидланганидек, ҳар бир шахс такрорланмас. У педагогик жараённинг ўз мақсади, иштиёқи ва шахсий ҳулққа эга бўлган иштирокчиси ҳам. Шундай қилиб, педагогик фаолиятнинг объекти бир пайтнинг ўзида бу фаолиятнинг субъекти ҳисобланади.

2. Педагог доимо ўзгариб, ўсиб борадиган инсон билан ишлайди. Уларга ёндашишда бир хил қолип, шаклланиб қолган хатти-ҳаракатлардан фойдаланиш мумкин эмас. Бу эса педагогдан доимо ижодий изланишни талаб қилади.

3. Талабаларга педогогдан ташқари атроф-муҳит, ота-она, бошқа фан ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий ҳаёт ҳам баъзан сезилмайдиган, баъзан эса ҳар томонлама бир неча йўналишда таъсир этади. Шунинг учун ҳам педагог меҳнати бир вақтнинг ўзида жамики таъсирларга ва талабаниннг ўзида пайдо бўлган фикрларга тузатишлар киритиб боришни назарда тутати. Масалан, диний экстремизм ва бошқа оқимларга кириб кетган ёшларнинг адашганлигини тушунтириш, оммавий ахборот воситалари орқали берилаётган ахборотларни тўғри англашга ундаш ва ҳ.к. Тарбия жараёни ўз-ўзини тарбиялаш билан уйғунлашган ҳолда олиб борилиши зарур.

Умуман олганда, ҳозирги замон педагогикаси ҳамкорлик педагогикаси бўлиб, у таълим муассасаларидаги тарбиявий муносабатларнинг инсонпарварлашуви ва демократлашувига йўналтирилган. Бунда талабалар фаоллигини ошириш, уларни педагогик жараённинг иштирокчисига ўқитувчининг эса унинг меҳрибон устозига айлантириш муҳимдир. Зеро, Ўзбе-

кистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунида таъкидлаганидек, таълим жараёнини демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш, таълим тизимини ташкил этишнинг асосий принципларидан бири.

Ҳамкорлик педагогикасининг туб моҳияти нима?

Педагогик фаолиятининг субъекти тарбияланувчиларига асосан - педагог, ота-она ва талабалар жамоаси таъсир кўрсатадилар. Ўқитувчининг шахси, билими ва маданияти талабаларга таъсир кўрсатувчи асосий қурол бўлиб ҳисобланади. Агар талаба педагог шахсини ўзига қабул қилмаса (унга ҳиссий яқинлик ҳис этмаса), унинг таъсирига берилмайди, қайсарлик қилади, уни ҳурмат қилмайди. Талаба шахсига доимо ижобий-ахлоқий таъсир кўрсата оладиган кишигина ҳақиқий тарбиячи. Бунга эришиш учун педагог ўзининг ахлоқий сифатларини доимо такомиллаштириб бориши зарур. Педагог томонидан содир этилган арзимас бўлса-да, ахлоқсизлик, унинг талабалар ўртасида мисқоллаб йиғилган обрўсига путур етказиши муқаррар. Талабаларни меҳнат, мулоқот, ўйин, ўқиш каби фаолият турларида иштирок этишлари тарбиянинг асосий воситаси бўлиб ҳисобланади. А.С.Макаренко ўзининг тарбия тизимининг маркази сифатида ўқувчиларни унумли меҳнатда иштирок этишларини қўяди. Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида касб-хунар коллежлари ўқувчиларини маҳсулот яратувчи меҳнатга жалб қилиб, унинг натижасидан баҳраманд қилишда ҳам бу тизим яхши самара беради. Наманган вилоятининг Чортоқ туманидаги касб-хунар коллежи ишлаб чиқариш таълими устаси А.Халиков педагогик ўйинлардан самарали фойдаланиб, ўқувчиларга пухта касбий малака беришга эришмоқда. Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин. Демак, ҳар бир моҳир педагог ўзининг индивидуал педагогик тизимига эга бўлиши зарур.

Айрим педагоглар касбий маҳорат сирларини эгаллаш учун, энг аввало, таълим-тарбияга оид услубларни такомиллаштиришга интиладилар. Бу табиий ҳол, чунки айнан услублар ёрдамида педагог ўз ўқувчиларини турли ўқув фаолиятига жалб қилади. Бу билан ўқувчиларда муайян билим, кўникма, малакалар ва ҳулқни шакллантиради.

Лекин, айнан бир хил услуб билан ишлаган турли ўқитувчиларнинг эришган натижалари ҳам турлича бўлиши аниқланган. Бунинг устига, синов ўтказилган услублардан фойдаланган бўлсалар-да айрим ўқитувчилар, ҳатто энг қуйи даражадаги

ўзлаштириш натижаларига ҳам эриша олмаганлар. Бундай ўқитувчилар: "Ҳамма нарсани услубий тавсия асосида бажардим, нима учун қайсарликни ва дарс тайёрламасликни давом эттирмакдалар?" - деб хайрон бўладилар. Гап шундаки, ўқувчиларни билим олишга қизиқтиришда ўқитувчи томонидан танланган услублар ва топшириқлардан бошқа сабаблар ҳам таъсир кўрсатади. Педагог фаолиятининг мувафаққиятли кечиши унинг шахси, характери, ўқувчилар билан муомаласига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Лекин, одатда буларнинг таълим тарбия жараёнига таъсири аҳамиятсиздек туюлади. Аммо, тажрибали педагог унинг ҳатти-ҳаракати талабаларга қандай таъсир кўрсатганлигига аҳамият бериб, унга керакли тўзатишлар киритиб, такомиллаштириб боради. Бундай ўқитувчиларнинг илҳомбахш муаммоларидан ўқувчиларда ўқишга интилиш ўзларида янада яхшироқ ўқишни уддалай олишга ишонч ҳисси пайдо бўлади. Бу ҳолда таълим-тарбия услублари педагог шахсида мужассамланган сифатларни амалга ошириш ва ундан талабага ахлоқий фазилатларни ўтказиш воситасига айланади. Шунинг учун ҳам, педагогик маҳоратни ўқитувчи шахси сифатларининг мажмуи сифатида қараб, уни ўқитувчи юқори даражада психологик-педагогик тайёргарликка эга бўлиши билан боғлиқ бўлишини эътироф этиши лозим.

Демак, педагог маҳорат тушунчаси бир-бири билан боғлиқ бўлган бир неча қисмлардан ташкил топар экан. Бундай ҳолда педагогик маҳоратни қуйидагича таърифланади: "Педагогик маҳорат шахс сифатлари мажмуи ва ўқитувчи томонидан профессионал педагогик фаолиятни мустақил равишда юқори савияда ташкил этишгни таъминлаш бўлиб, у педагогни ўз фаолияти моҳирлигининг энг юқори чўққисига эришганлигини билдиради". Бундан кўриниб турибдики, педагогик маҳорат бу педагогик фаолиятнинг барча турларини энг қулай ва самарали ҳолатда ташкил этиш, уларни шахс камолоти ва ҳар томонлама ривожлантириш мақсадларига йўналтириш, ўқувчиларда дунёқараш қобилиятини шакллантириш ва уларда ижтимоий зарур меҳнатга мойиллик уйғотиш ҳисобланади. Бу борада аждодларимиз ҳеч нима дейишмаганми?

Муҳандис-муаллим педагогик маҳорати назариясини яратишда Ўзбекистонлик олимлардан Р.Х.Жўраев, У.Н.Нишоналиев, К.Ж.Мирсаидов, Э.Т.Чориев ва бошқалар самарали тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Ўқитувчининг бошқа одамлардан нима фарқи бор? - деб савол берсак. Кўп нарса ойдинлашади. Ўқитувчи фанни билиш билан бирга педагогик фаолиятни ҳам уддалай олиши керак. Ҳар бир ўқитувчи маҳоратли педагог бўлишда ўз вазифасини билиши лозим. Албатта, математикани ўргатиш фақат математикани биладиган одам қўлидан келади. Лекин қанчадан-қанча билимли математиклар ҳеч нарсага ярамайдиган ўқитувчи бўлиб чиқадилар. "Ўқитувчи ўзи нима иш қилади? Унинг педагогик вазифаларини қандай сўзлар билан ифодалаш мумкин?" - деган саволга моҳирона жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Педагогик маҳорат ўқув фанининг вазифалари: тарбия моҳиятини ва шахсни ҳар томонлама тараққий эттиришда тарбия ролини очиб беради, тарбиянинг мақсади, мазмуни, услублари, уни ташкил этишдаги шакллари ўртасидаги боғланишларни кўрсатади. Шунингдек, педагогик маҳорат фани ўз тараққиёти давомида таълим-тарбия соҳасидаги тажрибаларни умумийлаштиради. Келгусидаги ривожланиш истиқболлари йўлларини ёритиб беради, тарбиявий ишларнинг шаклларини кўрсатади. Ўқитувчининг педагогик маҳорати шундай бир малакалар йиғиндиси дирки, у педагогик тарбияланувчиларни кўриб, эшитиб турган нарсалари орқали ўз фикрларини етказиш имконини беради.

### Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар:

Педагогик маҳорат, новаторлик, инновацион фаолият, педагогик қобилият, педагогик техника (қўникма, иқтидор), ҳамкорлик педагогикаси, муҳандис-педагог.

### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т., 1997.
2. Худойқулов Х.Ж., Одоб - ахлоқ ва тарбия дурдонаси. - Т., 2010.
3. Мавланова Р., ва бош. Педагогика. - Т.: Ўқитувчи, 2001.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". - Т., 1997.
5. Очилов М.О., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. - Т., 1997.
6. Гулбоев Т. Янги педагогик технологиялар. Маърузалар матни. - Навоий, 2000.
7. Худойқулов Х.Ж. Педагогика ва психология. Услубий қўлланма. - Т., 2010.
8. Махмудов Ю.Ғ., Худойқулов Х.Ж., ва бошқалар. Миллий гурурмаънавий комиллик мезони. - Т.: ДЗАЙИН ПРЕСС. 2011й.

## 2-мавзу: "Педагогик маҳорат" фанининг ўқитувчи фаолиятидаги ўрни ва аҳамияти

### РЕЖА:

1. Педагогик маҳорат ўқув фанининг ўқитувчи фаолиятида тутган ўрни.

2. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари ва уларнинг аҳамияти.

3. Маҳоратли ўқитувчининг шахсий сифатларига қўйилган талаблар.

1. Педагогик маҳорат ўқув фанининг ўқитувчи фаолиятидаги тутган ўрни.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"да белгиланган вазифалар таълим мазмунини тубдан ўзгартиш заруратини келтириб чиқардики, бу педагоглардан тинимсиз ижодий изланиш, ҳар томонлама чуқур билим ва фидокорона меҳнат қилишни талаб этишдан ташқари, кучли маҳорат соҳиб бўлишликни ҳам тақозо этади.

Айнан шу йўналишда бўлғуси педагог кадрларни педагогик маҳорат элементлари билан қуроллантиришда "Педагогик маҳорат" ўқув фанининг замонавий таълим мазмуни муҳим роль ўйнайди.

Ушбу фан замонавий педагог унинг касбий сифатлари педагогик маҳорат элементлари ва уни татбиқ этиш технологияси масалаларини қамраб олган.

Ишдаги маҳоратлилиқ - бу фаолиятдаги ихтисослик йўналиши ҳамда ихтисослик кўникма ва малакалар йиғиндиси ҳисобланади. Ўқитувчининг маълум ихтисосга тайёргарлиги тегишли ўқув фанини билиш умумий педагогика, методика назариясини эгаллаш билан чегараланмайди. Мактабда амалий психологик-педагогик тайёргарликка эга бўлган, заковатли, маданиятли, ижодга интиладиган, болалар қалбини тушунадиган ва уларга таъсир ўтказа оладиган моҳир педагоглар зарур.

### Педагогик маҳорат нима?

У ўқитувчи шахсидан табиий имкониятлар, педагогик-психологик иқтидор, ишга ўта масъулият билан қараш, боладаги ўзгаришларни ўз вақтида сезиш ва ҳар бир шароитни ҳисобга

олиб бола шахсига ва улар жамоасига тўғри таъсир эта олишнинг амалий намоён бўлиши. Педагогик маҳорат мураккаб бўлиб, қуйидаги педагогик-психологик талабларни бажаришни тақозо этади:

— педагогик маҳорат асослари курси педагогика ўқув юр-тларида ўрганилаётган педагогик ва психология фанлари дастурларига доир материални такрорланмаслиги, шунингдек, уларнинг мантиқий тўзилишига зарар етказмаган ҳолда, унинг таркибий қисми бўлиб қолсин;

— назарий ва амалий машғулотларнинг педагогик амалиёт билан алоқасини тўла таъминлашга эриша олсин;

— бўлажак ўқитувчининг бола шахсига ва ўқувчилар жамоасига таъсир ўтказа олиш қўникмасини такомиллаштириш моҳиятини билиш ва унинг шаклланишига олиб келувчи фан соҳаларини аниқлаш, билимлар мазмунини танлаш;

Ўқув-тарбия ишлари жараёнида улкан натижаларга эришиб, фаолиятнинг юксак даражада баҳоланишини ва ҳамма томондан тан олишини истайдиган ўқитувчи топилмаса керак. Бунга эришишни педагогик маҳорат деймиз.

Ҳозирги даврда мустақил Ўзбекистонда қурилаётган демократик ҳуқуқий давлатда фаолият кўрсатадиган ўқитувчи қандай бўлиши керак? Ҳозирги замон ўқитувчисининг муҳим асоси - бу инсонпарварлик йўналиши. Ўқитувчи-юксак даражада умумий маданиятга эга киши.

Демак, ўқитувчи педагогик маҳоратининг асоси ўз устида ишлаб бориши, мустақил ўқиши.

Фан ва маданият ривожланиши таълим-тарбия ишларининг қай йўсинда олиб борилишидан келиб чиқади. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин таълим-тарбия соҳасида миллий ахлоқ-одобни қайта тиклаш борасида турли-туман анъаналарни жойига қўйиш, миллий қадриятларни янада ривожлантириш хусусида кескин ва буюк бурулишлар бўлгани барчага аён. Давлатнинг буюк келажаги, албатта, ёшларни чуқур билимли ва покиза ахлоқ-одобга эга эканлигини ёддан чиқармаслик керак. Бу муаммода маҳоратли, билимли педагогларнинг ўрни муҳим ва педагогик маҳорат ўқув фанининг роли катта.

"Педагогик маҳорат" ўқув фанининг предмети, педагогнинг маҳорати "Педагогик маҳорат" фанининг мақсади асосида маҳоратли педагогни тарбиялашдир.

Тарбиянинг моҳияти шахсни ҳар томонлама тараққиёт этиришда тарбиянинг ролини очиб беради, тарбиянинг мақсади, мазмуни, услублари уни ташкил этишдаги шакллари ўртасидаги боғланишларни кўрсатади. Шунингдек, педагогик маҳорат ўқув фани ўз тараққиёти давомида таълим-тарбия соҳасидаги тажрибалар умумлаштиради. Тарбиянинг келгусидаги ривожланиш истиқболлари йўларини ёритиб беради, тарбиявий ишлар шаклларини кўрсатади. Ўқитувчининг педагогик маҳорати шундай бир малакалар йиғиндиси дирки, у педагогга тарбияланувчилар кўриб ва эшитиб турган нарсалар орқали ўз фикрларини етказиш имконини беради.

## 2. "Педагогик маҳорат"нинг таркибий қисимлари ва уларнинг аҳамияти.

Педагогик техника педагогик маҳоратнинг таркибий қисми сифатида ўқитувчининг нутқ малакаларини, яъни саводли гапириш, ўз нутқини чиройли ва тушунарли, таъсирчан қилиб баён этиш, ўз фикр ва ҳис-туйғуларини сўзда аниқ ифодалаш малакаларини айтиб ўтиш мумкин.

Педагогик техниканинг бошқа таркибий қисми педагогнинг мимик ва пантомимик ифодалилиги.

Аниқ имо-ишора, маъноли қараш рағбатлантирувчи ёки негеззоли табассум педагогик таъсир кўрсатишда кўп сўзни тушунтириш ёки эътироз билдиришга қараганда инсон онгги самарали таъсир ва муомала воситаси ҳисобланади.

Педагогик техниканинг умумий муҳим хусусиятлари: ривожланган педагогик техника ўқитувчига ўқувчилар билан муомала қилганда зарур сўз, гап оҳанги, қараш, имо-ишорани тез ва аниқ топиш энг ўткир ва қутилмаган педагогик вазиятларда осойишталикни ва аниқ фикр юритиш таҳлил қилиш қобилиятини сақлаб қолиш имконини беради.

Педагогик техника малакаларининг иккинчи муҳим хусусияти шундан иборатки, уларнинг ҳаммаси аниқ ифодаланган индивидуал-шахсий тусда бўлади, яъни педагог индивидуал психик-физиологик хусусиятлари асосида таркиб топади. Индивидуал педагогик техника педагогнинг ёши, жинси, мижози, феъл-атвори, сиҳат-саломатлиги, анатомик-физиологик хусусиятларига боғлиқ.

Педагогик техниканинг учинчи муҳим хусусияти шуки, педагогик таъсир кўрсатишдаги худди ана шу малакалар ор-



кали педагогнинг маънавий ва эстетик нуқтаи назарлари тарбияланувчиларга янада очиб беради. Агар педагогининг нутқи қашшоқ ва тартибсиз бўлса, у булар-бўлмас сабаблар билан ўз хиссиётларига эрк берса, диди паст, эстетик жиҳатдан оми бўлса, у холда "энг тўғри" сўзлар ҳам, энг "керакли" тадбирлар ҳам тарбияланувчиларнинг на ақл-идрокига, на хиссиётига таъсир қилади.



Ўқитувчилик касбини севиш педагогик одобнинг зарур талабларидан бир ҳисобланади.

Ўзи дарс берадиган фанни, уни ўқитиш методикасини, педагогика ва психологияга доир билимларни чуқур эгаллаш, юксак маънавий маданиятли бўлиш ўқитувчи одобнинг қонуний талабларидандир. Ўқитувчининг билимдон бўлиши, маънавий баркамоллиги ўқувчи шахсининг шаклланишига ижобий ахлоқий таъсир ўтказади. "Қадимги аждодларимиз, деган эди Президент И.А.Каримов Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузасида", комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ Кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан мурасасиз исён бўлиши керак". Ўқитувчи ҳалоллик, ростгўйлик, ахлоқий поклик, одамийлик, камтарлик одобнинг муҳим талаб қоидаси.

Бу сифатлар ўзаро боғлиқ бўлиб, бири иккинчисини тақозо қилади. Масалан, ҳалоллик ўқитувчининг ички ва ташқи дунёси бирлигини. Сўзи билан иши бир-бирига тўғри келишини, ўқувчиларига, ота-оналарга, касбдошларига самимий муносабатини кўрсатади. Ҳалоллик тўғрилиқни, ростгўйликни, ўқувчиларга бўлган ишончни, самимийликни тақозо қилади. Ҳалол ва ростгўй одам оддий ва камтар бўлади. Бу фазилатлар ахлоқий киши сифатида ўқитувчининг обрўйини оширади.

Ахлоқий эътиқод ўқитувчининг дарс бериш жараёнида, тарбиявий ишларда, ўқувчилар ва бошқа кишилар билан муносабатида, муомаласида, кундалик турмушида ўзининг шахсий намунаси билан ахлоқий таъсир ўтказишда намоён бўлади.

Ўқитувчи одобининг талаб-қоидаларидан яна бири ўз кучига, ўзи бажараётган ишининг тўғри, фойдали эканлигига тарбияланувчиларнинг қобилияти ва келажагига ишонч билан қарашдир. Ишониш ва адолатли бўлиш учун эса бола маънавий дунёсининг энг нозик кўз илғамас томонларигача билиш керак. Ўқитувчи муносабатларида ва муомаласида кўтаринки рух ва яхши кайфиятга эга бўлсагина, ишда дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликларни осон бартараф этади.

Ўқитувчи одобида яхшилик тушунчаси ўқитувчи фаолияти билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Унда ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси манфаатларининг мақсадининг бирлиги акс этади. "Инсон дунёга яхши иш қилиш, яхши из қолдириш учун келади, яхши фарзандларни тарбиялаб, қилган яхши ишлари ва қолдирган яхши сўзларига муносиб ворислар тайёрлайди.

Шахс ахлоқини характерлайдиган белгилардан бири масъулият. Ўқитувчи масъулияти масъулият тушунчасининг бутун мазмунини сақлаган ҳолда, ўқитувчи фаолияти, таълим-тарбия жараёни, унинг вазифаларини ҳам ўз ичига олади. Ўқитувчи зиммасига бола шахсини ҳар томонлама камол топтириш масъулияти юкланади.

Ҳозирги замон ўқитувчиси умумий ўрта таълим мактабининг педагогик тафаккур эгаси, муносиб шахс, ўз ишининг устаси бўлган ўқитувчига мухтож.

Шахс сифатидаги бундай ўқитувчи ҳар томонлама ривожланган, илмий тафаккурга эга бўлган кенг қўламдаги умуммаданий ва касбий маълумотли, ўзлигини узлуксиз ривожлантириш қобилиятига эга бўлиши керак. У фуқаро сифатида ўз шаҳри, қишлоғи, маҳалласи, мактабининг долзарб муам-

моларини ҳал қилишда фаол иштирок эга олиши зарур. Ижтимоий-иқтисодий тайёргарликка эга бўлиши, миллий маданиятини ва бошқа халқлар маданиятининг энг яхши ютуқларини чуқур эгаллаган бўлиши ва уларни ўз ўқувчиларига етказа олиши керак.

Мутахассис сифатида ўз фанини чуқур билиши, педагогик мулоқот устида бўлиши, педагогик-психологик, услубий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаган бўлиши, ҳар хил педагогик вазиятларни зудлик билан ўрганиши ва баҳолаш қобилиятига эга бўлиши керак.

Ўқитувчи касбий фаолиятининг маънавий асосини мустаҳкамлаши зарур. Педагогик фаолиятнинг оммавийлиги, ўқитувчиликнинг жамият билан ҳамкорлиги мактаб билан жамиятнинг янгиланиш йўлида анча илгари боришига имкон беради. "Билимга элтувчи ягона йўл - бу фаолият". (Бернард Шоу).

"Агар инсон бирор касбни мукамал эгалласа, меҳнат унга хузур бағишлайди, бахт келтиради (Андре Маруа).

"Яхши мураббий бўлган тақдирдагина яхши ўқитувчи бўлиши мумкин", - деган эди В.А.Сухомлинский, хақиқатан ҳам, шундай. Уста тарбиячигина болаларнинг энг севимли ўқитувчиси ҳисобланади. Унинг фазилатидаги энг муҳим нарса фақат ўз предметини, ўзи ўқитаётган фанини яхши билишгина эмас, балки ўз кўлидаги ўқувчиларнинг қалбини биледи. Ҳар бир болани яхши тушуниши, уларнинг ҳар бири билан муомала хилиш, таъсир этиш йўлини беҳато белгилай олишдир.

Ўқитувчи тайёрлашнинг профессиограммаси мавжуд бўлиб, унда турли ихтисосликлар бўйича ўқитувчига хос фазилатлар кўрсатилади.

Қуйида ҳар бир бўлажак ўқитувчи ўзида ҳосил қилиши лозим бўлган умумий педагогик малакалар ҳамда шахсий сифатлари нимадан иборат бўлиши кераклигини кўриб чиқамиз.

Ўқитувчининг шахсий сифатларига қўйиладиган талаблар.

Болаларга меҳр-муҳаббатли бўлиш ўқитувчининг энг муҳим фазилати. Бу боланинг ҳамма қилик-қилмишларини кечириб, уларга хушомадгўйлик эмас, балки талабчанлик ва қаттиққўллик билан қўшилган меҳр-муҳаббат бўлиб, ана шу сифатга эга бўлган шахс ўзининг кўп вақтини ва кучини болаларга бағишлагга тайёр бўлади, зарур вақтда ўз истакларини

қурбон қилиб, болалар манфаати йўлида эҳтиёжларини чеклаб туришга тайёрдир.

Ўқитувчи шахсига хос сифатлардан яна бири инсонга, болага бўлган ишонч, ўз ишининг тўғрилигига, унинг фойдалигига ишонишнинг комиллиги.

Ўқитувчи учун унинг одоби, эмоционал маданияти юксак бўлсагина, у одамларга нисбатан меҳрибон, саховатли бўла олади, уларни ҳамиша ҳурмат қилади. Бунинг учун у очик кўнгил, қатъий бўлиши ўзини тута билиши, бардошли бўлиши билан қийинчилик олдида эсанкираб, ўзини йўқотиб қўйиб, муомалада кўполлик қилишдан сақлана олиши, ўзига ва болаларга нисбатан талабчан бўлиши билан бирга ўз шахса танқидий нуқтаи назардан қарай олиши керак.

**Ўқитувчининг билимлари:**

1. Тарбия жараёнининг назарий ва методик асосларини,
2. Ўқитиш асосларини (ўз предметини ва уни ўқитиш методини),
3. Анатомия-физиология ва гигиена асосларини,
4. Педагогика ва психологияни,
5. Сиёсат, тарих, адабиёт, санъат, этика, эстетика, ҳуқуқ, фан, техника каби соҳаларга оид умумий билимларини кенг эгаллаши керак.

**Ўқитувчининг малакаси:**

Педагогик малака - эгаллаган билим ва кўникмалари асо-сида фаолиятнинг маълум турини уддалай олиш, яхши бажа-ра олиши қобилияти. Ўқитувчи фаолиятига оид бундай мала-каларга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- а) амалий малакалар;
- б) ташкилотчилик малкалари;
- в) ўзаро алоқаларга оид малакалари.

**Ўқитувчининг фаолияти қирралари:**

1. Билимдонлик,
2. Ривожлантирувчилик,
3. Йўналтирувчилик,
4. Сафарбарлик,
5. Лойиҳачилик.

**Ўқитувчининг малакаси:**

**I.) Амалий малакалар:**

1.Таркибий ишларни режалаштира билиш, фаолиятнинг энг мақсадга мувофиқ турларини танлай билиш.

2. Ҳар бир ўқувчига нисбатан уни жамоа шароити тарбиялашнинг индивидуал дастурини амалга ошира билиш.

3. Ўқувчиларнинг ёшлик ва шахсий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, уларга нисбатан индивидуал муносабатни амалга ошира олиш.

#### II.) Ташкилотчилик малакалари:

1. Ўқувчилар орасида фаол болаларни аниқлай билиш.

2. Ўқувчиларга берилган жамоат топшириқларнинг бажарилиши юзасидан назорат ўрнатиш ва уларга зарур вақтда амалий ёрдам бера олиш.

3. Ота-оналар ва кенг жамоатчилик ўртасидаги ишларни ташкил эта билиш.

#### III.) Ўзаро алоқаларга оид малакалари:

1. Ўқувчилар, ота-оналар, ўқитувчилар, жамоатчилик вакиллари билан педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ келадиган алоқалар ўрната олиш.

2. Ўқувчиларни ўзига мойил қилиб олиш ва улар билан алоқанинг энг мақбул формасини топа билиш.

Фаолият турли мақсад ва объектдан ташқари касбий-педагогик вазифалар туркими билан тавсифланади. Педагогик вазифаларнинг кетма-кетликда ечилиши қуйидагича:

— педагогик вазиятни таҳлил қилиш, диагноз натижаларини лойиҳалаш ва педагогик таъсирчанлигини режалаштириш;

— ўқув-тарбиявий жараёни конструкциялаш ва амалга ошириш;

— педагогик жараёнга ўзгартиришлар киритиш;

— якуний ҳисобот, олинган натижаларни баҳолаш ва янги педагогик вазифаларни аниқлаш.

Бу вазифалар педагогик фаолиятнинг умумлашган иккинчи даражасини ҳосил қилиб, касбий-педагогик малака таркибини аниқлаш учун асос бўлади. Психолог, педагог ва социологларнинг илмий-тадқиқотлари натижаларига асосланиб, малакалар шаклланиши жараёнини қуйидаги схемада қабул қилиш мумкин:

**БИЛИМ** —▶ **КЎНИКМА** —▶ **МАЛАКА**

Бундан кейин эса касбий таълимнинг охириги мақсади, яъни маҳорат шаклланади.

**Кўникма** — малаканинг таркибий қисми бўлиб, ҳаракатнинг айрим қисмларини ниҳоятда тез, аниқ ва мақсадга мувофиқ тарзда ўз-ўзидан бажарилиш қобилиятини ифодалайди ва ўқувчилар кўп марта такрорлаш машқлари натижа-сида юзага келади.

**Малака** — ўқувчиларнинг меҳнат жараёнидаги ҳаракатини (ёки ҳаракатлар мажмуасини) муайян шароитда мақсадга му-вофиқ бўлган ҳаракат усулларида фойдаланиб ва шу туфай-ли меҳнатда ижобий натижаларга эришиб, онгли ва тўғри бажаришга тайёр (қобилиятли) бўлиши.

**Маҳорат** — турли малакалардан ишончли, ижодий равиш-да фойдаланиш ҳамда касбий малакалар ривожланишининг юқори даражаси ва касбий таълимнинг юқори даражаси ва касбий таълимнинг мутлоқ мақсади. Маҳорат-мураккаб ишни тез ва аниқ бажаришнинг яқдиллиги, бу меҳнатнинг юқори сифати ва барқарор ритми учун кафолат берувчи ишдаги ишон-чилиқдир.

Ўқитувчи фаолияти кирралари:

#### **I. Билимдонлик:**

- ўқитадиган фанини пухта билиш;
- нотиклик санъатига ўқув материални тушунарли ва равон тилда баён қила олиш малакасига эга бўлиш;
- билимларни гуманитарлаштира олиш;
- ўқитиш воситалари моделлар, макетлар, ўқув тажрибалари учун асбоб-ускуналари, овоз ва видеоёзувлар ва мақолалар,

#### **II. Ривожлантирувчилик:**

- ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини уларнинг ўқув им-кониятларини билиш;
- ўқувчиларда ўз фанига қизиқиш уйғота олиш;
- таълимнинг турли услублари (баёний-тасвирий, репро-дуктив, муаммоли таълим, қисман изланувчан ёки эвристик услуб, тадқиқот услуби)ни эгаллаганлиги.

#### **III. Йўналтирувчилик:**

- ўқитиш принциплари системаси ахлоқий ва ўқитиш жараёнини ўқувчилар шахсини ҳар томонлама ривожланти-риш, илмийлик ва билимларнинг ўқувчилар имкониятига яраша қийинчилик даражаси, ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчи-лар онглилиги ва ижодий фаоллиги, ўқитишда кўрсатмали-лик ва ўқувчиларнинг назарий тафаккурини ривожлантириш, тизимчилик ва изчиллик, ўқитишда билимларни мустақил

эгаллашга ўтишни таъминлаш, ўқитишни ҳаёт тажрибалари билан боғлаш, ўқитиш натижаларининг пухталиги ва ўқувчиларнинг билиш имкониятларини ривожлантириш, ўқитишнинг жамоа тусдалиги ва ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишни ўзлаштирганлиги.

#### IV. Сафарбарлик:

- дарсни ўқувчиларнинг диққатини барқарорлаштириш;
- ҳар хил типдаги дарслар (янги билимларни ўзлаштириш, малакаларни эгаллаш, билим, малака ва кўникмаларни назорат қилиш ва тузатиш аралаш дарслар)ни ўткази олиш;
- политехник таълимга оид ва касбга йўналтириш ишларни амалга ошира олиш;
- меҳнатни илмий асосда ташкил қила олиш ва унга қўйиладиган эстетик ва гигиеник талабларга риоя қила олиши.

#### V. Лойиҳачилик:

- ўз мутахассислигига оид мактаб курсини пухта билиш;
- ўз фанини ўқитиш методикасини билиш;
- ўқитиш ва ўқувчиларнинг билим, малакаларини текшириш учун ўқув манбаларини танлай олиши;
- ўқитишда фанлараро ички ва ташқи алоқалардан фойдаланиш малакаси;
- керакли ҳужжатларни тўғрилаб бориши ва расмийлаштириши;
- асосий тарбиявий ишларнинг турларини аниқлаш ва уларни ўтгазиш шакллари танлаши.

Ўзбекистон Республикасида ўқитувчи кадрлар маънавий қиёфаси, ахлокий салоҳияти ҳамда касбий маҳоратига нисбатан жиддий талаблар қўйилмоқда.

Бизнинг назаримизда замонавий ўқитувчи қиёфасида қуйидаги фазилатлар намоен бўла олиши керак:

1. Ўқитувчи жамият ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий ислохатлар моҳиятини чуқур англаб етиши ҳамда бу борада ўқувчиларга тўғри, асосли маълумотларни бериб бориши лозим.

2. Замонавий ўқитувчи илм-фан, техника ва технология янгиликлари, ютуқларидан хабардор бўлиши талаб этилади.

3. Ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича чуқур, пухта билимга эга бўлиши, ўз устида тинимсиз ишлаши лозим.

4. Ўқитувчи педагогика ва психология фанлари асосларини пухта билиши, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ёш

ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, фаолият ташкил этиши керак.

5. Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида энг самарали шакл, услуб ва воситалардан унумли фойдалана олиши имкониятига эга бўлмоғи лозим.

6. Ўқитувчи ижодкор, ташаббускор ва ташкилотчилик қобилиятларига эга бўлиши шарт.

7. Ўқитувчи юксак даражадаги педагогик маҳоратга, чунончи, коммуникативлик лаёқатига эга бўлиши, педагогик техника (нутқ, юз, қўл-оёқ ва гавда ҳаракатлари, мимика, пантомимика) қонуниятларини чуқур ўзлаштириб олишга эришиши лозим.

8. Ўқитувчи нутқ маданиятига эга бўлиши унинг нутқи қуйидаги хусусиятларни ўзида акс эттира олиши керак.

а) нутқнинг тўғрилиги;

б) нутқнинг аниқлиги;

в) нутқнинг ифодавийлиги;

г) нутқнинг софлиги (унинг турли шевалардан ҳоли бўлиб, фан касбий тилда ифода этилиши; жарган (муайян касб ёки соҳа мутахассисларига хос сўзлар), варваризм (муайян миллат тилида баён этилаётган нутқда ўзга миллатларга хос сўзларнинг ўринсиз қўлланилиши), вульгаризм (ҳақорат қилиш, сўкиниш қўлланиладиган сўзлар) дан ҳоли бўлиши ўқитувчи нутқи содда, равон ва тушунарли бўлиши керак;

д) нутқнинг равонлиги;

ж) нутқнинг бойлиги (сўзлаш жараёнида мақсадга мувофиқ тарзда ҳикматли сўзлар, мақоллар ҳамда кўчирма гаплардан фойдаланалана олиши).

9. Ўқитувчи кийиниш маданиятига (содда, озода, бежирим кийиниш таълим-тарбия жараёнида ўқувчининг турли хил диққатини тез жалб этувчи безаклар (олтин, кумуш тақинчоқлар)дан фойдаланмаслиги, фасл, ёш, гавда тўзилиши, юз қиёфаси, хатто соч ранги ва турмагига мувофиқ равишда кийинишини ўзлаштиришга эришиш) эга бўлиши керак.

10. Ўқитувчи шахсий ҳаётда пок, атрофдагиларга ўрناк бўла олиши лозим.

Ўқитувчи шахсининг мазкур талабларни ўзида акс эттира олган қиёфаси унинг ўқувчилар, амкаслар ҳамда ота-оналар ўртасида обрў-эътибор қозонишини таъминлайди.



## Мавзу бўйича таянч сўзлар:

Педагогик маҳорат, мимика ва пантомимика, инновацион фаолият, нутқ, кўникма, малака, ҳамкорлик педагогикаси, муҳандис-муаллим, маҳорат.

## Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т., 1997.
2. Худойкулов Х.Ж., Одоб - ахлоқ ва тарбия дурдонаси. - Т., 2010.
3. Мавланова Р., ва бош. Педагогика. - Т.; Ўқитувчи, 2001.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". - Т.; 1997.
5. Очилов М.О., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. - Т.; 1997.
6. Гулбоев Т. Янги педагогик технологиялар. Маърузалар матни. - Навоий, 2000.
7. Худойкулов Х.Ж. Педагогика ва психология. Услубий қўлланма. - Т.; 2010.
8. Махмудов Ю.Ф., Худойкулов Х.Ж., ва бошқалар. Миллий ғурур-маънавий комилик мезони. -Т.: ДЗАЙИН-ПРЕСС. 2011й.

### 3-мавзу: "Педагогик маҳорат" фани ҳақидаги тарихи фикрлар ва уни мактаб амалиётида қўлланиши

#### РЕЖА:

1. Шарқ мутафаккирларининг педагогик маҳорат ҳақидаги фикрлари.

2. Ўқитувчи фаолияти ва маҳорати ҳақида хорижлик олимларнинг педагогик қарашлари.

3. Ҳозирги даврда ўқитувчининг касб-маҳоратини ўрганишдаги амалий ҳолати.

1. Шарқ мутафаккирларининг педагогик маҳорат ҳақидаги фикрлари.

Мустақил Ўзбекистон олдида турган асосий вазифалардан бири юқори малакали кадрлар тайёрлашдан иборат. Республикада тараққиёт ва ўзгаришларга бой ҳозирги пайтда ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши давр талаби ва эҳтиёжидир. Мактабларимиз маънавий бақувват, билимли, ўз мустақил Вағанимиздан фахрланиш туйғусига бой кишиларни тарбиялаши керак. Бу эса таълим тарбия олдидаги мураккаб, кенг қўламли муаммолардан биридир. Халқ таълими тизимида ҳал қилувчи инсон - ўқитувчи. Агар ўқитувчи ижодкор ва изланувчан бўлса, ўқувчи билими даражаси ҳам баланд бўлади. Ўқитувчилари бугунги замон талабларига мос билимлар сохиби, янгиланган таълим мазмун эгаллаган бўлиши керак. "Педагог ходимлар ўзларини касб кўникмалари маҳоратини доимо такомиллаштириб боришлари шарт", деб таъкидланади, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунида<sup>1</sup>.

Ўқитувчи касбининг нозиклиги, масъулиятлилиги ва мураккаблилиги ҳамда шарафли эканлиги тўғрисида мулоҳазалар, унинг маҳорати, унга қўйиладиган талаблар, фазилатларига оид қарашлар, муносабатга кириш маҳорати, муомила маданияти Шарқ мутафаккирларининг асарларида ўз ифодасини топган. Шарқ маънавий-маданиятининг хилма-хил жиҳатлари, айниқса Уйғониш даврида жуда ривожланган бўлиб, бу даврда яшаб ижод этган Форобий, Хоразмий, ибн Сино, Беруний, Абдурахмон Жомий, Жалолиддин Давоний, Алишер

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисидаги» қонун. «Таълим-тарбия» Ж. №3-4. 1997. 9-бет.

Навоий ва бошқа кўплаб мутафаккирлар ижодлари педагогик тафаккур тараққиётида ёш мураббийларнинг маънавий-ахлоқий камолотида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Тарбия - ижтимоий ҳодиса бўлиб, у кишилик жамияти пайдо бўлган даврдан бери мавжуд. Инсон ер юзидаги энг мукаммал зот бўлиши учун, энг аввало, тарбияланиши зарур. Бунинг учун унга, энг аввало, тарбиячи бўлмоғи лозим.

"Эй ўғил, фарзандларингни тарбиялашдан аввал, ўзингни тарбияла, тарбия кўрган оилада одобли, яхши фазилатли, билимли одам вояга етади" А.Л.Самарқандий

Кимки шогирдлигидан чин дилдан шод,  
Бир қуни ўзи ҳам бўлғуси устод.  
Илм бирла етиш мумкин биродар,  
Заррадан тортиб то қуёшга қадар.

*Носир Хисрав*

Инсонпарварлик мазмунан бой ва хулқ-одоб қоидаларини ўзида мужассамлаштиради. Яъни инсонпарварлик қадрияти негизида меҳр-шафқат, мурувват ва оқибат, сахийлик, саховат, диёнат, қаноат, ҳхиммат, адолат, сабр-тоқат, тавозеъ, меҳрибонлик, фахм-фаросатлилик каби ахлоқий-маънавий хусусиятлар ўз ифодасини топади.

Ибн Сино (980-1037) Шарқнинг улкан қомусий аҳли, жаҳон илми ва маданиятининг энг машҳур намоёндаларидан бири. У ахлоқ тўғрисидаги фикрларида ахлоқий фазилатларни улуғлади ва ахлоқий иллатларини, ёмонликни кескин қоралади.

Олим таълим-тарбия масалаларига жиддий ва ижодий ёндошган. Олимнинг болани тарбиялаш ва ўқитиш ҳақидаги кўп фикрлари ўзининг чуқурлиги, инсонпарварлиги ва теранлиги билан кишини ҳайратда қолдиради.

Ибн Сино ўқитиш жараёнига катта аҳамият берган ва уни куйидаги тарзда ташкил қилишни зарур, деб ҳисоблаган:

1. Ўқувчини бирдан китобга жалб қилиб қўймаслик керак.
2. Ўқитиш аста-секин, осондан қийинга ўтиш йўли билан олиб борилиши керак.
3. Ўқувчилар билан амалга ошириладиган тарбия уларнинг ёшига мос бўлиши лозим.
4. Ўқитиш жамоа тарзида уюштирилиши даркор.
5. Ўқитиш ўқувчининг майли ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда, олиб борилиши зарур.

6. Ўқитиш жисмоний машқлар билан қўшилиб олиб бо-  
рилиши шарт.

Ибн Сино тарбия масалалари ифодаланган асарларида ўқитувчининг ролига катта эътибор билан қаратган. Тарбиячи танлашда муҳим масала деб ҳисоблаган. У бола 6 ёшга тўлиши билан уни ўқитувчининг тарбиясига беришни тавсия қилади. Тарбиячи ростгўй, доно, одил, озода кийинадиган, хушмуо-  
мила бўлиши зарурлигини уктиради ва ёш авлодни ўқитади-  
ган ҳамда тарбиялайдиган кишилар олдига бир қанча талаб-  
лар қўйган. Унинг фикрича:

1. Тарбиячи - болалар билан муомалада босиқ бўлиши керак.

2. Ўқитувчи ўқувчилар таълимни қандай ўзлаштираётган-  
инини кўзатиб бориши зарур.

3. Ўқитиш жараёнида муаллим ҳар хил усулларни қўлла-  
ши даркор.

4. Тарбиячи ўқувчининг хотираси ва бошқа ақлий қоби-  
лияларни билиши лозим.

5. Тарбиячи болаларни тарбиялашда тегишли жазоларни  
қўллаши, ўтилганларни такрорлашга мажбур қилиш орқали  
уларни фанга қизиқтириши керак.

6. Тарбиячи ўз фикрини ўқувчига баён қилишдан олдин  
ундан масаланинг моҳиятини а ўзи тушуниб олиши, кейин уни  
қисқа адабий тилда тушунтириши, бунда кўп гапиришдан  
қочиши керак.

7. Ҳар бир фикр ҳақиқат билан тасдиқланиши, болаларда  
ҳиссиёт уйғотадиган бўлиши лозим.

Ибн Синонинг фан ва таълим-тарбия, ўқитувчилар тўғри-  
сидаги фикрлари унинг ана шу масалалар бўйича чуқур би-  
лим ва катта тажрибага эга бўлганлигидан далолат беради.

Юсуф Хос Ҳожиб буюк олим, забардаст дostonнавис, тад-  
биркор давлат арбоби. Унинг педагогик қарашларида халқ би-  
лен бирга бўлиш, адолатпарварлик ғоялари асосий ўрин тутди.

Олимнинг фикрича, инсоннинг улуғлиги, ақл-идроқи, сўзлаш  
қобилияти, билими, ўқитувчилик хунарга эгаллиги.

Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлур,  
Билиг кимда бўлса, бедуглу алур.  
Уқулуғ уқар-ул, билиглиг билир.  
Билигли, укугли тилакка тегир.

Юсуф Хос Хожибнинг ўқитиришича, ҳар бир киши жамиятга муносиб бўлиб камол топмоғи керак. Фарзандлар тарбияси ниҳоятда эрта бошланмоғи зарур. Шундагина уларнинг ноўрин хатти-ҳаракатларига берилишининг олди олинади. Бунинг учун махсус тайёрланган, тайёргарликка эга бўлган, эзгу ниятли ва покиза мураббий тақлиф этилиши керак.

Хусайн Воиз Кошифий (1140-1505) - нотиклик, адабиётшунослик, фикр илми нужум, тарих, иншо битиш, ҳисоб илми, ўймакорлик ва ганжкорлик ва ахлоққа доир асарлар яратган мутафаккирлардан бири.

Хусайн Воиз Кошифийнинг ўқитиришича, инсонни таълим-тарбия орқали қайта тарбиялаш, ақлий қобилиятни ўстириш мумкин. Бунинг учун болага яхши таълим-тарбия бериш, уни яхши сифатларини ўстиришга, уни ножўя хатти-ҳаракатларидан қайтариш лозим.

Кошифий ўқитувчиларга болаларни тарбиялашда қуйидаги услубларни қўллашни олға сурган: насихат, танбеҳ бериш, амру-фармон, мажбурият қўйиш.

Кошифий ўз педагогик қарашларида болаларга мустақил фикрлаш қобилиятини ўстириш масаласига алоҳида эътибор беради. Ота-оналар ва ўқитувчилардан бу масалага алоҳида аҳамият беришни талаб этади. Бу масалада оилавий ва ташқи муҳит муҳим ўрин тутади. Кошифийнинг фикрича, "Мураббий болага насихат ва таълим беришда лутф ва одоб қоидаларига қатъий туриши, уларга риоя қилиши даркор. Жамоатчилик жойларида унга панд бериш ярамайди, балки хилват жойда болага гапириш зарур. Агар мураббий насихат беришнинг фурсати келганини билса, унга мулоимлик билан мурожаат қилиш лозим, чунки бизнинг замонамизда мулоим ва хушфەъл бўлиш мақсадга мувофиқ".

Воиз Кошифий яхши устоздан олган панд-насихатга қулоқ солмай беҳуда йўлларда юрган фарзанд ўзини-ўзи расво қиладиган деб насихат беради.

Абдурахмон Жомий ўз асарларида бола дунёқарашининг камол топишида мактаб ва ўқитувчининг ролига катта баҳо беради. Унинг фикрича, ўқитувчи ақлли, адолатли, ўзида барча юксак фазилатларни мужассамлаштирган бўлиши керак. Ўзини номуносиб тутган одам ҳеч вақт болаларга билим бера олмайди, деган фикрни билдиради.

Устод, муаллимсиз қолганда замон,  
Нодонликдан қора бўлурди жаҳон.

-деб хитоб қилади у "Искандар хиродномаси" асарида.

Ўзбек адабиётининг асосчиси Алишер Навоий ўз асарлари ва илмий қарашларида ўқитувчилик қобилияти ва унинг обрўси, одоби юзасидан алфозли мулоҳазалар юритади. Аллома ижодий ёндашувсиз ҳеч бир фаолиятни тасаввур қила олмайди. Шу боис Алишер Навоий асарларида одоб, ахлоқ, зийраклик, иродавий куч, поклик, самимийлик хислатлари асосий ўринни эгаллайди.

Алишер Навоий халқ болаларини ўқитиш ва тарбиялаш учун мактаблар очиш тўғрисида ғамхўрлик қилган. Унинг фикрича, мактаб халққа нур келтиради, тўғри йўл кўрсатади, болаларни билимли қилади. Демак, халқни маърифатли қилишда мактабнинг роли катта. У мактаб тўғрисида фикр юритар экан, эски мактабларда ўқитувчиларнинг билими юзат чекланган, улар таълим-тарбиядан мутлақо хабарсиз, лекин диний билимлари етарли бўлмаса ҳам, диний рамрусумларни бажаришга мохир, руҳонийларга, феодалларга, амалдорларга таъзимкор ва давлатга садоқатли кишилар бўлган. Бундай ўқитувчиларнинг вазифаси кўпинча маҳалла масжидда имомлик ёки сўфийлик қилиш, мактаб жойлашган маҳалладаги ҳар хил диний маросимлар ва урф-одатларда қатнашишдан иборат эди. Уларни Алишер Навоий "Мактаб тутувчи-гуноҳсиз ёш болаларга жафо қилувчидир" - деб, таъриф беради.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, Навоий ёш авлодни тарбиялаш-ўқитиш ишини ҳар қандай тасодифий кишига топширишни қоралаган. У ўқитувчига энг юксак талаблар қўйган. Болани тарбиялаш ва унга илм бериш, уни қобилиятини ўстириш учун ниҳоятда билимдон ва учта тарбиячи бўлиши кераклигини, болаларга таълим-тарбия берадиган ўқитувчилар ёшларга илм, одоб ўргатиш маҳоратига эга бўлиши, ўқитиш йўллари яхши билиши лозим ва зарурлигини уқтирган.

Ахмад Дониш (1827-1897) - математика, фалакиёт, география, тиббиёт, тасвирий санъат, тарих ва фалсафий билимларни мустақил равишда эгаллаб, ўз даврининг билимли кишиси бўлиб етишди.

Аҳмад Дониш ўзининг таълим-тарбия, ахлоқ ва нафосатга доир фикр мулоҳазаларини ўзининг бир нечта асарларида ифодалаган мутафаккир.

Аҳмад Дониш касб танлаш ҳақида, касб танлашда унинг одамларга, жамиятга фойда келтиришга эътибор бериш кераклиги ҳақида билдирган фикрларини кўздан кечиран эканмиз, унинг ўқитувчилик касби хусусидаги қарашларида ахлоқ масаласига катта эътибор берганини кўрамиз.

У ўқитувчининг талабаларга кучли таъсир этувчи деб билади. Унинг таъкидлашича, ўқитувчилик касбини танлаганларнинг нопоклик ниятда бўлиши ғоятда зарарли, чунки улар ўзларидаги ахлоқий бузукликни ёш авлодга тарқатадилар. Демак, Аҳмад Дониш ўқитувчининг ахлоқий қиёфасига катта эътибор қаратган.

У ўқитувчидан ёш авлод манфаатини биринчи ўринга қўйишни талаб қилади. Ўқитувчи ўқувчи ва талабаларга кўп билим бериш, ўз билимини ошириш ва чуқурлаштириш учун ўз устида кўп ишлаши лозимлигини айтади. Аҳмад Дониш ўқитувчи тимсолида одамлар, бинобарин, ёшлар ўртасида илм-зиё сочувчи маърифатпарварни қўришни орзу қилади.

Маҳмудхўжа Бехбудий - адабиёт, тарих, сиёсатшунослик, драматургия соҳаларини эгаллаган мутафаккир.

Бехбудий маърифат, илм-фан, бадиий ижод соҳасидаги бутун фаолиятида миллатимиз маданияти, маънавиятининг равнақи учун курашди, буюк сиймо сифатида шухрат қозонди, таълим-тарбияга доир қимматли фикр-мулоҳазаларни баён этди.

Бехбудий таълим-тарбия ҳақида фикр билдирар экан, мустамлакачилик даврида бу ишда мувафакқиятга эришишнинг бирдан-бир йўли ўзаро ихтилофларга барҳам бериб, аҳиллик билан илм-фанни ривожлантириш эканини айтади. Катталар ва ўқитувчиларга мурожаат қилиб, уларни ёшларни билимли қилишга, меҳнатга жалб этишга даъват этади.

Бехбудий ўқитувчиларга қарата таълим-тарбия ишларини ижтимоий ҳаёт, жаҳон миқёсида содир бўлаётган воқеалар билан боғлиқ ҳолда олиб боришни талаб этади.

Буюк маърифатпарвар, моҳир тадқиқотчи Абдулла Авлоний таълим тизимини, ўқитишни такомиллаштириб, ўқитувчилар малакасини ошириш, бўлгуси ўқитувчини тайёрлаш муаммоларига мутлақо янгича ёндашган олим. Унинг фикри-

ча, ижодий изланиш, ўқиш ва ўқитишнинг янги шакли, услуб ҳамда воситаларини қидириш ўқитувчининг энг муҳим сифатларидан биридир, - деб таъкидлайди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё мутафаккирлари ва ўзбек маърифатпарварлари ўқитувчи кучли хотирага, ирода ва тафаккурга, ақл-заковатга чиройли нутққа эга бўлиши, кўзлаган мақсадни амалга ошириш йўлида жонбозлик, қатъиятлилик кўрсатиш. Ўқувчиларнинг руҳий дунёсига тўғри йўл топа олиш, уларга таъсир ўтказиш имконияти виждонлилик, самимий, одобли, назокатли, ишчан, масъул шахс сифатида фаолият кўрсатиши зарур эканлигини ўз асарларида таъкидлаб ўтадилар.

## 2. Ўқитувчининг фаолияти ва маҳорати ҳақида хорижлик олимларнинг педагогик қарашлари.

Ўқитувчи ва унинг профессионал сифатлари ҳақида муаммолар хорижлик олимлар асарларида ўз ифодасини топган.

Конфуций - Хитойнинг таниқли мутафаккири. У Хитойда ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этди ва ахлоқий-сиёсий таълимотга асос солди.

Конфуций таълимда ўқиш ва фикрлаш, ўйлаш муҳимлигини айтди.

Конфуций ўзининг педагогик фаолиятида тажрибага алоҳида эътибор берди. Масалан, киши ниманидир билади ва ҳисобини қилади. Билмаса, ҳисоблай олмайди. Бу билимга тўғри муносабат. Ўқитувчи тўрт нарсадан - қуруқ фойдасиз фикрлашдан, ўз мулоҳазасида қатъий туриб олишдан, қайсарлик қилишдан, фақат ўзи ҳақида ўйлашдан қатъий сақланиши керак. Бу ғояларнинг биринчиси соф кўнгли билан муносабатда бўлиш, иккинчиси шахсиятга берилмаслик ва қайсарлик қилмасликдир.

М.Ф.Квинтилиан Рим педагогларининг энг машҳури. У Греция ва Рим фалсафий ва педагогика адабиёти билан яхши таниш эди.

М.Ф.Квинтилиан болаларнинг қобилиятларига юксак баҳо беради. Унинг фикрича, бола мактабда тарбияланмоғи лозим. Ўқитувчи ўзи тарбияланаётган ҳар бир болага эҳтиёткорлик билан ва эътибор бериб муомала қилиши керак.

Улуғ чех олими, педагог Я.А.Коменский ўқитувчининг энг муҳим хусусиятлари қаторига болани севишни, юксак ахлоқи,



билимдонлиги, иқтидори, қобилияти кабиларга қаратиб, уларнинг моҳиятини атрофлича тавсифлаб беради.

Ушбу масалага сал бошқачароқ ёндашган И.Г.Песталоцци ўқитувчининг профессионал сифатларига баҳо беришдан, умуман, четлашиб, унинг халқ таълими тармоғини такомиллаштиришдаги роли, фан асосларини эгаллашдаги аҳамияти ва вазифаларига тўхталиб ўтади.

Мутафаккир Д.Локк ўқитувчи психологиясининг энг муҳим жиҳатлари орасига мўътадиллик, ғайрат, шижоатлилик, эҳтиёткорлик каби хислатларни киритиб, уларнинг таълимдаги роли юзасидан мулоҳаза юритади.

Ғарб мутафаккирларининг ворислари сифатида А.И.Герцен, Л.Н.Толстой, Н.Г.Чернишевский, К.Д.Ушинский каби рус мутафаккирлари мазкур муаммоларга ўз мулоҳазаларини билдирганлар.

А.И.Герцен мулоҳазасига кўра, ўқитувчининг асосий хислати-бу унинг болалар билан муносабатда бўлаётганлиги сезишда, болалар руҳий дунёсини тушуна олишда. Ўқитувчи касбига оид илмий, тажрибаларда синалган мулоҳазалар рус педагоги К.Д.Ушинский таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг роли ва шахсига юқори баҳо бериб, ҳеч бир устав ёки дастур, ҳамда сунъий организм пухта ишлаб чиқилганига қарамай, инсон шахсининг ўрнини боса олмайди деб ҳисоблайди. Ушинский таъкидлашича, педагогик фаолиятнинг муҳим таркибий қисми педагогик-психологик одоб ҳисобланади. Унинг фикрича, психологик одоб ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ғоятда кенг қўлланилади. Шунинг учун усиз одамлар орасида ҳеч қандай мулоқот ва нутқ қобилиятининг ўзи ҳам бўлмаган бўлар эди, дейди.

Шундай қилиб, хорижлик мутафаккирлар ўз асарларида ўқитувчининг бир қатор муҳим фазилатлари мавжуд бўлишини баён қиладилар: ўқитувчининг ҳар томонлама баркамол бўлиши, ўзининг юксак хислатлари ва ҳис-туйғулари билан бошқа касбдаги кишилардан ажралиб туриши, болалар руҳиятига осон кира олиш қобилияти, дарсларни ўзлаштиришда орқада қолганлар билан индивидуал ишлаш, ўқувчилар диққатини ўзига торта олиш сеҳри, мустақил ишлаш ва ўз маҳоратини, малакасини ошириш, педагогик қобилият ва одобга эга бўлиш кабилар.

### 3. Ҳозирги даврда ўқитувчининг касб-маҳоратини ўрганишдаги амалий ҳолати

Ҳозирги шароитда жамиятнинг мактаб олдига қўяётган талаблари кун сайин ортиб бормоқда ва бу талабларни амалда туғри хал қилиш вазифаси ўқитувчига боғлиқдир. Замонавий мактаб ўқитувчиси қатор вазифаларни бажаради. Ўқитувчи синфдаги ўқув жараёни ташкилотчисидир. Жамиятнинг ўқитувчи олдига қўядиган асосий талаблари куйидагилардир:

— шахсни маънавий ва маърифий томондан тарбиялашнинг, миллий уйғониш мафқурасида умуминсоний бойликларнинг моҳиятини билиши, болаларни мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида тарбиялаши, ўз Ватани табиатига ва оиласига бўлган муҳаббати;

— кенг билимга эга бўлиши, турли билимлардан хабардор бўлиши;

— ёш педагогик психология, педагогика, психология, ёшлар физиологияси, мактаб гигиенасидан чуқур билимларга эга бўлиши;

— ўзи дарс берадиган фан бўйича мустақил билимга эга бўлиб, ўз касби соҳаси бўйича жаҳон фанида эришилган янги ютуқ ва камчиликлардан хабардор бўлиши;

— таълим-тарбия методикасини эгаллаши;

— ўз ишига ижодий ёндошиши;

— педагогик техника ва педагогик тактга эга бўлиши;

— ўз билими ва педагогик маҳоратини доимий равишда ошириб бориши.

Ҳар бир ўқитувчи ана шу талабларга тўла жавоб бера олишга интилиши лозим ва шарт.

Мувафакқиятли ишлаш учун ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши зарур. Педагогик маҳорат эгаси оз меҳнат сарф қилиб, катта натижаларга эришади. Ижодкорлик унинг ҳамиша ҳамкори бўлади. Педагогик ишга қобилиятли, исгеъодли кишидагина педагогик маҳорат бўлиши мумкин. Педагогик фаолият ўз моҳиятига кўра ижодий характерга эга. Педагог ўқитувчи шахсини шакллантиради, қутилмаган вазиятларда мустақил қарор қабул қилади, педагогик муаммоларни ечади, ўқиш жараёнини мустақил бошқаради. Буларнинг ҳаммасида ижодкорлик туб моҳияти ишнинг мақсади ва характери билан боғлиқ.

Ўқитувчилар билан дарсда олиб бориладиган ишда тарбиявий масалага эришмоқ учун ўқитувчи улар билан ҳамкорлик қила олиши, болаларни ҳамкорлик жараёнига торта олиши зарурки, бу жараён улар фаолиятининг турли соҳаларида-билимда, амалда, маънавий фаолиятда, спортда, ўйинда амалга оширилади. Ўқитувчи қандай қилиб ўқувчиларни ўзи билан ҳамкорлик қилишга жалб эта олиши хусусида қисқача тўхталиб ўтамиз.

1. Ҳамкорлик вужудга келиши учун жамоада ташкил этилиши лозим бўлган ишлар ўқувчилар учун долзарб бўлиши, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига ва кизиқишларига мос бўлиши лозим.

2. Ўқувчиларни бирор ишга жалб қилар экан, ўқитувчи уларга психологик ва педагогик жиҳатдан тўғри вазифа қўйиши, яхши йўл-йўриқ кўрсатиши лозим.

3. Ўқувчилар топшириқни амалга оширишга киришганларида ўқитувчи бир вақтнинг ўзида ҳам иштирокчи, ҳам маслаҳатчи вазифасини бажаради.

Ижодий ишлайдиган ўқитувчи фақатгина болаларни мувафакциятли ўқитиш ва тарбиялаш, илғор ўқитувчилар иш тажрибаларини ўрганибгина чекланиб қолмасдан, тадқиқотчилик кўникма ва малакаларига ҳам эга бўлиши зарур. Ҳозирги замон ўқитувчиси фан-техника тараққиёти ютуқларидан ўзининг фаолиятида янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланишни тақозо этмоқда.

Ўқитувчи янги педагогик технологияларни ўзининг амалий фаолиятида кенг миқёсда фойдаланиши лозим. Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти, ўқитувчининг ижодкор бўлишини, фаннинг муҳим муаммолари юзасидан эркин фикрлар юрита олиши, фан ютуқларини ўқувчиларга етказа олиши ва ниҳоят ўқувчиларни мустақил ҳамда ижодий фикрлашга, тадқиқот ишларига ўргата олишини талаб қилади. Шунинг учун ўқитувчи ўз устида доимо ишлаши, мустақил билим эгаллаши, касб маҳоратини такомиллаштириши, малакасини ошириши педагогик фаолият самарадорлигини оширишда зарурий шартларидан.

Шарқ мутафаккирлари ўзи ўқиб турсагина ўзи ўқитувчи бўла олади, агар ўқишни тўхтатиб қўяр экан, унда ўқитувчилик ҳам ўлади, деб ҳаққоний айтган.

Бу ҳақиқатни ёши қанча бўлишидан, педагогик маҳоратидан, қандай дарс беришидан қатъи назар, барча ўқитувчилар яхшилаб билиб олишлари лозим.

## Мавзу бўйича таянч сўзлар:

Педагогик фикр, таълим, тарбия, инсон, инсонпарварлик, тарбиячи, маърифатпарвар, жадидчилик, касб-маҳорат, ижод, спорт, ахлоқ.

## Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиёти-нинг пойдевори. - Т., 1997.
2. Худойкулов Х.Ж., Одоб - ахлоқ ва тарбия дурдонаси. - Т., 2010.
3. Мавланова Р., ва бош. Педагогика. - Т.: Ўқитувчи, 2001.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". - Т., 1997.
5. Очилов М.О., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. - Т., 1997.
6. Гулбоев Т. Янги педагогик технологиялар. Маърузалар матни. - Навоий, 2000.
7. Худойкулов Х.Ж. Педагогика ва психология. Услубий қўлланма. - Т., 2010.
8. Махмудов Ю.Ф., Худойкулов Х.Ж., ва бошқалар. Миллий гуруҳ-маънавий комилик мезони. -Т.: ДЗАЙИН-ПРЕСС. 2011й.

#### 4-мавзу: Ўқитувчи фаолиятида педагогик қобилият

##### РЕЖА:

1. Қобилиятнинг педагогик ва психологик характеристикаси.
2. Қобилият турлари.
3. Таълимда дидактик, ташкилотчилик, билиш, англаш, конструктив, коммуникатив қобилиятлар.

1. Қобилиятнинг педагогик ва психологик характеристикаси.

Педагогик қобилият тарихидан маълумки, педагогик қобилият адабиётда биринчи бўлиб, XIX-аср ўрталарида пайдо бўлган. педагогика назариясида ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогик перцептив қобилиятга А.Дистерверг диққат-эътибор берди. Шундай қилиб, А.Дистерверг педагогик қобилиятнинг кучига, педагогик тактга ва қатъий эркинликка аҳамият берди. У ўқитувчининг билим орттиришлик қобилиятини илгари сурди. Сўнгра XIX-асрнинг иккинчи ярмида П.Г.Редкин "Ахлокий қобилият" тушунчасини илгари сурди. А.Дистерверг, П.Г.Редкин фикрларини К.Д.Ушинский давом эттирди.

Қобилият ҳамма инсонларда мавжуд бўлиб, бир текисда бўлмай бири юқори, бири ўрта ва бири қуйи даражада бўлади. Фақат ақли заиф инсонда қобилиятни учрата олмаймиз. Мактаб ўқитувчисининг фаолияти инсон шаклланишига қаратилган. Мувафакқиятли ишлаш учун ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши зарур. Педагогик маҳорат эгаси оз меҳнат қилиб катта натижага эришади. Қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади, қобилиятни ривожлантириш учун эса лаёқат, зехн, истеъдод инсон асаб тизимида анатомик - физиологик хусусият бўлиши зарур. Ўқитувчининг баъзи психик жараёнлари унда шахсга хос сифатларни шундай ташкил қиладики, буни педагогик қобилият деб аташ мумкин. Бу қобилиятни айрим психик хусусиятлардан иборат қилиб қўйиш мумкин эмас. Таълим ишларининг мувафакқиятли бўлишини педагог шахсига хос бўлган бир қанча сифатлар, жумладан, унинг иродаси, хиссиётлари, характериға хос бўлган хусусиятларни ҳам таъминлаб беради. К.Д.Ушинский "Фақат шахс ривожланишиға ва таркиб топишиға таъсир қилиши мумкин, характер таъсири билан характерни вужудға келтириш мумкин" - деб ёзган эди.

Қобилият - шахснинг муайян фаолияти юзасидан лаёқати ва унинг касбини муваффақиятли бажаришдаги субъектив шарт-шароитни ифодаловчи индивидуал психик хусусиятлари.

Фалсафа тарихида қобилият узоқ давргача "Ўзгармас ирсият" наслдан - насага ўтувчи алоҳида куч сифатида талкин этилган. Бундай қарашлар дастлаб француз философи Ж.Локк ва бошқа француз олимлари томонидан ташкил қилинган. Қобилиятни ривожлантирувчи анатомик-физиологик хусусиятлар туғма бўлади.

Эмпатия бошқа одамларнинг психик ҳолатларни тушунишни ва уларга ҳамдардлик қилиш қобилияти (биргаликда дардлашмоқ).

Перцептив қобилият-идрок жараёнининг асосий тузилиши бўлиб, идрок объектларини билиб олиш ва унинг хотира образлари билан селиштиришдан иборат. Яъни идрок этиш боғчадаги боланинг олдига кубиклар қўйилган расмлар қўриб чиқилади.

Одамларни солиштириш образи.

Дидактик қобилият-ўқувчилар билан мулоқот қилишда, педагогика қонунияти ва услубларини ўрганеди.

Конструктив-ўқитувчининг ўз ишини режалаштира олиш қобилияти.

Коммуникатив қобилият-бошқа одамлар билан бўладиган мулоқотни яхшилайдиган ва биргаликдаги фаолиятда психологик қовушувни таъминлайдиган қобилият.

Ўқувчи билан ўзаро мулоқотда бўлиш. Баъзан фалон домла биз билан ёмон муносабатда бўлади ёки бўлмайди.

Билиш қобилияти-билимни эгаллаш ва уни ўзлаштиришни таъминлайди.

Англаш (тушуниш) қобилияти- айрим ҳаракатларни одам бажарар экан. Ўзи англаб, онгли ҳаракат қилади.

Кўп сонли ўқитувчи, тарбиячи, мактаб директори, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари ва интернат ходимларидан қобилият ҳақида: "Шахснинг қайси сифатларини Сиз педагогик қобилият деб ҳисоблайсиз?" - деб берилган саволга 82 та ёзма жавоб олинган.

Сифатларни қуйидагича келтирамыз:

Ўз ишига муҳаббат билан ишлашга қизиқиш.

Юқори маданиятли аудиторияни ишлата олиш.

Ўтиладиган дарсга қобилият, уни яхши билиши, унга қизиқиш.

Педагогик такт (гўзаллик) га эга бўлиш.

Меҳнатга қобилиятли, меҳнатсеварлик.

Болалар жамоасига киришиб кетиш қобилияти.

Болаларга муҳаббат.

Меҳнатга ижодий ёндашиш.

Жавобгарликни ҳис қилиш.

Ҳаракатчан (энергиялик).

Ташкилотчилик қобилиятлари.

Тарбияга оид билимлар яхлитлиги.

Ўқитувчи фаолияти йўналишлари қуйидаги соҳаларда акс этади:

**Ғоявий соҳада:** илмий дунёқараш ва эътиқод; ижтимоий эҳтиёж ва ахлоқий заруриятларни чуқур тушуниш; ижтимоий ва фуқаролик бурчини англаш; ижтимоий - сиёсий фаоллик.

**Педагог касби соҳасида:** ўқувчиларни севиш ва улар билан ишлашга қизиқиш, педагогик ишни севиш; руҳий-педагогик зийраклик ва кузатувчанлик, педагогик такт, педагогик тасаввур, ташкилотчилик қобилияти; ҳаққонийлик; дилкашлик; талабчанлик; қатъиятлилиқ; мақсадга интилиш; вазминлик; ўзини тута билиш; касбий лаёқатлилиқ.

**Билиш соҳасида:** кенг илмий савия, маънавий эҳтиёж ва қизиқиш, интеллектуал қизиқиш, янгиликни ҳис қила билиш; педагогик маълумотларни оширишга интилиш.

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинган сана 1991 йил 31 август халқимиз ҳаётида улуғ воқеалардан ҳисобланади. Энди халқимиз ўзининг бой тарихи, маданияти, урф - одатларини ўрганиш, тарғиб қилиш, ўзлигини англаш имкониятига эга бўлди. Бу воқеадан сўнг кўп сонли ўқитувчилар жамоалари олдида Ватан равнақи учун ҳормай - толмай хизмат қила оладиган, буюк Ватан йўлида ўз жонини ҳам аямайдиган ёшларни тарбиялаш вазифаси кўндаланг қўйилди. Бу вазифа олиқ таълим концепциясида алоҳида таъкидланади. Бунда ўқитувчи мутахассис олдида турган вазифалар қуйидагича белгиланади:

Педагогик билишга ўқитувчининг барча ҳаракатлар мажмуига қараб, улар унинг педагогик фаолиятига боғлиқ бўлган, хусусиятлардан ва унинг касбий фанлардан билимдонлигидан келиб чиқади.

**Педагогик билиш қобилияти:**

Ўқитувчига хос бўлган билимларни ўқитиш ва тарбия услублар-ини янги педагогик шароитда ҳам ўтказа олиш.

Ҳар бир педагогик ҳолат учун янги ечимларни топа билиш.

Аниқ педагогик вазиятларда янги педагогик ечимларни ва идеалларни таклиф эта олиш ҳамда янгисини ечиш услубларини топа олиш.

**Педагог қобилияти** - бу болалар билан ишлашга иштиёқ, болаларга нисбатан муҳаббат, улар билан бўлган мулоқотдан мамнун бўлиш билан ифода бўладиган шахс сифатлари. Қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Қобилият малака ва уддабуронликдан фарқ қилади. Малака ва уддабуронлик машқ, ўқиш натижаси ҳисобланса, қобилиятнинг ривожланиши учун эса яна истеъдод лаёқат ва зехн, яъни инсон асаб тизимида анатомик - физиологик хусусият бўлиши зарур.

### 3. Қобилият турлари.

Ўқитувчи ҳаётда доимо изланишда бўлиб, таълим-тарбиянинг янги йўналишларини ўзида мужассамлаштирар экан у албатта ўзида бор қобилиятини бу ишга сафарбар этади.

Қобилиятнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. **Ташкилий** – ўқитувчининг ўқувчиларни жиҳтлаштириш, уларни банд қилиш, вазифалар бўлиб бериш, ишни режалаш, қилинган ишларни жамлаш, маҳоратида намоён бўлади.

2. **Дидактикага оид** – ўқув материал, кўргазмали куроллар, воситаларни йиғиб тайёрлаб қўйиш, ўқув материалини аниқ, ифодали ва изчил баён қилиш, ўрганишга бўлган қизиқиш ва маънавий, ҳиссий истакларни рағбатлантириш, ўқув билимини орттириш, фаоллаштириш маҳоратида намоён бўлади.

3. **Перцептив** – тарбияланувчиларнинг маънавий дунёсига сингиб, уларнинг эмоционал ҳолатини баҳолаш, руҳий хусусиятларини аниқлаш маҳоратида намоён бўлади.


4. **Коммуникатив** – ўқитувчининг ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, ҳамкасблари, таълим муассасалари раҳбарлари билан педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ муносабатлар куриш маҳоратида намоён бўлади.

5. **Суггестив** – ўқувчиларга эмоционал таъсир кўрсатишда намоён бўлади.

6. **Тадқиқий** – педагогик вазият ва жараёнларни ўрганиш ва объектив баҳолаш маҳоратида намоён бўлади.

7. **Илмий** – ўрганиш қобилиятлари - танланган соҳада илмий билимларни ўзлаштириш қобилиятидан иборат.





Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун ўқитувчида қобилиятнинг куйидаги турлари мавжуд бўлмоғи ва тарбиялаб етиштирилмоғи лозим:

**Билиш қобилияти** — фаннинг тегишли соҳаларига оид қобилиятлар. Бундай қобилиятга эга бўлган ўқитувчи фанни ўқув курси ҳажмидагина эмас, балки анча кенг ва чуқурроқ билади. Ўз фани соҳасидаги кашфиётларни ҳамisha кузатиб боради.

**Тушунтира олиш қобилияти** — ўқув материални ўқувчиларга тушунарли қилиб баён эта олиш, ўқувчиларда мустақил равишда фаол фикрлашга қизиқиш уйғотиш қобилияти.

**Кузатувчанлик қобилияти** — ўқувчининг, тарбияланувчининг ички дунёсига кира билиш қобилияти, ўқувчи шахсини ва унинг вақтинчалик рухий ҳолатини жуда яхши тушуна билиш билан боғлиқ бўлган психологик кўзатувчанликдир.

**Нутқ қобилияти** — нутқ ёрдамида, шунингдек, имо-ишора воситасида ўз фикр ва туйғуларини аниқ ифодалаш қобилияти. Бу ўқитувчилик касби учун жуда муҳим.

**Ташкилотчилик қобилияти** — биринчидан, ўқувчилар жамоасини уюштириш, жипслаштириш, муҳим вазифаларни ҳал этишга руҳлантиришни, иккинчидан, ўз ишини тўғри уюштиришни назарда тутади.

**Обрў орттира олиш қобилияти** — ўқувчиларга бевосита эмоционал - иродавий таъсир кўрсатиш ва шу асосда обрў қозона олиш. Обрў фақат шу асосдагина эмас, балки ўқитувчининг фанни яхши билиши, меҳрибонлиги, назокатлилиги ва ҳоказо.

**Тўғри муомала қила билиш қобилияти** — болаларга яқинлаша олиш, улар билан педагогик нуқтаи назаридан жуда самарали ўзаро муносабатлар ўрната билиш, педагогик назокатнинг мавжудлигини билдиради.

**Келажакни кўра билиш қобилияти** — ўз ҳаракатлари оқибатини кўра билишда, ўқувчининг келгусида қандай одам бўлишини тасаввур қила олишида, тарбияланувчиларда қандай фазилатларни тараққий эттириш лозимлигини олдиндан айта олиш.

Диққатни тақсимлай олиш қобилияти — ўқитувчи учун диққатнинг барча хусусиятлари - ҳажми, кучи, кўчувчанлиги, идора қилина олиши, сафарбарлиги кабиларнинг тараққий этиши билан изоҳланади.

Педагогининг амалий фаолиятида барча қобилиятлар бир хил муҳимликка эгамикан? Маълум бўлишича, ундай эмас. Сўнгги йилларда ўтказилган тадқиқотлар "етакчи" ва "ёрдамчи" қобилиятларни маълум қилади. Етакчи қобилиятлар - педагоглар орасида ўтказилган кўп сонли сўроқларга кўра, педагогик зийраклик (кузатувчанлик), дидактик, ташкилий, экспрессив қобилиятлардан иборат. Қолган қобилиятлар ёрдамчи қобилиятлар қаторига киради.

Ўқитувчи юқорида кўрсатилган қобилиятлардан ташқари, бир қанча касбий сифатларга - аниқ мақсадни кўзлаш, қатъийлик, меҳнатсеварлик, камтарлик каби сифатларга эга бўлиши керак. Бундай хусусиятлар бўлмаса, ўрта педагогик даражасидан юқorigа кўтарила олмайди.

Эътиқод, одоб, фуқаролик бурчини англаш — ўқитувчининг асосий сифатларидан бирир. Ўқувчиларга меҳр - муҳаббат ўқитувчининг энг муҳим фазилати. Бу ўқувчиларнинг ҳамма қилмишларини кечириб, уларга хушомадгўйлик қилиш эмас, балки талабчанлик ва қаттиққўллик, адолатлилик билан кўшилган меҳр - муҳаббат бўлиб, ана шу сифатга эга бўлган шахс ўзининг кўп вақтини ва кучини ўқувчилар тарбиясига бағишлайди.

Ижтимоий фаоллик ва фуқаролик бурчини англаш ўқитувчи шахсига хос сифат. Зеро ҳақиқий педагог тўла маънодаги жамоатчи бўлиб, болаларга ҳаётда ижтимоий фаол ҳолатда туришнинг амалий намунасини кўрсатади.

Ўқитувчининг муҳим фазилати - кишилар билан тез кириша олиш, кўпчиликка аралаша билиш, улфатижонлик, дилкашли бўлиб, бу унда муомала маданиятининг юксаклигини ифодалайди. Чунки ўқитувчига ҳамиша одамлар билан алоқа қилишга улар билан ишлашга тўғри келади.

Ҳозирги шароитдан келиб чиққан ҳолда, ўқув - тарбия жараёнида қулай муносабатлар юритиш учун касбий жиҳатдан аҳамиятли асослар бўлувчи педагогнинг инсоний хислатлари муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ўқитувчи учун муҳим хислат - инсонпарварлик, яъни ўсаётган инсонга олий қадрият каби муносабатда бўлиш лозим. Инсоний муносабатлар

Ўқитувчининг шахсига қизиқиш, ўқувчига нисбатан хайрихоҳлик, унга ёрдам бериш, уларнинг гапига кулоқ солмоқ, унинг ўқувчилик фаолиятига юксак талабчанлик, ўқувчи шахси ривожланишига ташвиш қилишдан иборат.

Ўқитувчи доим фаол, ижодкор шахс. У ўқувчиларнинг кундалик ҳаётини уюштирувчи одам. Ўқувчиларнинг қизиқишини уйғотиш, уларни ўзи билан етаклаб юриш фақат юксак иродали киши қўлидан келади. Синф, аудитория, ўқувчилар жамоаси каби мураккаб органларга педагогик раҳбарлик қилиш тарбиячидан топқир, зехни ўтқир, саводли, ҳар қандай вазиятларни мустақил ечишга доим тайёр бўлишлигини талаб қилади. Педагог - ўқувчиларга ўрнак, ўз орқасидан юришга ундай оладиган одам. Ўқитувчига касбий жиҳатдан керакли хислатлардан бири бу сабр-тоқат ва дадиллик. Ўқитувчининг ҳар қандай саросимага тушганини, ночорлигини ўқувчилар сезиши ва қўриши зарур эмас. Бу борада А.С.Макаренко - "тормосиз ўқитувчи - бу бузук, хайдаб бўлмайдиган машина" - деб қайд қилган. Буни ҳамиша эсда тутиш керак, ўз ҳаракати ва ахлоқини назорат қилиши лозим. Ўқувчилар тубанлашмаслиги, арзимаган нарсаларга асабийлашмаслигик керак.

Ўқитувчи характерида қалбдан меҳрибонлик-ўқувчилар рухий ҳолатини, уларнинг кайфиятини сезишга имконият берадиган ва вақтида ёрдамга келиш имкониятини берадиган ўзига хос барометр. Ўз тарбияланувчиларининг бугунги кун келажаклари учун хавотирлик - бу педагогнинг табиий ўзининг шахсий масъулиятини англаш.

Ўқитувчи-талабчан бўлиши шарт. Бу унинг мувафқиятли ишлашининг биринчи шarti. Дастлабки энг юксак талабларни ўқитувчи ўзига такдим қилиши керак, чунки ўзингда йўқ нарсани бировлардан талаб қила олмайсан. Педагог талабчанлиги билан бирга оқилона тарбиячи ҳам бўлиши лозим. Педагогик жараёнларда бўлиб турадиган кескинликларни холис қилиш учун тарбиячига ҳазил мутойиба туйғуси ёрдам беради. "Қувнок педагог хўмрайганидан кўра, яхшироқ ўқитади" деб, бекорга айтилмаган. Унинг қўламида тайёр ҳазил, мақол, яхши, дўстона пичинг - ижобий эмоционал ҳолат яратишга ёрдам беради ва ўқувчиларни ўзга вазиятга кулгили томондан қарашга имконият беради.

Алоҳида педагогнинг касбий назокати ҳақида айтиб ўтиш жоиз. Педагогик назокат-бу ўқувчилар билан бўлган мулоқот-

да меъёрни (чегарани) билиш. Назокат бу тарбиячининг бир жойга тўплаган ақли, туйғуси ва умумий маданияти. Педагог назокатининг маъзи бу тарбияланувчиларнинг шахсига бўлган ҳурмат. Тарбияланувчиларни тушуниш - ўқитувчиларни назокатсиз муомалалардан сақлаб қолади ва унга аниқ вазиятларда таъсир этади, тadbирлар танлашда ёрдам беради.

Педагогик этикада яхшилик тушунчаси ўқитувчилик фаолияти билан боғлиқ ҳолда аниқлаштирилади. Унда ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси манфаатларининг бирлиги, ўқитувчи ва ўқувчи мақсадининг бирлиги, таълим - тарбия самараси учун курашининг бирлиги акс этади.

Шахс ахлоқини характерлайдиган белгилардан бири-масъулият. Ўқитувчи масъулияти масъулият тушунчасининг бугун мазмунини сақлагани ҳолда, ўқитувчининг фаолияти ва таълим-тарбия жараёнининг аниқ вазифаларини ўз ичига олади. Ўқитувчи шахс зиммасига бола шахсини ҳар томонлама камол топтириш масъулияти юкланади. Ўқитувчи-ўқувчига чуқур назарий билим бериши, уни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаши лозим. Шу билан бирга у ўқувчидаги мавжуд лаёқат ва қобилиятларни пайқаб, индивидуал муносабатда бўлиши, унда мавжуд бўлган ижобий-ахлоқий сифатларни авайлаб ўстириши даркор.

Шундай қилиб, педагогик одобга эга бўлган ўқитувчи ўқувчилар орасида обрў қозонади. Ўқитувчи қанчалик кўпроқ обрў қозонса, таълим ва тарбия моҳиятан шунчалик мувафакқиятлироқ бўлади. Аксинча, ўқитувчи обрўий қанчалик паст бўлса, унинг болаларга таъсири шунча бўш ва ўқувчиларни вояга етказиш жараёни ҳам шунча заиф бўлади.

Ижодий ишлайдиган ўқитувчи фақатгина болаларни мувафакқиятли ўқитиш ва тарбиялаш, илғор ўқитувчилар иш тажрибаларини ўрганиш билангина чекланиб қолмасдан, тадқиқотчилик кўникма ва малакаларига ҳам эга бўлиши зарур. Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти ўқитувчининг ижодкор бўлишини, фаннинг муҳим муаммолари юзасидан эркин фикр юрита олиши, фан ютуқларини ўқувчиларга етказа олиши, ниҳоят ўқувчиларни ҳам ижодий фикрлашга тадқиқот ишларига ўргата олишни талаб қилади. Шунинг учун ўқитувчи, энг аввало, тадқиқотчилик малакаларини эгаллаши зарур. Ўқитувчи илмий тадқиқот ишлари олиб бориш давомида омилларни тўплайди, таҳлил қилади, улар асосида хулосалар чиқаради. У фан хулосаларидан ўзининг амалий фаолиятида

фойдаланиш жараёнида ҳозирги замон ўқитувчиси учун зарур бўлган жуда муҳим фазилатларни эгаллайди.

Ўқитувчи қобилиятида педагогик қобилият ўрни ва аҳамиятини умумийлашган ҳолда, ўқитувчилар шахсига қўйиладиган асосий талаблар асосида тушуниб олиш мумкин. Улар касбий билимдонлик, интелегентлик, маънавий баркамоллик.

Ҳозирги даврда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш кескин кучайгани учун ҳам ўқитувчига ва ўқувчига турли-туман ахборот технологиялари билан ишлашга тўғри келганлигидан уларнинг асосийларини юқори билим ва ақлидрок билан ажратиб олиш зарур. Шунинг учун ўқитувчилар меҳнати ва билимини ташкил қилиш учун қуйидагилар зарур.

Педагогнинг биргина ахборот технологиялари муҳитида ишлашга тайёргарлигини ташкил этиш. Бу муаммони ахборот технологияларини билиш ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш маъносида қараш мумкин.

Педагогнинг фикрини жамлаш, вақтини тежаш ҳамда ўқитиш методикасини ташкил этишга имкон берувчи ягона ахборот тизимига яқинлаштириш.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб, таълим беришга тайёрланиш ва ўтиш. Бундай ўтиш ўқув курсларини ахборотли телекомпьютерли ҳолатга ўтказишни кўзда тутати.

Бирлашган ахборот хажмидаги ўқув жараёнининг дастурий-услубий таъминлашини тайёрлаш.

Шундай қилиб, университетнинг бўлажак педагоглари аниқ фанларни ўқитишда компьютердан фойдаланиш малакаларини ошириши ва билиши зарур.

#### Педагогнинг шахсий қобилиятлари.

Интерфаол услубларни қўллаш таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ҳамкорлиги ғоясини амалга оширади, уларни конструктив ҳаракатга ўргатади, рухий иқлимни соғломлаштиришга ёрдам беради, ишончли шароит яратади. Шу муносабат билан педагог шахсига у ёки бу билим доирасидаги тор мутахассис сифатида эмас, балки юқори маънавий сифатлар, зийрак ва ташаббускор, содда ва мослашувчан, ҳаётий тажрибага эга шахс сифатида кучли эътибор қаратилади.

Педагог шахсининг профессионал сифатларини тузилишида руҳшунослар 4 та етакчи блокни белгилайди.

Дунёқараш, ишонч ва идеаллар, маданият даражаси, яъни

айнан талабаларга сингдириш ва уларда ривожланиши зарур бўлган ахлоқий хусусиятлар.

Педагогик фаолиятга ижобий муносабат, шахснинг педагогик йўналганлиги, педагогик мойилликлар бошқача айтганда ўқитувчининг педагогик ишга ўзини бахшида этишга интилиш ва барқарор хоҳиш бўлиши.

Профессионал педагогик билим ва малака кўникмаларни восита, услуб ва жиҳозлар жамланмаси ёрдамида ақлли, яхши, абадий этишга умид қилди.

Педагогик қобилиятлар-яъни таълим воситалари, услублари ва инструментларидан таълим мақсади ва аудиторияга мувофиқ ҳолда самаралироқ фойдаланиш.

Шундай қилиб, ўқитишдаги муваффақият ўқитувчи шахсининг илғор дунёқараши, юкори ахлоқий сифатлари, юксак билим даражаси, профессионал малака ва кўникмалари, юкори даражали ижтимоий маданияти ва педагогик йўналганлигига боғлиқ. Бирок буларнинг ўзи ўқитувчига етарли эмас, ақлий доирага кирувчи шахснинг айрим ўзига хос руҳий хусусиятлари ҳам эмоционал ирода зарур бўлади. Бу хусусиятлар педагогик фаолият шахсга қўйилган талабларга жавоб бўлгани учун ҳам унинг муваффақиятига таъсир кўрсатади.

Шахснинг кўпчилик педагогик фаолият талабларига жавоб берувчи ва ушбу фаолиятини эгаллашдаги муваффақиятини аниқлаб берувчи педагогик қобилиятдир. Педагогик қобилиятларни шартли равишда 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Ўқитувчи шахсининг шахсий, дидактик ва ташкилий - коммуникатив қобилиятлари. Шахсий қобилиятларга:

талабаларга мойиллик, яъни талабалар билан ишлаш, мулоқот қилиш хоҳиши ва интилиш, улар билан мулоқотдан чуқур роҳат олиш, яхши муносабатда ва зийрак бўлишлик. Шу муносабат билан А.М.Горький А.С.Макаренко ҳақида "У болаларга муҳаббат алангасида ёнарди" - дейди. В.А.Сухомлинский "Болаларга юрагимни бераман" номли китоб ёзган, китобнинг номини ўзидан гап нимада эканлигини билиш мумкин;

2) сабр-тоқат ўзини тутиш-ҳар доим, ҳар қандай шароитда, ўз хис-туйғуларини, темперамент, бошқариш, ахлоқи устида назоратни йўқотмаслик; бироқ бу ўз ўрнида жаҳл ва хурсандчилик талабалар ахлоқига нисбатан эътирозни инкор этмайди. Бундан ташқари, хотиржамлик ва сабр-тоқат, бефарқлик ва совуққонликка айланмаслиги лозим. Бундан ўқитувчи топқирлиги ва вазиятни бошқариши катта аҳамиятга эга;

3) ўз рухий ҳолатини, кайфиятини талабалар кайфияти ва таълим мувафакқиятини бошқаришг қобилиятига боғлиқ. Ўқитувчини тетик, ҳаёидан хурсанд, лекин ортиқча ҳаяжонсиз кўриш одатий ҳол.

4. Таълимда дидактик, ташкилотчилик, билиш, англаш, конструктив, коммунокатив қобилиятлар.

Дидактик қобилиятлар куйидагиларда намоён бўлади: а) тушунтириш қобилияти, яъни талабаларни кўзи билан кўриши ва эшитиши, тушунарсиз атамаларни тушунарли, содда ва ҳаммабоп қила олиши; б) академик қобилиятлар, бошқача айтганда предмет, фан соҳасини билиши, эрудицияси, дунёқарашни кенг бўлиши ўз устида ишлаш натижаси сифатида қаралади; в) нутқ қобилиятлари, ўз фикри ва ҳис туйғуларини нутқ шаклида аниқ ва равшан намоён қилиш қобилияти, нутқни мулоқотнинг новербал воситалар, яъни мимика ва пантомимика билан бирга қўшиб олиб бориши. Бундан предметни билиш, ўзи баён қилаётган сўзларга ишониши мураккаб фразеологик иборалардан воз кечиш, қўлланаётган атама ва тушунчаларни изоҳлаш, нутқ суръати ва баландлиги.

Ташкилий - коммуникатив қобилиятлар куйидаги сифатлар билан тавсифланади:

А) ташкилий қобилиятлар, бунда фаолиятнинг 2 йўналишини белгилаш зарур-биринчидан, таълим олувчилар жамоасини ташкил қилиш, иккинчидан, ўз ишини тўғри ташкиллаштириш, режалаштириш ва ўз - ўзини назорат қилиш, ўқув жараёнининг вақт жиҳатдан чегараланганлигини ижобатга олган ҳолда, билимларни етказиш учун ўқитувчидан максимум куч талаб этилади;

В) коммуникатив қобилиятлар-таълим олувчилар жамоа, алоҳида шахс билан уларни индивидуал ва ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, тўғри ўзаро муносабат ўрнатиш; буни икки чегаранинг ўртасида - совук бегоналик ва фамиляр муносабатлардан билиш лозим;

С) педагогик кузатув ёки а.с. Макаренко айтганидек, "Юзага қараб ўқиш қобилияти", яъни таълим олувчининг ички дунёсига қира олиш, зийраклик, талаба шахсини тушуниш ва унинг вақтинчалик рухий ҳолатларини англаш. Буларга, албатта, ташки омиллар, талабанинг хулқ-атвори ҳамда педагогик таъриба ҳам таъсир кўрсатади;

Д) педагогик тактика-яъни талабаларга таъсир кўрсатишнинг мақсадга мувофиқ чораларни топиш қобилияти, уларнинг индивидуал ва бошқа хусусиятларини инобатга олган ҳолда, конкрет вазиятдан келиб чиқиб, инсон шахсиятига тегмаган ҳолда;

Е) суггестив қобилият-талабаларга эмоционал-иродавий таъсир кўрсатиш қобилияти, талаб қўйиш ва уларни бажарилиши, ҳеч қандай босим ва зўрлашсиз, шу билан бирга юмшоқлик ва иродасизлик;

Ғ) педагогик хаёл, ўз ҳаракатларининг оқибатларини олдиндан кўра олиш қобилияти, таълим олувчилар шахсини тарбиявий лойиҳалаш, таълим олувчининг у ёки бу сифатларини ривожлантириш олдиндан кўриш қобилияти;

Г) диққатни тақсимлаш, ўз диққатини бир нечта объект ва фаолиятлар орасида тақсимлаш, яъни материални баён қилиш, фикр ривожланишини кузатиш, юзага келган саволларга ўз вақтида жавоб бериш, таълим олувчилар жамоаси хулқ - атворини назорат қилиш.

Педагогик технология педагогларнинг профессионал аҳамиятли маҳоратлари тизимини аниқлаб беради. Таълим олувчига таъсир кўрсатишни ташкил қилиш бўйича педагогик фаолиятни технологик-лигини англаш услубларини тақлиф этади.

Ҳар бир педагог таълим олувчига таъсир кўрсатишни кўпгина параметрларга кўра тузади. Эмоционал - рухий ҳолат, ёшга оид ва маданий ривожланишнинг умумий даражаси, муносабатларининг шаклланганлиги, маънавий ва интеллектуал ривожланиш ва бошқалар. Якунида ташқи намоён асосида талаба шахси ҳар бир бирламчи тасаввурда шаклланади. Педагогик таъсир характерини кўп жихатдан аниқлаб беради.

Педагогик технология нуқтаи назаридан педагогика билан принципиал талабларни олимлар педагогик таъсир услубини қўллашнинг умумий қоидаларини белгилашди:

Талабаларга нисбатан талаб ва ҳурматнинг уйғунлиги.

Ҳар қандай педагогик таъсирнинг тайёрланганлиги.

Ушбу таъсирни охиригача етказиш.

Таълим натижаси учун масъулиятни ҳис қилиш қобилияти.

Ушбу ҳар бир низомни олиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, уларнинг ҳаммаси таълим олувчиларнинг билиш фаолияти ҳамда предмет ва натижасига кизиқишни ривожлантиришига йўналтирилган.



Шуни унутмаслик жоизки, таълим мувафакқияти педагог, унинг юқори профессионал маҳорати, унинг шахсий хусусиятларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Педагогик маҳоратнинг ташкил топиши ва амалга оширилиши.

Ўқитувчи асосий фигура ҳисобланиб, касбий тайёргарлик жараёнида талаба шахсини ривожлантиришда стратегик ролни бажаради.

Ўқитувчи амалий ва семинар машғулотларини олиб боради. ОТМ ва махсус таълим муассаса ва ўқитувчисига ўқув ва услубий иш (ўз мутахассислиги бўйича) ўқув ва малакавий амалиётни, мустақил машғулотлар ва талабаларнинг илмий тадқиқот ишларни бошқариш юкланади.

Ўқитувчи фаолиятининг асосий мазмуни ўз ичига бир қанча функцияларни бажаришни олади. Ўқитиш, тарбиялаш, ташкилотчилик ва тадқиқотчилик. Ўқитиш уларни биргаликда қабул қилади, кўпчиликдан бири ё иккинчисини кўра олиш зарур. Ўқитувчи учун педагогик ва илмий фаолият уйғунлиги махсус. Тадқиқотчилик иши унинг ички дунёсини бойитади. Ижодий потенциалликни ривожлантиради. Илмий билим даражасини оширади.

Амалиёт кўрсатадики, агар педагогик фаолият илмий фаолият билан мустаҳкамланса, профессионал педагогик маҳорат тез сўнади. Профессионаллик педагогик вазиятларни таҳлил қилиш асосида педагогик вазифаларни кўриш ҳамда уларни ҳал қилишнинг оптимал услубларини топиш маҳоратида намоён бўлади.

Ҳар қандай ижод турида бўлганидек, педагогик фаолиятнинг ҳаракатланувчи меъёрлари ва эвристик топилмалар мустақил равишда ўзига хос уйғунлашади.

Педагогнинг ижодий индивидуаллиги:

— бу унинг фаолиятининг олий тавсифномасида, ҳар қандай ижод каби у шахс билан мустаҳкам боғлиқ. Ўқитувчининг меҳнати 3 компонентни ўз ичига олади: педагогик фаолият, педагогик мулоқот, шахс. Шахс - меҳнатнинг асосий омили, педагогик фаолият ва педагогик мулоқотни, профессионал ҳолатини аниқловчи бўлиб ҳисобланади.

— бу меҳнат технологияси педагогик мулоқот унинг иклими ва атмосфераси, шахс эса ўқитувчининг кадриятли мўлжаллари, идеаллари, ишининг ички модули.

Агар педагогик тизимга билдирилган мақсад ва вазифалар, мазмун, меъёр, мезонлар педагог ва олим фаолиятининг ташқи объектив таркиби ҳисобланса, илмий педагогик фаолиятнинг йўл ва услублари индивидуал субъектив характерга эга. Уларни қўллаш ҳар бир педагогнинг қобилиятига боғлиқ.

Профессионал қобилиятлар олий мактаб мутахассиси фаолиятида нотекис намоён бўлса-да, уларни комплекс йиғиндиси ҳамда шахс хусусиятлари тузилиши сифатида кўрилади. Мураккаб махсус қобилиятлардан ташқари, элементар умумий қобилиятлар кузатувчанлик, нутқ сифати, тафаккур, ҳаёл қабилар ҳам мавжуд. Бу сифатлар педагогик меҳнатда зарур ҳисобланади. Агарки, уларни эгаллаган мутахассис улар ёрдамида тез ва тўғри педагогик тизим, фаннинг маълум белгилари сифатида кечаётган жараёнларни бошқариш мақсадида уларни самарасини баҳолайди.

Педагогик қобилиятлар одатда ташкилий ва гностик қобилиятлар тизимига киради. Бу қобилиятлар бир-биридан алоҳида мустақил равишда мавжуд бўлиши мумкин. Шундай олимлар борки, улар ўз билимларини, ҳаттоки ўзлари жуда яхши тушунган нарсани ҳам бошқаларга узатиш қобилиятидан маҳрум талабаларга маъруза ўқийдиган профессор учун зарур бўлган педагогик қобилиятлар, лабораториянинг олим - раҳбари учун зарур бўлаган қобилиятлар билан фарқ қилади.

Ёш мутахассислар бозор-иқтисодиётининг юзага келиши узлуксиз таълимнинг, ОТМ мутахассисларини давлат ва халқаро аккредитациясининг ривожланишида педагогик фаолиятга бўлган турли хил қатъий талабларни ажрата олмайдилар. Педагогик фаолият - бу педагогнинг ва талабаларни ўқитиш ва ривожлантириш вазифаларини ҳал қилувчи турли ҳаракатлар ёрдамидаги профессионал фаоллиги (таълимий, тарбиявий, ташкилий, бошқарув, конструктив - диагностик). Бундай фаоллик ўзига 5 та таркибий қисмни киритади: гностик, педагогик тизимни функционаллаштириш механизмлари ва қонунлари ҳақида янги билимлар олиш, тўплаш вазифасини ҳал қилади; лойиҳалаш - курсда ўқитиш мақсадида ва унга эришиш йўллари лойиҳалаш билан боғлиқ; конструктив, курс мазмуни, машғулотларни ўтказиш шакли ва услубларини тузиш, ҳамда саралаш бўйича ҳаракатларни ўз ичига олади; ташкилий - режалаштирилган ишларни амалга ошириш вазифаларини ҳал қилади; коммуникатив педагогик жараён-

нинг субъектлари ўртасида педагогик мақсадга мувофиқ ўзаро муносабатларни ўрнатиш билан боғлиқ ҳаракатларни ўз ичига олади. Бугунги кунда ўқитувчининг ягона илмий билимларни ўзида "ушловчи" сифатидаги роли пасайиб, эксперт ва консультант, талабага илмий ахборотлар дунёсининг мўлжалланишига ёрдам берувчи сифатидаги роли ошиб бормоқда.

ОТМ ўқитувчисининг профессионал шахсий қобилиятларидан иборат профессионал қобилиятларининг асосий компонентларини кўриб чиқамиз.

1. Гносеологик қобилиятлар педагогининг дунё ҳақида, таълим олувчилар ҳақида, яхлит ҳолда шахсининг ахлоқий, меҳнат, интеллектуал мулкнинг шаклланганлиги тўғрисида ахборот олиш услубларига сезгирлиги, тадқиқотчиликнинг илмий услубларини шахсни шакллантириш мақсадларига боғлиқ бўлган таълим олувчиларни ўрганиш услубларини тез ва ижодий эгаллаш гносеологик қобилиятлар ўзи ва бошқалар ҳақида талабалар тўғрисида маҳсулдор маълумотларни тўплашни таъминлайди, бу билан талабаларнинг кучли ва кучсиз томонлари ўрганилади, эҳтиёж ва қизиқишлари таъминланади. Юқори даражада ривожланган гносеологик қобилиятлар белгиси бўлиб, тезлик ва илмий услубларни ижодий эгаллаш, талабаларни ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини назорат қилишнинг илмий услубларига ўргатиш услубларини кашф қилиш ҳисобланади. Гностик компонентнинг муҳим таркиби бўлиб, ўз билим фаолияти асосида ётувчи билим ва малакалар ҳисобланади. Гносеологик компонент дунёга, меҳнатга, бошқа инсонларга ва ўз-ўзига бўлган муносабатларнинг қатъий тизимида намоён бўлувчи дунёқарашларни шакллантиришга, ҳаётий ҳолат фаоллигига таъсир кўрсатади. Санъат ва адабиёт, дин, ҳуқуқ, сиёсат, ижтимоий ҳаёт соҳасидаги умумий мазмунли қизиқиш ва хоббиларнинг мавжудлиги олий мактаб мутахассиси шахсини бойитади. Бирок, энг аввало, махсус билимлар - фан соҳасида, психология, педагогика, ўқитиш методикаси бўйича билимлар зарур. Замонавий ўқитувчи нафақат махсус фанлар бўйича, балки психология, педагогикани чуқур билиши, педагогик фаннинг сўнгги ютуқларидан хабардор бўлиши керак. Махсус билимларни узатиш услублари ва йўллари моҳирона эгаллаши лозим.

2. Маҳоратнинг юқори даражасига эришишда асосий ҳисобланувчи конструктив ва лойиҳалаштириш қобилиятлари. Улар

бошқа барча билим турларидан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ. Бундан улар ортиқча юк бўлиб ёки илмий - педагогик ишнинг барча турларини ишга солишга фаол киришиши мумкин. Бу қобилиятларни амалга оширишнинг психологик механизми бўлиб, тарбиявий - таълимий ва илмий жараёнларни фикран моделлаштиришга хизмат қилади. Конструктив лойиҳалаштириш қобилиятлари фаолиятнинг стратегик йўналганлигини таъминлайди ва педагогнинг якуний мақсадларга мўлжалланиш, талабаларнинг бўлажак мутахассислигини ҳисобга олган ҳолда, долзарб масалаларни ҳал қилиш маҳоратида намоён бўлади. Конструктив - лойиҳалаштириш қобилиятлари бу ўқув курсининг ва илмий фаолиятнинг йўналтирилган режалаштирилиши, курснинг ўқув жараёнида, фандаги аҳамиятни ўрнатиш, бошқа фанлар билан боғлиқлигини ҳисобга олиш. Қобилиятларнинг ушбу тури тактик мақсадларни курсини тузиш, мазмунли тўплаш ва машғулотларни олиб бориш шакллари танилашни амалга оширишни таъминлайди. ОТМ нинг педагогик жараёни муаммоларини ҳар куни, ҳар бир амалиётчи ечишига уларни ўрганиш эса ҳар бир педагог - олимга тўғри келади.

Лойиҳалаштириш қобилиятлари, билмасликнинг билишга бўлган йўлда педагогик ва илмий таъсир конструкциялаштиришга бўлган алоҳида сезгида кўринади. Улар бўлажак фаолият натижаларини назарда тутаяди. Билим, малака, кўникмаларни узатишда дозалаш-тиришни тахмин қилади. Лойиҳалаштириш ва конструктив фаолият асосида интеллектуал меҳнатга бўлган қобилиятлар ётади.

Стандарт ва одатий услублардан воз кечиб, янги, оригинални қидириш.

Бевосита аниқ ва равшан нарсадан узоғини кўриш.

Муаммога тааллуқли асосий боғлиқликлар моҳиятини қамраб олиш.

Ечимнинг турли бир неча йўларини аниқ кўриш ва энг самаралисини танлаш.

Ҳамма нарса ҳал бўлгандек туюлган жойда муаммони кўриш.

Қобилиятнинг ушбу компонентини таҳлил қила туриб, замондош олимлар илмий фаолиятида вазиятни тез, деярли лаҳзали мантиқан англамаган равишда тушуниш ва тўғри қарорга келиш асосида йўлни қисқартиришга ёрдам беради-

ган катта ақлий меҳнат натижаси сифатида интуиция ролини юқори баҳолайди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, илмий даражага эга бўлмаган ўқитувчилардан барча лойиҳалаштириш конструктив хусусиятлар даражаси бирмунча паст бўлди. Якуний натижани олдиндан кўра олиш маҳорати кўрсаткичлари юқорирок бўлди. Лойиҳалаштириш-конструктив қобилиятлар тажриба асосида ва илмий тадқиқотлар жараёнида ривожланади.

3. Ташкилотчилик қобилиятлари нафақат ОТМ да ўқитиш жараёнини ташкиллаштиришга хизмат қилади, балки бу тадқиқотда у билан бирга қатнашаётган ёки турдош фанларни ўрганаётган олимлар билан ҳам ўзаро муносабатда бўлишини тақозо этади. Олимлар шахсининг ташкилотчилик сифатлари орасида куйидагиларни муҳим деб таъкидлайдилар:

1. Ўз иштиёқини бошқаларга юктирадиган қобилияти.
2. Ҳар бир инсонга энг яхши ёндашувни топиш қобилияти.
3. Психологик тактик таъсир кўрсатиш меъёрини ўрнатиш қобилияти.
4. Ривожланишнинг умумий даражаси инсоннинг мулоҳазали, умумий ҳиссий қобилиятларини турли -туманлиги кўрсаткичи сифатида.
5. Амалийлик - бевосита тез ва осон ўз билим ва тажрибасидан амалий вазифаларни ечиш қобилияти.
6. Мустақиллик-ишонувчанлик ва кўр-кўрона таклид қилишдан фаркли равишда.
7. Кузатувчанлик.
8. Ўз-ўзини тутиш, бошқариш.
9. Мулоқотга киришувчанлик.

Ташкилотчилик қобилиятлари ўзини, ўз вақтини, талабаларнинг индивидуал, гуруҳий ва жамоавий фаолиятини ташкил қилиш маҳоратида илмий муаммо атрофида ишончли ёрдамчилар, ҳамфикрларни бирлаштирган ҳолда кўринади. Ташкилотчилик компоненти инновацион технологияларни татбиқ этишда кичик гуруҳларда иш олиб боришлар етакчи ҳисобланади.

4 Коммуникатив компонентлар ўқитувчи фаолиятида мулоқот қобилиятини англатади ва нафақат илмий ва педагогик коммуникация воситасини, балки фаолиятида профессионаликни такомиллаштириш шарти ва ўқитувчи шахсини ривожлантирувчи манба ҳамда талабаларни тарбия-

лаш воситаси сифатида кўрилади. Коммуникатив қобилиятларга куйидагилар киради:

Мулоқот бўйича ҳамкор инсонни ҳар томонлама ва объектив қабул қилиш қобилияти.

Биргаликдаги фаолиятда унда ишонч, ҳамдардликни ҳосил қилиш қобилияти.

Низоларни олдиндан кўра олиш ва бартараф этиш қобилияти.

Танқидни қабул қилиш ва уни ҳисобга олиш, ўз хулқ алови ва фаолиятини мувофиқ равишда қайта кўриш.

Коммуникатив компонентлар ўқитувчининг интерфаол услубларини қўллаш қобилиятини шакллантиради, чунки коммуникатив ва психологик қулай муҳит яратишга ёрдам беради.

5. Перцептив - рефлексив компонент коммуникатив билан мустаҳкам боғлиқ, у педагогик таъсир субъектига қаратилган. Рефлексия - ҳаракатланаётган индивиднинг мулоқот бўйича ҳамкори томонидан қандай қабул қилинаётганини англаш, бошқалар уни қандай тушунаётганини билиш. Рефлексия - индивидларнинг бир- бирини акс эттиришининг ўзига ҳос жараёни, унда рефлекс қилаётган субъект суҳбатдошининг ички дунёсини унда ўзини акс эттириш билан намоён қилади.

Перцептив - рефлексив қобилиятларга ҳиссийликнинг 3 тури киради:

**Объект хис-уйғуси.** Бу педагогнинг алоҳида ҳиссийлигини англатади. Талабаларда реал боғлиқ объектлари қандай жавоб топади, бундан таълим олувчиларнинг кизиқиши ва эҳтиёжлари қай даражада намоён бўлади. Улар қай даражада педагогик тизим талабларига мос келади, педагогнинг ўзи ўқув - тарбиявий жараёнда уларга нимани беради. Бу ҳиссийлик эмпатия билан ўхшаш ва таълим олувчилар психологиясига тез, осон ва чуқур кириб бориш, педагогнинг талабалар билан эмоционал индентификациясида ва уларнинг фаол мақсадга мувофиқ биргаликдаги фаолиятида намоён бўлади.

**Меъёр ва тактик хис туйғуси.** Шаҳсда таълим олувчилар фаолиятида педагогик таъсирнинг турли воситалари таъсири остида юзага келувчи ўзгаришлар меъёрига бўлган алоҳида ҳиссийликда намоён бўлади. Қандай ўзгаришлар юз бермоқда, улар ижобийми ёки салбийми, уларни қандай белгиларга қараб билиш мумкин.

Алоқадорлик ҳис туйғуси. У педагогнинг ўз фаолияти камчиликларига бўлган ҳиссиёти педагогик ва илмий жараён учун ҳамда педагогик таъсирнинг якуний натижалари учун жавобгарлик ва танқидийлик билан характерланади.

Ўқитувчи профессионал қобилиятларининг асосий компонентлари шулардан иборат. Уларнинг барчаси ўзаро боғлиқ ва бир бутунни ташкил қилади. Олий мактаб ўқитувчи-мутахассиснинг ижодий индивидуаллиги ва услубига таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, ўқитувчининг конкрет ёрдами, энг аввало, талабаларнинг ўзида таълимга эҳтиёж, бу жараёнда фаоллик ва мустақамликка интилишни ҳосил қилиш ва ривожлантириш учун дидактик ва психологик шароит яратиш билан боғлиқ. Талабалар билан ишлашда педагог ва талабаларнинг биргаликдаги махсулдор фаолиятини ташкил қилишнинг роли катта. Бунда педагог ўргатувчи муҳитни яратади, интеллектуал муносабатлар ва мулоқот тузилиши ва мантиқни аниқлайди. Илмий билишнинг яхлит йўлини осон вариантда дастурларни таққослаш ва рефлексияга амалий вазифаларни, тажрибали-экспериментал ишни янги мазмундаги вазифаларни ҳал қилишни, бир ходисага нисбатан турли нуқтаи назарларни солиштириш ва ҳоказоларни тақлиф этади.

Педагог томонидан талабаларнинг ўз-ўзини ўқитиш бўйича фаолиятини ташкил қилишни таҳлил қилишда 2 функция ажратилади:

Ижобий - ижодий-педагогнинг ўз хагги - ҳаракатлари замонавий ОТМ педагогикаси талабларига мос келиши, энг аввало, оммавий тажрибанинг турли назарий концепция ва тенденцияларини ажратиш маҳорати.

Амалий-ҳаракатланувчи-ўз қийинчиликлари ва омадсизликлари сабабларини танқидий англаш, ишнинг конкрет шароитлари билан маълум талабалар гуруҳини уларнинг мутахассислигига боғлиқ ҳолда, ўз педагогик усулларини мослаштиришни ва ўз вақтида англашга ёрдам кўрсатиши талаб қилинади.

## Мавзу бўйича таянч сўзлар:

Педагогик қобилият, психологик характеристика, билиш, англаш, ғоя, дидактика, перцептив, коммуникатив, лойиха, мафкура.

## Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиёти-нинг пойдевори. - Т., 1997.
2. Худойқулов Х.Ж., Одоб - ахлоқ ва тарбия дурдонаси. - Т., 2010.
3. Мавланова Р., ва бош. Педагогика. - Т.: Ўқитувчи, 2001.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". - Т., 1997.
5. Очилов М.О., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. - Т., 1997.
6. Гулбоев Т. Янги педагогик технологиялар. Маърузалар матни. - Навоий, 2000.
7. Худойқулов Х.Ж. Педагогика ва психология. Услубий қўлланма. - Т., 2010.
8. Махмудов Ю.Ғ., Худойқулов Х.Ж., ва бошқалар. Миллий гуруҳ-маънавий комилик мезони. -Т.: ДЗАЙИН-ПРЕСС. 2011й.



## 5-мавзу: Ўқитувчининг коммуникатив қобилияти

### РЕЖА:

1. Ўқитувчининг коммуникатив қобилияти ҳақида тушунча.
2. Муомала турлари ва уларни аниқланиш даражалари.
3. Ўқитувчининг ўқувчилар билан муносабати турлари. Педагогнинг нутқсиз муносабати.

1. Ўқитувчининг коммуникатив қобилиятини ташкил этувчилари ҳақида тушунча.

Ўқитувчининг мулоқот ва муомала санъатини қисқартириб, "Ўқитувчининг коммуникатив қобилияти" - деб аташди ва "Педагогик маҳорат" фанининг муҳим йўналишларидан бири деб эътироф этишди.

Коммуникатив қобилият-ўқитувчининг ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, ҳамкасблари, ташкилот раҳбарлари ва бошқалар билан педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ муносабатлар қуриш, улар билан муомала қила олиш маҳоратида намоён бўлади. Қадим замонда одил бир подшоҳнинг ахлоқсиз ва тарбиясиз ўғли бўлиб, у ҳеч ҳам катталарнинг гапига кирмас, ўқитувчиларини писанд қилмасди. Тахт ворисининг ўзини бундай тутиши шоҳ ва шоҳ аёнларини хавотирга соларди. Ниҳоят одил шоҳ кўп ўйлаб, валиаҳдни мамлакатнинг чекка бир қишлоқларидан бирида камтарона кун кечирадиган кучли илм соҳибига шогирдликка берибди. Устоз кўп йиллар давомида шогирдига ўзи билган барча билимни бериб, валиаҳдни одоб-ахлоқда, илму зиёда, умуман ҳар тарафлама мукамал тарбиялабди. Бир куни устоз шогирдига нарсаларини йиғиштиришини, бугун дарсларнинг сўнггиси эканлигини айтибди. Нарсаларини йиғиштириб бўлгач, шогирд хурсанд бўлиб, устозининг олдига сўнги дарсга кирибди. Устози ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ шогирдини савалаб кетибди. Шогирди устозидан жуда ҳам ранжиб, шоҳ саройига қайтибди. Устози ҳам бирон сўз демабди. Орадан кўп ўтмай шогирд бола тахтага ўтирибди ва тож кийдирилган куннинг ўзида устозини саройга келтиришга буйруқ берибди.

Устози келгач, шогирд ҳамманинг олдида устозини койибди: "Эсингиздами устоз? Уйингиздан кетаётганимда мени берайб бўлсам ҳам роса саваладингиз. Ўша куни сиздан жуда қаттиқ ранжидим, сизга бўлган ҳурматим йўқолди ва бир кун шоҳ

бўлсам, сизни жазолашни ўйлаб қўйгандим. Мана келди"- деб устозини зиндонга ташлашни буюрибди. камтарона жилмайиш билан: - "Мана мен сизга ўн йил б. бердим, билганларимни ўргатдим, сизни бирор маротаба қонимадим. Лекин буларнинг бари сизнинг эсингиздан чиқиб кетибди-ю, бир марта савалаганим дилингизни оғритибди, ёдингиздан чиқмабди. Сиз шу юртнинг йўлбошчиси экансиз, доимо адолат билан иш кўришингизни сўрайман. Сизнинг бир марта ўйламай қилган ноўрин адолатсиз ҳаракатингиз халқнинг ғазабини кўзгаши ва ҳурматингизга путур етказиши мумкин. Зеро, бу дунёда энг қийин ва машаққат билан эришиладиган нарса бу - ҳурмат, энг осон йўқотиш мумкин бўлган нарса бу ҳурмат. Бу менинг сизга бермоқчи бўлган сўнги дарсим эди",- дебди.

Бундай жавобни кутмаган шох устозига таъзим қилиб кечирим сўрабди ва иззат-икром билан кузатиб қўйибди.

Бу ҳикояни эшитганимда зукко устознинг педагогик маҳоратига, муомала саънатига, унинг коммуникатив қобилиятига қойил қолгандим.

Бола кўрган фильмларини, эшитган эртақларининг бош қаҳрамонларига ўхшагиси келади, тақлид қилади. Мен бу ҳикояни болалигимда эшитганимда бутун мамлакатни бошқариш мумкин бўлган бадавлат шохга эмас, камтарин ва доно устозга, шохни таъзим қилишга мажбур қилган қобилият эгасига ҳавасим келган эди. Бу маҳорат ва санъатнинг сири билан жуда қизикган эдим.

Яхши ният ярим давлат - деб бекорга айтишмас экан. Орадан йиллар ўтиб, бугунги устозимнинг шу қобилияти билан яқиндан танишиш имконияти пайдо бўлди ва бундан мен беҳад хурсандман.

Ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантириш жараёнида муомаланинг ролини қараб чиқар эканмиз, энг аввало, бу сўзнинг таърифига тўхталиб ўтамиз.

Кишилар билан муносабат, сўзлашув, шунингдек, иш, хизмат, тарбия билан боғлиқ алоқага -муомала дейилади.

Муомала — бу ахборот жараёни. Ахборот икки йўналишда бошқариш субъектидан (педагогдан) бошқариш объектига (ўқувчиларга) боради ва аксинча- объектдан субъектга боради. Педагог бевосита шахслараро муомаладан ўз тарбияланувчилари, умуман, жамоа ҳақида, ундаги ички жараёнлар ҳақида ғоят хилма-хил ахборотга эга бўлади. Ўз навбатида педагог муомала жараёнида ўз тарбияланувчиларига мақсадга қара-


тилган ахборотни, унинг ўқувчиларга муурожаатида ботиний кириб борадиган ахборотни маълум қилади.

Педагог муомала воситаси орқали ўқувчилардан қандай ахборот олишини қараб чиқар эканмиз, ўқувчи шахси ҳақидаги ахборотнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бевосита муомала шахсни ғоят хилма-хил шароитларда ва кўри-нишларда ўрганишга имкон беради. У фақат шахс хулқ-атворида намоён бўладиган ёрқин ва энг таъсирчан ташқи белгиларнигина қайд этиш имконини бериб қолмайди. Педагог ўқувчилар билан муомала қилар экан, жуда майда деталларни ҳам англаб олишга қодир бўлади. Бу деталлар сиртдан қараганда унчалик аҳамиятли бўлмай, шахсда содир бўлаётган, уни тушуниш учун жуда муҳим бўлган зарур ички жараёнлар кўри-нишлари аломатлари бўлиши ҳам мумкин.

Ўқувчилар билан бевосита муомала педагогга жамоадаги ёки айрим ўқувчилардаги бирон-бир воқеа ривожланиши жараёнида ўрганиш зарур бўлганда, рўй бераётган ҳодисалар ва жараёнларнинг сабаб-оқибат алоқаларини пайқаб олишда, уларнинг туғилиши, пайдо бўлиши ва ривожланишини кузатиш. Бундан ташқари, бу ҳодисалар ва жараёнларнинг янада ривожланиши туғрилигини маълум даражада олдиндан айтиб бериш керак бўлганда ҳам зарур. Бироқ муомала услубларида "ахборот шовқини" қанча кўп бўлиб, у кўп ёки оз даражада ахборот ташувчи бўлиши мумкин. Бу ҳол, айниқса, биринчи навбатда ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасида қарор топган муносабатларга боғлиқ бўлади.

## 2. Муомала турлари ва унинг аниқланиш даражалари.

Ўқувчилар фаолиятида ва уларни тарбиялашда ўқитувчи шахсининг муомала тажрибаси катта роль ўйнайди. Ўқитувчи муомала тажрибасининг уч жиҳати бор:



Ўқитувчининг бошқа кишилар билан муомалада бўлиш тажрибаси, биринчидан, бу тажриба бойлиги ва мунтазамлик даражаси, ўқитувчининг ўзи шахс сифатида қай даражада шаклланганлиги, унинг воқеликни қай даражада идрок этишига ва олинган ахборотга баҳо беришга қодирлигини аниқлаб беради.

Иккинчидан, педагоглик фаолияти кишини ўзи дуч келадиган ҳодисаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш тажрибаси билан бойитилади. Бу эса унинг ўз агрофдагилари аҳволини фаҳмлаб билиб олиш ва улар ҳақида ҳукм юритиш қобилиятларини оширади.

Нихоят, ўқувчилар фаолиятида ва уларни тарбиялашда ўқитувчи шахсининг кундалик муомаласи шунга олиб келадикки, у ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатларидаги чуқур маъно ва ҳиқикий сабабни турли вазиятларда пай-қаб олади, бунинг учун намуна сифатида у ўзи тез-тез қайд қилган далиллардан шў ўқувчиларнинг хулқ-атвор услубларидан фойдаланади. Бу нарса ўқитувчилик фаолиятида, айниқса, сезилиб туради. Бу эса қонуний бир ҳолдир, чунки биз (ўқитувчилар) кундалик ҳаётимизда одамлар (ўқувчилар) билан муомалада бўлар эканмиз, уларнинг хулқ-атворини билиб оламиз, чунки биз уни гўё "ўкигандай" бўламиз, яъни хулқ-атворнинг ташки кўринишлари аҳамиятини тушуниб оламиз. Шу тарзда контекстда ҳосил бўлган, ўзининг ички психологик режасига эга бўлган матн маъносини очиб берамиз. Бу "ўқиш" йўл-йўлакай бўлади, чунки агрофдагилар билан муомала жараёнида бизда уларнинг хулқига доир маълум даражада автоматик тарзда мавжуд бўлган психологик тагмаъно ҳосил бўлади

Ўқитувчининг ўқувчилар билан муомала тарбияни бошқариш воситаси сифатида қаралиб, бирлаштирувчи-ўрнини тўлдирувчи вазифасини ҳам бажаради. Шу муносабат билан тарбия узлуксиз жараён эканлигини назарда тутиш керак.

Бошқариш воситаси бўлган муомала вазифасини амалга ошириш жамоадаги фаолият муомала-муносабатлар тизими доирасида содир бўлади. Бунга сабаб шуки, муомала педагогларнинг ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш жараёнида ҳам. Улар билан бевосита муомала қилишда ҳам амалга оширилади. Бошқариш воситаси бўлган муомала фаолиятдан олдин бўлади. Педагоглар бу фаолиятда ўқувчиларни жалб қиладилар. Бундай ҳолларда муомала орқали ўқувчиларнинг фаолия-

тини ташкил этиш юзасидан муайян йўл-йўрик берилади, уни амалга ошириш жараёнида муносабат меъёрлари киритилади. Бошқариш воситаси бўлган муомала ўқувчиларнинг фаолиятига ҳамроҳлик қилади. У орқали ўқитувчи фаолиятни ташкил этиш ва амалга ошириш услубларига тузатишлар киритади. Айрим ўқувчиларнинг, умуман, жамоа куч-ғайратини, фаолият иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган муносабатларни мувофиқлаштиради.

Нихоят, бошқариш воситаси бўлган муомала фаолиятдан кейин боради. Бу фаолиятга яқун ясаш, уни амалга ошириш, унда айрим ўқувчиларнинг иштирок этиши, фаолият жараёнидаги муносабатларни, фаолият ва муносабатларни тартибга солувчи меъёрларни таҳлил қилиш тарзида содир бўлади.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан муомаласи мувафакқиятли бўлиши кўп жихатдан унда педагогик қобилиятнинг мавжудлигига ва педагоглик назокати (одоби)ни эгаллаганлигига боғлиқ бўлади.

Психологияда педагогик қобилиятлар деганда инсоннинг муайян психологик хусусиятларини тушуниш қабул қилинган. Бу хусусият унинг ўқитувчи ва ўқувчиларга таълим беришда юксак натижаларни қўлга киритиш шарти ҳисобланади.

Маълумки, шахснинг у ёки бу қобилиятларини ҳосил қилувчи хислатлар ва хусусиятлар орасида бир хиллари етакчи роль ўйнаса, бошқалари ёрдамчи роль ўйнайди. Педагогик фаолиятида эса, шахснинг ўзаро фикр алмашув билан боғлиқ хусусиятлари етакчи роль ўйнайди. Биринчи навбатда перцептив, яъни идрок қилиш соҳасига тааллуқли бўлган хусусиятлар (улардан энг муҳимроғи кузатувчанликдир) етакчи роль ўйнайди, ўқитувчига ўқувчининг психологиясини, унинг психик ҳолатини ўхшаш тарзда идрок этиш, муайян ҳолда умуман, гуруҳ жамоасининг аҳволига, хусусан, маскур педагогик вазиятдаги аҳволига тўғри баҳо бериш имконини беради.

Ўқитувчининг нутқи: нотиклик қобилиятининг мавжудлиги, сўз бойлиги муҳим роль ўйнайди. Табиатда бир қатор артистлик хусусиятига эга бўлиш (хаёл, фантазия ишлата билиш) ҳам ўқувчилар билан муомалада мувафакқиятга эришишда муайян роль ўйнайди.

Педагогик қобилиятлар фақат педагогик фаолият самарали бўлишининг шартигина эмас, балки кўп жихатдан ўқитув-

чининг мувафакқиятли ишлаши натижаси ҳам. Шу муносабат билан ўқитувчининг ўзида педагогик қобилиятларнинг аниқ мақсадни кўзлаб таркиб топиши ва ривожланиши катта роль ўйнайди.

Ўқитувчи ўз ўқувчиларини, улар муҳитидаги ўзаро муносабатларни, ўзининг улар билан ўзаро муносабатларини ҳозирги дақиқада қандай бўлса, худди шундай идрок этиш ва кўриш маҳоратини, яъни таълим-тарбия жараёнида рўй бераётган варақаларни ичдан идрок этиш маҳоратини доимо такомиллаштириб бориши лозим. Агар ўқитувчи болаларнинг хатти-ҳаракатларини фақат тўғри идрок этиб, тўғри муомала қила олса, уларга тўғри баҳо бера билса, уларни вужудга келтирган сабабларни чуқур кўра олсагина, шу билан бирга ўзида сабот, ўзини тута билиш, сабр-тоқат, сезгирлик каби феъл-атвор каби хусусиятларни ривожлантира олсагина педагогик фаолиятида юксак мувафакқияларга эришади. Бу эса педагогик назокатга риоя қилишнинг зарурни шарти.

Назокат-меъёр туйғуси ёки одоб қоидаларига риоя қилишни билдиради. Педагогик назокат меъёр туйғуси ва ўз ўқувчилари билан тўғри муносабатга амал қилишдир. Педагогик назокатнинг психологик асослари деб, бир қолипдаги фикрлар (барқарор тасаввурлар), ижтимоий йўл-йўриқлар ва шахсий хислатларнинг жамини айтиш мумкин. Улар ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан муомаласи соҳасидаги хулқ-атворини белгилаб беради.

Умуман, ўқувчилар билан синф билан ҳам, гуруҳлар билан ҳам, айрим болалар билан ҳам муомала қилганда, баъзи умумий услубларни эсда тутиш ва улардан фойдаланиш фойдали, улар муомалани диалогли, самарали, кам ихтилофли қилишга имкон беради. Биринчидан, педагогнинг бошқа кишилар томонидан қилинган у ёки бу муурожаатни тасаввур этиши фойдали. Шунда ўқувчилар билан суҳбатларда буйруқ бериш ҳуқуқини суиистеъмол қилиш керак эмаслиги, яхши-си-кўпроқ илтимос шаклидан фойдаланиш кераклиги маълум бўлиб қолади, чунки ҳар қандай кишининг буйруқдан кўра илтимосни бажариши осон ва ёқимлироқ бўлади. Шунда ўқувчилар билан суҳбатлар тез-тез "марҳамат", "раҳмат", "баракат топинг", "жуда тўғри" деган сўзлардан фойдаланиш, кўпинча уларга шарт феъли билан: "сен мана бундай қилсанг бўлмасмикан...", "сизнингча, бундай қилсак яхшироқ бўлмас-

микан..." деб муурожаат қилиш фойдали эканлиги маълум бўлади. Ниҳоят, ўқитувчиларнинг ўқувчиларга бирор нарса деганда, улардан бирон нарса талаб қилганда, уларга бирон нарса таклиф этганда, ўқитувчининг ўз-ўзига; "нима учун?", "нега?", "бунинг боиси нима?" деган саволларни бериши ниҳоятда фойдали бўлади.

Ўқувчилар билан олиб бориладиган ишда тарбиявий самарага эришмоқ учун ўқитувчи улар билан ҳамкорлик қила олиши, ўқувчиларни ҳамкорлик жараёнига тортиши зарурки, бу жараён улар фаолиятининг турли соҳаларида-билимда, амалий ва маънавий-амалий фаолиятда, спортда, ўйинда амалга оширилади. Ҳамкорлик мувафақ-иятли бўлиши учун ўқитувчи муайян йўл-йўриқларга эга бўлиши: ўқувчилар билан ҳамкорликни муайян натижага эришишнинг зарур шарти деб билиши, ҳамкорликка барча ўқувчиларни тортишга, уни мулоқот сифатида фикрлашга ҳаракат қилиши, ҳамкорлик жараёнига ўзининг ҳиссий қилинганлиги зарур эканлигини англаб етиши лозим. Бунинг учун:

Биринчидан, ҳамкорлик вужудга келиши учун гуруҳ жамоасида ўқитувчи томонидан ташкил этилиши лозим бўлган ишлар ўқувчи учун долзарб бўлиши, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига ва қизиқишларига мос бўлиши зарур. Бу ишлар маълум даражада муаммоли тусда бўлиши, яъни бу ишларни режалаштириш, ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида ўқувчилардан ақлий ва амалий фаоллик кўрсатишни талаб қилиш керак.

Иккинчидан, ўқувчиларни бирон фаолият соҳасига, бирон аниқ ишга жалб қилар экан, ўқитувчи уларга психологик ва педагогик жиҳатдан тўғри вазифа қўйиши, яъни яхши йўл-йўриқ бериши керак. Бу ҳол вазифа қўйишни, бутун жамоа эришмоғи керак бўлган нарсаларни тушунтиришни назарда тутати.

Учинчидан, ўқувчилар белгиланган нарсани амалга оширишга киришганларида педагог айни бир вақтнинг ўзида ҳам иштирокчи вазифасини, ҳам кузатувчи вазифасини, ҳам маслаҳатчи вазифасини бажаради. У режалаштирилган нарсалардан энг мураккабини бажаришда ёрдам беради ёки бу иш қийинроқ бораётган гуруҳлар ишига киришиб кетади.

Ўқувчилар фаолиятида ва уларни тарбиялашда муомала моҳиятини кўриб чиқар эканмиз, унинг икки тури ҳақида тўхталамиз:

1. Роллараро (амалий) муомала.

2. Шахслараро (эркин) муомала.

Роллараро (амалий) муомала-ташкилий фаолиятнинг ҳар ҳисси турлари жараёнида амалга оширилади. Фаолият қатнашчилари унинг мақсадига, бир-бирига муносабати характерига қараб, улар ўртасида шериклик ёки ўртоқлик муомаласи вужудга келади. Ўртоқлик муомаласи фақат фаолият қатнашчиларининг ўзлари эмас, балки ходимларнинг фаолият мақсадида эришишдаги ўзаро ёрдами, хайрихоҳлиги ва манфаатдорлигини назарда тутлади.

Шахслараро (эркин) муомала ташкилий фаолиятдан ташқари, амалга оширилади. Муомала қилувчиларнинг ҳиссий қўнгил боғлашувига қараб танишув, ошна-оғайнигарчилик, дўстликни фарқлаш мумкин. Муомаланинг асосий ғояси ҳар бир ёшдаги ўқувчилар учун ўзига хос ҳиссий-маънавий ғояси хосдир. Муомаланинг асосий ғояси ва мазмуни билан боғлиқ равишда муомала даражаларини қараб чиқамиз, улар ўқувчилар муомаласи объектив мазмуни чуқурлигини акс эттиради. Муомаланинг тўртта даражасини ажратиб кўрсатиш мумкин: фактик, ахборот, мунозаравий, ошкоравий.

Муомаланинг фактик даражаси-бу суҳбатни қўллаб-қувватлаш учун нутқ айрибошлаш. Бунинг натижасида суҳбатдош билан алоқа ўрнатиш мумкин бўлади. У ўқувчининг атрофдагилар билан муносабатда ўзини қулай ҳис қилишини қўллаб-қувватлашдан иборат муҳим вазифани бажаради.

Муомаланинг ахборот даражаси ўқувчилар ўртасида ҳам роллараро, ҳам шахслараро муомалада рўй берадиган ғоят турли-туман хоссага эга бўлган ахборот билан доимо алмашилиб туриш. Бунда ўқувчиларнинг ақлий қизиқишлари доирасига жуда хилма-хил ахборотлар жалб қилинадикки, уларни ўқувчилар таълим-тарбия жараёнида, ўқувчилардан, бошқа манбалардан оладилар.

Муомаланинг мунозаравий даражаси-шу сабабдан вужудга келадикки, ўқувчилар бир вақтнинг ўзида бир қанча бирлашмаларга қирадилар ва ўзига хос шахс бўлиб, фақат шахсий ахборот ташувчилар ва у ёки бу фактларга шахсий тарзда изоҳ берувчиларгина эмас, балки меъёрлар ва қадриятларга ҳам изоҳ берувчилар ҳисобланадилар. Натижада, ўқувчиларнинг ўзаро муомаласида турли нуқтаи назарлар тўқнаш келади.



Муомаланинг ошкоравий даражаси-ўқувчиларнинг билан муомаласи жадаллик ва ишончлилик даражаси билан турлича бўлиши мумкин. Энг ишончли даража дўстлар билан муомала бўлиб, уни ошкоравий даража деб аташ мумкин, чунки унда ўқувчилар анча дилкаш бўладилар, дўстлар билан ўз хиссиётларини, кечинмаларини баҳам кўришга интиладилар.

Шундай қилиб, ўқувчилар шахсини шакллантириш жараёнида муомаланинг ролини, моҳиятини қараб чиқар эканмиз, у билиш ва норматив жараёндан иборат бўлиб, ўқувчиларни ижтимоий маданиятга жалб этишга ва уларда шахснинг ижтимоий, маънавий йўналиш шаклланишига жиддий таъсир кўрсатишини, ижтимоий -маънавий қарор топиш воситаси ва услуги, билиш жараёни бўлган муомала ўқувчилар ижодий индивидуаллигини ривожлантиришга таъсир қилишини кўрамиз.

### 3. Ҳўқитувчининг ўқувчилар билан муносабати, уларнинг турлари. Педагогнинг нутқсиз муносабати.

Педагог муносабати-педагогнинг ўқувчилар билан тарбия мақсадида алоқа ўрнатиши. Уни маълум педагог вазифаларига эга ва ўқув-тарбия фаолиятининг уйғунлашга йўналтирилган педагогнинг ўқувчига касбий таъсири деб таърифласа ҳам бўлади.

Педагогик муносабат учун гапириш маданиятига талаффуз тарзи, нутқ оҳанги, (орфоэпия) тўғри нафас олишга, овозни қўя билишга ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Оғзаки нутқ маҳоратини такомиллаштириш лозимлиги сабабли, ўқитувчининг касбида кўп гапириш кераклагидагина эмас, балки маъноли сўз педагогик таъсир услубларини қўллашга ёрдам беради.

Педагогик муносабат муаммоларига америкалик педагоглар катта эътибор беради. Яқинда чиққан Дж.Брофи ва Т.Гудднинг "Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари" номли китобида ўқитувчининг ўқувчиларни ажратиб, муносабат қилишга асосланган "субъектив" муносабатлар хусусиятлари таҳлил қилинади. Масалан, шу нарса аниқланганки, педагоглар кўпроқ ёқимтой ўқувчиларга муносабат қилар экан. Улар учун бепарво ўқувчилар эътибордан четда қолар эканлар. Ўқитувчилар ақл-заковатли, интизомли, ҳаракатчан ўқувчиларга яхшироқ муносабат

қилар эканлар. Суст-эрксиз, лапашанг ўқувчилар иккинчи ўринда турар экан. Мустақил, фаол, ўзига ишонган ўқувчиларни ўқитувчилар ёмон кўрар эканлар. Педагогик муносабат услубларига ўқитувчиларнинг уч хил турини ажратса, бўлар экан: "фаол", "тезлик", "ўта фаол".

Биринчи тур муносабатни қуришда-ташаббускор, ўқувчилар билан бўлган алоқаларни индивидуал тарзда ўрнатади, қўядиган вазифалари тажрибага муносиб ўзгариб боради. У нима кераклигини биллади ва унинг муомаласи мақсадга эришишга ёрдам беришини тушунади. Иккинчи тури ҳам- вазифалар қўйишда эгилувчан, аммо дилдан бўшроқ. У ўзи эмас, аммо ўқувчиларнинг синф билан бўладиган муносабат тусига амрини ўтказадилар. Бунинг мақсадлари аниқ эмас ва феъл атвори яққол мунофиқона.

Учинчи турдаги ўқитувчи ўқувчиларга ҳаддан ортиқ баҳолар қўяди ва хаёлий муносабат моделларини куради. Агар ўқувчи бошқалардан кўра фаолроқ бўлса у исёнчи ва безори, агар у- сусткаш бўлса, у дангаса ва тентак. Бу каби ўйлаб чиқарилган баҳолар бундай ўқитувчиларни муносиб тарзда ҳаракат қилишга мажбур қилади, у доим ҳаддан ошиб кетади ва ўқитувчиларни ўзининг қолипларига киритади. Агар муносабат ўқитувчи учун табиий ва қувончли жараён эмас, аммо оғир жабр-жафо бўлса, бу ўқитувчи мактабдан кетиши керак, деган хулосага келишади,- Дж.Брофи ва Т.Гудд.

Педагогнинг нутксиз муносабати.

Педагогнинг асосий қудрати- сўздан ташқари, унинг қуролхонасида-муносабат учун нутқсиз воситаларнинг бир қатори мавжуд.

Ҳис-ҳаяжонни ифодалайдиган ҳаракатлар	Просадика ва Экстроллинг- вистика	Такесика	Проксемика
гавдани тутиш	нутқ оҳанги	қўл бериб кўришиш	Тўғри йўл топиш
ишора тутиш	овоз баландлиги	уриб-туриб	масофа қўймоқ
мимика	тембр	силаб қўймоқ	қадам ташлаш
	пауза	Дахлдорлик	уф тортиш

Хис-хаяжонни ифодалайдиган ҳаракатлар-кўзга кўринадиган ўқитувчининг ҳаракатлари. Бу ерда ахборот етказувчи бўлиб, гавдани тутиш, мимика, ишора, нигоҳ катта роль ўйнайди. Масалан, тадқиқотларга кўра, ўқитувчининг юзи қимирламаса ёки кўзга кўринмаса, 10-15 фоиз ахборот етказиб берилмайди. Ўқувчилар ўқитувчи нигоҳига жуда таъсирчан бўладилар. Кўз ёрдамида ҳол-аҳвол, кайфият ҳақида энг аниқ маълумотлар етказиб берилади, чунки кўз қорачиғининг торайиши ва кенгайишини назорат қилиб бўлмайди.

Ўқитувчининг ғазабланган, ноҳуш кайфияти унинг кўз қорачиғини торайтиради. Унинг юзи илтифотсиз бўлиб қолади ва ўқувчилар шинамсизлик хис қиладилар ва ишнинг самарадорлиги пасаяди.

Аниқланган, ўқитувчининг гавдани ёпиқ тутишлари (у гавданинг олдини бекитиб, фазода иложи борича кам жой эгаллашга ҳаракат қилади; "наполеоннинг" гавда тутиши: тикка туриш, қўллар кўкракда қовуштирилган, ёки ўтириб, иккала қўл иякка тақалган) ишонсизлик, қўшилмаслик, танқидни билдиради. "Очиқ" эса гавда тутишлар (тикка турганда: қўл кафтлари очиқ ва тепага қаратилган; ўтирганда қўллар ёзилган, оёққа узатилган) ишонч розилик, хайрихоҳликни билдиради. Буларнинг ҳаммасини ўқувчилар кузатиб турадилар. Овоз хусусиятлари пиросадика ва экстралингвистик рўй беришлар қаторига киради. Иштиёқ, қувонч ва ишончсизлик баланд овоз билан билдирилади, ғазаб, қўрқиш анча баланд овоз билан, қайғу, ғам-ғусса, хориганлик одатда юмшоқ пасайтирилган овоз билан билдирилади.

Эслангчи, бир хил ўқитувчиларнинг хирилдоқ овозлари сизни ғазаблантирганлигини ва ўқитувчи бўлишга овоз ҳам тўсиқ бўлишини тушуна оласиз. Анча-мунча нарсага ўзини тарбия қилиш билан эришиш мумкин, аммо тубдан ёрдам беришга имкон йўқ. Нутқнинг тезлиги ҳам ўқитувчининг туйғуларини акс этади: тез нутқ-хаяжон ва ташвишни, секин нутқ ғамгин ҳолат, манманлик, хорганликни билдиради. Муносабатнинг тақсимика воситаларига-силаб қўйишлар, даҳлдорлик, қўл бериб кўришишлар, уриб-уриб қўйишлар киради. Улар рағбатлантиришнинг биологик турлари, айниқса, етим болаларга таъсир этиш исботланган.

Шумтака ва ранжиган болани бошидан силаб қўйиб, сиз бошқа воситаларни бириктирган ҳолда, эришиб бўлмайдиган

натижгага эришишингиз мумкин. Аммо бунга ҳамма педагогининг ҳаққи йўқ ва фақат тарбияланувчиларнинг ишончини қозонган педагоггина ҳақлидир. Динамик даҳлдорликлардан фойдаланиш кўп омиллар билан аниқланади. Проксемикага ўқитувчи ва ўқувчи ўқув даврида бир-бирига қараб мослаб иш тутиш ва оралик ( масофа) тутиш киради:

— ўқитувчи ўқувчи билан шахсий муносабат да 45 см дан-120 см гача.

— расмий синфдаги муносабат 120 см дан-400 см гача.

— аудитория олдига сўзга чиққандаги оммавий муносабат 400 см дан-750 см гача.

Педагог меҳнатининг хусусияти-бу доимий муносабат масофасини ўзгартириш. Бу эса педагогдан доим ўзгараётган шароитга ўрганишини ва ундан катта диққат-эътибор талаб қилади.

#### Мавзу бўйича таянч сўзлар:

Педагогик маҳорат, коммуникатив қобилият, педагогик қобилият, муомала, тажриба, меъёр, муомала даражаси, нутқ.

#### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т., 1997.

2. Худойқулов Х.Ж., Одоб - ахлоқ ва тарбия дурдонаси. - Т., 2010.

3. Мавланова Р., ва бош. Педагогика. - Т.: Ўқитувчи, 2001.

4. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". - Т., 1997.

5. Очилов М.О., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. - Т., 1997.

6. Гулбоев Т. Янги педагогик технологиялар. Маърузалар матни. - Навоий, 2000.

7. Худойқулов Х.Ж. Педагогика ва психология. Услубий қўлланма. - Т., 2010.

8. Махмудов Ю.Ф., Худойқулов Х.Ж., ва бошқалар. Миллий гурур-маънавий қомиллик мезони. - Т.: ДЗАЙИН-ПРЕСС. 2011й.

**6-мавзу: Ўқитувчи фаолиятида мулоқот маданияти ва психологияси. Мулоқотни ташкил этишда умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги**

**РЕЖА:**

1. Педагогик муомала ва педагогик мулоқот моҳияти, унинг ўзига хос хусусиятлари.

2. Шарқона тарбия ва унинг мулоқотга таъсири. Ўзбек урф-одатлари, шарқона муомала маданияти.

3. Миллий маданиятнинг мулоқотга таъсири. Муошарат одоби. Соф адабий тилда сўзлашишга одатланиш.

4. Ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги мулоқот. Мулоқот жараёнини бошқариш услублари.

5. Мулоқотда умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги.

1. Педагогик муомала ва педагогик мулоқотнинг моҳияти, унинг ўзига хос хусусиятлари.

Ўқитувчи мактабда ўз касбдошлари билан ҳар доим ва ҳамма вақт бирга бўлади. Улар билан суҳбатлашади. Ўқитувчи ўз касбдошларига меҳрли, муруватли, улар билан ҳамнафас бўлади. Ўқитувчи иш жараёнида болалар билан ишлайди. Уларга меҳрибон, одобли ва ахлоқли ўқитувчилар зарур. Ўқитувчи ҳар сафар болалар билан суҳбатлашиб борар экан, у ҳар доим болаларга ширинсухан бўлиши даркор, агар ўқитувчи болаларга кўпол муомалада бўлар экан, ўқувчиларнинг дарсга бўлган лаёқати, қизиқиши сўнади. Натижада, улар дарс қилмасликка, уй вазифаларини бажармасликка, мактабга бормасликка одатланадилар. Ўқитувчи актёр бўлмоғи лозим.

Муомала — ахборот жараёни. Педагог бевосита шахсларга муомалада ўз тарбияланувчилари, умуман, жамоа ҳақида, ундаги ички жараёнлар ҳақида ғоят хилма-хил ахборотга эга бўлади ва ҳоказо. Педагог ҳам ўз навбатида муомала жараёнида ўз тарбияланувчиларига мақсадга қаратилган ахборотни маълум қилади.

Педагог муомала воситаси орқали қандай ахборот олишни қараб чиқар эканмиз, ўқувчининг шахси ҳақидаги ахборот муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Муомала шахсни ғоят хилма-хил шароит ва кўринишларда ўргатишга имконият беради. Педагог ўқувчилар билан муомала қилар экан, жуда майда қисмларни англаб олишга қодир бўлади. Булар сиртдан қара-

ганда унчалик аҳамиятли бўлмаса-да, шахсда содир бўлаётган, уни тушуниш учун жуда муҳим бўлган аломатлари ҳам бўлиши мумкин, бунда педагог шахси катта роль ўйнайди. Айни бир хил ҳодисанинг турли кишилар томонидан талқини унинг шахс ўтмишидаги тажрибасига боғлиқлиги билан изоҳланади, бу тажрибанинг уч жиҳати бор: умуман, ҳаётий тажриба, педагогик фаолият тажрибаси ва муайян жамоа билан, ўқувчилар билан муомалада бўлиш тажрибаси.

Ниҳоят, педагогнинг ўқувчилар билан кундалик муомаласи шунга олиб келадики, у ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатларидаги чуқур маъно ва ҳақиқий сабаб турли вазиятларда пайқаб олади. Бунинг учун намуна сифатида, ўзи тез-тез қайд қилган далиллардан ва ўқувчиларнинг хулқ-атвор услубларидан фойдаланади. Ўқитувчининг ўқувчилар билан муомаласи тарбияни бошқариш воситаси сифатида қаралиб, бирлаштирувчи ўрнини тўлдирувчи вазифасини ҳам бажаради. Муомала ўзаро муносабатлар доирасида содир бўлади. Бошқариш воситаси бўлган муомала фаолиятдан олдин содир бўлади. Бошқариш воситаси бўлган муомала ўқувчиларнинг фаолиятига ҳамроҳлик қилади. Ниҳоят, бошқариш воситаси бўлган муомала фаолиятдан кейин боради.

2. Шарқона тарбия ва унинг мулоқотга таъсири. Ўзбек урф-одаглари, шарқона муомала маданияти.

Шарқона муомала маданияти, асосан, ўзбекларда кенг ривожланган. Ўзбекларда муомала маданияти кучли. Айниқса, ўзбек аёлларида уларнинг юриш-туришида, маданиятида, чиройида, гўзалликда, хулқ-одобда, фазилатда ва муомала маданиятида биринчи ўринда туради. Мисол қилиб айтадиган бўлсак, эркакларимиз ишдан келишганларида, ўзбек аёллари чиройли муомала билан кутиб оладилар. Уларнинг қўлларига сув қуйиб, тоза сочик тутадилар. Буларнинг ҳаммаси муомала орқали содир бўлади. "Мулойим сўзга бахил бўлмагил, халқ мулойим сўз эшитмаса, сўз шайдоси эмас, балки мол-дунёси шайдоси бўлиб қолади. Каттик сўз демагил, яхши сўз дегил, токи сен ҳам яхши сўз эшитасан".

Улар сенинг Шарқона муомала маданиятингни мактаб ўқиларга кўтаради. Сенинг муомала маданиятингни ўрганади. Муомалани бўлиш бу ўша инсоннинг кўрки, унинг обрўси ва хулқ-атвори.

Дархақиқат, халқимиз азал-азалдан ахлоқий фазилатларга бой бўлган. Ота-боболаримиз фарзанд ўстирар эканлар, уларнинг хулқ атворларига, гап-сўзларига, кишилар олдида ўзларини қандай тутиб, нималар ҳақида фикрлашиб, ўз мақсадларини қандай сўзлар билан тушунтиришларига катта аҳамият берилган. Улар фарзандларининг кўрслик қилиши, катталар суҳбатига аралашishi, ноҳўя ишларига зинҳор йўл қўймаганлар. Бу нарсаларга фарзанд тарбиясининг энг муҳим томони деб қараганлар.

Шарқона одоб минг йиллар мобайнида исломий тарбия қондалари асосида таркиб топиб, такомиллашиб борганлиги тарихдан маълум. Чунки Қурони карим оятлари мазмуни, пайғамбар муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари, Шарқ алломалари ва файласуфларининг китоблари тарбия манбаи бўлиб хизмат қилган.

Исломий тарбия мусулмонлар ҳаётининг барча қирраларини, ҳатто майда жиҳатларигача қамраб олган. У гўдакларни эмизишдан тортиб, қандай кийинишларигача, овқатланиш одобидан тортиб, кўча-қуйда, катталар қошида ўзини қандай тутиши лозимлигигача барча жиҳатларни ўз ичига олган. Энг асосийси, исломий одоб фарзандларнинг ҳалол, пок, меҳнатқаш, илмга интилувчи, катталарни, айниқса, ота-онани ҳурматлаш руҳида тарбиялашнинг шарт қилиб қўйилган.

Муомала-ахлоқ кўрки саналади. Ҳар бир кишининг қандай дунёқарашга эгаллиги, билимлилиги унинг муомаласидан маълум бўлади. Муомала - инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқа воситалари. Муомалада асосий восита тил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тил-алоқа қуроли дейилади. Инсонинг тили шириш, муомаласи маданиятли бўлса, қисқа вақт ичида халқ орасида обрў-эътибор топади. Сўзга чечанлик, ҳеч қачон кишига обрў келтирмайди. Шунинг учун ҳам ўтмишда яшаб ўтган мутафаккирларимиз тилга, сўзга ҳурмат билан ёндашишларини уқтириб ўтганлар. Улуғ бобомиз Алишер Навоий муомала маданияти, ҳушмуомалалиқда тилнинг аҳамияти тўғрисида, ширинсўзлик ҳақида нурҳикмат фикрлар баён қилганки, бугунги кунимиз учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. "Тил ширинлиги - кўнгилик ёқимли, мулоимлиги эса фойдали. Ширин сўз кўнгиликлар учун асал каби тотлидир", - дейди Алишер Навоий. Педагог болаларга билим бериш учун бир қаторда улар нутқининг ривожланишига ҳам алоҳида аҳамият беради ва бунда у турли педагогик услублардан фойдаланади.

3. Миллий маданиятнинг мулоқотга таъсири. Муошарат одоби. Соф адабий тилда сўзлашишга одатланиш.

Бола нутқини ўстиришда педагог муҳим аҳамиятга эга. Бир томондан, унинг нутқи болани ўқитиш ва тафаккурини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, педагогнинг нутқи образли, чиройли, жарангдор, намунали бўлмоғи бола диққатини ўзига тортмоғи лозим. Зотан, нутқ педагогнинг ўз мутахассислигига қай даражада лойиқ эканлигини ифодалайдиган ўлчов, кўрсаткич ҳисобланади. Шунинг учун нутқ устида ишлаш, нутқ маданиятини тақомиллаштириб бориш, ҳар бир педагогнинг энг асосий ижтимоий бурчи ва масъулияти ҳисобланади. Таълим-тарбия борасида нутқнинг таъсир кучи ниҳоятда катта. Ўқитувчи нутқида унинг ҳисси, интилишлари, ирода ва эътиқоди акс этади. У нутқ ёрдами билан ўқувчиларда хурсандчилик, руҳланиш, муҳаббат, садоқат, ғазабланиш, нафратланиш ҳисларини туғдиради. Халқ билан бирга туриш, бирга яшаш муошарат деб аталади.

Одамларнинг бир-бирлари билан бўлган муносабатлари гўзаллиги ва мулоимлигига "Муошарат одоби" дейилади. Инсоннинг энг улуғ, лекин мураккаб ва машаққатли фаолиятларидан бири одамлар орасида, яъни жамиятда ўз ўрнини топиб яшашда. Бу фаолиятнинг мураккаблиги шундаки, кўпчиликка қўшилиш, улар билан аҳил бўлиб яшаш учун инсонда шунга яраша муомала ва муносабат бўлиши керак. Муомала ва муносабат кўпчиликнинг дилига тўғри келмайдиган кўпол ва дилюзор одамни кўпчилик ёқтирмайди. Инсонлар хушфەъл, ширинсухан, мард, муомаласи ширин кишиларни дилдан ёқтиришади ва ҳурмат-эътибор қилишади. Инсонлар орасида муносиб ўрин топиш, иноқ, иттифок яшаш шартларидан бири одамнинг камтарлиги. Камтарин инсон ҳеч қачон ўзининг ютуғи билан мақтанмайди, ҳамма вақт камгап, содда бўлади. Инсондаги камтарлик самимий бўлмоғи зарур.

Сўз инсон қалбини илитади, сўз инсон қалбини жароҳатлайди. "Тил яраси кетар, сўз яраси кетмас" деган халқ мақоли бекорга айтилмаган эмас. Чунки сўзнинг қудрати бениҳоя катта. Инсон ўз сўзига, тилига ниҳоят эҳтиёткор бўлмоғи лозим. Айрим ёшларимизда сўзга, тилга эътибор анча суст. Энг аввало, ёшларга муомала маданиятини, катталар олдида маҳмадоналик қилмасликни, катталар гапини бўлмасликни, ёши улуғларга гап қайтармасликни ўргатиш зарур.



Адабий тил-тафаккур қуроли. Адабий тилга палапартиш муносабат, ноаниқ, тахминий эҳтимол билан фикрлаш демак. Тилдаги равшанлик равшан фикр натижаси. Турган гапки, равшан ифодани талаб этади.

Ҳаёт, тил, урф-одатларнинг табиийлиги, миллатнинг кучига куч қўшилади, ҳаётда дабдабалилик, тил жимжимадорлиги, тантиқ урф-одатлар эса уни ожизлик ва халолликка маҳкум этади. Ўзбек адабий тили: минг йиллар мобайнида халқ ўз ҳаётининг, ўз фикрлари, ўз туйғулари, ўз удумлари, ўз интиқоми, ўзининг буюқ истиқболининг майин, шуқуҳли, беҳад, бой, доно, шоирона ва меҳнат қуроли бўлган ушбу тилни яратади.

Муомала маданияти ҳамма жойда керак. Иш жойда, транспортда, уйда... шунинг учун ҳам биз ким билан қандай муомала қилишни билишимиз керак. Инсоннинг қанчалик билимли, ақл-заковатли эканлиги муомала орқали намоён бўлади.

Одамлар бутун ички дунёни, мақсадини, муомала ва муносабатларини бир-бирларига сўз ёрдамида етказди, амалга оширади. Шу туфайли сўзлашув муносабатлари кишиларнинг муомалалари ёқимли, иши ҳам юришгандай бўлади. Бундайларни одамлар ёқтиради, ҳармат қилади. Сўзлашув ҳам ўзига хос санъат. Бу санъатни муқаммал ўрганиш ҳар бир инсонга зарур. Шу билан бирга, она тилини муқаммал ўрганмоқ ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи. Тилни билгач, уни ишлата билаш санъатини эгалламоқ инсон учун зарур.

Ширинсўзлик ва гўзал нутқ ҳеч қачон, ҳеч қаерда сотилмайди. Бунга эришмоқликнинг биргина йўли бор, бу ҳам бўлса, тинимсиз ширин сўзлашаш машқ қилмоқлик. Бу эса, асосан, кўп китоб ўқиш йўли билан амалга оширилади. Муомала инсоннинг кимлигини кўрсатувчи юзидир.

4. Ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги мулоқот. Мулоқот жараёнини бошқариш услублари.

Изланишларнинг кўрсатишича педагогнинг ўқувчиларга бўлган ижобий муносабати, уларга тиниқ, босиқ тонда мурожаат қилиши ўқувчиларда эркинликни ҳис қилишда ёрдам беради. Ўқувчиларга нотўғри муносабатда бўлиш уларда ишончсизлик кам гап бўлишига, ўқувчиларда лаганбардорлик каби ёмон фазилатлар шаклланишига олиб келади.

Мулоқот-юнонча сўз бўлиб, сўзлашув, суҳбатлашув, шахслараро суҳбат ва фикр олишув, оғзаки нутқ шакли икки ёки ундан ортиқ шахсларни сўзлашуви.

Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида мулоқот бўлиши учун ўқитувчида етарли даражада қобилиятга эга бўлиши керак ҳамда ўз ўзига доимо қуйидаги саволларни бериши ва унга жавоб беришга ҳаракат қилиши керак.

Нимага ўргатиш, кимга ўргатиш, қандай ўргатиш керак. Нимага ўргатиш;

а) илм-фандаги янгиликларни англаш, яъни фанга оид терминларни тушуниш, ўқув фанини тўлиқ ўзлаштириш;

б) кўникма, малака ва қобилиятни шакллантириш;

в) ўқув фанлари ўртасидаги боғлиқликни амалга ошириш;

г) ўқув мазмунини тушунарли тизим асосида қуриш.

Кимга ўргатиш:

а) ўқувчиларни баъзи психик хусусиятларини (эслаб қолиш, нутқи, фикрлаш...) ҳамда уларнинг қай даражада ўқимишли, тарбияли эканликларини аниқлаш;

б) ўқувчиларнинг бир даражадан иккинчисига ўтишдаги қийинчиликларни олдиндан аниқлаш;

в) ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда болаларнинг далиллари, фикрларини ҳисобга олиш;

г) ўқувчилардаги турли психик ўзгаришлар ва ривожланишини ҳисобга олиб, ўз педагогик меҳнатини ташкил этиш;

д) иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш, яқка ҳолдаги ишни ташкил этиш.

Қандай ўргатиш;

а) иш жараёнида ишлатиладиган куч ва кетадиган вақтни ҳисобга олган ҳолда, ўқитиш ва тарбиялашнинг турли услубларини ишлатиш.

Педагог ўқув-тарбия иши жараёнида ўқувчилар билан алоқа боғларкан, улардан ўқитувчи ролининг ўзи тақозо этадиган даражада иззат-икром кутади. Педагоглар билан ўқувчиларнинг ўзаро муносабатлари ҳавосиз бўшлиқда рўй бермайди. Ўқувчига нисбатан талабчанликни улар билан уйғун тарзда йўлга қўя биладиган педагог тарбия мақсадларини рўёбга чиқариш учун энг қулай педагогик муҳитни ярата олади. Мулоқот жараёнларини ҳар доим ҳам, барча вазиятларда ҳам силлиққина ва ички қарама-қаршиликларсиз юз беради деб тасаввур қилиш ярамайди. Агар педагог ўқувчилар психология-

сини билса, уни эътиборга олиб борса, ўқувчи қизиқишларини ва эътиқодини, ёшига хос хусусиятларни, илгари эгалланган тажрибасини инобатга олса, унинг истиқболи ва қийинчи-ликлари билан ҳисоблашган ҳолда иш тутадиган бўлса, маънавий англашмовчиларни бартараф этиш мумкин.

Педагогнинг ўқувчига тарбиявий таъсир этишининг турли йўллари ва ўқитувчининг тарбияланувчилар идроки, ҳиссиёти, фаолияти ва тарбиясига таъсир этишнинг қандай имкониятлари бор?

Ўз ишини бошловчи ҳар бир педагог таъсир этиш йўллари, ўқувчилар билан мулоқотда бўлиш ва уларга таъсир этиш йўлларини билиши зарур.

Ижтимоий-психологик текширувлар ва педагогик мулоқот малакасига, асосан, иккита асосий коммуникатив таъсир этиш турларини ажратиш мумкин: ишонч ҳосил қилиш ва ишонтириш.

Педагогнинг ҳар бир ҳаракати ўқувчиларнинг муносабатлари, фикрлари, ҳиссиётлари, фаолиятларини шакллантиришга, яъни уларнинг психикаси ва ҳулқиға ҳар тарафлама таъсир этишга қаратилган. Лекин ишонч ҳосил қилиш ва ишонтиришнинг психологик жараёни турлича. Таъсир этишнинг ҳар бир йўли ўз специфик характерга эга.

Педагогик адабиётда "педагогик таъсир қилиш" термини қабул қилинган. Бу тарбияланувчининг тарбияси билан муносабатида унинг нофаоллигини англатади. Лекин биз ўқувчи келажакда ҳар томонлама камол топган инсон бўлиб етишишини истасак, биз педагогик таъсир этиши юқори поғонага педагогик ўзаро таъсир этишга айлантириши ва буни қайси йўллар билан амалга оширишимизни ўйлашимиз керак.

Педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий услублари-бу талаб, истиқбол, рағбатлантириш, жазолаш ва жамоатчилик.

Талаб-тажрибада жуда кўп тарқалган услуб бўлиб, таълим-тарбия жараёнида педагогнинг тарбияланувчига шахсий муносабати намоён бўлиши йўли билан хатти-ҳаракатларининг рағбатлантирилиши ёки тўхтатили-шини таъминлайди.

Талаб-педагогик таъсир кўрсатишнинг бошлангич услуби бўлиб, тарбияланувчиларда ўзига нисбатан масъулият ва талабчанликни ривожлантиришда алоҳида вазифани бажаради.

Истиқбол-таъсир кўрсатишнинг жуда таъсирчан услуби бўлиб, у болаларнинг хатти-ҳаракатларини, улар олдига қўйил-

ган мақсадлар, уларнинг шахсий интилишлари, қизиқишларига айланади.

Рағбатлантириш ва жазолаш - ўқувчиларни хулқ-атворига кузатиш киритиш, яъни фойдали хатти-ҳаракатларини қўшимча рағбатлаштиришни ва тарбияланувчиларнинг номаълум хатти-ҳаракатларини тўхтатишни таъминлайди.

Жамоатчилик фикри-тарбияланувчиларнинг ижтимоий фойдали фаолиятини ғоят ҳар томонлама ва мунтазам рағбатлантириб боришни таъминлайди.

Ўзаро фикр алмашиш билан таъсир кўрсатиш воситалари: ишонтириш, таъсир қилиш, ўзаро фикр алмашиш билан таъсир кўрсатиш.

Ўқитувчи ўқувчилар билан бўладиган мулоқотида қуйидаги малакаларни эгаллаган бўлиши лозим: ташки қиёфани назорат қилиш, нутқни эгаллаш, педагогик муносабат маданиятини эгаллаш. Ташкилотчилик маҳорати, ўқув-тарбия жараёнини бошқариш услубларини эгаллаш, ташкилотчилик маҳорати, ўқув-тарбия жараёнини бошқариш услубларини эгаллаши лозим.

##### 5. Мулоқотда умуминсоний қадириятларнинг устуворлиги.

Шарқона муносабатда ота-онага хурмат билан қаралиши, оилада отанинг ўрни алоҳида бўлганлиги, ота-онанинг гапини икки қилмаслик, ота-онанинг измидан чиқмаслик, шу билан бирга отага гап қайтариш, унга тик боқиш гуноҳ ҳисобланиши каби ҳолатларни кўришимиз мумкин. Ёки устозга хурмат билан қараш каби хислатлар ҳам катта тарбиявий аҳамият касб этади.

Мулоқотда турли халқ оғзаки ижодига хос бўлган афсона, ривоят, эртақлар, мақолалар ва хикматлардан фойдаланиш кишининг муомала маданиятини кучайтиради, иккинчидан, катта тарбиявий таъсир кучига эга бўлади.

Жамиятни демократлаштириш-мактабдаги муносабатларни инсонпарвар, адолатли қилиш. Педагогик амалиёт даврида талаблар билан бирга мактаб директори, фан бўйича энг илғор деб таништирган ўқитувчининг дарсига кирдилар. Ҳақиқатан ҳам, ўқитувчи мавзунини жуда яхши билади, қатор қўшимча адабиётлардан фойдалана билади, мавзу мазмунини ёрита олади. Лекин ўқувчиларга нима бўлган? Ўқитувчи қизиқарли, мазмунли саволлар берапти. Лекин ҳамма ўқувчилар педагог фик-

рини тушуниб етмаяпти, озгина ёрдам керак. Лекин ўқитувчида ўқувчи жавобини эшитишга чидам етишмаяпти. Ҳатто бир кўл кўтариб, жавоб бермоқчи бўлган ўқувчига жеркиб берди: "Нимага кўлингни бунча чайқайсан?" Сендан бошим оғриб кетди" ("Билмасанг ҳам бунча кўл кўтарасан?") Дарсдан сўнгра талабалар бир овоздан дарсни қониқарсиз деб баҳолайдилар. Бу ерда фақат ўқитувчининг билими эмас, балки дарс муҳити ўқитувчи ва ўқувчи мулоқоти, муносабати муҳим.

Айниқса хозирги кунда олдимизга эркин, мустақил фикрловчи, ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялаш вазифаси турганда мулоқот муҳим аҳамият касб этади.

Президент И.А.Каримовнинг "Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори" нутқида алоҳида таъкидланади. Бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясининг кўрган шахслар керак". Сўнгра Президент И.А.Каримов мактабларда муглақо фикр юритишга ўргатилмаётганлигини қоралаб дейди. "Мактабда бирор ўқувчи ўқитувчига эътироз билдирса, эртага у ҳеч ким ҳавас қилмайдиган аҳволга тушиб қолади. Мактабдаги жараёнда ўқитувчи ҳукмрон. У боладан фақат ўзи тушунтираётган нарсани тушуниб олишини талаб қиладди. Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади.

### Мавзу бўйича таянч сўзлар:

Педагогик муомала, педагогик маҳорат, тарбия, урф-одат, анъана, адабий тил, расмий тил, мулоқот, талаб.

### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т., 1997.
2. Худойкулов Х.Ж., Одоб - ахлоқ ва тарбия дурдонаси. - Т., 2010.
3. Мавланова Р., ва бош. Педагогика. - Т.: Ўқитувчи, 2001.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". - Т., 1997.
5. Очилов М.О., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. - Т., 1997.
6. Гулбоев Т. Янги педагогик технологиялар. Маърузалар матни. - Навоий, 2000.
7. Худойкулов Х.Ж. Педагогика ва психология. Услубий кўлланма. - Т., 2010.
8. Махмудов Ю.Ф., Худойкулов Х.Ж., ва бошқалар. Миллий ғурурмаънавий комилик мезони. -Т.: ДЗАЙИН-ПРЕСС. 2011й.

## 7-мавзу: Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муомала ва мулоқот одоби

### РЕЖА:

1. Муомала ва унинг таркибий қисмлари.
2. Педагогик мулоқот услублари.
3. Ўқувчилар билан муомала одоби.

#### 1. Муомала ва унинг таркибий қисмлари.

Муомала категорияси умумий психология фанининг асосий категорияларидан ҳисобланиб, у ўз ичига шахслараро муносабатнинг муҳим механизмларини қамраб олади. Психология фанида муомала категорияси кенг маънода тушунилганда Ҳамкорлик фаолиятининг ички алоқасини мужассамлаштириб, ўзаро таъсир ва ўзаро муносабатни акс эттириб, ижтимоий процессуал жабҳасини ифодалайди. Муомаланинг энг муҳим таркиби мулоқот саналиб, мотивацияда мотив қандай аҳамият касб этса, у ҳам худди шундай муҳим роль ўйнайди.

Муомала - ҳамкорлик фаолиятининг эҳтиёжидан вужудга келиб чиқувчи, шахслараро мулоқот ривожланишининг кўп қиррали жараёни. Муомала қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топган:

1. Коммуникатив (бир томонлама ахборот узатиш). Муомала ўз ичига ҳамкорлик фаолияти қатнашчилари билан ўзаро ахборот алмашувни қамраб олган бўлиб, коммуникатив жабҳа сифатида тавсифланиши мумкин. Одамлар бир-бирлари билан мулоқотда киришиши жараёнида муомаланинг муҳим воситаларидан бири тилга ва нутқ фаолиятига бевосита муносабат қиладилар.

2. Интерактив (икки томонлама таъсир) - мулоқотга киришувчиларни ўзаро таъсири, уларнинг нутқ фаолиятида нафақат сўз орқали фикр алмашинуви, балки ҳатти-ҳаракат ва ҳулқ атвори билан ўзаро таъсир ўтказиши тушунилади.

3. Перцептив (ўзаро бир-бирини идрок қилиши, англаши) бунда мулоқотга киришувчилар ўзаро бир-бирларини идрок қилиш жараёни намоён бўлади, яъни улардан бири иккинчисининг ишончига лойиқ, ақли, фаросатли, тажрибали, юксак тайёргарликка эга инсон сифатида идрок қилинади.

Муомаланинг ҳар учала томонини бирликда яхлит олиб қараш, у ҳамкорлик фаолиятини ташкил қилишнинг усули

ва унда иштирок этувчиларнинг муносабатлари тариқасида намоён бўлади.

Педагогик муомала - бу ўқитувчининг талабаларга таъсир ўтказиш услубларининг муайян тизими.

\* ҳамкорлик иштирокчиларнинг ўзаро ахборот алмашуви;

\* турлича коммуникатив воситалар ёрдамида ўқитувчи томонидан талабалар билан ўзаро таъсир ва ўзаро муносабатни ташкил қилиш;

\* муайян мақсадни дастурий асосда амалга оширишнинг режалаштириш ва ўтказиш функциясини бажаради.

Педагогик фаолиятда муомала, биринчидан, ўқув фаолиятини яккаҳол бажаришнинг воситаси, иккинчидан, тарбия жараёнини таъминлашнинг ижтимоий-психологик тизими, учинчидан таълим-тарбиянинг мувафаққиятни таъминловчи ўқитувчи билан талабаларнинг ўзаро муносабатининг муайян тизимини ташкил қилишнинг услуги, тўртинчидан, талаба индивидуаллигини такомиллаштириш, истеъдодини қарор топтириш имконини берувчи жараён эканлиги, бешинчидан, яккаҳол фаолиятнинг субъекти сифатида рўёбга чиқариш асосли.

Педагогик муомала деганда, ўқитувчи ва талаба (ўқувчи)-лар жамоасининг ўзаро таъсир малакаси, усули ва тизими англашиниб, унинг моҳияти, ўзаро ахборот алмашиши, таълимий, тарбиявий таъсир ўтказиш ўзаро тушунишга эришиш ва уни ташкил этиш тушунилади.

Муомала жараёнида уни мақсадга мувофиқ ҳолда амалга оширишни таъминлаш учун ижтимоий назорат ва ижтимоий қонун қоидалар муҳим аҳамиятга эга. Бу назоратда 3 та муҳим таъсир этиш воситаси иштирок этади: маъқулламаслик, қоралаш ва жазолаш.

Муомала жараёнида ўқувчи ёки талаба ҳулқи ижтимоий қонун қоидалар маромига зид келса, у ҳолда унинг хатти-ҳаракати қораланади, эътироз, танбех, эслатиш каби воситалар билан таъсир ўтказилади. Муомала вақтида одоб, одоблилик муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг мувафаққиятли келишини таъминлайди.

Ҳар бир фикр билдирилганда мулоқотдан қабул қилинаётганини фаҳмлаб туриши, ташқи кўринишлари, ўзгаришига эътибор бериш, узр сўраш, тавозе билан мурожаат қилиш эвазига муомала одоби ушлаб турилади.

Муомала жараёнида бир хатти-ҳаракат ўйланмай билдирилган фикр, ортиқча имо-ишора одобсизликни келтириб чиқаради.

Одобсизлик эса низоли вазият, қарама-қаршилик зиддиятли ҳолатни келтириб чиқаради. Бунинг натижасида муомала фикр алмашув ўзини вазифасини низоли вазиятга бўшатиб беради. Педагогик муомалада психологик алоқа ўрнатиш алоҳида аҳамиятга эга, чунки талаба билан ўзаро муносабат, ҳурмат, ишонч негизида қурилади. Бунда ўқитувчи талабанинг ҳуқуқ ва мажбуриятининг мактабда, жамоада, оилада бажарадиган роли нимадан иборат эканлигини эътибордан четга чиқармаслиги лозим.

## 2. Педагогик мулоқот услублари.

Ўқув тарбия жараёнида педагогик мулоқотни бажариш услублари. Психологияда раҳбарларнинг ўз жамоаси аъзолари билан муносабат техникаси таҳлил этилиб, турли типдаги ижтимоий-психологик портретлари ишлаб чиқилган. Раҳбарларнинг мулоқотни бошқариш услублари: авторитар, демократик, либерал услуб тарзида берилган.

**Авторитар услуб.** Ўқитувчи гуруҳнинг фаолият йўналишини шахсан ўзи белгилайди, ким-ким билан ўтиради, ким билан ишлайди ўқитувчи ўзи ҳал қилади. Бундай услубда иш юритувчи ўқитувчи ўқувчилар ташаббусига йўл бермайди. Ҳамкорликнинг асосий шакли - буйруқ, кўрсатма, инструкция, огоҳлантириш.

**Демократик услуб.** Ўқитувчи фаолият мақсадини ҳар бир ўқувчи онгига етказишга, иш боришини ҳал этишга ҳаммани фаол иштирок этишга ундайди. Ўзининг вазифасини фақат назорат ва мувофиқлаштиришда эмас, балки тарбиялашда деб билади. Ҳар бир ўқувчи рағбатлантирилади, унда ўзига ишонч пайдо бўлади, ўз-ўзини бошқариш ривожланади. Демократик услубда бошқарувчи ўқитувчи болаларнинг индивидуал қобилият ва қизиқишларини ҳисобга олиб, вазифаларни оптимал тарзда тақсимлашга ундайди. Фаоллик рағбатлантирилади, ташаббусни қувватлайди. Мулоқотнинг асосий шакли - илтимос, маслаҳат, ахборот тарзида бўлади.

**Либерал услуб.** Ўқитувчи жамоа фаолиятига аралашмасликка ҳаракат қилади, фаоллик кўрсатмайди, маслаҳатларга формал қарайди, турли таъсирларга тез берилади.



Энг яхши услуб - демократик услуб. Миқдорий кўрсаткичлар авторитар услубдан кам бўлиши мумкин, лекин ишлаш иштиёқи раҳбар йўғида ҳам давом этади. Энг ёмон услуб - либерал услуб бўлиб, бунда иш кам бажарилади, сифат ёмон бўлади.

Авторитаризм ўқитувчи етукмаслигини, унинг ахлоқий ва сиёсий тарбиясизлигини, педагогик маданиятининг пастлиги билан характерланади.

Ўқитувчи мактаб амалиётида ахлоқ тарбиясида қўллаши мумкин бўлган қуйидаги асосий педагогик услуб турлари мавжуд:

2.1 Тарбиявий мақсадни амалга оширишга демократик ёндашиш, тарбиявий ишлар натижасини ошкора муҳокама қилиш ва уни ўқувчилар билан биргаликда баҳолаб, истиқболли режалар тузишни тақозо этади. Бу услуб педагог - ўқитувчи - ўқувчилар жамоаси шахслараро муносабатларни эркинлик, демократик талаблар асосида шакллантириб, ўқувчилар ташаббускорлиги, ўз-ўзини тарбиялаш ишига ижодий ёндашиш орқали барча психологик - индивидуал имкониятларни, қобилиятни рўёбга чиқаришга замин яратади.

2.2 Ўқувчилар билан дўстона муносабат — педагогик услуб. У ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш ва талабчанлик мезони асосида қурилган. Ушбу услуб асосида ўз фаолиятини ташкил этган педагог ҳар бир ўқувчи келажагига умид билан қараши, унга индивидуал ёндашишга ҳаракат қилиши, жазо услубларини тартибсиз қўлламаслиги, ўқувчилар жамоаси олдига истиқболли тарбиявий мақсад қўйишга интилиши лозим. Аслида бу услуб биз кўриб ўтган биринчи услубга ўтишга замин тайёрлаши, унга муқаддима бўлиши мумкин.

2.3 Педагогик муомала — масофа услуги. Бундан тажрибали педагоглар ҳам, фаолиятини энди бошлаган ёш ўқитувчилар ҳам, фаолиятини энди бошлаган ёш ўқитувчилар ҳам фойдаланишига ҳаракат қилишлари мумкин. Ўқитувчилар, асосан, педагогик талабга таянадилар: ўқувчилар олдига маълум тарбиявий мақсадларни қўйиб, уни бажарилиш жараёнини кузатиш, хатоларини тузатиш, баҳолаш билан машғул бўладилар. Бундай педагоглар ўқитаётган синфларда тарбиявий мақсадлар номигагина амалга оширилади. Тарбиявий тадбирлар ўқувчиларда хатти-ҳаракат мотивлари, ривожланиш эҳтиёжларини шакллантирмайди.

2.4 Кўрқувга асосланган услуб. Бундан одатда ёш, тажрибасиз ўқитувчилар фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Ушбу ус-

луб, асосан, тақиқланганга таянади. Болалар фаоллиги, ташаббускорлиги инкор этилади. Бу услуб мактаб ислохоти манфатларига мутлақо мос эмас.

2.5 Устамонлик қилишга ҳаракат қилиши услуби. Уни одатда маълум билимларга эга бўлмаган, педагог сифатида ўзига ишончи йўқ, синфда ўқувчилар жамоасини бошқара олишга кўзи етмаган айрим ўқитувчилар қўллашга ҳаракат қиладилар. Аммо ўқувчилар эртами-кечми бу найрангбозликнинг охирига етадилар. Буниинг олди олинмаса синфда тарбиявий ишларга жиддий пугур етиши мумкин. ўқувчилар хурматини қозонишга интилиш педагогик мақсад бўлибгина қолмай, балки тарбия мақсадларни амалга ошириш воситаси ҳам.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, биринчи ва иккинчи педагогик услублар тарбиявий фаолиятда яхши самара беради; учинчи, тўртинчи ва бешинчи педагогик услублардан педагоглар иложи борича, ўзларини халос қилишлари керак.

Ўқитувчиинг талабаларга таъсир ўтказиш самараси унинг қатъиятлилиги ва талабчанлигида ўз аксини топади. Бундан ташқари, у ўзига ҳам ўта талабчан бўлмоғи, шахсий намунаси билан табиий равишда обрў, эътибор қозонмоғи лозим.

Муомала жараёнида ва ҳамкорлик фаолиятида ўқитувчининг талабаларга таъсир ўтказиш натижасида уларда:

2.6 ўз-ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қилиш;

2.7 ўз-ўзини ва бошқалар фаолияти, хулқини баҳолаш;

2.8 ўз-ўзини назорат ва ўзгаларни назорага қилиш;

2.9 ўз-ўзини бошқариш (ҳам билиш фаолиятида, ҳам хулқ-атворда);

2.10 ўз-ўзини такомиллаштириш ва янги фазилатларни эгаллаш шаклланади.

Дўстона муомала талаба билан ўқитувчи ўртасидаги билимларни пухта ўзлаштиришни таъминлайди ва мукамал шахсий фазилатларни таркиб топтиришга хизмат қилади. Педагогик жараёнда содир бўладиган муомала одоби ўқитувчининг ахлоқий маданияти, тарбияланганлик даражаси акс этади. Ўқитувчининг педагогик касб эгаси сифатида ўзига ўз касбига, ўқувчиларга бўлган муносабати унинг мулоқотида яққол намоён бўлиши мумкин.

4. Ўқувчилар билан муомала одоби.

Педагогик жараёндаги алоқалар тизимида ўқитувчи билан ўқувчи муомала-муносабатлар катта ўринни эгаллайди. Бу жа-

раёнда бола инсоният асрлар давомида тўплаган билимларни, ахлоқий тажрибани эгаллаб олади. Ўқитувчи педагогик жараёнда еткази киши. Унга ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш вазифаси юклатилган. Шунниг учун ҳам ўқитувчига нисбатан алоҳида, юксак талаблар қўйилади.

Ўқитувчи ҳаётга эндигина кириб келаётган; баркамол шахс сифатида шаклланаётган инсонлар ёш болалар билан мулоқотда бўлади. Болалар таълим-тарбия жараёнида умуминсоний ва миллий ахлоқ меъёрларини (мезонларини) ўзлаштиради. Ўқувчи муомала одобини, асосан, ўқитувчи тимсолидан англаб олади. Севимли ўқитувчи бола учун бир умр идеал, ибрат, намуна бўлиб қолиши мумкин.

Республикамиз ўқитувчилари орасида ўз ишининг устаси, халқ ўқитувчиси, хизмат кўрсатган ўқитувчи деб тан олинган, ота-оналар, ёшлар эъзозлаб, устоз деб атайдиган мўътабар инсонлар кўплаб топилди. Улар педагогик ишда фидойилик кўрсатиб, ўқитувчилик бурчини юксак даражада бажариб, болаларга билим бериб, улар қалбига ҳалоллик, гўзаллик, ҳақиқат, одоб ахлоқ нуруни сингдира олганликлари, хушмуомала бўлганлари учун ҳам бундай обрў ва ҳурматга эришганлар.

Афсуски, ҳамма ўқитувчилар ҳақида ҳам шундай деб бўлмайди. Ўзининг дағал муомаласм билан боланинг кўнглини ўқишдан совутиб, дилини ўринсиз ранжитадиганлари ҳам учраб туради. Педагогик тажрибада бунга мисоллар кўплаб топилди. Бундайлар ёшлар тарбиясига, уларини ахлоқига салбий таъсир этадилар. Тарбиявий ишларга тузатиш қийин бўлган даражада зиён етказдилар.

Баркамол, ижодкор шахсни шакллантиришга, тарбиялашга доир ахлоқий меъёрлар педагогик этикада ифодаланган.

Тарбияланувчига ижобий таъсир ўтказиш шартларидан бири болага бўлган ишонч билан унга нисбатан қўйилаётган талаблар бирлигида. Бу койда педагогик амалиётда кўп марта синовдан ўтган ва ўзини оқлаган. Ўқитувчилар, талабалар билан ўтказилган суҳбат натижалари шундай далолат берадики, мактабда хушмуомала ўқитувчилар билан бир қаторда болаларга -беҳуда дўк уриб, бақириб муомала қиладиган ўқитувчилар ҳам учрайди. Бундай муомала жамиятда қабул килинган умуминсоний ва миллий ахлоқий меъёрларга тўғри келмайди. Бундай ўқитувчилар болалар орасида обрў орттира олмайдилар.

Педагогик жараён, тарбия жараёни, одамларнинг табиати шу даражада мураккабки, ўқитувчи баъзан истаса-истамаса кўполлик илишга "мажбур" бўлади. Ўқувчи ўқитувчининг ўринли талабларини бажармаётган пайтларида у ўзини тутолмай қолади. Ўқитувчи ўз талабларини, ҳатто кўполлик ҳолатини ҳам болага яхшилик қилаяпман деб ҳисоблайди, чунки бу ишни болага билим бериш, уни тўғри йўлга солиш, яхши одам қилиб тарбиялаш учун қилаётганига ишонади. Саъдий Шерозийнинг "Гулистон" (Тошкент, 1968) асаридаги "Тарбиянинг таъсири баёни" бобидаги ҳикоятларда: Алишер Навоийнинг - "Маҳбуб ул-қулуб" асаридаги "Мударрислар тўғрисида", "Мактабдорлар тўғрисида"ги мақолаларида билдирилган мулоҳазалар бу фикримизга ҳамоҳанг.

Бундай ҳолатлар кўпинча тарбияси қийин бола билан муомала-муносабатлар жараёнларида содир бўлади. Шуни ҳам унутмаслик лозимки, бундай бола одатда, носоғлом оиладан чиқади. Бола оиладаги ёмон муҳит қурбони бўлиши ҳам мумкин. Тажрибали педагоглар тарбияси қийин бола билан ишлаш, муомала қилиш мураккаблигини, шу билан бирга улар инсоний меҳрга зор, ҳуш муомала, зътиборга муҳтож эканлигини, бундайларга нисбатан сабр-тоқатли, бардошли, кечиримли бўлиш зарурлигини таъкидлайдилар.

### Мавзу бўйича таянч сўзлар:

Муомала, одобсизлик, демократия, педагогик муомала, ўқитувчи, педагогик жараён, тарбия жараёни, мулоқот.

### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т., 1997.
2. Худойкулов Х.Ж., Одоб - ахлоқ ва тарбия дурдонаси. - Т., 2010.
3. Мавланова Р., ва бош. Педагогика. - Т.: Ўқитувчи, 2001.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". - Т., 1997.
5. Очиллов М.О., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. - Т., 1997.
6. Гулбоев Т. Янги педагогик технологиялар. Маърузалар матни. - Навоий, 2000.
7. Худойкулов Х.Ж. Педагогика ва психология. Услубий қўлланма. - Т., 2010.
8. Махмудов Ю.Ф., Худойкулов Х.Ж., ва бошқалар. Миллий ғурур-маънавий қомиллик мезони. - Т.: ДЗАЙИН-ПРЕСС. 2011й.

## 8-мавзу: Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ

### РЕЖА:

1. Ўқитувчи одобининг предмети ва вазифалари.
2. Ахлоқий билимлар.
3. Педагогик фаолиятнинг ахлоқий жиҳатлари.
4. Ахлоқий маърифатлилик.
5. Ота-оналар билан муомала одоби.

### 1. Ўқитувчи одобининг предмети ва вазифалари

Ахлоқ ижтимоий онг шаклларидадан бўлиб, инсон турмушининг барча соҳаларида кишининг хулқи, хатти-ҳаракатларини тартибга солиб, бошқариб турувчи, Ватанга, меҳнатга, мулкка, одамларга муносабатини билдирувчи (йўналтирувчи) қонун-қоидалар, тамойиллар, йўл-йўриқлар, мезонлар, панд-насихатлар мажмуидан иборат. Ахлоқ умуминсоний ва миллий характерга эга бўлиб, кишиларнинг тарихан қарор топган ва ҳар бир одам эгаллаши лозим бўлган ахлоқий идеаллари, орзу-умидлари тўғрисидаги тасаввурлар, тушунчалар, билимлар, қарашларни ўз ичига олади.

Одоб деганда расм-таомил, урф-одатлар мажмуи, ижтимоий-иқтисодий тузум тақозоси билан турмуш шароитининг алоҳида тарзи, анъаналари негизда одамлар ўртасида пайдо бўладиган муомала-муносабатларнинг хусусиятлари тушунилади. Одоб кишиларнинг амалий хатти-ҳаракатлари, муомала-муносабатлари деб ҳам қаралади. Ахлоқ эса мазкур расм-таомил, хулқ-одатларининг бир қадар умумлашган шакли бўлиб, улар панд-насихатлар, қоидалар, меъёрлар, талаблар шаклида ифодалаб берилгандир. Этика деганда ахлоқ ҳақидаги фан, назариялар тушунилади.

Умуминсоний ахлоқ деганда турли даврларда, замонларда барча халқларда кишиларнинг турмуши, ҳаёти тарзида шаклланиб, инсонларнинг ўзаро муомала муносабатларини тартибга солиб турувчи умумий тушунчалар, меъёрлар ва талаблар умумий ахлоқий фазилатлар тушунилади.

Миллий ахлоқ эса умуминсоний ахлоққа хос асосий хусусиятларни сақлаган ҳолда айнан миллат ва элат кишиларигагина хос бўладиган айрим ахлоқий хусусиятларни ҳам ўзида мужассамлаштиради.

Кишиларга яхшилик қилиш, рост гапириш, ботирлик, камтарлик, ҳалоллик, меҳрибонлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик каби ахлоқий фазилатларни ҳамма вақт барча халқлар эъзозлаганлар. Алдоқчилик, кўрқоклик, шафқатсизлик, ўтрилик каби иллатлар қораланган, ахлоқсизлик, одобсизлик деб ҳисобланган. Бундай ахлоқий қарашлар ҳамма халқлар, барча миллатларга хос. Шу билан бирга ҳар бир миллатнинг ўзигагина кўпроқ хос бўлган ахлоқий қарашлар, ахлоқий тушунчалар, ахлоқий фазилатлар мавжуд.

Профессионал ахлоққа доир бир неча асарлар муаллифи Я.Г. Якобсон касб ахлоқини шундай таърифлайди: "Профессионал этика маълум бир жамиятда айрим касб учун характерли бўлган ахлоқий меъёрлар, тушунчалар, баҳо ва идеалларнинг мажмуидан иборат"<sup>1</sup>. Профессионал этика назариячилари ўз асарларида касб ахлоқининг умуминсоний ахлоқ билан узвий боғлиқ эканлигини таъкидлаб кўрсатадилар. Касб ахлоқи тушунчаси профессионал гуруҳлар ахлоқий онгининг ривожланиш даражаси амалда бир хил емаслигини, у ёки бу касб эгалари фаолиятига жамият томонидан қўйилаётган ахлоқий талаблар даражасининг ҳар хиллигини ва ниҳоят, профессионал гуруҳ кишиларининг ижтимоий бирлик сифатидаги манфаатларини у ёки бу даражада ифодаладиган ахлоқий йўл-йўриқларни акс эттиради. Турли касб эгалари ахлоқий онгининг ривожланиш даражасидаги ҳар хиллик бозор иқтисодиётига асосланган жамият шароитида ҳам сақланади. Ҳозирги даврда ҳам турли касб кишиларига бўлган ахлоқий талаблар даражасидаги тафовутлар, фарқлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992) давлатимиз фуқароларига илм олиш ҳуқуқини ва бунинг учун зарур шароитлар яратишни кафолатлайди. Давлатимиз бу сиёсатни изчил амалга оширмоқда. Мактаблардаги таълим-тарбия ишларининг барчаси ёшларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда йўналтирилган.

Маънавият тарбиясининг энг таъсирчан қуроли бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш лозим. Ахлоқ-маънавиятнинг ўзаги, инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, яхши муомаладангина иборат эмас. Ахлоқ-бу, энг аввало инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик демак. "Қадимги аждодларимиз,-

1. Якобсон Я.Г. О педагогической этике. - Л., 1973. стр № 5.

деган эди Президент И.А. Каримов Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузасида, комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак"<sup>1</sup>. Президент И.А. Каримовнинг таъкидлашича, маънавий-ахлоқий тарбияда ислом таълимотининг ахамияти катта. Ислом дини-бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам динат, ҳам маърифат.

Педагог амалиётида "Ўқитувчи одоби" тушунчаси тор ва кенг маъноларда қўлланилади. Тор маънода у ўқитувчи хулқининг амалий жихатини, кенгрок маънода эса ўқитувчининг касб ахлоқини англатади. Ўқитувчи одобининг муҳим, асосий белгилари каторига қуйидагилар киради: миллий ва умуминсоний ахлоқ қонуниятлари, тамойиллари, тушунчалари, мезонлари талабларига амал қилиш; педагогик жараённинг ва педагогик фаолиятнинг ўзигагина хос бўлган хусусиятларига биноан уларни ойдинлаштириш, аниқлаштириш; миллий ва умуминсоний ахлоқнинг қонуниятлари, вазифалари; ўқитувчининг ўқувчилари, касбдошлари, ота-оналари, мактаб раҳбарлари билан муомаласида, муносабатларида, шунингдек, ўқувчиларга тарбиявий таъсир ўтказиш, педагогик меҳнат самарадорлигида намоён бўлиши кабилар.

Демак, ўқитувчи одоби миллий ва умуминсоний ахлоқнинг қонуниятлари, вазифалари, тамойиллари, тушунчалари, талаблари, мезонларини таълим-тарбия жараёнида ойдинлаштириб, ўқитувчининг ўқувчилари, ўз касбдошлари, ота-оналари, мактаб раҳбарлари билан муомала-муносабатларида ифодаланган ахлоқий хусусият. Ўқитувчи одоби фани эса профессионал этиканинг, касб ахлоқнинг йўналишларидан бири бўлиб, миллий ва умуминсоний ахлоқ қонуниятларининг таълим-тарбия жараёнида қандай намоён бўлишини ўрганади.

Ўқитувчи одоби курсини ўрганишдан мақсад бўлажак педагогларни касб ахлоқига доир билимлар билан қуроллантириш, педагогик маҳорат, ахлоқий кўникма ва малакаларни

---

<sup>1</sup>. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. "Халқ сўзи" газетаси, 1995 йил 24 феврал.

эгаллаб олиш, амалий фаолиятда ўқитувчининг обрўйини оширишга қўмаклашишдан иборат.

Ўқитувчи одоби курсини ўрганишнинг асосий вазифалари куйдагилардан иборат:

— бўлажак ўқитувчиларга миллий ва умуминсоний ахлоққа, касб ахлоқиға, ўқитувчи одобига доир билим, кўникма ва малакалар бериш;

— таълим-тарбия жараёнида муаллим билан ўқувчилар, касбдошлари, ота-оналар, мактаб раҳбарлари ўртасидаги муомала, муносабатларни бошқариб, йўналтириб, тартибга солиб, назорат қилиб бориш;

— педагогик жараён қатнашчилари орасидаги муомала, ахлоқий муносабатларла амал қилиш лозим бўлган ахлоқий меъёрларни белгилаш, уларга амал қилиш зарурлигини бўлажак педагоглар онгига сингдириш;

— ўқувчилар ва бўлажак ўқитувчиларга ўз-ўзини ахлоқий тарбиялаш йўлларини ўргатиш;

— бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий-ахлоқий савияси, педагогик-ахлоқий маданиятни ошириш.

Ўқитувчи одобининг мазмуни, шакллари, характерли хусусиятларини аниқлашда ахлоқ назариялари тўғрисидаги илмий таълимотлар ва ахлоқ қонуниятларига асосланилади.

Ўқитувчи одоби (ахлоқи)нинг умумий қонуниятларига қуйидагилар қиради:

— ўқитувчи одобининг характери ижтимоий тараққиётнинг ҳар бир босқичида шу жамиятда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш эҳтиёжлари билан белгиланиши ва давлат ҳужжатларида ижтимоий буюртма сифатида ифодаланиши;

— ўқитувчи одобининг мақсади, мазмуни ва усулларининг бирлиги;

— яхлит педагогик жараёнда ахлоқий маърифат, ахлоқий тарбия ва ўқитувчи одобининг бирлиги.

Ўқитувчи одобининг хусусий (ўзига хос) қонуниятлари:

— ўқитувчилик касбини ва болаларни севиш;

ўқитувчи ўзи дарс берадиган фанни, уни ўқитиш назарияси ва методикасини, педагогика, психология ва мафкурага доир чуқур билимга, юксак маънавий маданиятга эга бўлиши;

ўқитувчи шахсининг ахлоқий поклиги;

жамият олдидаги бурчни, педагогик масъулиятини юксак даражада англаш, ахлоқий эътиқодли бўлиш;



Ўзи бажараётган ишнинг ҳақлигига ва ўз кучига, ўқувчиларнинг ҳар бири улғайиб жамият учун фойдали, яхши одам бўлишига ишонч;

педагогик такт, муомала одоби қоидаларига амал қилиш;

ўқитувчининг яхшилик қилиш истаги, хушмуомалалиги ва амалий ишларининг, яъни сўзи билан ишининг бирлиги;

хамма ўқувчиларга нисбатан ҳолис ниятли, объектив, талабчан, адолатли бўлиш;

педагогик фаолиятнинг ахлоқий характери билан педагогик ижодкорлик уйғунлиги.

## 2. Ахлоқий билимлар

Ахлоққа доир билимлар бу - жамоада одамлар хулқини тартибга солувчи ахлоқий тушунчалар, тамойиллар, талаблар, қоидалардан иборат. Кишининг ахлоққа доир билимлари тўла ёки чала бўлиши мумкин. Ахлоқий билимлар ўзгарувчан. Таълим-тарбия жараёнида, ўзини табиялашда айрим ахлоқий тасаввурлар, қарашлар ўзгариши мумкин. Масалан, мустақиллик туфайли Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришлар таъсирида кишиларимизнинг ахлоққа доир тушунчалари, қарашларида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Куръони карим, Ҳадиси шарифнинг ўзбек тилида чоп этилиши, Марказий Осиёлик мутафаккирлар, давлат арбобларининг асарлари нашр этилиши натижасида кишиларда, айниқса, ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида янги ахлоқий тушунчалар, ахлоқий қарашлар, билимлар шаклланмоқда.

Ўқитувчининг педагогик одобига доир билимлари тўлалиги ва барқарорлиги жиҳатидан бир-биридан фарк қилади. Ўқитувчилик касбини эгаллаётган ҳар бир йигит-қиз педагогик ахлоққа доир тушунча, қоидаларни билиб олади. Бу таълим-тарбия, педагогик амалиёт жараёнида содир бўлади. Ўқитувчилик ихтисосини эгаллаш жарайнида бўлажак ўқитувчи педагогик ахлоқий қадриятларни ўзлаштиради. Таълим-тарбия ишининг педагогик фаолиятининг ахлоқий асосларини тушуниш яхшилик адолат масъулияти каби ахлоқий қадриятларини англаш Ўзбекистонда рўй бераётган мафкуравий ўзгаришлар миллий ва умуминсоний талабаларни ўзлаштириб олишга кўмаклашади. Бу жараёнда педагог ўқувчиларнинг ахлоқий тарбиячиси эканлигини англайди.

Бўлажак ўқитувчи педагогика таълим муассасасида бола-

ларни ахлоқий тарбиялашнинг мазмуни, шакл ва услубларини, боланинг ахлоқий шаклланиш қонуниятларини ўрганади. Ахлоқ муаммоларига илмий ёндашувни эгаллайди. Педагогик фаолиятда ахлоқий талаб ва қонун-қоидаларни ўзлаштириш натижасида ўқитувчининг ахлоқий билимлари такомиллашади.

Ўқитувчига нисбатан қўйиладиган ахлоқий талаблар жамиятда мавжуд бўлган ахлоқий одатларга, педагогик бурчига мос келиши лозим. Педагогик одоб қоидаларида ўқитувчининг ўз касбдошлари, ўқувчилар, ота-оналарга муносабати, муомаласи, унинг хатти-ҳаракатларига доир йўл-йўриқлар ифодаланади.

Ўқитувчи одобининг талаб ва қоидалари муайян бир вазиятда амалга оширилади. Масалан, ўқувчига бақириш, дўқ уриш одобдан эмаслигини, одобли ўқитувчи суҳбатдошининг сўзини ўринсиз бўлмаслиги лозимлигини ҳамма билади. Лекин айрим ўқитувчилар амалда, баъзан бу қоида бузадилар.

Ўқитувчида ахлоқий билимлар ҳосил бўлишининг асосий йўлларида бири миллий-ахлоқий ва умуминсоний кадриятларни билиб, англаб олишдир. Ватанпарварлик, инсонпарварлик, байналмилалчилик каби ахлоқий тамойиллар педагогик одобда ўқитувчининг фаолияти билан боғлиқ тарзда талабларга айланади ва ўқитувчининг хулқини, хатти-ҳаракатларини тартибга солиб туради.

Педагогик фаолият хусусиятларидан бири ахлоқ билан боғлиқ ҳар бир масалада ўқитувчи ўз нуқтаи назарига эга бўлиши ва уни химоя қила олиши. Ўқитувчининг нуқтаи назари, баҳоси жамоада мавжуд ахлоқий қарашларга мос бўлиши талаб этилади. Агар ўқитувчи янги ижтимоий ходисаларни баҳолашга ўзининг субъектив нуқтаи назаридан ёндашса, можаролар келиб чиқади. Уларни бартараф этиш мушкул бўлади ва тарбиявий ишга салбий таъсир этади. Бунга доир мисолларни педагогик амалиётда, бадиий адабиётда кўплаб учратиш мумкин.

### 3. Педагогик фаолиятнинг ахлоқий жиҳатлари

Ўқитувчилик фаолияти ўз моҳиятига кўра, ахлоқий характерга эга. Педагогик фаолиятнинг бундай хусусияти барча фан ўқитувчиларига, тарбиячилар, синф ва мактаб раҳбарларига бирдек тааллуқлидир. Барча педагогик ходимларнинг ҳар бир сўзи ва амалий хатти-ҳаракатлари ўқувчиларга,

тарбияланувчиларга миллий ва умуминсоний ахлоқни сингдириш мақсадига хизмат қилиши лозим.

Педагогик фаолият ўқитувчидан ахлоқий-маърифатли, яхши хулқ эгаси бўлишни; ахлоқий тажрибага эга бўлишни, ўз-ўзини мунтазам равишда ахлоқий жиҳатдан тарбиялаб боришни талаб этади. Шу билан бирга, муаллим ўқувчиларга мунтазам равишда ахлоқдан сабоқ бериб, уларнинг ахлоқий билимли қилиши; болаларга яхши хулқий одатларни амалда бажартириб, машқ қилдириб, ахлоқий тажриба орттиришларига қўмаклашиши; ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялаб боришларига еришиши зарур.

#### 4. Ахлоқий маърифатлилик.

Ахлоқий маърифат педагогик фаолиятнинг таркибий қисми бўлиб, унинг мақсади миллий ва умуминсоний ахлоқнинг моҳиятини, қонуниятларини, унинг тамойиллари, талаблари, қоидаларига доир билимларни, ахлоқнинг одамлар ҳаётидаги ўрни ва ролини ўқитувчининг ўзи англаб олиши ва тарбияланувчиларга, ўқувчиларга сингдириши. Педагогик ходимларнинг ҳаммаси, барча фан ўқитувчиларининг фаолияти шу мақсадга қаратилиши зарур. Ўзбекистон мактабларида "Одобнома" ўқув фани сифатида ўқитилаётгани ҳам ўқувчиларни ахлоқий-маърифатли қилишдек муҳим вазифани бажаришга, ўқувчиларнинг ахлоқий тарбиясини яхшилашга даъват этилган.

Ўқувчиларни ахлоқий-маърифатли қилиш бу, уларнинг ахлоққа доир муаммолар, ахлоқий баҳо мезонлари билан таништириш; киши бирор ишни қилаётганда фикри, сўзи, хулқи, хатти-ҳаракатларида масъулиятни ва эркинлик даражасини билиши, ҳар бир ҳаракатнинг хулқ-атвор оқибатини кўз олдига келтириш лозимлигини ёшларга англатишдан иборат. Шу тариқа ўқувчилар ҳаётининг маъноси, яшашдан мақсад бахт нима эканлигини англаб олишлари лозим.

Мактаблар тажрибасини кузатиш шундай далолат берадики, ўқувчилар "Одобнома" дарсларида, шунингдек, жамият ҳаётининг, гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида "Ахлоқ", "Одоб" сўзларининг маъносини билиб оладилар. Марказий Осиё халқларининг қадимий урф-одатлари, ахлоқ-одоб, тарихини, Авесто, Қуръони карим Ҳадиси шарифларга доир билимларни ўрганадилар. Ватан тарихи, Спитамен, Тўмарис, Жало-

лиддин Мангуберди, Амир Темур каби Ватан фидоийларининг жасоратлари ва инсоний муносабатлари билан танишадилар. Инсоний муносабатлар одоби — саломлашиш ва хайрлашиш қоидалари, сўзлашув ва муошарат одоби қоидаларини билиб оладилар. Шунингдек, инсоний фазилатлар-тозалик, озодалик, поклик, соч-соқолни парвариш қилиш, пардоз-андоз одоби қоидаларини; ҳалол, ҳаром нималигини, чекиш, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби зарарли одатлардан сақланиш ҳақидаги тушунчаларни; оилавий ҳаёт одоби ва психологиясига доир билимларни ўрганадилар. Буларнинг барчаси ўқувчиларни ахлоқий жиҳатдан маърифатли қилишга қаратилган.

Ўқувчиларни ахлоқий маърифатли қилиш воситаларидан бири уларга панд-насихат беришр.

Насихатни, албатта, ўрни ва меъёрида ишлатиш лозим. Акс ҳолда у насихатбозликка айланиб кетади. "Кексалар сиздек пайтида ундай, бундай қилган эдилар. Сиз уруш нималигини, қийинчилик нималигини қўрмагансиз, башанг қийинасиз, тайёрга айёрсиз" қабалида таъна тошларини отиш, миннат қилиш ёшларнинг гашини келтириб, нафратини қўзғатиши мумкин. Кексалар ҳақида, уларнинг яхши анъаналари, одатлари тўғрисида гапириш билан бирга ёшларнинг ҳам ибратли ишлари, яхши хулқини маъқуллаш, ҳолисона баҳолаш керак. Шунини унутмаслик жоизки, жамият ҳамма вақт олға қараб тараққий этади. Ёшлар ота-оналаридан кўра илгарилаб кетадилар. Улар хулқида бирор салбий ҳодиса ёки одобсизлик учраса, бунинг сабабларини аниқлаш лозим. Кўпинча боланинг ёмон хатти-ҳаракати-га ота-она, катталар сабаб бўлиши, бу нотўғри тарбия оқибати эканлиги маълум бўлади.

Ўқитувчи бирор ахлоқий қусурни ўқувчилар билан таҳлил этаётганида, иложи борича, синфда турган ўқувчини мисолга келтирмаслиги ёки "ўқувчилардан қайси бири бунга ўхшайди" деб, дарсни бўшроқ ўзлаштирадиган ёки шўхроқ болага ишора қилмаслиги лозим. Бундай "ахлоқий маърифат" болани ҳақоратлашга айланиши, ёмон оқибатларга олиб келиши ҳам мумкин.

Болаларни ахлоқий маърифатли қилиш учун ўқитувчи ўқувчиларнинг ҳиссиётига таъсир ўтказадиган воситалардан фойдаланиши керак. Бунда бадиий адабиёт, айниқса, шеърят жуда қўл келади. Масалан, ҳадисларнинг мазмунини ифодалаган шеърлар-Алишер Навоийнинг "Қирқ ҳадис"и, Абдулла Ори-

повнинг "Ҳаж дафтари", Анвар Ҳожиаҳмаднинг "Жаннат калити"<sup>1</sup> ва бошқалардан фойдаланиш ахлоқий сабоқ машғулотларини жонлантиради, тарбиявий таъсирини оширади.

Ўқувчиларни ахлоқий маърифатли қилишда "Одобнома" дарслари муҳим роль ўйнайди.

Ўқитувчи ўқувчиларни ахлоқий маърифатли қилишда "Оталар сўзи-ақлнинг кўзи", "Маърифатнома" каби телекурса-тув материалларини ҳам фойдаланиши муҳимдир. Ўқувчиларга ахлоқий сабоқ беришда кинофильм ва телефильмлардан қўл келадиган танлай билиш лозим. Шу билан бирга телеэкран, киноэкранларда намойиш этилаётган айрим чет ел фильмлари халқимизнинг тарихан қарор топган миллий қадриятлари, урф-одатлари, ахлоқига тўғри келмаслигини ҳам ўқувчиларга тушунтириш лозим.

#### 5. Ота-оналар билан муомала одоби

Мактабда таълим-тарбия ишларининг самарадорлиги фақат с тайёрлиги, маънавий қиёфаси ва ўз вазифасини қандай бажаришига боғлиқ бўлиб қолмасдан, бола яшайдиган муҳит ва оила таъсирига ҳам боғлиқ. Оила болани ахлоқий тарбиялаш, унинг маънавий-ахлоқий йўналишларини шакллантиришнинг муҳим омили. Оила бола тарбия оиладиган энг биринчи жамоа бўлиб, дастлабки ахлоқий тажриба орттиради.

Ҳар бир инсон ёшлиқда она қўлида тарбия олади. Она алласи билан бирга бола қалбига она муҳаббати сингади ва онанинг эрқалашлари бир умр ёлда қолади, оилада бола яхши билан ёмоннинг фарқини ажратишни ўрганади. Оила тарбияси орқали онгида миллий ва умуминсоний қадриятлар, яшашдан мақсад ҳақида дастлабки тасаввурлар ҳосил бўлади. Оилада шахснинг ижтимоий қимматли фазилатлари ўса бошлайди. Бола мактабда қадам қўйганида яхши ва ёмон нарсалар ҳақида ўз тасаввурларига эга бўлади. Ўқитувчи болада қандай ахлоқий тушунчалар мавжудлигини ва бу тушунчалар, ахлоқий фазилатлар қандай шароитда шаклланганлигини ҳам билмоғи керак. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўқувчиларнинг ота-оналари билан алоқа боғлаб, болани тарбиялашда улар билан ҳамкорликни йўлга қўйиши лозим.

<sup>1</sup> Мухаммад Алайҳиссаломнинг 33 масаладаги 333 ҳадисига 333 шеърий иқтибос. Тошкент, "Чўлпон", 1994, 96-бет

Болани мактабга, ўқишга қабул қилаётганда ўқитувчи унинг ота-онаси билан танишади. Ўқитувчи билан ота-онанинг муомаласи, алоқалари ана шу танишувдан бошланади. Ўқитувчи билан ота-оналар ўртасида ахлоқий-педагогик муносабатлар бола мактабни битиргунча давом этади. Педагогик амалиёт шуни кўрсатадики, ўқитувчилар кўпинча тарбияси қийин болаларнинг ота-онаси билан алоқа ўрнатадилар. Ўқитувчининг ота-онага эътибори кўпинча боланинг ёмон хулқи, салбий қилиқлари билан боғлиқ бўлади. Агар бола мўмин-қобил, одобли бўлса, айрим ўқитувчилар унинг ота-онаси, оиладаги тарбиясига деярли эътибор бермайди.

Тарбиянинг самарадорлиги кўпинча оила ва мактабнинг болага нисбатан бир хил талаб қўя билишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам педагогик ахлоққа ўқитувчи билан ота-оналарнинг ўзаро муносабатлари, муомаласи масаласига катта эътибор берилади, ўқитувчи оила билан алоқа ва ҳамкорлик қилмасдан туриб болани ахлоқий тарбиялаш вазифасини бажара олмайди. Чунки мактаб оилада шаклланган ахлоқий фазилатларни мустаҳкамлаш ёки салбий сифатларни қайта тарбиялаш лозим бўлади.

Отаси ёки онасидан ажралган бола билан ўқитувчининг ўзаро муомаласи жиддий, нозик иш. Ота ёки онанинг вафот этиши болага оғир қайғу, изтироб келтиради. Бундай кулфатга кўникиш бола учун жуда қийин кечади. Бундай болалар ўз дарди, ўз қайғуси билан овора, атрофда содир бўлаётган воқеалар, ҳодисаларга бефарқ қарайдиган бўлиб, яккаланиб қолади. Ўқитувчи бундай болага ғамхўр бўлиши, яхши муомила қилиши унинг руҳини кўтаради. Бундай пайтда ўқитувчининг ўта расмий муомаласи яхши оқибатга олиб келмайди, боланинг иродасини бўшаштириб, қийинчиликларга бардош беролмайдиган қилиб қўяди. Ярим етим болалар йегим болалар орасида шундайлари ҳам борки, булар ота ёки онаси ташлаб кетганлардир. Энг ишонган ва яхши кўрган, энг яқин одамидан ажралиб қолган болага қўпол муомала қилиш уни ранжитади, қалбини жароҳатлайди. Кичкинагина ҳақсизликка чидай олмайдиган, ҳар бир нарсадан хавфсирайдиган, катталарнинг гапига кулоқ солмайдиган, кўрс, ўжар, ўзбошимча бўлиб қолади. Ўқитувчининг ўта хушёрлик, эътибор билан тўғри муомала қилиши натижасидагина уларда катталарга ишонч туйғуси қайта тикланиши мумкин.

*Воқеий ҳикоят.* Карим бешинчи синфда иккинчи йилга қолдирилди. Янги синф раҳбари Ш. айрим ўқитувчилар ва боланинг ўқишига касал онаси эътибор бермай қўйганликларини аниқлади. Карим дарсларни мунтазам қолдирар, ўй вазифаларини бажармас эди. Муаллима Каримнинг оиласига бориб, у ҳар куни эрталаб мактабга кетиши ва уйга кеч қайтишини билиб олди. Онаси эса касаллиги туфайли боласи нима иш билан шуғулланаётганлигини назорат эта олмас эди. Бир куни синф раҳбари Каримнинг уйига эртарок бориб, уни мактабга олиб кетмоқчи бўлди. Дарс бошланишига ҳали бир соатдан кўпроқ вақт бўлишига қарамай Карим уйда йўқ эди. Каримлар оиласи яшайдиган туман қургони унча катта бўлмаганлиги учун ўсмирлар кўпроқ борадиган бозорчага кириб ўтди. Не кўз билан кўрсинки, Карим дарвозадан кирган жойда шафтоли сотиб турган эди. Карим бир неча кундан бери бозорда мева сотаётгани маълум бўлди. Бу меваларни Карим шаҳар чеккасидаги жамоа хўжалигининг боғидан ўғирлаб олиб келаётган бўлса керак, деб ўйлади синф раҳбари. Шанба куни синф раҳбарининг бир соатгина дарси бор эди. Мактабга боришдан олдин у яна бозорга йўл олди. Карим бозорда ҳам, уйда ҳам йўқ эди. Синф раҳбари жамоа хўжалигининг боғига қараб юрди. Каримни кийимлари йиртилган, қўл-оёқлари кир, ифлос, йиғлаган, ночор ахволда учратди. Қоровул унинг қўлидан маҳкам ўшлаб, исми, фамилияси кимлигини, қайси мактабда ўқишини суруштираётган экан. Қоровулхонада кичикроқ халтада Карим дарахтдан узиб олган олмалар турарди. Муаллимасини кўргач бола:

— Нега ҳадеб менинг орқамдан юрасиз, мендан нима истасиз?—деб бақирди.

— Бу сизнинг болангизми? - қоровул муаллимадан сўради.

— Ҳа менинг ўғлим,—деди синф раҳбари.

— Ўғлингиз учун товон тўлашингиз зарур.

Қоровул бундай пайтда ота-онага айтиш лозим бўлмаган гапларни айтди. Бу оғир гапларни эшитганиданми, Каримга раҳми келибми ўқитувчининг кўзларига ёш келди.

— Майли узилган мевалар учун товонни ўзим тулайман. У бошқа бундай қилмайди, тўғрими болам? - деб Каримга қаради. Ўқитувчи сумкачасидан пул чиқариб узатди. Бу воқеа Каримга қаттиқ таъсир қилди. Синф раҳбари боланинг қўлидан ушлаб, йўлда унга ҳеч нима демай, ўз уйига олиб борганда

охирги дарс бўлаётган эди. Дарсдан сўнг улар бирга боланинг уйига бордилар. Карим ўқитувчига "Бу воқеани онамга айтманг, мен бу ишни бошқа қилмайман", - деди. Дарҳақиқат, бу воқеа синф раҳбари билан ўқувчи орасидаги сир бўлиб қолди. Шундан буён кўп йиллар ўтди. Каримнинг онаси вафот этди. У мактабни битириб, қишлоқ хўжалик институтутига ўқишга кирди. Синф раҳбарининг қилган муомаласи, яхшилиги бир умрга унинг ёдига қолди.

Хар бир болани яхши одам қилиб тарбиялашда ўқитувчи ҳам, ота-она ҳам манфаатдор. Мақсад бирлиги ўқитувчини ота-оналар билан боғлаб туради. Болани ёқтирса ҳам, ёқтирмаса ҳам ота-онаси билан алоқада бўлиш ўқитувчининг вазифаси. Ўқитувчининг ота-оналар орасидаги обрўси кўпинча ўқитувчининг фикри, мулоҳазалари асосида шаклланади. Ваҳоланки, боланинг фикри хато бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, ўқитувчининг ота-оналар тўғрисидаги фикри ҳам боланинг суръати ва сийратида олган таассуротларига асосланади.

Ўқитувчи одоби ўқитувчида ҳам, ота-онада, ҳатто фикр, нотўғри таассурот бўлмаслигини тақозо қилади. Бу принципга, энг аввало ўқитувчи амал қилиши лозим. Чунки, бу педагог тарбиячи сифатида ўзини тутиши, мабодо ота-оналарнинг у ҳақидаги бирор фикри хатоларини сезса ҳам, майда чуйда ўтқинчи гапларга берилиб кетмаслиги зарур. Ўқитувчи кўнглида кек сақлаши, бола билан муомаласида ахлоқ қоидаларининг бузилишига сабаб бўлади. Ўқитувчининг ота-оналар билан тўғри муомала қилиши мураккаб нозик иш. Чунки ҳозирги ота-оналарнинг кўпчилиги ўрта ёки олий маълумотли кишилар, улар вақтли матбуот, телевидение, радио орқали кўпгина педагогикага оид ахборотларни билиб оладилар. Мулкчилик муносабатларининг ўзгариши ҳам муомала одобига таъсир этади. Бу ҳол ўқитувчидан юксак педагогик маданиятли бўлишни тақозо қилади.

Турли сабабларга кўра, боланинг бир мактабдан иккинчисига ўтиб ўқиши ҳоллари педагогик амалиётда учраб туради. Ўқувчи болаларнинг янги жамоасига қўшилиб кетгунича анча вақт ўтади. Бу даврда содир бўладиган воқеалар ўқитувчи билан ота-оналарнинг муомала-муносабатларига ҳам ўз таъсирини ўтказadi.

*Воқеий ҳикоят.* Бошланғич мактабни аъло баҳоларда битирган Шаҳло бешинчи синфда ўқишни бошқа шаҳардаги



мактабда давом эттирди. Шахлонинг кундалик дафтарида математикадан нукул "уч" баҳолар пайдо бўлаётганини ота-онасини ташвишга солиб қўйди. Шахло бир ҳафта дарсга бора олмаган кунлари, ўтилган мавзуларни билмаслиги бунга сабаб бўлган, ўқитувчига бу гапни айтишга чўчиётган экан. Шахлонинг онаси мактабга бориб, синф раҳбари билан маслаҳатлашди. Эртаси куни математика ўқитувчиси: "Уйингда мен ҳақимда бўлмағур гапларни тарқатибсан", -деб Шахлога гапирди. Онасининг математика ўқитувчи билан учрашуви ҳам дилсиёҳлик билан тугади.

— Қизингиз "уч" олаётгани нега сизни бунча ташвишга соляпти? Бу ерда энг қобилиятли болалар ҳам математикадан "беш" ололмайди, -иддао қилди ўқитувчи.

— Менинг қизим сиз учун қобилиятсиз ўқувчи бўлиб қолдими?-бўш келмади Шахлонинг онаси. Натижа шу бўлдики, Шахлонинг математикадан билими ҳам, баҳолари ҳам пасайиб кетди. Ўқитувчининг адолатсизлиги ўқувчининг қалбидаги ишончини ҳам барбод қилди, математикани ўрганишдан ихлоси қайтди. Педагогик одобнинг муҳим тамойилларидан бирга мактаб билан оиланинг ҳамфикрлиги, ҳамкорлигига путур етди.

Ўқитувчининг ота-оналар билан алоқа қилиш йўллари, воситалари хилма-хилдир. Ўқувчининг кундалик дафтарига баҳо қўйиш, турли хабарларни битиш, хат ёзиш, ота-оналар мажлиси ёки бошқа йиғинларда учрашиш, ўқувчининг уйига бориш қабилар шулар жумласидан.

Ўқувчининг кундалик дафтарида ўқитувчи ахлоқий тарбиянинг болага таъсир ўтказишнинг муҳим воситаси сифатида фойдаланиши мумкин. Акс ҳолда у дарс жадвали ва уй вазифалари ёзилган оддий бир дафтарга айланиб қолади. Айрим ўқитувчилар боланинг кундалик дафтарига ҳатто олган баҳосини қўйишга эътибор бермайдилар. Синф раҳбарлари ҳам бу масалага турлича ёндашадилар: баъзилар боланинг ҳафта давомида олган ҳамма баҳоларини ёзиб қўйса, баъзилари фақат "икки" ёки фақат "тўрт", "беш" баҳоларини ва қолдирган дарсларини ёзиб, тўғрисига имзо қўядилар. Шу билан бирга кундалик дафтарга боланинг хулқи ва ўқишида еришган ютуқлари, маслаҳат ва таклифларини ёзадиган синф раҳбарлари ҳам бор. Боланинг кундалик дафтарида учрайдиган: "дарсларга фаолроқ қатнашадиган бўлдинг, ўқитувчиларинг сендан мамнун", "физика ва биологиядан дарс қолдирган кунларингда

ўтилган мавзуларни ўзлаштириб ол, бошқа фанлардан билиминг тузук", "жамоатчилик ишларига, меҳнатга муносабатингни ўзгартир, фаолроқ бўл", "синфдошларинг билан хушмуомала бўл, ўзингни тута бил, иродангни ишга сол", "уйда нима ишлар қилишингни менга айтиб тур" каби ёзувлар шундан далолат беради. Ўқитувчи ўқувчи билан гаплашаётгандек туюлса ҳам, аслида бу ёзувлар ота-оналар учун ҳам эслатмадир.

*Воқеий ҳикоят.* Беш нафар боласи бор оила бошлиғи бундай деган эди: "Катта ўғлимиз биринчи синфда ўқиганда унинг ўқитувчиси жуда яхши киши бўлиб чиқди." У мудом ўғлимизни уй-рўзгор ишларига жалб этишни ва бу ҳақда ҳар куни унинг кундалик дафтарига ёзиб боришимизни талаб қиларди. Ҳатто бир куни иккинчи синфда ўтган кезлари эди, ўқитувчи рафиқамга ўғлимиз бажараётганларини кўпайтириш зарурлигини жон куйдириб тушунтираётганининг гувоҳи бўлганман. Биз ўғлимиз уйда мунтазам бажариши лозим бўлган ишларни белгилаб қўйдик. У магазинга бориб нон ва сутни ҳар куни ўзи олиб келишга, ётаётган жойини йиғиштириб қўйишга, оёқ кийимини ўзи тозалаб, мойлаб, ямоқчига яматиб келишга ҳам одатланади. Кейинчалик унга уйни йиғиштириш, ҳовлини тозалаш, гулларни, экинларни суғориш, парвариш қилиш каби ишларни ҳам топширадиган бўлди. Укаларига ҳам ўзи қарайдиган бўлди. Ўқитувчи уйимизга кўп келмаса ҳам вақти-вақти билан телефон қилиб турарди. Ўғлимиз яхши ўқигани учун бўлса керак кўпроқ боланининг уй ишларига онасига қандай ёрдамлашаётгани ҳақида маслаҳатлашардик. Натижада мактабни битиргунча ўғлимиз укаларига ғамхўр, меҳнатсевар бўлиб қолди. Акасидан ўрнак олиб, бошқа болаларимиз ҳам каттаси кичикларига қарайдиган, ишларни ҳам ўзлари билиб, ўз вақтида бажарадиган бўлишди. Бошланғич синф ўқитувчиси бошлаган иш яхши натижалар беради".

Афсуски, кейинги ўн йилликларда айрим ота-оналар ўзлари Иккинчи жаҳон уруши йилларида ва ундан кейинги даврда бошдан кечирган қийинчиликларидан нотўғри хулоса чиқариб, "Биз қурган қийинчиликларни боламиз кўрмасин", деб ҳамма нарсани муҳаё қилиш йўлига ўтиб олдилар. Айрим оилаларда болаларни меҳнатга жалб этишга эътибор камаяди. Ҳатто боласи 17-20 ёшга кирса ҳам гўдак ўрнида кўриб муомала қилдилар. Ҳали катта бўлса, ишлашга улгуради, деб ўйлайдилар, эркатой қилиб ўстирадилар. Бу билан айрим

ота-оналар ўз болаларининг ўзини-ўзи эглай олмайдиган, оиласини тебрата олмайдиган, боқиманда - "уй қуриб беринг, машина олиб беринг, ишга жойлаштириб қўйинг, набираларингизга ҳам ўзингиз қарай беринг" дейдиган қилиб қўйдилар.

Бундай педагогик хатоларнинг олдини олишда, мактаб билан оиланинг ўзаро ҳамкорлиги, муносабатларини яхшилашда ота-оналар мажлисларини, ўқувчиларнинг уйига ўқитувчининг бориши, ота-оналарнинг педагогик билими ва ахлоқий маданиятини ошириш муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар педагогик муомала одоби қоидаларини ўзлари яхши эгаллаган бўлишлари ва тарғибот қилишлари зарур.

#### Мавзу бўйича таянч сўзлар:

Ахлоқ, одоб, муносабат, хулқ, мақсадлар, ижтимоий ахлоқ, миллий ахлоқ, рағбатлаш, адолат.

#### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т., 1997.
2. Худойкулов Х.Ж., Одоб - ахлоқ ва тарбия дурдонаси. - Т.: 2010.
3. Мавланова Р., ва бош. Педагогика. - Т.: Ўқитувчи, 2001.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". - Т., 1997.
5. Очилов М.О., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. - Т., 1997.
6. Гулбоев Т. Янги педагогик технологиялар. Маърузалар матни. - Навоий, 2000.
7. Худойкулов Х.Ж. Педагогика ва психология. Услубий қўлланма. - Т., 2010.

## 9- мавзу: Педагогик низо ва уни бартараф этиш йўллари

### Р е ж а:

1. Педагогик низо, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва турлари
2. Педагогик низо жараёнидаги босқичлар ва оқибатлар
3. Педагогик низоларни бошқариш ва уларни бартараф этиш йўллари

### 1. Педагогик низолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва турлари

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида педагогик низо тушунчаси куйидагича талқин қилинади:

"Педагогик низо - бу ўқитувчи ва ўқувчи, устоз ва шогирд, домла ва талаба ўзаро келишмовчиликлари ёки қарама-қаршилиқ, душманлик, адоват орқасида туғилган ҳолат, муносабат, ихтилоф, нифок "

Адоват, ихтилоф, нифок, туфайли ўзаро жанжаллар содир бўлади. Одамлар жанжал ҳақида ўйлаганларида душманлик, кўрkitиш, босқинчилик, тортитиш каби ноҳушликларни назарда тутишади.

Ўқув жараёнида низо - бу ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида муайян масалаларни ҳал қилишда томонларнинг бир-бири билан бир ечимга кела олмаганлиги туфайли вужудга келадиган вазият.

Таълим жараёнидаги низолар кишилар кайфиятига салбий таъсир қилади ва уларнинг билим олиш қобилиятини пасайтиради, гуруҳдаги "руҳий иқлим"ни ёмонлаштиради, ўқувчилар кўнимсизлигини кўпайтиради. Шунинг учун бу масалаларга доимо эътибор бериш, таълим олаётган гуруҳларни бошқаришни, ўқувчилар турғунлигини таъминловчи шартлардан биридир. Таълим жараёнида низоли вазиятлар олдини олишнинг барча имкониятларидан фойдаланиш лозим.

Педагогик низо қандай характерга эга бўлмасин ва у қай даражада катта бўлмасин, барча ҳолларда бу низонинг сабаблари ҳамда уни вужудга келтирган ҳолатлар диққат билан таҳлил қилиниши лозим. Ўқитувчи ҳар бир аниқ вазиятнинг таълимига адолат ва объективлик билан етиши, тегишли хулосалар чиқариши керак.

Педагогик - психологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, "рухий иқлим" яхши бўлган, интизомли бўлган жойда фақат билим олиш юқори эмас, балки педагогик низолар ҳам анчагина кам, ўқувчиларнинг ўз билимидан катта қониқиш олаётгани кўзга ташланиб туради. Ўқувчилар норозилига юксак талабчанлик ва таълим жараёнининг баъзи жиҳатларини яхшилаш, бу билан таълим самарадорлигини ошириш истагининг натижаси сифатида ижобий сабабларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Гуруҳ аъзоларининг қатъиятлилиги ҳамда камчиликлар билан муроса қилмаслик истаги гуруҳнинг юксак фаоллиги ва ташаббуси туфайли юзага келади.

Таълим жараёнида низоли вазиятлар турли сабабларга кўра вужудга келиши мумкин. Улардан:

- \* таълимни ташкил қилишдаги камчиликларни;
- \* рағбатлантиришнинг такомиллаштирилмагани;
- \* ёмон таълим шароитларини;
- \* таълим тўғрисидаги қонунларни бузишни;
- \* ўқитувчи савиясининг пастлиги;
- \* ўзаро муносабатлар маданиятининг қониқарсизлиги ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин.

Педагогик низоларнинг асосан, уч тури учраб туради:

Ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги низо бир ўқувчининг ўзига бир-бирига зид топшириқлар берилиб, ўқитувчининг талаби бир-бирига мос келмай, ўқувчи бундай ҳолда нима қилишини билмай ҳуноб бўлган ҳолларда вужудга келади. Масалан, таълим муассасасида ўқитувчи ўқувчига вазифа бериб, вазифани бажарилишини ўқитувчи талаб қилди, дейлик. Кейинроқ эса ўқитувчи ўқувчидан бу вазифаларга ниҳоятда кўп вақт сарфлагани ва натижада, қолган вазифаларга тайёрланмаганидан шикоят қилса, бундай талаб олдинги талабга зид бўлиб чиқади. Оқибатда ўқувчи нима қилишни билмай ҳуноби ошади. Мана сизга низоли вазият.

Бошқа бир мисол. Олий таълим муассасасида деканнинг ўқув ишлар бўйича ўринбосари талабадан дарс сонини кам қолдиришини талаб қилса, маънавий ва маърифий ишлар бўйича декан ўринбосари эса ундан камроқ дарсда қатнашса ҳам ундан турли хил тадбир ва анжуманларда қатнашишини талаб қилади. Хўш, бечора талаба нима қилиши керак? У "икки ўт" орасида нима қилишини билмайди.

Кўриб турибсизки, бу ерда ҳам низоли вазият кўз ўнгимизда.



Биринчи мисолимизда бир талабанинг ўзига қарама-қарши, бир-бирига зид талаб қилиш натижасида низоли вазият вужудга келган бўлса, иккинчи мисолимизда бундай вазиятни бошқаришда - яқка ҳокимлик тамойилининг бузилиши натижасида юзага келди.

Тадқиқотлар ва кузатишлар бундай вазиятлар: ўқувчининг ўз вазифа бажаришидан қониқмаганлик, ўзига ишончсизлик, шунингдек, ўқувчида асаб бузилиши ҳолатларининг тез-тез содир бўлиб туриши натижасида вужудга келишини кўрсатади.

Ўқитувчи ва гуруҳ ўртасидаги низо кўп ҳолларда уларнинг у ёки бу масалага бўлган нуқтаи назарларининг мос тушмаслиги, ўқитувчи гуруҳлар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, гуруҳлар билан ўқитувчи ўртасида эса таълим олиш шароитининг қониқарсизлиги кабилар юзасидан вужудга келиши мумкин. Энг яхши талабага икки номзод қўйилганда ҳам шу турдаги низолар келиб чиқиш ҳоллари бўлади.

Гуруҳлар тўқнашуви ҳам ўқитувчи ва гуруҳ ўртасидаги низо туфайли бўлиши мумкин. Зеро, ҳар хил тоифа, феълдаги талабалар ҳамма вақт ҳам бир-бирларини тушунавермайдилар. Гарчи бир кўринишда бизга шундоқ туюлса-да, ўқитувчи ва гуруҳ ўртасидаги низоларнинг 75-80 фоизи икки томоннинг манфаатдорлик замирида содир бўлади.

Ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги низо ҳаётда кенг тарқалган низолар. Бундай низолар таълим олиш жараёнида қуйидагича бўлиши мумкин, масалан:

- \* айрим талабалар вазифани бажармасликлари;
- \* мунтазам равишда беسابаб дарс қолдиришлар;
- \* дарсларда интизом сақламай ўқитувчиг асабига тегишлари;

\* ўқитувчининг бир ўқувчини бошқа ўқувчидан устун қўйиши ва ҳоказо.

Ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги низолар, одатда айрим ўқувчининг у ёки бу нарсага нисбатан бўлган фикрининг ўқитувчи фикрига ёки манфаатига мос тушмаслик оқибатида вужудга келади. Айтайлик, бирор олий таълим муассасаси доценти ўзининг асосий иш жойидан ташқари пул топиш мақсадида бошқа 2-3 жойда, жумладан, фирмада ишлаётгани талабалар манфаатига зид келади. Чунки талабалар унинг шунча жойда ишлаб асосий иш жойида талабаларга консултация бермаслиги, дарсдан сўнг қўшимча вазифаларни қабул қилмай, ўлда-жўлда ишлашидан манфаатдор эмас. Бундай қарама-қарши ҳолат улар ўртасида низонинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Худди шундай ҳолат ўқитувчининг бирор-бир гуруҳ ўқувчиларига нисбатан қўллаган ноўрин жазоси ўқитувчи билан гуруҳ ўртасидаги тўқнашувга олиб келиши мумкин.

Ёш ўқитувчининг гуруҳ билан тўқнашуви ҳам ўқитувчи ва гуруҳ ўртасидаги келишмовчилик оқибатида бўлади. Масалан, ёш ўқитувчининг малакаси йўқлиги туфайли ўзини қаттиққўл қилиб кўрсатмоқчи бўлади. Бундан сўнг ўқувчилар ўзларини салбий томондан кўрсатишлари оқибатида ёш ўқитувчи тажрибаси йўқлиги сабабли орада низо чиқади. Бу масалани ўқитувчилар мажлисида муҳокама қилиш жараёнида бир гуруҳ ўқитувчилар бундай йўл тутиш нотўғри эканлигини айтишса, бошқа бир гуруҳ ўқитувчи бундай йўл ўқитувчининг ҳали ёшлигини, малакаси етарли эмаслигини айтиб, бу йўлнинг нотўғрилигини исботламоқчи бўлади.

Бу ерда бир ўқитувчининг малакаси етарли даражада бўлмаганлиги ҳам низо келиб чиқиши учун сабаб бўлади.

Ўқув жараёнида ҳар бир ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги ўзаро муносабати икки таркибий доирада:

\* формал (ёки расмий) ва

\* неформал (ёки норасмий) доирада амалга ошади.

Формал ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дарс жараёни ва ўқув фаолияти камчиликлари жиҳатдан расмий алоқаларини кўрсатиб беради. Формал кишиларнинг лавозим бурчларидан келиб чиқувчи ўзаро муносабатларига кўра белгиланади.

Ноформал ўқитувчи ва ўқувчи шахсий хурмати (симпатия) асосидаги норасмий муносабатларни, манфаатларнинг

умумийлигини, характерлар ўхшашлигини, ўзаро бир-бири-ни тушунишни ифодалайди.

Ҳар иккала ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги ўзаро муносабатлар доимо бир-бирига таъсир қилиб, шу жараёнда низоли ҳолатлар ҳам вужудга келиб туради.

Гуруҳлараро низоларга:

- \* гуруҳлар билан гуруҳлар ўртасидаги;
- \* маъмурият билан гуруҳ ўртасидаги;
- \* кафедра билан гуруҳ ўртасидаги низолар мисол бўла олади.

Бу турдаги низолар айниқса бир йўналишдаги гуруҳлар билан бошқа йўналиш гуруҳлари ўртасида содир бўладиган низоли вазиятларда яққолроқ кўринади.

Бир йўналиш гуруҳларининг фикрлари бир-бирига мос тушмаслиги ўқитувчилар фикрига қизиқишади ва бир ўқитувчи бир гуруҳ фикрини маъқулласа иккинчи ўқитувчи бошқа бир гуруҳ фикрини маъқуллаши сабабли ҳам тез-тез низолар чиқиб туради.

Гуруҳлараро низолар ўз табиатига кўра аралаш низолардир, чунки уларнинг вужудга келиши юқоридаги низо турларининг таъсири остида бўлади.

Мавҳумлигига қараб, педагогик низолар очик ёки ёпиқ кўринишда бўлиши мумкин.

Очик низолар одатда ўқитувчи ва ўқувчининг кўз олдида, тўғридан-тўғри вужудга келади. Улар тўқнашиш содир бўлгунга қадар тўлиқ этилган бўлади. Бундай низолар раҳбарият назорати остида турганлиги сабабли таълим жараёни учун унчалик хавф туғдирмайди ва уларни бошқариш осон кечади.

Ёпиқ низолар ўта хавфлидир. Бундай низоларни аста-секин белгиланган фурсатда портлайдиган минага ўхшатса бўлади. Агар низо ҳали "етилмаган" ёки уларни бошқалар нигоҳидан яширилса, бошқача қилиб айтганда, низо ўқитувчи ва ўқувчи "ичида" бўлса, билингки, бу ниҳоят хавфли ва уни бошқариш жуда қийин.

Ёпиқ низолар кўпинча, фитна, иғво, хийла-найранг, фискал фасод шаклида ривожланиш оқибатида вужудга келади. Улар орага фитна солиш, бузғунчиликка қаратилган бўлиб, ёлғон-яшиқ, уйдирма, бўхтон гаплар ўқувчилар учун асосий қурол вазифасини бажаради.

Очик низолар кўпинча низо, чакириқ шаклида ривожланиши оқибатида вужудга келади. Улар очикдан-очик чаки-



рик, товуш чиқариш, даъват этишда ўз ифодасини топади. Бунда ўқитувчилар ўзларига қарама-қарши бўлган ўқувчилар манфаатини ўзининг манфаати томон буришга ҳаракат қилади.

Характерига қараб, педагогик низолар объектив ёки субъектив низоларга бўлинади.

**Объектив** низоларга таълимнинг ривожланиш жараёнида юзага чиқадиغان реал камчиликлар ва муаммолар билан боғлиқ низолар киради. Бу низолар амалий низолар бўлиб, ўқув жараёнини ривожлантириш, таълим муассасасида нормал "руҳий иқлим"ни яратиш учун хизмат қилади.

**Субъектив** низоларга ўқитувчи ва ўқувчиларнинг у ёки бу воқеликка бўлган шахсий фикрларининг турличалиги оқибатида вужудга келадиган низолар киради. Бу низолар табиати буйича ҳис-туйғуга, ҳиссиётга берилиш, қизиққонлик оқибатида юзага чиқади. Одатда, бундай низолар бир-бирини руҳан кўра олмайдиган ёки бир-бирини тушунмайдиган ёхуд тушунини хоҳламайдиган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг қарама-қарши фикрлари оқибатида вужудга келади.

Оқибат натижасига қараб, педагогик низолар конструктив ва деструктив низоларга бўлинади.


**Конструктив** низолар таълим муассасасида мақсадга мувофиқ, ўзгартиришлар қилинишини, оқибатда эса низо чиқадиغان объект (сабаб)ни бартараф этишни назарда тутлади. Агар низо ҳеч қандай асосга эга бўлмаса, унда бу низо деструктив низо деб юритилади. Бундай низолар ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатларни барбод этади, сўнгра таълим жараёнини издан чиқариш пайида бўлади.

Шуни назарда тутиш керакки, ҳар қандай конструктив низо, агар ўз вақтида олди олинмаса, деструктив низога айланади, яъни ўқитувчи ва ўқувчилар бир-бирига нисбатан нафратларини намоиш этиш, бўлар-бўлмасга тирноқ остидан кир излаш, ҳар бир сўздан илгак топиш, атрофдагиларнинг кадр-қимматини ерга уриш, ўзининг фикрини зўрлаб тиркаш, етилган муаммоларни ҳал қилишдан бош тортиш ҳаракатида бўлаверадилар.

Аксарият ҳолларда конструктив низоларнинг деструктив низоларга айланиши низога ўқитувчи ва ўқувчининг шахсий ҳислатлари билан боғлиқ бўлади.

## 2. Педагогик низо жараёнидаги босқичлар ва унинг оқибатлари

Педагогик низонинг келиб чиқиши ва тўқнашишнинг содир бўлиши бир бутун жараён бўлиб, бу жараён куйидаги босқичларни ўз ичига олади (1-чизма).



1-чизма. Педагогик низонинг келиб чиқиш ва тўқнашиш жараёни модели кўрсатилган.

Бу жараённинг биринчи босқичида педагогик низо чиқиши учун вазият туғилади, яъни томонлар манфаатларининг қарама-қаршилиги объектив равишда намоён бўлади. Аммо очикдан-очик тўқнашув содир бўлмайди. Бундай ҳолат ҳар иккала томон ташаббуси билан ёки "меросдан" қолган низонинг таъсири остида вужудга келиши мумкин.

Низоли вазиятнинг объектив равишда вужудга келишига бевосита қарама-қарши турувчи томонларнинг ўзлари ёки уларнинг муҳолифлари сабабчи бўлиши мумкин. Улар турлича даража (ранг)га эга бўлган томонлардир, масалан:

- \* даражали муҳолифлар — бу ўқувчилар;
- \* даражали муҳолифлар — бу гуруҳлар;

\* даражали мухалифлар — бу ўқитувчилар;

\* даражали мухалифлар — бу диалог чоғида ўз-ўзидан қарор қабул қилувчи ўқитувчи ва ўқувчилар. Низонинг ривожланишида ва содир бўлишида уларнинг таъсири деярли бўлмайди.

Низоли вазиятнинг бошқа бир унсури - бу айти шу вазиятни келтириб чиқарувчи объект. Кўпинча шу объектни ўқитувчи "эътиборга олмаслик" ёки уни "эътибордаги" адолатсизлик сабабли низоли вазият вужудга келади. Натижада, зиддиятга боровчи томонлар ўзларининг манфаатлари йулида ҳал қилувчи мавқни эгаллашга уринадилар.

Низоли вазиятнинг ташки унсурлари ҳам мавжуд. Булар куйидагилардир:

\* ҳаддан ташқари ҳиссиётга берилиш;

\* фикрини аниқ изҳор эта олмаслик;

\* бир-бирини тушунишни хоҳламаслик;

\* асосга эга бўлмаган ношукурлик ва ҳоказо.

Педагогик низо сабаблари (2-босқич) ва унинг кенгайиш эҳтимоли (3-босқич)ни ўз вақтида сезиш, (4-босқич) низонинг юзага чиқмасликка олиб келади. Агар жараёнга эътиборсизлик билан қараладиган бўлса, у ҳолда низонинг келиб чиқиши табиий (5-босқич). Энди уни бошқариш (6-босқич) зарурияти туғилади. Бошқариш самарадорлигига қараб, низо оқибатлари функционал ва дисфункционал кўринишларида бўлиши мумкин (7-босқич).

Педагогик низонинг етгита функционал оқибати маълум. Бу оқибатлар низоли бошқаришнинг ижобий самара берганлигини ифода қилади. Масалан, биринчи оқибат:

\* низоли ҳал қилишда ўқитувчи ва ўқувчи учун маълум қарор қабул қилинишида намоён бўлади. Қарама-қарши томонлар низо ечимига тенг манфаат нуқтаи назаридан ёндашилганидан мамнун қоладилар. Бундай оқибат ўз навбатида низо ечими бўйича қабул қилинадиган қарор тўсиқларини, яъни ўқитувчи ва ўқувчиларнинг бир-бирига бўлган:

\* адоватни;

\* хусуматни;

\* душманликни;

\* адолатсизлик каби ғаразли тўсиқларни юмшатишга ёки бутунлай йўқотишга имкон беради.

Функционал оқибатнинг бошқа кўринишида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг кўпроқ ҳамкорлик қилишга, ҳаттоки, келгу-

сида ҳам ўртада низо чиқармасликка бўлган мойилликлари намоён бўлади.

Функционал оқибат ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро сир сақлашлари, гўё "айтиладиган фикр улар манфаатларига зид келади", деган гумон билан атайин айтилмай қолган фикрларда ҳам ўз аксини топиши мумкин. Аслини олганда, бундай оқибат ҳам қарор қабул қилиш сифатини оширишга ундайди, чунки бундай ҳолат ўқитувчи ва ўқувчининг юзага келиши мумкин бўлган низо сабаблари ва объектларини янада чуқурроқ таҳлил қилишга, унга "ташҳис" қўйишга ундайди.

Функционал оқибат очикдан-очик кўринишдаги норозиликларда намоён бўлиши мумкин. Улар турли нуқтаи назарлар моҳиятини очишда, кўпинча, ахборотларни олишда, муқобил ечимларни топишда томонлар учун имкон беради.

Агар педагогик низоларни бошқаришнинг самарали йўллари топилмаса, у ҳолда мақсадга эришишга халақит берувчи кўйидаги кўринишдаги дисфункционал оқибатлар юзага келиши мумкин, яъни:

- \* қоникмаганлик, мамнун бўлмаслик, норозилик;
- \* ёмон рухий ҳолат;
- \* кўнимсизликнинг ошиши;
- \* таълим олиш жараёнининг пасайиши;
- \* ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги ҳамкорликнинг сусайиши;
- \* ўзининг гуруҳига кўпроқ садоқат ва бошқа гуруҳлар билан рақобатни сусайтириш;
- \* ўқитувчини фақат "душман" деб гумонсираш, ўзининг мақсадини ижобий, ўқитувчининг мақсадини эса фақат "салбий" деб ўйлаш;
- \* ҳамкорликка чек қўйиш ва ўқувчи ўқитувчи билан низога чиқиш;

Бу оқибатлар фақат салбий томонга ишлайди ва низо етилмаган бўлса етилтиришга, тўхтаб турган бўлса кўзгатишга, жиддий бўлмаса жиддийлаштиришга, тўкнашиш эҳтимол бўлиб турган бўлса, уни амалга ошишига хизмат қилади. Қисқаси адоват тегирмонига сув қуяди.

### 3. Педагогик низоларни бошқариш ва уларни бартараф қилиш услублари

Низоли вазиятларни бошқаришнинг бир қатор самарали услублари мавжуд. Уларни кўйидаги икки йирик гуруҳга бўлиш

мумкин. Улар қуйидагилар: таркибий - ташкилий услублар ва стратегик усуллардир. Ўз навбатида таркибий - ташкилий услублар тўрт услубдан иборатдир: булар

- \* ўқишга бўлган талабни тушунтириш;
- \* мувофиқлаштириш ва интеграциялаш;
- \* умумташкилий комплекс мақсадлар;
- \* рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;

Стратегик услублар эса ўз навбатида беш усулдан ташкил топган бўлиб булар қуйидагилардан иборатдир:

- \* ўзоқлашиш;
- \* силлиқлашиш;
- \* мажбурлаш;
- \* келишув;
- \* муаммони ҳал қилиш услублари.

Таъкидлаганимиздек, педагог низоли вазиятларнинг келиб чиқиш сабабларини фақат ўқувчилар ҳаракатларидаги тафовутлардан деб билмасликлари керак. Албатта, бу ҳам қандайдир аниқ ҳолатда низоли вазиятнинг вужудга келишида муҳим омил вазифасини бажариши мумкин. Аммо у таъсир этувчи омилларнинг фақат биттаси. Шу сабабли педагог, энг аввало, низоли келтириб чиқарувчи омиллар таҳлилинини қилиши, сўнгра эса у ёки бу услубни қўллаш бўйича қарор қабул қилиши керак.

Таркибий-ташкилий услубларига қуйидагича таъриф беришимиз мумкин.

**Ўқишга бўлган талабни тушунтириш услуби.** Бу услуб дисфункционал услубга мутлақо зид бўлиб, бунда ҳар бир ўқувчи ва гуруҳлардан қандай натижа кутилиши тушунтирилади. Бу ерда уларга қуйидагилар эслатилади:

- \* эришиши лозим бўлган натижа қўлами;
- \* вазифаларни қай тартибда топширади ва ким уни қабул қилади;
- \* масъулият, жавобгарлик ва ҳуқуқ тизими;
- \* аниқ сиёсат, тартиб-қоидалар ва ҳоказолар.

Педагог бу масалаларни ўзи учун аниқлаштириш мақсадида эмас, балки ҳар бир вазиятда, ҳар бир ўқувчи ва гуруҳ қай тарзда йўл тутишини, уларни нима кутишини тушунтириб бермоғи лозим.

**Мувофиқлаштириш ва интеграциялаш услуби.** Бу услуб оғзаки буйруқ занжири деб юритилади.

Таълим жараёнида ўқувчи бурчлари иерархиясини, яъни билим даражасига кўра даражама-даража бевосита ёрдам бериш ёки консултациялар ташкил этиш, билим савиясини тартибини ўрнатиш ўқувчиларнинг ўзаро ҳаракатларини, таълим жараёнига боғлиқ ахборотлар оқимини, қарорлар қабул қилишни тартибга туширади, мувофиқлаштиради.

Агар икки ёки ундан кўпроқ ўқувчилар ўртасида у ёки бу вазифа юзасидан қарама-қаршилик, келишмовчилик чиқиб қоладиган бўлса, бундай ихтилофни уларнинг шу соҳадаги ўқитувчига айттириб ҳал қилиш мумкин. Бу ерда яқка ҳокимлик принципи жуда ҳам қўл келади.

Мақсадли гуруҳлар ва йўналишлараро мажлисларни интеграциялаш ҳам жуда катта аҳамиятга эга.

**Умумташкилий (комплекс) мақсадлар.** Бу услубнинг моҳияти - барча қатнашчилар ҳаракатини, бутун кучини бош мақсаднинг амалга ошишига сафарбар қилиш.

**Рағбатлантиришнинг таркибий тизими.** Дисфункционал оқибатлардан холи бўлиш ҳамда ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатларига ижобий таъсир ўтказиш туфайли, келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олиш ва уларни бошқариш учун рағбатлантириш тизими кенг қўлланилади. Таълим жараёнида эришган ютуқлари, ташкилий ишларда жонбозлик кўрсатган, муаммонинг ечимига комплекс ёндашиб, ён атрофдагиларга ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилганлар албатта:

- \* ташаккурнома;
- \* мукофот;
- \* мақтов ёрлиғи қабилар билан тақдирланишлари лозим.

Бу ўринда фақат рағбатлантириш эмас, балки ғайри қонуний йўл тутган, ёки таълим муассасаси манфаатига зид хатти-ҳаракат қилган ўқитувчи ва ўқувчиларга тегишли жазоларни белгилаш ҳам келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллигини таъкидламоқ жоиз.

Низоли вазиятларнинг олдини олиш ёки зиддиятни юмшатишнинг бешта стратегик усули маълум.

**Узоқланиш.** Малакали ва тажрибали педагог жанжалдан ўзоқлашишга ҳаракат қилади. Келишмовчилик авжига чиққанда у муҳокамага қатнашмайди. Бундай услуб низоли вазиятнинг ечилишига манфаатдор бўлмаган ва ўзаро муносабатларнинг зоҳирий яхшилигича қолишини исташган ҳолларда томонлар

тарафидан қўлланилади. Бундай ҳолатли зиддият ҳали етилмаган ёки зиддиятга чиқувчиларнинг билим даражалари ўзок бўлган ҳолларда кўзатилади.

Агар низонинг субъектив сабаблар туфайли бўлган бўлса, у ҳолда узоклашиш стратегияси маъқул стратегия. Чунки у томонларга тинчланишга, вазият устида яна бир бор фикр-мулоҳаза юритиб, фаҳм-фаросат билан англаб олиш, оқибатда қарама-қаршилиққа боришга, уни давом эттиришга ҳеч қандай асос йўқ деган хулосага келишига имкон беради. Агар зиддият объектив сабаблар туфайли юзага келган бўлса, узоклашиш стратегияси ҳар иккала томонни мағлубиятга олиб боради. Чунки узоклашиш даврида вақт чўзилади, низоли вазиятни чақирувчи сабаблар чуқурлашади, қисқаси "яра газак" олади.

**Силлиқлашиш.** Бу услуб ўқувчиларни яхшилиққа ундаш йўли билан низони бартараф қилишга қаратилган. Зиддиятли вазиятда ўқитувчи ва ўқувчи бир-бири билан хушмуомалали бўлишга, арзимаган нарсага аччиқланиш, умуман, бир вақтнинг ўзида бирга сўзаётган қайикни "қалтис тебратиш" ярамаслигига чақиришади.

**Мажбурлаш** - бу ўқитувчи ўқувчига хошиш-иродасини, сўзини мажбуран, зўрлаб қабул қилдиришдир. Сўзини ўтказмоқчи бўлган ўқитувчи ўқувчининг фикри билан қизиқмайди, уни инкор этади. Бундай стратегияни қўллайдиган педагог тажавузкорлик билан ўз хошишини ўқувчига мажбурлаб ўтказиши. Бу услубни кўпроқ педагог таълим олиш жараёнида суёт катнашадиганларга нисбатан қўллашади.

**Мажбурлаш** стратегияси ташаббусни буғади, таълим жараёнида "рухий иқлим"нинг беқарорлигига олиб келади. Айниқса, бу услуб юқори каттароқ ўқувчиларга, нисбатан ёш ўқувчиларда нафрат уйғотади.

**Келишув.** Низоли ҳолатдан мувафаккиятли чиқишнинг энг муҳим шарти - бу муросага кела олиш. Келишув билан юз берган низоларни ҳал этиш, бу юқори баҳоланувчи стратегик услуб бўлиб, бунда иккала томонни қаноатлантирувчи ечимга келинади.

**Муаммони ҳал қилиш.** Бу услуб барча педагог ва ўқувчини қаноатлантирувчи ечимни топиш учун низони чақирувчи сабабларни чуқур таҳлил қилиш ва барчанинг фикрларини инobatта олишга асосланади. Бу услуб тарафдорлари ўз мақсадига бошқалар мақсади орқали эмас, балки педагогик низонинг

энг оқилона ечимини топиш эвазига эришишни хоҳлайдилар.

Таълим муассасасида педагог ва ўқувчилар ўртасида юзага келувчи низо "бутун жамоага" эмас, балки "танланган" одамларгагина ёмон таъсир этиши мумкин. Бундай низони бир йўла, катта ҳажмда уддалаш, бартараф этиш мумкин эмас. Бу низони бартараф этишда педагог оқиллиги, адолатлилиги, маданий савияси билан ҳамкорликка интилиши керак. Яъни ушбу низоли вазиятда мавқеида эмас, балки тенг ҳуқуқийлик асосида ечимни топиши лозим. Масалан, бу жараёнда қуйидагилар жуда ҳам муҳимдир:

- \* ўқувчи ёки ўқитувчини тан олиши;
- \* гапни бўлмайдинглаш;
- \* ўзга киши сифатида тушуна олишни намойиш қилиш;
- \* низо жараёнидаги ҳолатни ўзга педагог ёки ўқувчи қандай қабул қилиши (тушуниши)ни аниглаш;
- \* муҳокама қилинаётган мавзунини аниқ тасаввур қилиш;
- \* мавзуга нисбатан умумий қарашларни ҳосил қилиш;
- \* муроса қилинаётган оқибатни аниқлаш;
- \* низо мазмунини ёзиб чиқиш (тахлил) қилиш;
- \* низони бартараф этиш учун ҳамкорликда ягона йўл танлаш;
- \* ҳамкорликда умумий хулоса (муроса)га келиш.

Бундай йўл машаққатли, аммо оқилона йўл. Бунинг учун тажриба керак.

Ҳозирги шароитда ўқитувчи фақат ўз соҳасини яхши билибгина қолмай, балки яхши ташкилотчи, рухшунос (психолог) ва тарбиячи бўлмоғи лозим. Бунинг учун ҳар бир ўқитувчи социология, психология, педагогика, касбий этика фанларини мустақил эгаллаши керак.

Гуруҳ аъзоларига, ҳар бир ўқувчининг қалбига йўл топа билиш ўқитувчининг иш фаолиятида асосий аҳамиятга эга. Буни билган ўқитувчи ўз жамоаси ичида таълим жараёнида вужудга келадиган ҳар хил низоларни ўқувчи билан, гуруҳ ўқувчилари билан бирга, юқоридагиларга чиқармасдан ўзида ҳал қилишга қодир бўлади.

Бундай ўқитувчи ўз ишини тўғри ташкил қилади, гуруҳ олдига қўйилган мақсад ва режа топшириқларини ўз вақтида мувафаккиятли бажаради.

Ҳар бир низоли вазиятни педагог босик, ҳовлиқмасдан ҳал этиши керак.



## Т а я н ч с ў з л а р :

Низо, келишмовчилик, муносабат, муаммо, мақсадлар, услублар, узоклашиш, мажбурлаш, келишиш, рағбатлаш, жазо, адоват, адолат, вазият.

## А д а б и ё т л а р :

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиёти-нинг пойдевори. -Т., 1997.

2. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". -Т., 1997.

3. Худойкулов Х.Ж. Одоб - ахлоқ ва тарбия дурдонаси. -Т., 2010.

4. Мавланова Р., ва бош. Педагогика. -Т.: Ўқитувчи, 2001.

5. Бобомирзаев Б.Х. Педагогик амалиёт психологик муаммо сифатида. -Т., 1997.

6. Очилов М.О., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. -Т., 1997.

7. Худойкулов Х.Ж. Педагогика ва психология. Услубий қўлланма. -Т., 2010.

10-мавзу: Педагогик техника ҳақида тушунча.  
Педагогик техникани шакллантириш услублари

**РЕЖА:**

1. Педагогик техника ҳақида тушунча ва унинг хусусиятлари.
2. Педагогик техникани эгаллаш йўллари ва малака ахборот жараёни.
3. Педагогик технологияларнинг мақсади, мазмуни ва вазифалари.
4. Бугунги кундаги педагогик технологияларга берилган таърифларнинг таҳлили.
5. Педагогик технология турлари, фалсафий жиҳатдан таснифи.

**1. Педагогик техника ҳақида тушунча ва унинг хусусиятлари.**

Педагогик техника ўқитувчига ўқув фаолиятида ҳам ўқишдан ташқари фаолиятда ҳам зарур бўлган умумий педагогик малакалар мажмуидан ташкил топади.

Энг аввало, педагогик техниканинг таркибий қисми сифатида ўқитувчининг нутқ малакаларини, яъни саводли гапириш, ўз нутқини чиройли ва тушунарли, таъсирчан қилиб баён этиши, ўз фикр ва ҳис-туйғуларини сўзда аниқ ифодалаш малакасини айтиб ўтиш мумкин.

Педагогик техниканинг бошқа таркибий қисми педагогиканинг мимик ва пантомимик ифодалиги. Аниқ имо-ишора, маъноли қараш, рағбатлантирувчи ёки истехзоли табассум педагогик таъсир кўрсатишда кўп сўзли тушунтириш ёки эътироз билдиришга қараганда анча самарали муоамала воситалари бўлади.

Педагогик техника тушунчаси 2 гуруҳ компонентларни ўз ичига олади.

Биринчи гуруҳ компонентлари ўз хулқини, юриш туришини бошқариш малакалари билан боғлиқ. Ўз организмни бошқариш (мимика, пантомимика) ҳиссиёти, кайфиятини бошқариш ижтимоий перцептив қобилиятлар (диққат, кузатувчанлик, хаёл); нутқ техникаси (нафас, овозни кўйилиши, дикция, нутқ суръати).

Педагогик техниканинг иккинчи гуруҳ компонентлари шахсга ва жамоага таъсир кўрсатиш малакалари билан боғлиқ бўлиб, таълим-тарбия жараёнининг технологик томони-ни ёритади: дидактик ташкилотчилик, конструктив, коммуникатив, қобилиятлар; талаб қўйиш, жамоавий ижодий ишларни ташкил этиш, педагогик мулоқотни бошқариш ва бошқалар.

Иккинчи гуруҳ компонентлари мавзуларда ўтилаяпти. Шунинг учун биз ўқитувчининг юриш туриши билан боғлиқ педагогик техникаларга тўхталиб ўтамиз.

Педагогик мақсадга йўналтирилганлик ва ўқитувчининг ташқи кўриниши. Тарбиячи ташқи кўриниши эстетик маъно касб этган бўлиши лозим. Ташқи кўринишга эътиборсиз қараш ва ҳаддан ташқари эътибор бериш ҳам тўғри келмайди.

Ўқитувчининг кийиниши ҳам ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашга самарали таъсир кўрсатиши лозим.

Ўқитувчи юзидан меҳрибонлик, ҳаракатида, юришидан босиқлик, табиийлик билиниб туриши керак.

Синфга қандай кирасиз, қандай қарайсиз, қандай саломлашасиз, стулни қандай сурасиз, синфда қандай юрасиз бўлар ҳаммаси болага таъсир қилади.

Ёш ўқитувчи ўзини руҳий жиҳатдан дарсга тайёрлаши керак, ҳар хил кўрқувдан қутилиши, ўзини эркин тутиши, биринчи дарсдаги муваффақиясизликдан ўзини йўқотмаслиги, ўз устида ишлаши психик тайёрланиши керак.

Пантомимика - гавда, қўл, оёқ ҳаракати. Ўқитувчи дарсда ўқувчилар олдида тўғри туриш манерасини шакллантириши керак. Гавда, қўл, оёқ ҳаракати ҳам жойида бўлиши керак.

Мимика-ўз фикри, кайфияти, сезгисини юз мускуллари ҳаракати орқали акс эттириш санъати. Қараш ва юз ҳолати баъзан ўқувчиларга сўздан кўра кўпроқ таъсир қилади. Айниқса, кишининг кўзи кўпроқ ифода касб этади.

Педагогик ўзаро таъсир кўрсатишда ўқитувчининг ўз ҳиссий психик ҳолатини бошқариш, ўзида энг қулай ҳиссий (ижодий) жиддийлик даражасини ва умидбахшлик, хайрихоҳлик кайфиятини сақлаш ўзининг ҳиссий дам олишини ташкил этиш маҳорати муҳим роль ўйнайди. Бу маҳорат педагогнинг

касбий жихатдан ўз-ўзини назорат қилишини таъминлайди. Қўп йиллар давомида соғлом асаб системасини сақлаб қолиш, асабий бўзилишлардан, ҳиссий ва ақлий зерикишдан ўзини тийишга ёрдам беради. Шундай қилиб, ўқитувчининг педагогик техникаси - бу шундай бир малакалар йиғиндисидирки, у педагогга тарбияланувчилар кўриб ва эшитиб турган нарсалар орқали уларга ўз фикрлари ва қалбини етказиш имконини беради. Болалар билан бевосита муомала қилишда педагогнинг худди ана шу малакалари унинг хулқ атворида намоён бўлади. А.С.Макаренко уларни назарда тутиб: "тарбиячи ташкил этишни, юришни, ҳазиллашишни, қувнок, жahlдор бўлишни билиши лозим. У ўзини шундай тутиши керакки, унинг ҳар бир ҳаракати тарбияласин" деб ёзган эди<sup>1</sup>.

Педагогик техника ўқитувчини малакаларининг худди шундай йиғиндисидирки, ўқитувчининг энг яхши ижодий-хулқ атворига, бошқача айтганда, ҳар қандай педагогик вазиятда тарбияланувчиларга самарали таъсир кўрсатишга ёрдам беради. Мукамал педагогик техника педагогнинг вақти ва кунларини ижодий иш учун бўшатиб беради, педагогик ўзаро таъсир кўрсатиш жараёнда болалар билан муомала қилишда зарур сўзни топиш ёки мувафакқиятли чиқмаган гап оҳангини тушунтиришга ўз фикрини чалғитмаслик имконини беради. Педагогик техника малакаларнинг шаклланиш даражаси маълум даражада педагогнинг умумий маданият даражасини, яъни шахснинг педагогик имкониятларини акс эттиради, десак тўғри бўлади. Агар педагогнинг нутқи қашшоқ ва тартибсиз бўлса, у бўлар бўлмас сабаблар билан ўз ҳиссиётларига эрк берса, диди наст, эстетик жихатдан оми бўлса, у ҳолда "энг тўғри" сўзлар ҳам "энг керакли" тадбирлар ҳам тарбияланувчиларнинг на ақл идрокига, на ҳиссиётига таъсир қилади.

Педагогларнинг ўқувчилар билан бевосита муомаласини мактаб ўқувчилари муомаласига педагогик таъсир кўрсатишнинг ўзига хос воситаси деб қараш мумкин.

Педагогик техника хусусиятлари. Энг аввало педагогик техниканинг ҳамма учун умумий бўлган малакаларни татиб этиш соҳасини педагогнинг болалар билан бевосита муомаласини қайд қилиб ўтамиз. Худди ана шу нарса, педаго-

<sup>1</sup>. Макаренко А.С. Таълим-тарбия тажрибасидан баъзи бир хулосалар. - Т.: Ўқитувчи, 1988. 139 б.

гик техника малакаларининг намоён бўлишини маълум даражада вазият тақозоси билан, ички сабаб натижасида вужудга келадиган - айтиш мумкинки, тўсатдан бўлган нарсага айлантиради. Ривожланган педагогик техника ўқитувчига ўқувчилар билан муомала қилинганда зарур сўз, гап оҳанги, қараш, имо-ишорани тез ва аниқ топиш, энг ўткир ва қутилмаган педагогик бу вазиятларда осойишталикни ва аниқ, фикр юритиш, таҳлил қилиш қобилиятини юқлаб қолиш имкониятини беради.

Педагогик техника малакаларининг бошқа муҳим хусусияти шундан иборатки, уларнинг ҳаммаси аниқ ифодаланган индивидуал шахсий тусда бўлади, яъни педагогнинг индивидуал - психик физиологик хусусиятлари асосида таркиб топади. Индивидуал педагогик техника педагогнинг ёши, жинси, мижози, феъл-атвори, сихат-саломатлиги, анатомик-физиологик хусусиятларига боғлиқ бўлади.

## 2. Педагогик техникани эгаллаш йўллари ва малака ахборот жараёни.

Педагогик техникани эгаллаш йўллари. Педагогик техникани эгаллашнинг асосий йўллари ўқитувчи раҳбарлигидаги машғулотлар ва мустақил ишлашдир. Педагогик техника малакаларининг индивидуал шахсий тусда эканлигини ҳисобга олиб, педагогик техникани эгаллашда ва уни такомиллаштиришда касбий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш, яъни талабанинг ўзида моҳир ўқитувчи шахсий фазилаглари ва касбий малакаларини шакллантиришга қаратилган фаолият етакчи роль ўйнайди, деб айтиш мумкин. Касбий идеал сари бу ҳаракатда ҳам педагогик техникани эгаллаш муҳим рол ўйнаши лозим.

Малака ахборот жараёнидир. Ахборот икки йўналишда бошқариш субъектидан бошқариш объектига боради. Аксинча, объектдан субъектга боради. Педагог бевосита шахслараро муомаладан ўз тарбияланувчилари, умуман, жамоа ҳақида, ундаги ички жараёнлар ҳақида ғоят хилма-хил ахборотга эга бўлади ва ҳоказо.

Ўз навбатида педагог ўз тарбияланувчиларига ҳам, мақсадга қаратилган ахборотни ҳам унинг ўқувчиларга мурожаатида том маъно тарзида батамом кириб борадиган ахборот маълум қилади.

Педагогик муомала воситаси орқали қандай ахборот ролини қараб чиқар эканмиз, ўқувчи шахҳси хақидаги ахборотнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бевосита муомала шахҳнинг ғоят хилма-хил шароитларда ва кўринишларда ўрганишга имкон беради. У фақат шахҳнинг хулқ-атворида намоён бўладиган эркин ва энг таъсирчан ташки белгиларгина қайд этиш имконини бериб қолмайди. Педагог ўқувчилар билан муомала қилар экан жуда майда деталларни ҳам англаб олишга кодир бўлади. Бу деталлар сиртдан қараганда унчалик аҳамиятли бўлмай, шахҳда содир бўлаётган, уни тушуниш учун жуда муҳим бўлган зарур ички жараёнлар кўринишларининг аломатлари бўйича бўлиши ҳам мумкин. Бу хол шахҳни чуқур тушуниш имконини беради, ташки қатлам остида бошқа услублар билан аниқлаб бўлмайдиган нарсаларни топиш имконини беради.

### 3. Педагогик технологияларнинг мақсади, мазмуни ва вазифалари.

Таълим технологияларини ишлаб чиқишда куйидаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиш керак:

1. Ўқувчи субъектига алоҳида эътибор бериш.
2. Технологик хусусиятга эга бўлиши.
3. Тизимлилиқ (педагогик технология) тизимлилиқ хусусиятига эга бўлиши керак, яъни мантикий боғланишлар ва яхлитликнинг мавжуд бўлиши.
4. Бошқарувчанлик хусусияти, яъни диагностика, режалаштиришга қараб натижаларни корректлаш, яъни мослаштириш.
5. Самаралилик хусусияти. Натижалари самарали, оптимал куч ва маблағ талаб этувчи ҳамда стандарт таълимга тўғри келувчи бўлиши лозим.

6. Конспецуаллик хусусияти. Ҳар бир педагогик технология чуқур ғояга эга бўлиши, илмий асосланиши лозим.

Педагогик технологияларга ўтиш учун куйидаги вазифаларни бажариш лозим:

1. Диагностика.
2. Режалаштириш.
3. Аниқ конкретлаштирилган мақсадни белгилаш.

Белгиланган мақсадга эришишнинг аниқ услуб, услуб ва шаклларни қайта ишлаб чиқиш лозим. Педагогик технология-

лар шахсга индивидуал ёндашув масаласини олдинга суради ва унга асосланади.

Шахс индивидуаллигига асосланиш бу шахс фаоллигини ошириш, унинг янги хусусиятларни, қобилиятларни кашф этиш ва ривожлантиришдир. Ҳар бир шахснинг танлаш имкониятини ва эркин ривожланиш имконини яратишдир, яъни "ривожлантирувчи таълимни" ишга тушишини таъминлаш. Хогира мактабидан фикрлаш мактабига ўтиш ва ундан кейин ривожланиш мактабига ўтиш мақсад қилиб қўйилади. Индивидуал таълимни ривожлантириш натижасида ўз-ўзидан таълим кўп профилли, кўп даражали ёки дифференциаллашган (табақалашган) бўлиб қолади.

Илгари битта танлаб олинган траекториядан четга чиққан талабаларни траекторияга солиш ҳаракат қилинган бўлса, эндиликда ҳар бир талаба учун ўз траекторияси ишлаб чиқиши ва унинг ривожланиш қадамлари назорат қилиб борилиши лозим, яъни ҳар бир талабанинг ҳар томонлама ривожланиши ўрганилиб, сўнгра кейинги ривожланиш режалари тузилади.

Педагогик технология бу илмий техникавий тараққиёт меваси бўлиб, "Педагогика", "Технология" фанлар уланишидан пайдо бўлади. Оммавий таълимнинг ривожланиши бу фаннинг пайдо бўлиши учун замин яратади.

Бугунги кунда педагогик технологияларга катта талаб қўйилмоқда. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" юқори малакали кадрлар тайёрлашни талаб этаётган бир вақтда кафолатланган натижани вужудга келтирувчи йўналиш аҳамият касб этади. Фақат кафолатланган натижага асосланган таълим тизимигина малакали кадрларни етказиш мумкин. Шунинг учун педагогик технологияларни янада такомиллаштириш, янги технологияларни яратиш талаб этилмоқда. Айниқса, тарбия борасида педагогик технологиялар кам ишланган. Баъзи технологияларда аниқлик етишмайди, бу эса натижани кафолатлашда педагогик маҳорат ҳалақит беради. Педагогика маҳоратга ҳам бугунги кунда талаблар ошиб бормоқда. Педагогдан нафақат ўз психикасини ва нутқ маданиятини бошқариш, балки талабаларнинг психик ҳолатини бошқариш талаб этилмоқда. Бу вазифани бажариш учун эса педагог талабанинг психикасининг ўта нозик жиҳатларини ўрганиши ва ҳар бир талабанинг қалбига йўл топа олиши лозим. Бунинг учун ҳар бир педагог ўз устида тинмай меҳнат қилиши керак.


Янги педагогик технологиялар ҳозирги давр учун, яъни инсоннинг ривожланиш даражаси ва техника ривожланиши даражасига мос тушиши ҳамда инсон ва техника ресурсларидан унумли ва уйғун фойдаланишни таъминлаш лозим. Янги педагогик технологияларнинг мазмуни кенг қамровда қаралган бўлса:

- а) Гуманизациялаштириш ва демократлаштириш.
- в) Индивидуаллаштириш
- с) Ривожлантириш

Тор маънода педагогик технологияларнинг мазмунини маълум вазиятдан ва муаммодан келиб чиққан ҳолда, асосий принципларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилади.


4. Бугунги кундаги педагогик технологияларга берилаётган таърифларнинг таҳлили.

Педагогик технологияни кўпинча педагогиканинг бир йўналиши сифатида қабул қилинади. Бу йўналишнинг мақсади таълим тизими самарасини ошириш, режалаштириб қўйилган натижага эришишда кафолат берувчи жараённи ташкил этишдир, - дейди М.В.Кларин.




Гуманизациялаш ва демократлаштиришга

Индивидуаллаштиришга



Ривожлантириш, самарадорликни оширишга қаратилган



"Педагогик технология" термини кўпроқ таълим технологиялари деган тушунчага мос. Таълим технологиялари тушунчасига бир қанча таърифлар берилган.

1. Олдиндан лойиҳалаштирилган педагогик жараённи амалиётда режали ва бир маромда татбиқ этиш ёки педагогик



масалаларни ечишга қаратилган педагогнинг узлуксиз ўзаро боғланган ҳаракатлари тизими.

2. Педагогнинг ютуқларига кафолат берадиган аниқ ишлаб чиқилган ва қатъий илмий лойиҳалаштирилган педагогик ҳаракат.

3. Таълим жараёнини оптималлаштиришга қаратилган, техника ҳамда инсон омиллари, унинг ўзаро ҳамкорлиги асосида ўқитиш жараёни ва билимларни эгаллаш, яратиш, қўллаш ҳамда белгилашнинг тизимли услуб. (ЮНЕСКО).

4. Таълим ва тарбия услубларининг у ёки бу тўпламини қўллаш билан боғлиқ бўлган педагогнинг узлуксиз, ўзаро шартланган ҳаракатлари тизими.

Кўриб турганимиздек, ҳозиргача педагогик технологияларга ягона бир мукамал таъриф берилмаган. ЮНЕСКО берган таъриф умумий хусусиятга эга бўлиб, педагогик технологиялар моҳиятини очиб бермайди. Бизнингча, берилган таърифлар ичида педагогик технологияларнинг мазмунини кўпроқ иккинчи таъриф очиб бера олади.

Педагогик технологияларнинг вужудга келиши давр талаби бўлиб, у таълим тизимини педагогик технологияларга хос бўлган хусусиятлар:

1. Талаба субъектига алоҳида эътибор бериш.
2. Технологик хусусиятга эга бўлиш.
3. Тизимлилик.
4. Бошқарувчанлилик.
5. Самаралилик.
6. Концептуаллик.


Педагогик технологияларнинг мақсади кам вақт ва кам куч сарфлаб ўзлаштиришнинг юқори самарадорлигига эришиш. Бундай мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим:

1. Диагностика.
2. Планлаштириш (аниқ лойиҳалар тузиш).
3. Аниқ мақсадли технологияларга ўтиш.
4. Таълим тизимини дифференциаллаштириш.
5. Инновацион технологияларни ишлаб чиқиш.
5. Педагогик технология турлари, фалсафий жиҳатдан классификацияси.

Педагогика назарияси ва амалиётида таълим-тарбия жараёнида кўплаб ёндашувлар мавжуд. Педагогик технологиялар

характери ана шу ёндашувдан келиб чиқади. Шунга қарамасдан кўпгина педагогик технологиялар ўз мазмуни, мақсади, услублари ва воситаларига кўра бир-бирига ўхшаш. Педагогик технологияларни ана шу ўхшаш хусусиятларига қараб уларни бир нечта турга ажратиб мумкин.

Қўлланилишига, камров ҳажмига (масштабига) кўра уларни уч гуруҳга ажратилади:



Умумий педагогик технологиялар ўз ичига йирик технологияларни, яъни бутун таълим тизимига тегишли бўлган масалаларни қамраб олади. Масалан: рейтинг тизимига ўтиш, тест технологияларига ўтиш шулар жумласига киради.

Хусусий педагогик технологиялар эса маълум фан доирасида қўлланилиши мумкин ва қулай бўлган технологияларни ўз ичига олади. Масалан: иқтисодиёт фани учун қулай бўлган технологияларни ишлаб чиқиш.

Модулли кичик универсал технологиялар бирор рефлексни ривожланиришга қаратилган бўлиб, турли фанларни ўрганишда ишлатилиши мумкин бўлган технологиялардир. Масалан: дидактик ўйинлар, фикрлашга ўргатувчи технологиялар. Улар универсал характерда бўлиб, кўп вақт талаб этмайди. Масалан: дидактик ўйинли технологиялар.

Фалсафий дунёқараш ўз навбатида таълим-тарбия тизимига ёндашувда ҳам ўз аксини топади. Диний дунёқараш ўзига хос равишда таълим-тарбия жараёнини талқин этади, идеалистик дунёқараш ўзига хос равишда таълим-тарбиянинг мазмун моҳиятини очиб беради. Материалистик дунёқараш таълим-тарбия ишини ташкил этишда материалистик нуқтаи назардан ёнда-

шади (У инсон шахсини моддийлик сифатида қабул қилса, идеалистик дунёқараш инсонни жон, тан, рух каби қисмларини тан олган ҳолда ёндашади). Илмий дунёқараш эса илмий кашфиётларга асосланган ҳолда таълим-тарбия жараёнини таҳлил этишга қаратилади. Демак, ҳар бир жамиятнинг қабул қилган дунёқарашини ана шу жамиятда таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга бевосита таъсир ўтказар экан.

Фалсафий жиҳатдан технологиялар қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- |                  |               |
|------------------|---------------|
| А) Материалистик | Д) Гуманистик |
| Б) Идеалистик    | Е) Эркин      |
| В) Илмий         | Ж) Мажбурий.  |
| Г) Диний         |               |

Демак, педагогик технологияларни ишлаб чиқишда маълум бир фалсафий дунёқараш ҳукмронлик қилади ва ана шу қараш ўз аксини педагогик технологияларда топади.

Ташкил этиш ва бошқариш жиҳатидан педагогик технологияларнинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин:

1. Суст бошқарилувчи (талабалар фаолияти бошқарилмайди, стихиялилиқ устун туради).

2. Циклли текшириш - ўз-ўзини ва ўзаро текшириш устун туради.

3. Фронтал.

4. Йўналтирилган (индивидуал).

5. Вербал -ўқитувчи иштирокида.

6. Автоматлашган - техник воситалардан фойдаланган ҳолда.

Ушбу бошқариш турларининг комбинациялашуви натижа-сида қуйидаги дидактик тизим технологиялари вуҷудга келади:

- анъанавий маъруза таълим тизими (бошқариш суст, фронтал, вербал)

- аудиовизуал техник воситалар ёрдамида таълимни ташкил этиш (бошқариш суст, фронтал, автоматлаштирилган).

- консултация технологияси (суст, йўналтирилган, вербал)

- кичик гуруҳлар технологияси (туркумли, фронтал, вербал, дифференциал)

- компьютер таълими (туркумли, йўналтирилган, вербал)

- индивидуал таълим.

- репетитор тизими (туркумли, йўналтирилган, вербал) - индивидуал таълим.

- дастурлаштирилган таълим (туркумли, йўналтирилган, автоматлаштирилган-дастурлар асосида).

- дифференциал таълим (туркумли фаол бошқарилувчи, йўналтирилган, вебрал).

- муаммоли таълим (туркумли, йўналтирилган, ўқувчи шахси фаол).

Амалиётда бу таълим технологиялари комбинациялашган ҳолда қўлланилади. Таълим технологиялари дарснинг мақсади ва мазмунидан келиб чиққан ҳолда танланади.

Шахс хусусиятларини ривожлантиришига қараб қуйидаги технологиялар ажратилади:

1. Операцион технологиялар - фикрлаш малакасини фикрлаш рефлексини ривожлантирувчи технологиялар ҳисобланади. Улар ҳар хил фикрлаш турларини шакллантиришга мослашган бўлади.

2. Эстетик - ахлоқий хислатларни шакллантиришга қаратилган технологиялар

3. Бошқарувчилик хусусиятини ривожлантирувчи технологиялар.

4. Эвристик - ижодий ёндашувни ривожлантирувчи технологиялар, талабалардан ижодий ёндашиб, масала ечимини топиш талаб этади.

5. Амалий технологиялар - амалий хатти- ҳаракатларни шакллантирувчи технологиялар.

Педагогик жараёни ташкил этишда талаба ва ўқитувчининг муносабати ҳам турлича бўлиши мумкин. Бу муносабатни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Авторитар технологиялар. Ўқитувчи асосий субъект бошқарувчи, талаб қилувчи, етакловчи сифатида майдонга чиқади. Талаба шахси эса тобе бўлиб, барча талабларни бажариши керак. Бунда талабанинг қизиқишлари ва эҳтиёжлари таълимни ташкил этиш жараёнида эътиборга олинмайди. У бажарувчи сифатида майдонга чиқади.

2. Дидактик марказлашган технология. Бу технология марказида таълим жараёни туради ва таълим жараёни тарбиядан устун қўйилади. Айнан дидактик восита ёрдамида шахсни шакллантириш мақсад қилиб қўйилади. Бунда ўқитувчи етак-

ловчи сифатида майдонга чиқади. Икки томон ҳам (ўқитувчи ва талаба) бир хил позицияни эгаллайди. Асосий мақсад таълим олиш ва томонлар ҳамкорликда иш олиб борадилар.

3. Шахсга йўналтирилган технологиялар. Таълим тизимининг марказида талаба шахси туради. Талаба ривожланишига соғлом психологик муҳитни ташкил қилиш, низо ва инқирозлардан асраш, табиий имкониятларини ривожлантириш, қобилиятини ўстиришга қаратилган. Бу йўналишни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

А) Инсоний технологиялар. Бу технология ўзининг инсонийлиги билан, психотерапевтик йўналиши билан ажралиб туради. Ушбу технологиянинг мазмуни талаба шахсини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва талабани ижодий қобилиятларини ривожлантириш. Талабага нисбатан хурмат ва меҳр билан қараш ва мажбурийликдан воз кечишдан иборат.

Б) Ҳамкорлик технологияси. Бу технология демократия, ҳамкорлик, тенглик каби ғоялар асосида қурилган. Ўқитувчи в талаба орасидаги муносабатлар субъект - субъект сифатида қаралади. Биргаликда таълим жараёни ташкил этилади ва биргаликда ижод этилади.

В) Эркин тарбия технологияси. Талабага танлаш, мустақиллик эркинлиги берилади. Талаба ўзи танлаган восита ва мазмунни тўлиқ қабул қилади ҳамда бу фаолиятни хоҳиш билан бажаради. Ички эҳтиёж билан уйғунлик ҳосил бўлади.

Г) Эзотерик технология. Эзотерик билимлар (онгдан ташқари) қонуниятларни ўрганиш орқали ҳақиқатга яқинлашиш назарда тутилади.

3. Ривожлантирувчи технология. В.В. Давидов, Д. Б. Эльконин ғояси.

Асосий мазмуни - назариянинг амалиётдан устунлиги ва мазмуний умумлаштиришлардан фойдаланиш, мантиқий боғлиқликлар ва гуруҳлаш системалаштириш. Умумийдан яккага қараб ҳаракатланиш. Мавжуд билимлардан янги билимларга қараб ҳаракат қилиш, яъни бор бўлган ассоциациялар асосида янги ассоциацияларни вужудга келтиришни назарда тутати. Талабанинг тушуниши осон бўлган билимлардан узокроқ ва мураккаброқ билимларга қараб ҳаракатланишни тавсия

тадилар. Соддадан мураккабга қараб изчил ривожланиш ўзаро боғлиқликларга амал қилиш талаб этилади.

4. Суггестив технология. Эмоционал, ёрқин таассурот, ишонтириш, қизиқтиришга йуналтирилган. Талаффуз, мимика, гипноз, авторитетдан фойдаланиш қабиларга асосланади. Хис-туйғуларни уйғотишга қаратилган. Ўзлаштириш жараёнида инсоннинг нафақат онги, балки хис-туйғулари ҳам иштирок этишини ва ўзлаштириш жараёнида хиссиётларни уйғотиш билимларнинг фақат онг билан эмас, балки қалб билан ҳам англаб етишига ёрдам беришини таъкидлайдилар. Фақат онг билан қабул қилинган билимлар куруқ ва юзаки бўлади деган фикрлар асосида ўзларининг ўзлаштириш технологияларини ярагадилар. Улар ҳар бир янги мавзунини ўзлаштиришда образлардан фойдаланиш, хиссиётларни уйғотиш ва ҳар бир талаба ана шу хисларни сезишини таъминлашга эътибор берадилар.

Талабалар контингентига кўра, қуйидаги технологияларни ажратиш мумкин:

— ялли, анъанавий технологияси (ўрта талабага мослашган),  
— чуқурлаштирилган технология (баъзи ўқув фанларни чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитувчи лицей, гимназия, коллеж).

— компенсацияли ўқитиш технологиялари (педагогик коррекция, яъни камчиликларни йўқотишга қаратилган технологиялар).

— виқтимологик технологиялар (сурдо, орто, тифло, олигофреника).

— тарбияси оғир болалар ёки иқтидорли болалар билан ишлаш технологиялари.

Анъанавий таълим тизимини модернизациялаш, асосан, қуйидаги йўналишларда олиб борилмоқда:

1. Педагогик муносабатларни гуманлаштириш ва демократлаштириш

2. Талабалар фаолиятини фаоллаштириш, интенсификациялаш.

3. Таълим тизимини ташкил қилиш ва бошқаришнинг самарасини ошириш.

4. Таълим методикаларини такомиллаштириш.

5. Халқ педагогикасидан самарали фойдаланиш.

## Мавзу бўйича таянч сўзлар:

Педагогик техника, мимика, пантомимика, малака, педагогик технология, эзотерик технология, ривожлантирувчи технология.

## Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори, - Т.; 1997 й.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, - Т.; 1997 й.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч, - Т.; 2008 й.
4. Каримов И.А. Буюк келажак сари, - Т.; 1998 й.
5. Мунавваров А.К. Педагогика, - Т.; 1996 й.
6. Худойкулов Х.Ж., Одоб - ахлоқ ва тарбия дурдонаси, - Т.; 2010 й.
7. Худойкулов Х.Ж., Жамиятда муомала ва мулоқот одобини шакллантиришда ота-она, ўқитувчи ва раҳбар масъулиги, - Т.; 2009 й.
8. Худойкулов Х.Ж. Педагогика ва психология, - Т.; 2010 й.

## 11-мавзу: Ўқитувчининг нутқ техникаси ва маҳорати

### РЕЖА:

1. Педагогикада техника тушунчаси.
2. Инсонларнинг ҳаётида нутқнинг аҳамияти.
3. Педагогикада нутқга қўйиладиган талаблар.
4. Ўқитувчи нутқининг тушунарлилиги.

#### 1. Педагогикада техника тушунчаси.

Техника - услублар йиғиндиси. Унинг воситаси нутқ ва муомаланинг новербал воситалари ҳисобланади. Педагогик техника тушунчасига 2 гуруҳ компонентлари киради.

Биринчи гуруҳ компонентлар ўқитувчи ўзининг хулқини бошқариши билан боғлиқ: эмоцияни (ҳис-туйғуни), кайфиятни бошқариш (психик юклама - ижодий кайфият), ўз танасини бошқариш (мимика, пантомима). Ижтимоий, порцептив қобилиятлар, эътибор, кузатувчанлик, дикция, нутқ суръати.

Иккинчи гуруҳ компонентлар шахс ва жамоага таъсир этиш билан боғлиқ бўлиб, дидактик ва тарбиявий жараёнлар технологик томонларини очишга ёрдам беради. Дидактик ташкилотчилик, конструктив, коммуникатив, кўникмаларни кўрсатиш билан боғлиқ, талаб этишининг технологик услублари, педагогик муомалани бошқариш жамоат ижодий ишларини ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ кўникмаларни эгаллашда намоён бўлади.

Айрим тадқиқотчи педагогларнинг олиб борган изланишлари янги иш бошлаётган ўқитувчиларда учрайдиган типик хатоларни очиб беради. Аввало, бундай хатолар янги иш бошлаётган ўқитувчиларда, болалар, уларнинг ота-оналари билан суҳбатда аччиғи чиққанини билдириш ёки билдирмаслик, ўзини қай вақтда босиқ тутишни билмаслик билан характерланади. Педагогик амалиёт даврида ёзган кундаликларда, бевосита суҳбат давомида, талаба ўзларининг нутқи яхши эмаслигини болалар билан мулоқотда ортиқча қаттиққўллик ёки ортиқча юмшоққўнгиллик қилгани, тез гапириб юборётгани, ўз ўзидан кўркиш, ўринсиз доска олдида туриб қолиш, юриш, ўтириш, туриш меъёрини, қўллари оғирлашиб, уни қаерга қўйишни билмаслигини айтишиб, бу борада маслаҳат беришни сўрайдилар.



Талаба гавдасини, қўл ҳаракатларини, бошни тутишидаги номувофиклик, уни бартараф етиш юзасидан нималар қилиш кераклигини билгиси келади.

Овозини бошқаришдаги монотонлик, нутқнинг ҳиссиз, маъносизлиги каби камчиликлар айтиб ўтилади. Бу каби камчиликлар ўқитувчининг ўқувчига самарали таъсир кўрсатишига ҳалакит беради.

Бўлғуси ўқитувчининг ўзини бошқаришдаги бу ва бошқа камчиликларни бартараф етиш педагог мутахассислар тайёрлаш соҳасида амалга оширилиши зарур бўлган жиддий масалалардан бири ҳисобланади.

Эмоционал ҳолатларни бошқариш. Қуйидаги саволларга "ҳа" ёки "йўқ" деб жавоб беринг.

1. Сиз доимо хотиржам ва ўзингизни босиқ тута оласизми?
2. Кайфиятингиз?
3. Уйда ва мактабда доимо эътиборли ва йиғинчокмисиз?
4. Ҳис-ғуйғуларингизни бошқара оласизми?
5. Ўртоқларингиз ва яқинларингиз билан доимо ҳам эътиборли ва самимиймисиз?
6. Материални онгли ўзлаштирасизми?
7. Ёмон, беъмани одатларингиз борми ва улардан қутилишни хоҳлайсизми?
8. Қайси ҳолатларда ўз хулқингиз, хатти-ҳаракатингиздан норози бўлгансиз?

Агар сиз барча саволларга фақат "ҳа" деб жавоб берган бўлсангиз бу сизнинг ўта хотиржамлигингиздан, ўзингизни бошқара олишингиздан, ортиқча ташвиш йўқлигидан ёки ўзингизга ортиқча баҳо бериб юборганингиздан деб ҳисобласа бўлади.

Агар жавоблар салбий бўлса, у ҳолда ташвишли, ишончсизликдан, ўзингиздан қоникмаслик, ўз-ўзингизга танқидий қараётганингиздан далолат беради.

Агар "ҳа" ва "йўқ" жавоблар аралаш бўлса, у ҳолда ўзингизга танқидий қараётганингизни, камчиликларингизни кўра, олишингиздан далолат беради. Буни ўзингизни тарбиялашда дастлабки қадам деб ҳисоблашингиз мумкин. Ўз-ўзингизни бошқариш услубларидан энг муҳимлари:

А.) Самимийлик ва келажакка ишонч.

Таъсир меъёри турли тарбиявий воситалардан фойдаланишда ҳам кўринади. Доришуносликда меъёрий ўлчамларни аниқ

белгилаш қанчалик зарур бўлса, ўқитувчининг сўзи, унинг фойдаланаётган услублари ҳам энг қулай, мажбурий бўлмай, усталик билан фойдаланишни тақозо этади.

Ортиқчалик тесқари натижа бериши ҳам мумкин, Ортиқча талабчанлик - қулоқ солмаслик, ортиқча юмшоқлик - қўполликка олиб келади. Ўқитувчи маданий муомаласи тактнинг турли кўринишларида намоён бўлади: дарсада, синфдан ташқари ишларда, бўш вақтларда.

Б.) ўқувчиларнинг ўқитувчилар билан зиддиятларини таҳлили кўрсатадики, ўқитувчининг қўполлиги, кўпинча, тарбияланувчининг ташқи кўриниши, ақли, қобилияти билан боғлиқ. Баъзан ўқитувчилар қуйидагича танбехларни нормал ҳол деб биладилар.

Масалан: "Нимага ҳадеб кимирайверасан, худди ичингда ари бордек". Ёки дарс вақтида йигит ёки қизларнинг бошқачароқ кийиниб келганини кўриб, аччиқланиб гапиради.

Такт ўқитувчи учун дарснинг барча босқичларида зарур. Айниқса, ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолаш вақтида ўқитувчи ўзининг ҳулқига эътибор бериши керак.

Бу ўринда такт, энг аввало, ўқувчи жавобини эшитишда намоён бўлиши зарур. Жавобларнинг мазмуни ва шаклига ўта эътибор ва қизиқиш билан қулоқ солиш, маълум қийинчилик юзага келганда эса педагог ўзини тута билмоғи лозим.

В.) Педагогик такт ўқитувчи ҳулқининг ихчам, сермаъно касб этишини, яъни тактик йўлни ҳам ҳисобга олади. Одатда ўқитувчи болалар олдида турли ролларда, кўринишларда чиқади ва у турли оҳанг, турли кўринишлар билан, тактик услублар орқали таъсир кўрсатишни талаб этади.

Педагогик такт маҳорат билан бирга тарбияланади ва эгалланади. У ўқитувчининг маънавий етуқлик даражаси ва маҳсус билимларни эгаллаш бўйича ҳамда болалар билан муомала кўникмаларини шакллантириши юзасидан ўз устида катта ишлар қилиш натижаси.

- а) педагогик тактни эгаллаш шартлари;
- б) ўқувчиларга таъсир этиш услубларини билиш;
- в) болаларни севиш ва уни амалда кўрсата олиш;
- г) болалар ҳулқининг ички ҳаракат механизминини кузатиш ва кўра билиш;
- д) маълум ҳолатларни тез баҳолай олиш;
- е) таъсир этишнинг мақсадга мувофиқ услубларини тан-

лаш. (Бу ерда кўпроқ айланма услубини қўллаш: "Яна ўзинг биласану, лекин мана буни таклиф этган бўлар эдим").

## 2. Инсонлар ҳаётида нутқнинг аҳамияти.

Инсонлар ҳаётида нутқнинг қанчалик катга аҳамиятга эга эканлиги ҳар бир кишига ҳам маълум, чунки одамлар тил ёрдамида фикр алмашиш, бир-бирларини тушунишдан ташқари, ўз истакларини, ҳис-туйғуларини, иродаларини ҳам изҳор этадилар.

Нутқ кишиларнинг бир-бирларига таъсир етишнинг қудратли воситасидир. Сўз инсонни ишонтириши меҳнат ва ғалабага чорлаши, ёмон йўлдан қайтариши, қувонтириши ёки жаҳлини чиқариши, ҳатто ўлдириши ҳам мумкин.

Ўқитувчи фаолиятида нутқ жуда муҳим функцияларни бажаради. Ўқитувчилар нутқ орқали билим, ишончга ега бўладилар. Муайян ҳис-туйғуларга тушуниб етадилар, ўқитувчининг сўзлари таъсирида болаларда муайян психик жараёнлар ва психик ҳолатлар вужудга келади, шахсий жиҳатлари шаклланади.

Нутқнинг физиологик асослари И. П. Павлов томонидан тушунтириб берилган. Унинг таълимотига асосланиб, сезгиларимиз, идрокимиз ва тасавурларимизни атрофимиздаги ташки дунёнинг биринчи сигналлари деб юритамиз, нутқ ва тафаккур эса иккинчи сигнал системасидан иборат. Сўз воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни идрок қилиш ҳамда тасаввур этишдан иборат бўлган бевосита сигналлар сигнали. Инсондаги иккала сигнал системаси биргаликда мавжуд.

Сўз асосида доимо конкрет нарса, ҳодиса, воқелик ёки умумлашган тушунча ҳақида тасаввур бўлмоғи зарур.

Акс ҳолда, нутқ ҳам реал ҳаётни акс эттира олмайди, ҳамда тафаккур умумлаштириш воситаси бўлмай қолади.

Инсон тафаккур билан боғлиқ бўлган нутқ иккинчи функцияни бажаради.

Биринчидан, у бошқа одамлар билан алоқа воситаси, бундан ташқари, нутқ тафаккур шакли, чунки ҳар биримиз "ички нутқ" деб аталмиш "сўзлар билан фикр юритамиз".

Ўзгаларга қаратилган нутқ оғзаки ва ёзма бўлиши мумкин. Нутқнинг бу иккала кўриниши бир-бирига узвий боғлиқ бўлиб, буларнинг бирини эгаллаш иккинчисига боғлиқ. Лекин, баъзан шундай ҳам бўладики, оғзаки нутқни яхши ўзлаштира ол-

маган ўқувчи ўз фикрини ёзма нутқда яхши баён этиши, аксинча, ёзма нутқи яхши ривожланмаган ўқувчим яхши гапира олмаслиги мумкин.

Ўқитувчи учун нутқнинг иккала турини билиш, айниқса, оғзаки нутқни яхши эгаллаши зарур. Нутқ монолог (ўқитувчида бу маъруза ва ҳимоя кўринишида бўлади) ва диалогик (бу икки шахснинг ўзаро суҳбатидан иборат бўлади), турлари билан бир-биридан фарқ қилади.

Педагог ўз тажрибасида ташқи нутқнинг иккала туридан ҳам фойдаланади.

Ўқитувчининг нутқи ўқувчиларга нимани ўргатмоқчилигига қараб турли характерга эга бўлиши мумкин ва бошқа нутқлар каби тузилаверади. Лекин фақат педагогик нутққагина хос бўлган специфик белгиларни кўрсатиш мумкин.

Ўқитувчининг нутқи, энг аввало, йўналтирилган ёки бошқача айтганда, ундалма нутқдан иборат бўлиши мумкин. Бунда гапирилаётган гапни тингловчилар қайси даражада қабул қилаётгани ҳисобга олинади.

Ўқитувчи материални турли шаклда баён қилиши мумкин. Масалан, хикоя қилиш, маъруза ва суҳбатлар шулар жумласидан. Лекин синф билан доимий алоқада бўлиш зарур.

Ҳар бир ўқувчи нутқининг ўзига хос хусусиятлари бўлади. Ўқитувчиларнинг ўқувчиларга ўқув материалларини тушунтириши, улар билан суҳбатлар олиб боришига қараб, қуйидаги нутқ хусусиятларини кўрсатиш мумкин:

Баъзи ўқитувчиларнинг нутқи жуда таъсирчан бўлади. Бундай ўқитувчилар нутқи ҳис-туйғуга суғорилган бўлиб, улар ўзлари гапираётган гаплардан ўзлари таъсирланади, ана шундагина ўқувчиларга ҳам муайян кайфиятни юктирадилар.

Ўқитувчининг нутқи муайян мазмуни натижасида болаларнинг ҳис-туйғуларини уйғотибгина қолмай, балки уни драмалаштириш, тўғри ифодалаш, сўзларни аниқ, бурро талаффуз қилиш туфайли ҳам таъсирчан бўлади.

Бошқа ўқитувчиларда эса нутқ онгга оҳиста таъсирсиз, ифодали, қатий изчилликка риоя қилинган ҳолда, далилий ва мантикий бўлади.

Бунда ўзига хос нутқ билан хикоя қилган ўқитувчилар илмий масалаларни қандай хал қилиш ва ўқувчиларни бундай аклий ишларига қандай жалб этишни режалаштирадилар. Бундай нутққа мулоҳазали нутқ дейилади.

Ниҳоят яна бир хил ўқитувчилар борки, уларнинг нутқлари эмоционал ҳамда дискурсов эмас, аммо ўқувчилар уларнинг нутқини яхши ўзлаштирадилар. Бундай нутқларда зўр ишонч кучи янграйди, гапирилаётган гапга чуқур ишонч пайдо қилувчи кишининг иродаси борлиги сезилиб туради, ўз ўқувчиларида ихтиёрсиз ишонч ҳосил қилади.

Ўқитувчи ўз нутқининг мукамал бўлиши учун ғамхўрлик қилиши ва бундай нутқ унинг ишида ишончли қурол бўлиб хизмат қилиши лозим. Педагогик нутқ қандай талабларга жавоб бериши керак?

### 3. Педагогикада нутқга қўйиладиган талаблар.

Таълим-тарбия ишларида педагог нутқи учун характерли бўлган сифатларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: нутқнинг турлилигини таъминловчи сифатлар ва таълим бериш, тарбиялаш воситаси туфайли уни амалга оширувчи сифатлар. Биринчи гуруҳдаги педагогик нутқ сифатига нутқ лексикаси, услуб фонетикаси, талаффуз этилиши, сўзлардаги урғу жумлаларнинг бенуксон бўлиши, шевачилик, архаизмдан қочиш, нутқни бурувчи ортикча сўзларни ишлатмаслик киради. Ҳар бир ўқитувчининг нутқи шундай бўлиши лозим.

Аммо нутқи нотўғри ўқитувчилар ҳам учраб қолади.

Бу камчиликлар кўпинча билимсизликдан эмас, балки эҳтиётсизлик, баъзан мактабда дарс бераётганда ўз нутқи устидан етарли назорат қилмаслигидан ва мактабдан ташқари жойда маданияти кам кишилар орасида уларга ихтиёрсиз тақлид қилиши туфайли содир бўлади.

Турли одатлар нутқ сифатига таъсир қилади, шунинг учун ҳам бошқаларга қараганда, ўқитувчи кўпроқ ўзини, айниқса, яшаб турган ерида гап орасида нотўғри сўз, жумлалар ишлатилганда ўзининг нутқини кузатиб бориши лозим.

Тўғри (грамматика қоидаларига мувофиқ) гапириш мумкин, бироқ шундай бўлса ҳам нутқ чиройли чикмайди, "ғализ" бўлади. Силлиқ, равон, тўхталмай ва кераксиз тўхталишларсиз гапирилган гапни, керакли сўзларни тез топа билганлар гапини эшитиш ёқимли.

Зарур ибораларни тез танлай олиш сўз захирасига, фикрлаш жараёнларининг тезлигига, гапириладиган материални яхши билишига, топқирликка, кишининг шу пайтдаги умумий ҳолатига ва бошқа кўпгина сабабларга боғлиқ.

Ўз нутқини қулай ва тўғри туза билишда бадий адабиётни ўқиб туриш, айниқса, катта аҳамиятга эга.

Китоб ўқиганда кишидаги луғат бойлиги кўпаяди, фикр образлилиги ортади, нутқ равшан, чиройли ва одобли бўлади ҳамда грамматик жиҳатдан яхшиланади.

#### 4. Ўқитувчи нутқининг соддалилиги.

Нутқ фаолияти - одам томонидан ижтимоий - тарихий тажрибани ўзлаштириш ва авлодларга бериш ёки коммуникация ўрнатиш ёки ўз ҳаракатларини ривожлантириш мақсадида тилдан фойдаланиш жараёни.

Нутқ канчалик чиройли, мазмундор бўлса, кишиларни ўзига шунчалик жалб этади. Бу масалага кишилар қадимдан кизиқиб келишган. Қадимги Юнонистон ва Римда нутқ маданиятининг назарий асослари яратилган. Нотиклик санъат даражасига кўтарилган. Уларда етук инсон бўлиш учун нотиклик санъатини эгаллашлари шарт бўлган. 335 йилда Аристотелнинг "Риторика"си яратилади. Цицероннинг "Нотик ҳақида", "Нотик" асарлари, М.Ф. Квинтилианнинг "Нотик тайёрлаш туғрисида" асари ҳам нотиклик санъати ҳақида.

Шарқда, жумладан, Мовароуннаҳрда ҳам ваъзхонликка катта эътибор берилган. Ваъзхонлик нотиклик санъатининг ўсиб бориши билан нутқ олдига қўйилган талаблар ҳам такомиллашиб боради. Буюк алломалар Беруний, Форобий, ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Замахшарий, Кайковус ва бошқалар тилга, мантқиқшунослик ва нотикликка оид асарлар яратдилар.

Кайковус ўзининг "Қобуснома" асарида фарзандини ёқимли, мулойим, ўринли сўзлашга, беҳуда гапирмасликка ундайди. "Халқ олдида гапирганда сўзинг гўзал бўлсин, бу сўзни халқ қабул қилган. Халойиқ сенинг сўз билан баланд даражага эришганингни билсин, чунки кишининг мартабасини сўз орқали биладилар" деб ёзади аллома. У яна нотик халқ тилини, унинг фикри ва рухиятини билиши керак дейди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг "Кутадғу билиг" асарида ҳам тил одоби ва нотиклик маданияти ҳақида жуда қимматли фикрлар баён этилади. У қисқа сўзлаш, сўзларга иложи борича кўпроқ маъно юклаш ҳақида гапирди.

Ўқитувчи нутқи ўқувчилар билан муоамала қилиши унинг ўз тарбияланувчилари билан мулоқот олиб бориш маҳорати-

ни тақозо этади. Бунинг учун эса у гапиришни билиши лозим. Гапиришни мулоқот олиб боришни доимо ўрганиб бориш керак.

Педагогик жамоа билан, болалар гуруҳлари, айрим ўқувчилар билан гаплаша олиши керак. У дарсни самарали олиб бориши учун гапиришни билиши, суҳбат, маъруза, ҳикоя қилиш каби услублардан фойдаланиши лозим. Биринчи навбатда ўқитувчи суҳбатни бошлаганда, гапни масаланинг қўйилишидан бошлаши мумкин. Бу масалада бўлажак суҳбатнинг маъноси мужассамлашган бўлади. Мавзуга диққатни тортишга уриниб кўриш ҳам мумкин, бунда гапни эркин, қизиқарли фактни маълум қилишдан бошласа бўлади. Суҳбатни тугаллаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. У турлича бўлиши мумкин. Асосий ғояларни яна бир марта қисқача баён қилиб бериш мумкин уни шеърӣ сатрлар билан тугалласа ҳам бўлади.

Бу қоидаларга риоя этиш педагогнинг сўзлари ўқувчиларга зарур таъсир кўрсатиши учун шарт-шароит яратади. Сўз билан таъсир кўрсатишни амалда қўлланиш ўз хиссиётларини, ижодий таъсирланишини бошқариш кўникмаларига ва ўз хистуйғуларини ифодалаш учун аниқ шаклни топа билишга асосланиши лозим. Бу соҳада актер иши осонроқ эканлигини эътироф қилиш керак. Таълим-тарбия иши раҳбарнинг доимий тутган йўли баъзан педагогика хис-туйғулар ва фикрларни сўз билан ифодалашда қолипда иш тутишга олиб келади. Кўпинча сўз билан ифодаланишнинг бир қолипдалиги ўқитувчи ҳаяжонланганда ва жиддий айб, гуноҳ қилган ўқувчиларни қоралаш лозим бўлганда яққол ифодаланади.

Имо-ишора юз ҳаракатлари билан таъсир кўрсатиш мумкин. Бунда ҳам имо-ишоралар сўз-товуш нутқини тўсиб қўймаслиги керак. Оғзаки таъсир қилиш мазмуни таъсир қилувчи таъсир кўрсатишнинг аниқ турига боғлиқ. Агар биз таъсир қилувчи насихатдан фойдалансак, нутқимиз ниҳоятда мухтасар бўлиши лозим.

Ўқитувчи нутқининг содда бўлиши уни тор мазмунга айлантириб юбормаслиги керак. Унинг сунъий мураккаблашиб кетишидан, сохта билимга айланиб кетишидан қочиш лозим. Номзодлик диссертациясини ёқлаб, синфда "олим"лик иборалари билан иш бошлаган ўқитувчилар ҳам йўқ эмас.

Аммо нутқ турларидан энг ёмони панд - насихат услуби хисобланади, айниқса, буни ўқувчилар ва ўсмирлар ёқтир-

майди. Холбуки кўпчилик ўқитувчилар педагогик ишдан на-  
сихат жуда зарур, деб ҳисоблайдилар. Бундай педагоглар панд-  
насихатларнинг болага ҳеч қандай яхши фикр, унинг ақли ва  
ҳиссиётига ҳеч қандай озуқа бермаслигини унутиб қўядилар

Ўқитувчи, албатта, болаларни қойийди, баъзан эса хайф-  
сан ҳам беради. Бироқ насихатгўйлик қилиш, яъни ўзини узок  
ва жонга тегадиган панд-насихатлар қилишдан қочиш лозим.  
Ўқув материалларини баён этиш ва тарбиявий суҳбатлар им-  
коният борича жонли ўтиши лозим.

Шу ўринда нотикларга берилган қуйидаги маслаҳатларни  
келтириб ўтиш мумкин.

1. Маърузага пухта тайёрланиш керак.

Маърузага тааллуқли бевосита ёки бошқа муҳим ва қизи-  
қарли материалларни тўплаш даркор,

2. Овозни фикрга боғлаб ўзгартириш, уни кутариш ва пас-  
тлатиш лозим. Бундай овоз диққатни ўзига тортади.

Оғзаки нутқнинг айрим қисмлари орасида пауза қилиш-  
нинг аҳамиятини ҳам унутмаслик зарур.

3. Гапираётганда қўл-газдани ҳаракатлантириш нутқни жон-  
лантиради, бироқ бундан эҳтиётлик билан фойдаланиш ло-  
зим.

4. Маърузачидан саботли бўлиш ва ҳар қандай ноқулай  
шароитда ҳам ўзини тута билиш талаб қилинади.

Шовқин бўлганда кишиларни тинч ўтиришга чақириб,  
сўнгра нутқни давом эттириш лозим.

5. Нутқ шакли - оддий, тушунарли бўлсин, кўрғазмали тақ-  
қослаш, ўхшатиш, ифодалаш, эпитетлардан фойдаланиш яхши  
таъсир этади.

6. Маърузанинг мазмуни аудиторияга мос бўлмоғи керак.

7. Нутқ охирида хулоса қилиш, яъни унинг муқаддимаси  
билан боғлаш лозим.

Педагог нутқи ҳақида гапирганда, шуни қайд қилиш ке-  
ракки, у ички нутқнинг тараққий этиши билан такомилла-  
шади. Жумладан, оғзаки талаффузни шакллантиришдан ол-  
дин, одатда, мияда яхши пишיתי олиш зарур.

Талаффуз этишдан олдин шу онда зарур сўзларни мияда  
танлаш жараёни ҳам юз беради.

Шундай қилиб, педагогик нутқ масаласи ўқувчилар  
билан гаплаша билиш ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини тай-  
ёрлашда энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.



### Мавзу бўйича таянч сўзлар:

Техника, қиёфа, самимият, такт, ўсмирлик, нутқ, расмий тил, талаффуз, нутқ шакли, насиҳат, мулоқот.

### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори, - Т.; 1997 й.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, - Т.; 1997 й.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч, - Т.; 2008 й.
4. Каримов И.А. Буюк келажак сари, - Т.; 1998 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. - Т., 1997.
6. Мунавваров А.К. Педагогика, - Т.; 1996 й.
7. Худойқулов Х.Ж., Одоб - ахлоқ ва тарбия дурдонаси, - Т.; 2010 й.
8. Худойқулов Х.Ж., Жамиятда муомала ва мулоқот одоби шакллантиришда ота-она, ўқитувчи ва раҳбар масъулиги, - Т.; 2009 й.
9. Худойқулов Х.Ж. Педагогика ва психология, - Т.; 2010 й.

## 12-мавзу: Ўқитувчининг таълим жараёнидаги маҳорати

### РЕЖА:

1. Педагог-новаторнинг асосий ғоялари.
2. Ўқув жараёнида дарснинг ўрни.
3. Ўқувчи ақлий фаолиятини бошқариш.
4. Ўқитувчи педагогик меҳнати маданияти.

### 1. Педагог-новаторнинг асосий ғоялари.

Ўқувчилар билан муносабат. Ўқитувчи олдида ўқувчиларни таълимнинг умумий меҳнатига жалб этишдек муҳим вазифа туради. Педагогик ҳамкорлик олдинги педагогикадан, болаларни ўқишга тортишда ўқитувчи ва ўқувчининг биргаликдаги меҳнати асосига қурилган. Ўқитувчилар билан муносабатда новаторлик ёндашувининг моҳияти шундаки, ижтимоий шароитларнинг ўзгариши таълим тизимида адекват ўзгаришларни талаб этади. В. И. Журавлевнинг таъкидлашича, ҳамкорлик педагогикаси нафақат муносабатлар, балки билиш операциясининг тузилишини, билимларни жамоа бўлиб эгаллаш ва муваққил бўлиб яқка тартибда ишлашни (энг яхши шерик бўлиш учун) ҳам талаб этади.

Ихтиёрий таълим олиш. Ҳамкорлик педагогикасининг принципи ўқувчида кўрқиш ҳиссини йўқотиш, эркин бўлиш, ўзига ишонч уйғотиш, унда тўлақонли ижодий ишлашга қобил инсонни кўриш, В. А. Сухомлинский сўзи билан айтганда, мувафқиятдан юзага келган кўтаринкилик бўлса, ўша ерда ўқишга қизиқиш бўлади.

Кийин мақсад ғояси. Тажриба утказувчи ўқитувчиларнинг ёзишича, уларнинг ишлари анъанавий дарсдан шуниси билан фарқ қиладики, улар болалар билан ҳамкорлик ғоясини қувватлаб туради, болалар олдига кўпроқ мураккаб мақсадларни қўяди, уларнинг ўта мураккаблигига эътиборни қаратади ва ушбу мақсад, албатта, амалга оширилади. Бу ўринда мавзу яхши ўзлаштирилган бўлиши керак. Мазкур ҳолатда ўқувчиларни мақсаднинг ўзигина эмас, балки қийинчиликларни енгишга бўлган қатъий ишонч ҳам бирлаштиради.

Таянч ғояси. Ўқитувчи-новаторлар предмет-сўз ахборотларига турли-туман таянч сигналларини киритади. Чунки булар

хотиранинг, мантиқнинг, ҳаёлнинг, тафаккурнинг алгоритмик кўринишларини - ривожлантириш воситаси ҳисобланади. В.Ф. Шаталов дарсда таянч сигналларидан унумли фойдаланади.

**Эркин танлаш ғояси.** Ўқувчилар ижодий фикрлашни ривожлантир-ишнинг энг оддий йўли ҳисобланади. Эркин танлаш мактаб ўқувчилари шахсидаги айрим сифатлар нотекис ривожланишининг олдини олиш имкониятларини беради. Эркин танлаш ғоясига мисол: В. Ф. Шаталов ўқувчилар ихтиёрига жуда кўплаб мисоллар беради ва болалар ўз ихтиёрлари билан хоҳлаган мисолни танлаб олади.

С.Н. Лисенковада ўқитувчи доскага қандай қийин сўзлар ёзишини болаларнинг ўзлари танлайди. И. П. Волков ўқувчиларга фақат мавзу беради, ўқувчилар эса қандай материалдан нима тайёрлаш мумкинлигини айтадилар.

**Илгалилаб кетиш ғояси.** Бу ғоя С.Н. Лисенкова, В.Ф. Шаталов ва бошқа ўқитувчиларда яхши ҳал этилган. Анъанавий тарзда ўқитувчи дарсда ўтган дарсни қайтариб, янгисини баён этар экан, у фақат "кечаги" ва "бугунги" ни билар эди. Ҳозирги замон дарсида илғор ўқитувчилар, масалан, С. Н. Лисенкова мисолида, дарснинг маълум вақтини кейинчалик ўқитилган материални ўзлаштиришга ажратади.

**Йирик блоklar ғояси.** Тажриба шуни кўрсатаётгани, агар материаллар йириклаштирилиб, ягона блокка бирлаштирилса, ўқувчига тушадиган оғирликни кескин камайтириш ҳисобига ўрганиладиган материал ҳажмини кўпайтириш имконияти юзага келади. Ижодкор новатор-ўқитувчилар дарсликдаги 3-4 параграфдаги матнларини битта дарсда ўрганишни маъқул кўрадилар.

Дарсга турлича шакл бериш ғояси. Ижодий ишлайдиган ўқитувчиларда дарс ўрганилаётган ўқув фани шаклига жавоб беради. Масалан: В. Ф. Шаталовнинг математика дарсида теоремани исботлай бориб, ортиқча биронта сўз ишлатмайди. Математика ўқитувчисининг ҳикояси жуда аниқ бўлиши керак. И. П. Волковнинг ижодкорлик (мехнат) дарсида ўқувчиларнинг шовқин қилишига йўл қўйилади. Ўқувчилар унга кўплаб саволлар билан мурожаат қилишади. Е. Н. Ильин бадий асарни таҳлил эта бориб, таҳлил бадий шаклда бўлишига ҳаракат қилади.

**Ўз-ўзини таҳлил этиш ғояси.** Илғор ўқитувчилар болалар ўқишининг дастлабки давридан бошлаб индивидуал ва жамоа

бўлиб, ўз-ўзини таҳлил этишга ўргатиб боради. Ш. А. Амонашвили кичик ёшдаги болаларни баҳо бериш ва муҳокама юртишга ўргатиб боради. Унинг ўқувчилари дарс вақтида ўз ўртокларининг ишларини текшириб, баҳолаб, бир-бирларининг ёзма ишларига тақриз ёзишга ўрганиб борадилар.

Синфнинг интеллектуал асоси. Ижодий ишлайдиган ўқитувчиларнинг синфларида билимга бўлган интилиш, юқори мақсадларга эришиш доимо ҳукм суради. Синфнинг умумий мақсадлари ва бойликларига унинг интеллектуал фонди (асоси) кучли таъсир кўрсатади. Ўқувчилар қийинчиликларни енгишга, аклий зўриқишдан кўркмасликка, эвристик қувончни кўра олишга ўргатади.

Шахсий ёндашув. Илғор ўқитувчилар дарс ўтиш жараёнида, ҳар бир ўқувчи ўз шахсини ҳис этиб туришига ўргатади, ўқитувчининг ўзига эътибор бераётганини сезиб туради. Бу, асосан, ҳар бир ўқувчининг дарс давомида ўз меҳнатига берилаётган баҳони олиб туриши билан характерланади. Ҳар бир ўқувчи ўзига вазифа танлайди. Ҳеч ким ундан қобилиятсиз деб гумонсирамайди, синфда ҳамма ҳар томонлама ҳимояланган.

## 2. Ўқув жараёнида дарснинг ўрни.

Мактаб амалиёти ва педагогика асосли равишда тасдиқлайдики, дарс ўқитувчининг бутун фикр ва ҳаракатлари доимо қайтарилиб турадиган ва айланиб турадиган марказ ҳисобланади. Дарс педагогик жараён занжирида шундай ҳалқаки, М. Н. Скаткин сўзи билан айтганда томчида қуёш акс этганидек, унда барча томонлар акс этади. "Дарсда ҳаммаси бўлмаса ҳам педагогиканинг асосий қисми марказлашган"<sup>1</sup>.

Тарбияланувчи шахсини яхлит шакллантириш нуқтаи назардан ҳар қандай дарснинг фойдали коэффициентини аниқлаш юзасидан маълум бир мезонни топиш қийин.

Дарс таълимнинг мазмуни, услуги ва шакли каби тушунчалар доирасида чегараланиб қолмайди. Мактабларни таълим, тарбия ва ривожланишни педагог ва ўқувчиларни ўзаро ҳамжихат, ҳамкорликдаги фаолиятлари орқали амалга оширишни назарда тутати.

Ҳар бир ўқитувчи ўзининг касбий фаолияти давомида 25 мингдан кам бўлмаган дарс беради. Қайси ўқитувчи дарснинг

<sup>1</sup>. Скаткин М. Н. Совершенствование процесса обучения. — М.: 1971 г. 149 стр.

мазмунли ва кизиқарли бўлишини хоҳламайди? Ким мохир ўқитувчи бўлишни истамайди?

Бунинг учун ўзоқ йил ишлаган ўқитувчи бўлиш етарли эмас. Дарс мустақил ва масъулиятли ижодий иш сифатида ўқитувчидан ривожланувчи ижодий педагогик фикрлашни, педагогик маҳоратни эгаллашни талаб этади.

Биз бу ерда педагогика курсини ўрганиш жараёнида айтилган гапларни қайтаришни мақсад қилиб қўймоқчи эмасмиз. Фақат ҳозирги замон етук дарсларининг бўш дарслардан фарқини, мохир педагогларнинг тайёргарлик тизими ва дарсни ўтишининг асосий, муҳим технологик томонларини кўриб ўтамиз.

Уста ўқитувчининг таълим воситалари. Ўқитувчининг муваффақияти унинг, биринчи навбатда, ғоявий, назарий ва касбий тайёргарлигига боғлиқ. Дарсга тайёргарлик шу фан бўйича дарслик, психологик-педагогик ва услубий характердаги китоблар ўқишдан, услубий журналлар, қўшимча адабиётлар, газета ва турли материалларни ўқишдан иборат бўлиши керак. Библиографик карточкалар, бошқа ўқитувчиларнинг конспектлари, режалари, дарс лойиҳалари, турли таҳлиллар ва бошқа манбалар ҳам зарур. Шунингдек, яна турли ўқув фанлари, диафильмлар, диапозитив, техник воситалардан ҳам фойдаланиш муҳим. Шу мавзу (дарсга оид) бўйича турли илмий манбалардан, қонун ва қарорлардан олинган цитаталар, тезислар, фикрлар келтирилса, мақсадга мувофиқ.

Шуни ҳисобга олиш керакки, барча ўқитувчилар учун бир хилда бўлган таълим воситалари бўлиши мумкин эмас. Унинг турли-туманлиги ўқитувчи фаннинг ўзига хослиги билан имкониятлари, эҳтиёжи, интеллект-туал фаоллиги, янгиликни ҳис этиши, педагогик билимга чанқоқлиги ва бошқалар билан белгиланади.

Ўрганилаётган материал мазмунининг таҳлили. Дарснинг яратилиши - бу фикрларнинг пайдо бўлиши. У бир нечта элементлардан ташкил топган. Булардан энг муҳими давлат дастури томонидан белгилаб қўйилган материалдир.

Ҳар бир дарс ўзида таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадларни белгилайди:

- тарбиявий мақсад: ўқувчиларда маълум илмий, ижтимоий-сиёсий, маънавий дунёқарашларни шакллантириш, уларда ватанпарварлик, инсонпарварлик ва бошқа инсоний сифатларни юзага келтиришдан иборат.

- таълимий мақсад: ўқув дастурлари талаблари асосида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш.

**Ривожлантирувчи воситивлар:**

Ўрганилаётган материалдан энг муҳимларини, зарурини ажратиб олиш, қиёслаш-умумлаштириш, мустақил фикрлай олиш, таълимда қийинчиликларни ёнга олишга ўргатиш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Уста - ўқитувчи дарсининг ишламаси. Ўқитувчи шу дарсининг муаллифи ва дарс унинг маҳорати, ижодкорлиги, мотивларига боғлиқ бўлиб, дарс бадиий ранга эга бўлиши зарур. Энг аввало, дарсининг ижодий мушоҳадаси юзага келади ва у ишланиб, кейинчалик педагогик асар сифатида амалга оширилади.

Дарсининг мушоҳадаси қуйидаги элементлардан иборат:

1) давлат дастурида белгиланган материални ўқитувчи томонидан англаб етиш;

2) шу ёшда ўқиётган ўқувчилар савиясини ҳисобга олган ҳолда ҳозирги замон ғоявий вазифалари билан шу дарс материали ўртасидаги муносабатни белгилаш;

3) ўтиладиган материалнинг ўқитувчининг ўз билими, тажрибаси ва ғоявий тайёргарлиги билан боғлиқлиги;

4) олдинги ўтилган материалнинг бугунгиси билан ўзаро узвий боғлиқлиги;

5) ўтиладиган материалнинг конкрет синф ва шахс психикаси билан боғлиқлиги.

Энг яхши дарсни ҳозирги илғор ва янги услубларга асосланмай туриб ташкил этиш мумкин эмас. Шунингдек, фанлар ва турли ёшдаги ўқувчилар группасининг ўзига хос томонлари ҳам ҳисобга олиниши керак.

Барча тайёргарликда услублар тизимини танлаш учун қуйидаги маслаҳатларга амал қилиш керак. Ўқитиш - бу санъат бўлиб, у- ўқитувчи ишининг илдизи.

### **3. Ўқувчи ақлий фаолиятини бошқариш.**

Ўқувчилар фаолиятини дарс жараёнида бошқариш маҳорати кўплаб омилларга боғлиқ. Шулардан энг муҳими ўз ўқув фанини ўқувчиларга қизиқарли қилиб етказишдан иборат. Олимларнинг такидлашича, қизиқиш шахснинг барча психик жараёнлари ва функциялари, идрок, тасавури, диққати, характери, фикрлашларига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўқувчиларда ўқишга қизиқиш, ҳаваснинг юзага келиши ва

ривожланишида мохир ўқитувчилар қуйидаги асосий ҳолатларга доимо риоя қиладилар:

1) билимга қизиқишни ривожлантириш, ўрганилаётган ўқув фанига муҳаббат шу вақтда юзага келадики, агар ақлли ўқувчиларни мустақил, изланувчи характерда ташкил этилса, таълим муаммоли характер касб этса;

2) бошқа меҳнат каби ўқув меҳнати ҳам турли-туман бўлса, қизиқарли бўлади. Бир хилдаги маълумотлар ва бир хилдаги таъсир тизими тезда зерикиш уйғотади;

3) ўрганилаётган ўқув фани ва айрим мавзуга қизиқиш уйғотиш учун унинг зарурлигини, муҳимлигини мақсадга мувофиқлигини тушунтириш зарур ёки уни англаб етиш керак;

4) олдинги ўтилган материаллар билан янги ўрганилаётган материал ўзвий боғланса, у янада қизиқарлироқ бўлади.

5) жуда енгил ёки жуда оғир материаллар болаларда қизиқиш уйғотмайди. Ўқиш қийин, лекин ўқувчилар кучи етадиган бўлиши зарур;

6) ўқувчи иши қанчалик тез текширилиб, баҳоланиб турилса, ишлаш шунчалик қизиқарли бўлиб боради.

7) ўқув материалининг ёрқинлиги, эмоционаллиги, ўқитувчи хис-туйғу билан материални баён этишидаги ўзаро ўзвийлиги ўқувчиларда шу материалга кучли қизиқиш уйғотади;

8) таъсир тизимининг хилма-хиллиги, комплекслиги ва уларнинг фронтал дифференциал индивидуал ишларда унумли фойдаланиш ўқувчиларда ўрганилаётган ўқув фани ва материалларга қизиқишни оширади.

**Дарсда иш шакллари**нинг хилма-хиллиги.

Мохир педагоглар дарс-маъруза, дарс-семинар, дарс-мунозара, дарс-конференция, дарс-экскурсия, ўқув кабинетлари тизимида мустақил ишлар дарси, дарс-танловларни ўтиш ва уларни ўтказиш техникасини яхши эгаллаш билан уларнинг маҳорати ажралиб туради.

**Муаммоли таълим.**

Масалан, биринчи синф ўқувчиларига тайёр материални дарахт ва бошқа полиз экинлари мисолида бериш мумкин (дарахтда ягона катта устун бўлиб, ундан бир нечта шохча, барглар ўсиб чиқади, полиз экинларида ягона катта устун йўк ва ердан бирданига бир неча барглар ўсиб чиқиши мумкин), лекин улар олдида муаммоли ҳолатни қўйиш мумкин. Бирин-

чидан, бу ҳолатда болалар материални эслаб қолади, иккинчидан, мустақил ечимни излайди.

#### Ижодий характердаги масалалар.

Моҳир ўқитувчи дарси педагог ва ўқувчининг ҳақиқатни биргаликда излаш машғулоти, маданий фикрлаш лабораторияси. Бундай дарсда ҳар бир ўқувчида билимга қизиқиш, янгиликка интилишга эҳтиёж сезилади. Ўзлари савол бериб унга жавоб ахтардилар. Анъанавий дарсларда ўқитувчи савол беради, ўқувчилар дарслик бўйича жавоб берадилар, Шу билан ҳақиқат топилган, улар дарслик ва қўлланмаларда мавжуд деган тасаввур ҳосил бўлади. Яна нимани исташ керак? Нима учун исташ керак? Ҳақиқат топилган, фақат уни қабул қилиш зарур деган тушунча юзага келади. Бундай ҳолат дарсни зерикарли, эҳтироссиз, ўлик бир нарсага айлантиради. Шунинг учун бериладиган саволлар олдиндан ўйлаб, системалаштирилган, болаларни ўйлантирадиган фикрларни тўқнаштирадиган, ижодий қобилиятини ривожлантиришга туртки берадиган, мустақил фикр юритишга ундайдиган, янгиликни ўзи излаб топишга туртки берадиган аниқ, қисқа савол беришга алоҳида эътиборни қаратмоқ керак. Манتيкий фикр юритишга ундайдиган саволлар болаларни кейинчалик ижодий фикр лабораториясини кенгайтиришга ёрдам беради.

#### Дарсда мустақил ишлар.

Моҳир ўқитувчилар ёш ўқитувчиларга нисбатан кам куч, вақт сарф қилган ҳолда ўқувчиларнинг мустақил ишлашини ташкил қилади ва бу борада яхши натижаларга эришадилар. Бунинг учун улар қуйидаги қоидага амал қиладилар агар мавжуд мавзу иш шароит учун кучи етадиган бўлса, у ҳолда ўқувчиларга шу материални мустақил ўрганишини ташкил этиш, агар қийин бўлса, у ҳолда, ўқитувчи ўзи материални баён қилиб бериши керак.

Мустақил ишлашнинг жуда қўллаб кўринишлари - ўқитувчи ўқувчиларни янги материални ўзлаштиришга тайёрлашда қўллайди. Биринчи навбатда, бу ишлар қайтариш характерига эга. Жумладан, олдинги ўтилган материалларни қўллаш бўйича машқ ва масалалар, ўқитувчи топшириғи бўйича дарслик материалларини танлаб ўқитиш, олдинги ўтилган материалларни умумлаштириш учун турли схема ва жадвал тўзиш зарур. Мустақил ишлар янги материални самарали ўзлаштириш мақсадида ҳам фойдаланилади.

Ўқувчилар китоб билан ишлаш жараёнида тажрибали



Ўқитувчилар тез-тез ўқийдиганни тормозламайди, секин ўқийдиганни тезлаштирмайди.

Тўғри жавоб берган ўқувчига дарров бошқа саволни беради, хатога йўл қўйганига дарҳол қўшимча топшириқ беради.

**Дарсда қайта алоқани шакллантириш.**

Ўқувчилар томонидан билиш жараёнини тўғри ташкил этиш учун ўқитувчи қайта алоқани оқилона ташкил эта билиши керак. Ўқитувчиларига ушбу кўникмалар, кузатувчанлик, ҳаёлнинг яхши ривожланишидан, ҳар бир педагог ўқувчилар билан мулоқотда ўйлаб қадамни қўйиши керак.

Психологлардан А. А. Бадалов, С. В. Кондратьева аълочи, ўртача, ёмон ўзлаширадиган ўқувчилар тўғрисидаги мохир педагогларнинг турли типларга ажратиш ҳақидаги тасаввурини ўз вазифасини формал бажарадиган ўқитувчилардан анча бой ҳисобланади. Энг яхши ўқитувчилар ўқувчиларда ўзлаштирадиганликни келтириб чиқарувчи сабабларни дарс жараёнида қўйидагича типларга ажратиб олганлар:

а) билиш соҳасининг бўш ривожланганлиги (эътиборсизлик, хотиранинг ёмонлиги, фикрлаш операцияларининг шаклланмаганлиги, билимдаги камчилик);

б) ҳиссий-иродавий соҳалардаги камчилик (қучли тормозланиш, ортиқча ҳаяжонланиш, чидамлилиكنинг йўқлиги ва бошқалар);

в) интеграл шахсий сифатларнинг бўш намоён бўлиши (билишга қизиқиш, мустақиллик, масъулият ва бошқалар);

г) бир вақтнинг ўзида бир нечта камчиликлар мавжудлиги. Кўпчилик ўқитувчилар ўқувчиларни фақат икки типга ажратади: дангаса, ақлсиз. Қайта алоқани ўрнатишнинг самарали шартларидан бири тарбиячи бола психологиясига чуқур кириб боришдир.

Шу ўринда А. А. Бадаловнинг таъкидлашича, ўқитувчи синф ўрнига ўзини қўйиб кўриши, ўқувчи бўлиб кўриши ва шу тарика педагогик ҳолатни ечиши керак.

#### 4. Ўқитувчи педагогик меҳнати маданияти.

Биз юқорида айтганимиздек, ўқитувчи учун педагогик маҳоратни эгаллаш нафақат ўз ўқув фанининг ҳар томонлама билиши билан, шунингдек, одамларни сиёсат, фан, санъат, техника, спорт соҳасида нималар қизиқтиришни ҳам яхши билмоғи зарур.

А. Дарснинг психологик томонини ҳисобга олиш. Ўқитувчилар ўқувчилар хотираси, диққати, иродаси, йиғинчоқлиги, чидамлилиги каби сифатларнинг ривожланиш даражасини доимо синаб туради. Бунда нималарга риоя қилиш керак? Ўқитувчининг бош вазифаси - ўқувчиларни ҳамма томонлама яхши билиши ва уни тушунишга интилишдан иборат бўлмоғи зарур.

Дарсда оптимал психологик режимга риоя қилиш керак. Қандай қилиб? Фикрни йўналтиришга, ихтиёрий диққатни марказлаштиришга ҳалакит бераётган ҳар қандай нарсани йўқотиш зарур. Шунинг учун ўқувчи юзи, кўзи, ҳаракатларидаги озгина бўлса-да, ҳар бир ўзгаришларни дарров сеза билиш, унга дарров реакция бериш, улар диққатини бошқариш, жонлантириш ва йўналтира билмоқ зарур.

Ижодий дарснинг асосий шартлари, қизиқишларни ҳисобга олиш қобилияти, фикрлаш тезлигини, тайёргарлик даражасини, ҳар бир синф ўқувчиларининг характер сифатларини ҳисобга олишдан иборат.

Б. Ўқитувчининг ўқувчига талаб қўйиш характери.

Олдий ҳисоб-китоб шуни кўрсатяптики, 45 минут давомида ўқитувчи ўқувчига ўртача 100 га яқин талаблар қўяди. Кўпми бу ёки озми? Бу ўринда А.С. Макаренконинг гапини эслаш ўринли "Шахсга қанча кўп талаб қўйсанг, шунча маротаба уни ҳурмат қил". Лекин гап нечта талаб қўйишда эмас, бошқа ўқитувчилар қандай талаб қўяётганини кузатиш билан характерли. Шунингдек, талабалар табиатини билиш уларнинг тавсифини таҳлил этиш керак.

Бу ўринда айрим ўқувчилар ҳаракатларига баҳо бериш, рағбатлантириш, ҳулоса қилиш айрим кўрсатма, камчиликларни айтиб ўтиш орқали кўплаб ўқитувчилар кимга қандай талаблар қўйишни биладилар ва болалар бунинг оқибатида маълум тартибдаги талабларга кўникиб, маълум ҳулқий томонларини шакллантириб боради. Энг муҳими, қўйиладиган талаблар кучи етадиган, аниқ, маълум даражада охирига етказиладиган талаблар бўлмоғи зарур.

В. Дарсда эмоционал-интеллектуал ҳолатини яратиш.

Дарс давомида ўқувчи атроф муҳитни билибгина бормай, балки унга муносабат ҳам билдиради. Баъзи ҳолатлар уни хаяжонлантиради, баъзиларига бефарқ, баъзиларига ўзи аралашади. Психологларнинг таъкидлашича, ижобий эмоция инсон фаолиятининг кучли кўзатувчиси ва илҳомлантирув-

чиси. Дарснинг эмоционал-интеллектуал ҳолати бир қатор услублар билан қувватлаб турилади.

Биринчидан, ўрганилаётган мазмунда қизиқарли ахборотлардан фойдаланиш қўшимча манбаларга мурожаат қилиш туфайли. Масалан, тарих дарсида шундай мисол келтиринг: ер юзида бўлиб ўтган 14520 дан орტიқ урушда 3 млрд 640 млн одам ўлди. Агар шу урушлар харажатлари ҳисоблаб чиқилса, 8 м қалинликдаги 10 км олтин камар билан ер экваторини ўраб чиқиш мумкин.

Иккинчидан, дарсда турли кашфиётлар, маълум олимлар тўғрисидаги маълумотлар, иродавий, характерли одамлар ҳаётидан ҳикоялар айтиш мумкин.

Учинчидан, болалар ўзларини қизиқтирган ижодий ишларга бирданига жалб этиш орқали тасодифийлик, хайрон қолиш кейинги фаолият учун муҳимдир.

Тўртинчидан, ўқув материалига ўқитувчининг турли кўринишдаги эмоционал муносабати. Бошловчи ўқитувчилар шунга эътибор қилиши, гўзаллик, образлилик, ўрганилаётган материалнинг ҳаяжонлилиги ўқувчиларга ўтади.

Г. Юмор ҳисси.

Тадқиқотчилар тажрибали ўқитувчиларнинг хусусиятлари ичида уларнинг қувноқ характерига алоҳида эътибор беришади. Бундай фазилат бугун дарс давомида ишчан қайфиятни сақлашга ёрдам беради. Бунинг учун усуллар кўп (физкультминут, сеvimли ашулани айтиш, ҳазил-мutoйибали гаплар айтиш).

Д. Дарс тезлиги

Ўқитувчи учун дарс тезлиги нафақат меҳнат муаммоси бўлиб қолмай, балки интизом, дарс сифати муаммоси ҳамр. Дарсда юқори темпни ушлаб туриш учун унинг кучи етадиган бўлиши ва, бу ўринда, ўқувчиларда маълум кўникмалар шаклланиши зарур. Баъзи тажрибасиз ўқитувчилар вақтни материал сифатига эътибор бермай тезлигини оширадидлар. Ритм бузилиши ҳар қандай ишчан ҳолатга, ўқувчилар қайфиятига таъсир этади.

Иш тезлигининг энг қулай ҳолатини аниқлаш учун қуйидагиларни тавсия этиш мумкин:

а) Дарснинг кўпчиликни қониқтирадиган ўртача тезлигини топиш.

б) Ўқувчиларнинг индивидуал имкониятларини ҳисобга олиш;

в) Жамоа ва индивидуал ишлашнинг ўзаро маъқул боғлиқлигини излаб топиш;

г) Ўқувчилар фаолияти кўринишларини ўзгартириб ва янгилаб туриш керак;

д) Вақтни самарасиз сарф бўлишини максимал қисқартириш, тезликни аста-секин оширишга эришиш зарур.

Иш тезлиги ўқитувчи томонидан фақат иш вақтида ҳал этилади.

е) дарсда ўз-ўзини назорат.

Ўз-ўзини назорат ёш ўқитувчилар педагогик қобилиятини ривожланишини тезлаштиради, тажрибали ўқитувчилар педагог маҳоратини "сирини" ошкор этади. Ўқитувчи ўз-ўзини таҳлил этишга мурожаат этиб, дарсда ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини такомиллаштириш каби кучли қуролга эга бўлади, бу эса ўз ўрнида ўз меҳнатидан қониқиш, маънавий кучга эга бўлиш каби ҳис-туйғуни юзага келтиради. Дарс тахлилининг қуйидаги умумлашган принципларига риоя қилиш мумкин:

1. Дарсда нима қилиш мўлжалланган эди, аслида нима бўлди, қиёслаш зарур.

2. Билим, кўникма ва ривожланиш борасида ўқувчиларда ўзгаришларни олдинги таҳлил қилингани билан қиёслаш.

3. Дарсда ўқувчилар чин дилдан ишлаётганини ҳисобга олиш зарур.

Дарснинг сифат томони. Дарснинг сифат томонини аниқлаш ўқитувчи учун маҳорат мактаби, машғулотлар ташкил қилишнинг энг самарали йўл ва усулларини онгли даражада қўллаш шарти ҳисобланади. У дарсда нимага эришди, нимага эриша олмади, сабаб қандай, бартараф этиш, янада ривожлантириш учун нима қилиш керак?

Дарс сифатини анъанавий схема бўйича аниқлаш мумкин: сўраш - тушунтириш - мустаҳкамлаш. Уйга вазифа.

Масалан, дарс сифатини И.М. Махмутов схемаси бўйича дидактик категориялар ва тузилиш элементлари бўйича ўтказиш мумкин.

1. Дидактик категориялар бўйича таҳлилнинг вазифалари қуйидагиларни аниқлашдан иборат:

1. Дарс дидактик принциплар ва ўқув-тарбия жараёни талабларига жавоб берадими?

2. Дарснинг бориши ва натижаси дарс талаблари дастурига жавоб берадими?

3. Дидактик вазифалар ҳал этилдимиди? Ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари мақсади рўёбга чиқдимиди?

4. Бутунича дарс тузилиши қандай эди ва ташқи-ички тузилиши элементларининг изчиллиги қандай?

5. Дарснинг дидактик вазифаларига ўқитувчи услублари, кўргазмалилик ва техник воситалар тўғри келдими, ўқувчилар юқори даражада билиши учун мустақил ишлашига булар ёрдам бердими?

6. Ушбу дарсда дифференциаллаш ва индивидуаллаштиришнинг характерли томонлари нималардан иборат бўлади?

II. Дарс таҳлили тузилиш элементларига кўра қуйидагиларни аниқлайди.

Долзарбликни сифат жиҳатдан аниқлаш, ҳаракат қилишнинг янги тушунча ва усулларни ҳамда, кўникма ва малакаларни шакллантириш, дарснинг қайси элементлари ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатишини белгилаш. Шуларнинг барчаси дарс сифатини белгилайди.

#### Мавзу бўйича таянч сўзлар:

Педагог-новатор, таянч ғояси, дарс, уста ўқитувчи, дарс ишланмаси, дарс мушоҳадаси, мушоҳадали ўйлаш, мустақил иш, юмор хисси, дарс сифати.

#### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори, - Т.; 1997 й.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, - Т.; 1997 й.

3. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч, - Т.; 2008 й.

4. Каримов И.А. Буюк келажак сари, - Т.; 1998 й.

5. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. - Т., 1997.

6. Мунавваров А.К. Педагогика, - Т.; 1996 й.

7. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. -Т.: Ўқитувчи, 1996 й, 22 б.

8. Ғайбуллаев Н.Р. Таълим-тарбиянинг амалий йўналиши. Т.: Шарк, 1986 й, 46 б,

9. Худойкулов Х.Ж., Одоб - ахлоқ ва тарбия дурдонаси, - Т.; 2010 й.

10. Худойкулов Х.Ж., Жамиятда муомала ва мулоқот одобини шакллантиришда ота-она, ўқитувчи ва раҳбар масъуллиги, - Т.; 2009 й.

11. Худойкулов Х.Ж. Педагогика ва психология, - Т.; 2010 й.

## 13-мавзу: Ўқитувчининг тарбиячи сифатидаги маҳорати

### РЕЖА:

1. Ўқитувчининг таълимдаги ўрни
2. Таълимда ўқитувчининг тарбияси
3. Тарбия ва билимнинг ўзаро боғлиқлиги

#### 1. Ўқитувчининг таълимдаги ўрни.

Мен Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё хаёт ё мамот ё нажот ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидир" - деган фикрини кўп мушоҳада қиламан. Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбр. Чунки таълим тарбия онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад, озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди деган эдилар, - Президент И.А. Каримов ўз асарларида.

Дарҳақиқат юртимиз келажаги бўлган ёшларни ҳар томонлама камолга етган баркамол инсон қилиб тарбиялашда уларнинг маънавий қирралари: иймон, эътиқод, меҳр, ватанпарварлик, дўстлик, инсонга чексиз муҳаббат, мурувватлилик, қаноатлилик ва сабр-тоқатлилик, саҳийлик, миллий ғурур каби фазилатларни шакллантириш жуда муҳим. Бу мислсиз тенги йўқ ишда ўқитувчиларнинг, тарбиячиларнинг, таълим соҳасида масъул ходимларнинг хизмати бениҳоя каттадир.

Тарбия тарихий ва ижтимоий ҳодисадир; тарбия авлод аждоддаримиздан бизга етиб келган буюк мерос бўлиб, у комил инсонни вояга етказишда муҳим. Тарбия инсонларнинг фаолияти жараёнида уларнинг онги ва иродасини ўстиришга хизмат қилади. Шу билан бирга тарбия ижтимоий ҳодиса бўлиб, инсоният тараққиётининг турли босқичларида ўзига хос мазмун ва амалга ошириш шаклига эга. Тарбия ҳақида Шайх Саъдий ўзининг "Ғулистон" асарида шундай деб ёзган: "Қимдаким ёшлиқдан тарбия олмаса, катта бўлгач, бахтли бўла олмайди".

Адибнинг юқоридагиларига амал қилган ҳолда ўқувчиларнинг маънавий бой, жисмоний жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялаш мақсадида дастлаб уларнинг тарбиявий даражасини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун ўқувчилар қалбини

одоб-ахлоқ нурлари билан ёритмоқчи бўлган тарбиячи ўқитувчи чуқур билим кенг маҳорат ва тарбиячилик санъатини эгалламоғи керак. Тарбиячилар ёшларни тарбиялашда қуйидаги манбалардан фойдаланишлари мумкин:

1. Умумий қадриятлар.
2. Ислом таълимоти.
3. Ўзбек миллий урф- одатлари.

Тарбиявий жараён онгли, масъулиятли фаолият бўлиб унда тарбиячи тарбияланувчиларни комил инсон қилиб етиштиришда унда ҳар томонлама таъсир кўрсатади. Тарбиялаш жараёнида тарбиячи ўқувчилар маҳорати тарбия жараёнига жуда катта таъсир кўрсатади. Улар ўқувчилар жамоасининг тарбиявий даражасини ўрганиб, унга таъсир кўрсатиш маҳоратига эга бўлиши, тарбиявий тадбирларни ўқувчилар руҳиятига қанчалик ижобий таъсир этганини кузатиб, уни янада ривожлантириш, такомиллаштириши, тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишда ўз билимини таркибий равишда бойитиб бориши лозим.

Тарбия 3 нарсага эҳтиёж сезади; истеъдодга, илмга ва машққа деган эди улуғ олим Арасту. Ана шу ғояларга асосланган ҳолда, тарбиячилар қуйидаги қоунунларга буйсунмоқлари лозим:

\* тарбия улуғланаётган инсон шахсини олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир бола, ўсмир ва ёш йигитнинг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий ҳуқуқи ва эркинлигининг эътиборда тутилиши;

\* миллийликнинг ўзига хос анъана ва воситаларига таяниш, лекин тарбиянинг миллий бунёдкорлиги ёш авлоднинг яшаши лозим бўлган кўп миллатли ва жаҳон маданияти бойликларининг қизиқишларини интилиш-ларини инкор қилмаслик лозим;

\* ўқувчилар фаолиятида тарбиявий жараённинг асосини ташкил қилиш, зарур, қизиқарли, тўлақонли болалар ёш жиҳатларига мос ҳаёт иқлимини яратиш, меҳнат, хайрия, ижтимоий фойдали, ижтимоий кўнгил очар ва шунга ўхшаш тадбирларни ташкил этиш лозим. Нагижада, ўқувчилар ўзлари хоҳлаган ишга қўл урсинлар, мувафакқият ҳиссини туйиб, ўзларига ишончлари ортсин, ахлоқан барқарор бўлсин.

Ўқитувчи тарбиячилик маҳоратини ошириб борар экан, ўзaro муносабатларнинг қуйидаги қирраларига эътибор қилиши лозим:

- \* ватанга муҳаббат ва инсонпарварлик;
- \* маънавий тарбия (одоб ва ахлоқ);
- \* иктисодий тарбия;

- \* экологик тарбия;
- \* гузаллик тарбияси;
- \* жисмоний тарбия;
- \* ота-оналар билан ишлаш.

## 2. Таълимда ўқитувчининг тарбияси.

Ўқитувчи жамият ҳаётида етакчи ўрин тутувчи мураккаб шахс структурасига эга бўлган инсоннинг касбий қиёфаси. Ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида эришилган ютуқларнинг заминидан унинг меҳнатининг натижалари ётади. Ўқитувчилар тайёрлаш жараёнида, уларнинг ҳам педагогик, ҳам психологик тайёргарлиги ва билимли, муомала маданияти, миллий психологик омилларни эътиборга олиш керак. Юксак савияли зўр маҳоратли тарбиячиларгина халқ орзусидаги баркамол инсонни тарбиялайди. Илм инсонни юксаклик сари олиб боради. А.Авлоний айтганларидек: "Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, порлоқ келажаги, раҳбари, нажотига айланган. Илм инсон учун гоят олий ва муқаддас фазилат. Шунинг учун аввалом бор илмли, тарбияли бўлмақ ҳар бир ёш инсоннинг бурчи! Бу мақсадда кўнглига энг олий орзуларни жамлаб, ўқитувчи тер тўкиб ишлайди. Шарқ мутафаккирлари, педагогик олимлари баркамол инсонни етиштириш учун тарбия нақадар зарурлигини, унинг моҳияти ва мазмунини асослаб берганлар. Тарбиявий ишларни ташкил қилишнинг миллий ва назарий асослари мавжуд бўлиб, ўқитувчилар ўзларининг тарбиячилик фаолияти жараёнида шу манбаларга асослар, тарбия янада мукаммалроқ натижага эришади.

Туркистонда миллий уйғонишнинг вужудга келиши куйидаги назарий таълимотлар асосида олиб борилди:

- \* ўзбек халқининг мустамлакачилик зулмидан озод бўлиши натижасида ўлкадаги миллий, диний ғояларнинг кенг руёбга чиқиши;
- \* маърифатпарварлик ёки жамиятни янгилашга интилиш - жадидчилик;
- \* она тилимиз, унинг софлиги ва хорижий сўзлар, иборалардан озод қилиш учун кураш.

Миллий уйғонишида бундай назарий йўналишларнинг мақсадлари куйидагича эди:

1. Туркистон халқларининг авлод-аждодлари яратган халқ оғзаки ижодиётининг миллий тарбия воситаси сифатида қўлланишини юзага чиқариш ва кенг фойдаланиш.

2. Халқимиз яратган кенг урф-одатлар ва анъаналарни тиклаш.



3. Куръони карим ва Ҳадиси шарифдаги инсон камолоти ҳақидаги ғояларни ёшларга ўргатиш.

4. Маърифатпарвар мутафаккирлар, миллий қаҳрамонлар фаолияти уларнинг асарларини ўрганиш, илғор тарбиявий таъсир кўрсатувчи таълимотларга амал қилиш.

Юқоридаги миллий тарбиянинг назарий асосларидан фойдаланиш орқалигина миллий тарбия халқ руҳи билан боғланади. Миллий тарбия халқ номи ва унинг тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Ўтмиш маданий миллий меросимиз бу кун бизнинг ҳамроҳимиз, ёшларимиз тарбияси учун муҳим, восита бўлиб хизмат қилади. Маҳмуд Қошғарийнинг "Девони луғати турк", Юсуф Хос Ҳожибнинг "Кутадғу билиг", Аҳмад Югнакийнинг "Хибатул ҳақойиқ", Беруний ҳикматлари, ибн Синонинг "Тадбир ал-манозил", Алишер Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб", Хусайн Воиз Қошифийнинг "Ахлоқи муҳсиний" ва бошқа асарларда фарзанд ота-онанинг бахти, унинг тўғри тарбияланиши эса ҳамманинг бахти, деган умумий хулоса чиқаради. Алишер Навоий тарбиянинг асосий белгиларидан бири, болага яхши исм қўйиш, илм одоб ўргатиш, ота-онага умуман, катталарга хурмат ҳиссини сингдиришдан иборатлиги уқтирилади.

Буюк мутафаккир ибн Синонинг айтишича, покиза хулқ одамийлик гавҳари, кишини инсон сифатида улуғлайди, тубан ахлоқ эса одамнинг умрини заволи. У одамларни дўстлик, ўзаро чинакам ахлоқий муносабатда бўлишга чақиради, ота-онани хурматлашда пасткашдан фойда кўрмасликни саҳийликни таъма қилмасликни уқтиради. Ибн Сино ахлоқ ҳақидаги насихатларини қуйидагича яқунлайди: "Насихат бобида уч мингта сўз ёздим, уч мингтадан уч калимани танлаб олдим. Бу учтадан 2 тасини эсда сақла ва бирини унутиб юбор".

Шундай қилиб, бой адабий меросимиз тарбия жараёнида жуда катта аҳамиятга эга экан. Достонлар, эртақлар, ҳикматлар, топишмоғу маталлар болалар руҳиятига катта таъсир этиб, уларнинг маънавий шаклланишига туртки бўлади. "Алпомиш", "Тўрўғли", "Ҳотамнома", "Сиёвуш" каби достонлар болаларни чин инсон сифатида камол топишида ёрдам беради.

Ҳўш, ёш авлод тарбияси каби масъулиятли иш топширилган ўқитувчи қандай бўлмоғи керак? Ўқитувчининг педагогик фаолиятининг самарага эга бўлмоғи учун кўп жиҳатдан шахс хусусиятларининг шаклланганлиги шахс йўналишининг аниқланганлиги ва қасбий маҳоратнинг таркиб тонганлиги билан характерланади. Бугунги кунда ижтимоий, иқтисодий шарт-шароит-

нинг мураккаб тус олиши ёки таълим тизимида нисбаган янги-ча талабларнинг юзага келиши педагогларнинг ўз фаолиятларини тубдан ўзгартиришга ҳамда изчил ақл-заковатини ишга солган ҳолда иш тутишни тақозо этмоқда. Бу, бир томондан давр талаби эканини, иккинчи томондан, шарт-шароитга нисбаган туб бурилиш ҳосил қилиш ёки шахс мазмуни, фаолият йўналишида янги-ча ўзгариш киритиш осон эмаслигини кўрсатади.

Ўқитувчи шахсий хусусиятларидан ташқари чуқур илмий савияга, сўзлаш маданиятига, юксак одоб ахлоққа эга бўлиши керак. Ўқувчилар билан ўтказиладиган суҳбатларни юқори савияда ташкил қилишда ўқитувчи қуйидаги маданият қирраларига эга бўлиши керак:

\* руҳият мадаиияти - ўқувчиларнинг маънавий эҳтиёжларига тўғри таъсир кўрсатиш;

\* маҳорат маданияти - ҳар бир тадбирни зўр қувонч ва қалбдан ташкил қилиш;

\* сиёсий маданият ўқувчиларнинг ижодий, маънавий, бадий фаолиятини ташкил қилишдир.

Бундан ташқари, ўқитувчи ўзининг ташқи кўринишига ҳам эътибор бериши керак. Тоза, озода, ихчам кийиниши керак. Бундан ташқари, олий маълумотли, чуқур билим эгаси, ўзининг фанини нухта биладиган горт равнақи учун жонини фидо қилишга тайёр, ўқувчилардан билимини, малакасини аямайдиган, ўқувчилар билан азиз дўст, сирдош, мактабнинг фидокор ходими бўлмоғи керак.

Авваламбор, ҳар бир тарбиячи педагогик ташкилотчилик маҳоратига эга бўлиши керак. Тарбия жараёнини тўғри ташкиллаштириш, дарсдан сўнг ўқувчиларнинг бўш вақтини тўғри тақсимлаши керак. Бунда ўқитувчилар, ота-оналар билан яқин муносабатда бўлишлари керак ўқитувчи якка суҳбатларни қуйидаги шароитда олиб боради:

1. Ўқувчининг характер хусусияти, оиладаги ўрни, мавқеи, руҳий ҳолатини ўрганишда.

2. Одоб ва ахлоққа доир суҳбат. Ота-она шу борада қандай тадбирларни амалга оширишда шарқона урф-одат, расм-русумлар, янги чиққан адабиётлар.

3. Тарбияси мураккаблашган ўқувчиларнинг ота-оналарини маслаҳат бериш ўқитувчинини якка-якка суҳбати пухта, асосли ва мантиқан бой бўлса, ота-онани унга ишонишини оширади.

Натижада, эркин дил сўзлари, маслаҳат ўзаро ёрдам каби бир ҳамкорлик ҳолати вужудга келади. Ўқитувчи ота-она ва

Ўқувчилар билан яккама-якка фаолиятини йулга қўйиш учун синф ота-оналар шахсини, оилавий аҳволини билиши керак. Ўқитувчи ота-оналар ҳақида маълумотга эга бўлгандан кейин уларнинг фарзандлари ҳақида маълумотни аниқлаб олиши муҳим. Ўқитувчи болаларни тўлиқ ўрганиши тарбиявий тадбирларини мукамал, таъсирчан уюштиришга имконият яратади. Ўқитувчи қуйидагиларга эътибор бериши лозим.

1. Ўқувчиларда шаклланиб келаётган фазилатларни тавсифлаш: синфдаги ўқувчиларни илм олишга, қизиқиш, ростгуй, маърифатли, меҳрли, дўстлик, ўз-ўзини бошқариш, меҳнатга муносабати зўр ўқувчилар сонини аниқлаш.

2. Ўқувчилар рухий қуввати ва темперамент турларига ажрата олиш.

3. Ўқувчидаги ижобий ва салбий ўзгаришларни кўзатиш ва сабабини ўрганиш.

4. Ўқувчида мавжуд камчиликлар: иродавий хусусиятдаги бефарқлиги ёлғон гапириш, чақма-чақарлиги, хурматсизлиги ва бошқалар салбий сифатларнинг сонини аниқлаш.

Дарсларнинг самарадорлиги, таълимий ривожлантирувчи ва тарбияловчи ролини ошириш бўйича қилинадиган ишлар қуйидагилар:

\* ўқувчиларнинг ғоявий-сиёсий ўсиш, илмий-назарий ва услубий даражасини ошириш ҳақида ғамхўрлик;

\* педагогик меҳнат сифагига, дарсга тайёрланишга масъул муносабатини белгилаш;

\* барча ўқув - тарбиявий ишлар бўйича самарали назоратни ташкил этиш;

\* ўқувчиларда ўқишга масъул муносабатни тарбиялаш бўйича улар билан иш олиб бориш, билимларидаги нуқсонларнинг олдини олиш, билим, кўникма ва малакаларнинг юксак сифатига эга бўлиши учун курашиш бу ишга ўқувчиларнинг ўзини фаол жалб қилиш керак.

### 3. Тарбия ва билимнинг ўзаро боғлиқлиги.

Республикамиз ҳукумати халқ таълими соҳасида ўртага қўяётган вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ. Ҳозирги шароитда таълим тарбиядан кўзда тутилаётган мақсадларга етишиш, ўқувчиларнинг хилма-хил фаолиятларини уюштириш, уларни билимли, эътиқодли, меҳнатсевар, баркамол инсон қилиб ўстириш ўқувчи зиммасига юклатилган халқимизнинг келажаги, мустақил Ўзбекистоннинг ис-

тиқболи кўп жиҳатдан ўқитувчига, унинг савиясига, тайёр-гарлиги, фидойилигига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқ. Ўзлуксиз педагогик таълим ғояси амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш иши давлат ва жамоатчилик диққат марказига қўйилди.

Ўқитувчилик шарафли, лекин жуда мураккаб касб. Яхши ўқитувчи бўлиши учун педагогик назарияни эгаллашнинг ўзигина етарли эмас. Чунки педагогика назариясида болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида умумий қонун қоидалар умумлаштирилган, услубий ғоялар баён этилади. Ўқитувчиларнинг ёш индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш таъкидланади.

Мактаб ҳаёти амалий педагогик жараён эса жуда хилма-хилдир. Педагогика назариясига мос келмайдиган вазиятлар учраб туради. Бу эса ўқитувчидан кенг билимдонликни, пухта амалий тайёргарлик, юксак педагогик маҳорат ва ижодкорликни талаб этади. Шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистон умумий таълим мактабларида ишлайдиган ўқитувчи қуйидагиларга эга бўлиши керак:

- \* педагогик фаолиятга қобилиятли ижодкор, ишбилармон;
- \* миллий маданият ва умуминсоний, дунёвий билимларни мукамал эгаллаган, диний илмлардан хабардор, маънавий баркамол;

- \* Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида тараққий этишига ишонадиган, ватанпарварлик бурчини тўғри англаган эътиқодли фуқаро;

- \* ихтисосга доир билимларни, психологик, педагогик билим ва маҳоратчи, шунингдек, назарий ишларни мукамал эгаллаган бўлиши керак.

Бирор касбнинг ҳақиқий устаси бўлиш учун кишида табиий қобилият, маълум жисмоний ва руҳий хислатлар жо бўлиши керак. Педагогик ўқитувчилик фаолиятини ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш ишини самарали бажариш, ота-оналар ва болаларни иззат-ҳурматига сазовор бўлиши учун ҳам кишида қобилият, маҳорат, қизиқиш бўлмоғи лозим.

Мувафакқиятли ишлаш учун ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши зарур. Педагогик маҳорат эгаси оз меҳнат сарф қилиб, катта натижага эришади. Ижодкорлик унинг ҳамиша ҳамкори бўлади. Педагогик ишга қобилиятли, истеъдодли кишидагина педагогик маҳорат бўлиши мумкин.

Юксак маҳоратли ўқитувчи учун энг аввало, қобилиятли, малакали ва уддабурон бўлиши керак. Қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва уддабуронликдан фарқ қилади. Малака ва уддабуронлик машқ, ўқиш натижаси ҳисобланса, қобилиятнинг ривожланиши учун эса истеъдод, лаёқат ва зехн, яъни инсон асаб тизимида анатомик-физиологик хусусият бўлиши зарур.

Маҳоратли ўқитувчи дарс материални баён этиш жараёнида ўқувчиларнинг қатор белгилар асосида пайқаб олади ва зарур ҳолларда баён қилиш усулини ўзгартиради. Шунингдек, ўқитувчи ўқувчиларни саводли ўзлаштиришлари учун замин тайёрлаб, уларни дам олишдан ишга ўтишлари, бўшашиш, ланжлик, лаёқатларига барҳам бериш учун вақт ажратиш зарурлигини ҳисобга олади. У тегишли вазият юзага келгунга қадар иш бошламайди. Масалан, дарснинг ҳаддан ташқари зуриқиш билан ва кучли бошланиши ўқувчиларга мунозара қилувчи тормозланиш деб аталмиш ҳолатга сабаб бўлади. Мия фаолияти туманлашади ва ўқитувчининг сўзлари етарли даражада идрок қилинмайди.

#### Мавзу бўйича таянч сўзлар:

Кадрият, урф-одат, маънавий тарбия, ўқитувчи тарбияси, руҳият, маҳорат.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистан Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. - Т., 1997.
2. Ўзбекистан Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. - Т., 1997.
3. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида - Т., 1998 й.
4. Каримов И.А. Ўзбекистан XXI аср бўсағасида. - Т., 1997 й.
5. Иброҳимов А. ва бошқалар Ватан туйғуси. - Т., 1997 й.
6. Кайковус Қобуснома. - Т., 1991 й.
7. Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг: 1990 й.
8. Маърупов, Нурмухаммедов. Қалб куёш мураббий. - Т., 1987.
9. Очилов М.О., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. - Т., Ўқитувчи, 1997.
10. Шукуров Е. Дил кўзгуси. - Т., Ўқитувчи, 1990 й.
11. Қўзиев Б., Долимов У. Маърифат дарғалари. - Т., Ўқитувчи, 1999.
12. Ҳасанбоева О. Тарбиявий ишларни ташкил қилиш методикаси. - Т., 1996 й.
13. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. - Т., 1993.
14. А.Навоий .Маҳубул ул -қулуб . - Т., 198Д
15. Юнусов.Т. Ёш ўқитувчилар билан ишлашни такомиллаштириш йўллари. - Т., 1995.
16. Ким қандай ўқитади? Абдуллаев доқ. "Маърифат" газетаси 15 июл ТДПУ, 1998 йил.

## 14-мавзу: Ўқитувчи меҳнатини илмий ташқил этиш

### РЕЖА:

1. Ўқитувчи меҳнати тушунчаси.
2. Ўқитувчи меҳнатини илмий ташқил этиш.
3. Педагог меҳнатини баҳолаш.

#### 1. Ўқитувчи меҳнати тушунчаси.

Ўқитувчилик меҳнати ниҳоятда машаққатли ва шарафли меҳнат ҳисобланади.

Бунинг учун ўқитувчидан тинимсиз изланиш ва ўз устида ишлашни талаб этади. Мавзунини баён этишда жуда кўп эмоционал ҳолатларни, зўриқишлар ва кучли мунозаралар таъсирида бўлади. Ўқитувчининг ўзи ҳам тарбия жараёнида кучли педагогик таъсир кўрсатиш усулларидадан фойдаланади.

Тарбия жараёнида педагогик таъсир кўрсатиш маҳорати ўқувчига у ёки бу юксак ахлоқий фазилатларнинг моҳиятини аниқлаш жараёнида қўлланиладиган ўқитувчининг иш услубларидан бири. Педагогик таъсир кўрсатишнинг энг самарали услубларидан эртақлар, дostonлар, шеърлар, мақоллар айтишдир. Масалан: "Ота узининг 10 яшар ўғли билан даладан қайтаётгани, йўл устида тушиб ётган бир тақани куради ва унга дейди:

- Тақани ол!

- Эски тақа учун эгилиб ўтираманми - деб гап қайтаради ўғли.

Отаси индамасдан ўзи эгилиб тақани оладида, йўлида давом этади. Кун иссиқ эди. Бола чанқай бошлади. Бир оз йўл юргандан кейин олча сотиб ўтирган баққол кўринади. Отаси бояги тақани олчага алмаштириб белбоғига тугиб олади. Ўғлига кўз-кўз қилиб бир дона олчани оғзига ташлади-да, бир донасини ерга ташлади, ўғли дарров эгилиб олчани олади ва чанқоқини бостирмоқчи бўлиб оғзига солади. Отаси олчани кетма-кет ташлайди. Ўғли 10-15 марта эгилиб олчаларни териб олиб, егандан сўнг ниҳоят отаси тўхтади ва белбоғида қолган олчаларни ўғлига узата туриб дейди:

"-Кўрдингми ўғлим, сен тақани кўтариб олиш учун бир марта эгилишга эринган эдинг, олчаларни териб олиш учун 10-15

марга эгилдинг, агар енгил меҳнат оғир деб ҳисобласанг, ундан баттар оғирига дуч келасан!"

Бу эртақнинг педагогик таъсирининг салбий ва ижобий кўринишларини болаларга изоҳлашда ўқитувчи кўйидаги саволлар орқали тарбиявий маҳорат билан аниқланади:

Отанинг талаби тўғрими ёки йўқми? Сабабини очиб беринг.

Отанинг болага меҳнатдан бош тортмаслиги учун тутган иши тўғрими?

Болага дастлаб ўз ҳаракати билан ўрнак бўлиб, сўнг хатосини тушунтиради. Бу борада сизнинг фикр-мулоҳазаларингиз қандай?

Тарбия жараёнида тарбиявий таъсир кўрсатишнинг кўйидаги усулларида фойдаланилади: болага қўйилган талаб, педагогик таъсир кўрсатиш, ўқув тарбия жараёнида ўқитувчи ўз максадига эришиш учун доимо ўқувчиларга ўз талаблари билан ёндошади. Уларни рағбатлантиради, огоҳлантиради, танбеҳ беради.

Ўқитувчининг педагогик асосда қўйилган талабларни тушунтириш ноҳўя ҳаракатлардан болаларни сақлаш, айниқса, кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини мактаб ва жамоада мослашгунча кетма-кет талаблар қўйилади. Юқоридаги талабларнинг қанчалик таъсир этиши тарбиячининг педагогик маҳорати ва обрўйига боғлиқ. Талабларнинг қўйилиш шакллари:

Тарбиячи томонидан талабнинг тўғри қўйилиши. Бундай талаб болалар жамоаси билан ишлашнинг дастлабки босқичи, А. С. Макаренко "самимий, ошқора, ишонарли, қизғин ва қатъий талаб бўлмаса жамоани тарбиялашни бошлаб бўлмайди" деган эди. Бундай талаблар жамоани бир мақсад йўлига бошлаш учун:

- талаб ижобий ва боланинг хатти-ҳаракатларига тўсқинлик қилмаслиги;
- талаб аниқ ва тушунарли бўлиши;
- қўйилган талаб ва вазифалар натижасини билиш;
- талаб очик чехра, самимий, бир оҳангда берилиши, илтимос, маслаҳат яхши ниятга чорлаш;
- талаб болаларнинг ёши, билим савиясига мос бўлиши;
- талабларда кесатиш, лукма, миннат қилиш бўлмаслиги ва бошқалар.

Кишилик жамоаси пайдо бўлган даврдан бошлаб, инсон ҳеч қачон ёлғиз яшай олмаган. Жамоани ташкил қилиш ва

унинг тарбиявий таъсирини назарий ва амалий асослари, мутафаккир ва олимлар томонидан ўрганиб, илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Тарбиячининг навбатдаги вазифаси болалар жамоасини ташкил қилиш, тарбиялаш ва жипслаштириш борасидаги назарий билимларни ўзлаштириб, илғор тажрибаларга суяниб, ўқувчиларни тарбиявий жараёнда ўртоқлик, дўстлик, ўзаро ҳамкорлик, ҳамжихатлик, ўз-ўзини тарбиялаш маҳоратини ўзлаштиришдан иборат.

Улар:

- синф бошланғич жамоасини тарбиялаш ва уларда ўзаро муносабат алоқаларини яратиш;

- ўқувчилар кундалик фаолиятлари қирраларини жамоада жипслаштириш;

- шахсий манфаатдан жамоа манфаатини юқори қўйишга ўргатиш;

- жамоада бир-бирига меҳр-оқибатли, мурувват ва сахийлик, дўстона ҳамкорлик мавжуд бўлса, у катта тарбиявий кучга айланади.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилар жамоалари ташкил қилишда ўқитувчидан турли-туман воситалардан маҳорат билан фойдаланиш талаб қилинади. Ўқитувчи жамоа аъзоларини янги шароитга мослашув дарсида уларга ишонч, ҳурмат, хушмуомалалик талабларини тўғри қўя билиш билан бирга ўқитувчини тушуниш ва эшита билиш маҳоратига эга бўлиши керак.

Ўқувчилар жамоасида етакчи таянч ўзагини танлаш.

Жамоа аъзоларининг ҳар бирининг кучига, қобилиятига қараб топшириқлар бериш.

Жамоада янги анъана, қонун-қоидаларни дастлабки куртагини яратиш ва унга амал қилиш.

Жамоа истиқболини давр талаби билан мослашган ҳолда белгилаш талаб қилинади.

*Кишиким бўлса, донишманд оқил,  
Булар илм ва ҳунарла кўнгли мойил.*

Фуркат.

## 2. Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиш.

Ҳар бир ўқитувчи педагогик фаолият юритар экан бераётган таълим-тарбиясининг янада самарали чиқиши учун у ўз устида муттасил ишлаши, билимини, маҳоратини ўстириши керак. Ўқитувчилар билан бўладиган муносабатларни пухта ўйлаб уларнинг кўнглига озор етказмасдан иш олиб бориши керак.



Муомала маданияти ўзини тута билишини назорат қилиши керак. Ҳар бир тарбиячининг дунёқараши унинг муомаласида намоён бўлади. Муомоланинг асосий воситаси тил. Халқимиздан шундай нақл бор: "Бола ширин сўз гадоси". Бас шундай экан, тарбиячи муомаласида жуда эҳтиёткор бўлиши керак. Алишер Навоий муомала қилувчи шахс маҳорати ҳақида шундай дейди: "Ширин сўз кунгиллар учун бамисли асалдир".

Яна бу ҳақда Хусайин Воиз Кошифий шундай дейди: "Насиҳатли ширин сўз-у мулоҳимлик бирла ибтидо қилгай, чунки бу замонда юмшоқлик ва хушрўйлик кўрғазмайин насихат корга келмас".

Давлат таълим стандартларининг муҳим даражаси бўлган экспериментал таянч ўқув режаси ва дастурлар ҳар томонлама пухта ўрганилиши зарур. Ушбу дастур ва режани яратишда мамлакатимиздаги фан-техника ижтимоий иқтисодий соҳалардан ривожланишлар ҳисобга олинган. Ундан, энг аввало, ўқувчиларни психологик физиологик хусусиятларига муҳим ўрин берилган.

Халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари умумтаълим мактаблари олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида таълим-тарбия мазмунини қайтадан ишлаб чиқишлари лозим.

Таълим-тарбия шакллари, услублари, воситаларни жаҳон андозаси талабларига мос ҳолда ривожлантириш;

таълим маданий-маърифий муассасаларини янги техника ва технология асосида замонавий жиҳозлаш;

ўқитувчи мураббий ижодкорлигини таъминлаш, касб маҳоратларини оширишнинг самарали йўллари топиш;

оила, маҳалла, мактабда таълим-тарбия мазмунини ишлаб чиқиш, амалиётга татбиқ этиш.

### 3. Педагог меҳнатини баҳолаш.

Педагогнинг чегараланган сифати аҳамиятли бўлмасдан, уларнинг мажмуи, тула тизими аҳамиятга эга бўлади. Ўқитувчи маҳоратининг тизими, характери, янги интеграллашган тушунчаси-педагогнинг касбий потенциалида (ПКП) ўз аксини топади. Бундай таърифнинг аҳамиятли томони шундан иборатки, у ўзига кўплаб турли режали ва турли даражали ўқитувчининг тайёргарлик ва фаолият аспектларини бирлаштиради.

Касбий потенциал (лотинча potencia-умумлашган қобилият, имконият) ўқитувчининг асосий характеристикасидан иборат. У табиий ва қабул қилинган-ортирилган сифатларнинг тизимли мажмуи бўлиб, у берилган ҳолатдаги ўз вазифаларини бажара олиш имкониятидан иборат.

Касбий потенциал касбий билимлар ва қобилиятларнинг асоси бўлиб, педагогнинг фаол фикрлаш, яратиш, ҳаракат қилиш, ўзининг мўлжалларини ҳаётга татбиқ этиб режалаштирилган натижаларга эриша олиш қобилиятидан иборат.

Касбий потенциални табиий ва касбий тайёргарлик жараёнида тўпланиш тизим сифатида қараш мумкин:

$ПКП = Ппдк + Ппкук + Ппткп + Пафп$

Бу ерда Ппдк-шахснинг туғма қобилиятларидан ташкил топган потенциалнинг доимий (ўзгармас) қисми;

Ппкук-педагогнинг амалий ва касбий фаолияти ҳисобга қабул қилинадиган потенциалнинг қисман ўзгарувчан қисми.

Ппткп-олий олий таълим муассасасидаги махсус тайёргарлиги ҳисобига қўшиладиган потенциал қисми.

Пафп-педагогнинг амалий фаолиятида қабул қилинаётган потенциал қисми.

Амалий фаолиятда амалга оширувчи педагогик маҳорат асосларини касбий маҳорат-профессионализм қўринишларини ташкил этади. Аммо унинг даражаси фақат педагогик масалаларнинг қандай ечилаётганлиги ва охирида қандай натижаларга эришилаётганлиги билан аниқланади. Педагогик маҳорат махсус билимлар, шунингдек, билимдонлик, қўникмалар ва одатларда ҳамда у ёки бу фаолиятда қўлланиллаётган услубларнинг юқори даражада эгалланганлигидан ташкил топади. Педагог, қандай хусусий масалани ечмасин, у ҳар доим педагогик таъсирнинг ташкилотчиси, мураббийси ва устаси бўлиб қолади. Бундан келиб чиққан ҳолда, педагог қобилиятини тўртта алоҳида элементларга ажратиш мумкин:

- талабаларнинг индивидуал ва жамоа фаолиятларини ташкил қилишдаги қобилияти;
- ишонтира олиш қобилияти;
- билимларни узатиш ва тажриба фаолиятини шакллантириш;
- педагогик техникани эгаллай олиш қобилияти.

Ўқитувчилик фаолиятида зарурий сўз маданияти - бу аниқ сўз маданияти, товуш жараёни, тўғри нафас олиш ва сўз орасида барча хатти-ҳаракатлардан тугўғри фойдаланилиш. "Тарбиячи ташкил қилишни, юришни, хушчакчақ ва жahlдор бўлишни билиши зарур. Тарбиячи ўзини шундай тутиши зарурки, бунда унинг ҳар бир ҳаракати тарбияласин ва ҳар доим у ўзи шу пайтда нимани хоҳлашини билиши керак", деган эди А.С.Макаренко<sup>1</sup>.

Агар педагогик техниканинг турли хил билим ва кўникмаларини гуруҳларга тўпласак, у ҳолда ўқитувчи маҳорати тузилишидаги билишнинг энг умумий ташкил этувчиларини қуйидача ифодалаш мумкин:

- мимик ва пантомимик оҳангдаги сўзлашув маҳоратлари;
- ўзининг руҳий ҳолатини бошқариш ва эмоционал - ижодий кучланишини сақлаб тура олиши;
- актёрлик, режиссёрлик маҳорати билан тарбияланувчиларнинг нафақат аклига, балки сезиш органларига таъсир этиб, уларга дунёга нисбатан эмоционал - муносабатларни узатиш.

Педагогик маҳоратнинг даражасини унинг кўрсаткичларини ва мезонларини белгиламасдан туриб аниқлаш мумкин эмас.

Педагогик маҳоратнинг мезонлари - бу унинг шундай белгиларики, улардан педагогик маҳоратнинг ўлчови сифатида фойдаланиш мумкин.

Педагогдаги ўқитувчилик фаолиятининг ҳар томонлама мезонлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

1. Ўқувчи шахсини ўзaro муносабатда рағбатлантирувчи ва уларнинг далиллаштирувчи мезони.

2. Педагогнинг ўқувчи фаолияти билан боғлиқ бўлган ўқув фаолиятини ташкил этиш мезони.

3. Педагогнинг ўқитиш мазмуни билан аниқланадиган мазмун ва унинг дидактик ташкилини бошқариш мезони.

4. Педагогнинг ўқитувчилик фаолиятини баҳолаш ўлчови сифатида қаралувчи ўқитиш жараёнида касбий-педагогик фаолиятни ташкил этиш ва амалга ошириш мезони.

5. Ўқув даражасининг структурали-композицион қурилишининг мезони.

---

<sup>1</sup>. Макаренко А.С. Таълим-тарбия тажрибасидан баъзи бир хулосалар - Т.: Ўқитувчи, 1988. 139-б.

Таклиф қилинаётган тизимда педагогнинг ўқитувчилик фаолиятидаги мезонлардан 5 та асосийси ажратиб олинган. Уларнинг ҳар бири 10 балли шкала бўйича бир текисда аниқланган умумлашган сонлар педагог маҳоратининг кўрсаткичини ҳосил қилади. Юқорида келтирилган мезонларнинг мазмуни ҳақида тўлароқ тасаввур ҳосил қилиш учун, масалан:

Педагог ўқитиш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга оширишдаги мезонларни санаб ўтамиз:

1. Ўқитиш фаолиятининг барча турлари ва уларнинг бирлигига эғалик қилиши.

2. Педагог ўқитиш фаолиятининг талабалар билиш фаолиятини ташкил қилишга йўналтирилганлиги.

3. Конструктив, ташкилий ва коммуникацион билимларнинг акс этиши.

4. Педагогик техника (сўз, тестлар, аудитория билан контакт ўрнатиш, ахборотни тақдим этиш шакли ва тузилиши, ўқитиш воситаларини татбиқ этиш техникаси, эътиборни бутун аудиторияга йўналтира олиш, жавоб берувчига эътибор, эшита олиш қобилияти ва ҳоказо).

5. Педагогик меҳнатнинг яхши ташкил этилганлиги.

6. Ўқитиш шакли, усуллари, ўқитиш воситалари, ўқувчиларни ҳар бир ўқитиш босқичидаги раҳбарлик ҳарактерларининг оптимал танлагани.

7. Педагогик такт, ўзининг хулқ-атвори ва ўзини бошқара олиши.

8. Ўз фаолиятини қайта кўра олиши. Импровизация.

9. Фаолиятга ижодий ёндошув, ўқувчилар тажрибаларидан ижодий фойдалана олиши. Ўзининг педагогик топилмалари.

10. Педагогик фаолиятда шахсий сифатлардан фойдаланиш, педагогик фаолиятнинг шахсий стили.

Умумлашган шахсий-натижавий кўрсаткич ҳам ўқувчилар, ҳам педагогикага таалукли касбий фаолият натижалари билан боғлиқ. У педагогнинг ўқитиш муваффақиятидаги таълим масалаларининг комплекс ечимини, ўқувчиларнинг тарбияси ва ривожланиши, ўзининг касбий фаолиятини ривожлантириб боришини, касбий педагогик ва ижтимоий аҳамиятли шахсини ўз ичига олади.

Бу мезонларни бирламчи кўрсаткичлар билан олиб бериш ва уларни баҳолаш қуйида келтирилади.

Ўқитиш ютуқлари:

- ўқувчиларда ўз фанига нисбатан хурматни шакллантира олади
- мустаҳкам ва чуқур билимларга эриштира олади.
- мустаҳкам кўникмалар ва билимни шакллантира олади.
- билимлар, кўникмалар, билимдонликни татбиқ этишга ўргатади.
- билимлар, кўникмалар, билимдонлик тизимини шакллантиради.

### Мавзу бўйича таянч сўзлар:

Ўқитувчининг илмий изланиши, маҳорат бу ижодий изланиш, ўз усуда ишлаш, мутола қилиш, янгилик яратиш. касбий потенциал.

### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т., 1997.
2. Худойкулов Х.Ж., Одоб - ахлоқ ва тарбия дурдонаси. - Т.: 2010.
3. Мавланова Р., ва бош. Педагогика. - Т.: Ўқитувчи, 2001.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". - Т., 1997.
5. Очиллов М.О., Очиллова Н. Ўқитувчи одоби. - Т., 1997.
6. Гулбоев Т. Янги педагогик технологиялар. Маърузалар матни. - Навоий, 2000.
7. Худойкулов Х.Ж. Педагогика ва психология. Услубий қўлланма. - Т., 2010.

## 15-мавзу: Ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш

### РЕЖА:

1. Педагогик фаолият жараёнида тарбиявий услубларнинг ўрни ва аҳамияти.

2. Ўз ўзини тарбиялаш тушунчаси.

3. Ўз-ўзини тарбиялаш жараёнида ўз-ўзини ишонтириш услубидан фойдаланиш.

1. Педагогик фаолият жараёнида тарбиявий усулларнинг ўрни ва аҳамияти.

Тарбия назарияси педагогика фанининг муҳим таркибий қисми бўлиб, тарбиявий жараённинг мазмуни, шакл, услуб, восита ва усуллари ҳамда уни ташкил этиш муаммоларини ўрганади. Ҳаётга янгича сиёсий ва иқтисодий нуқати назардан ёндашиш ўсиб келаётган ёш авлод тарбия билан боғлиқ жараёни ҳам қайтадан кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Тарбия-муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида шахсни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёни. Бошқачароқ талқин этилганда, тарбия ёш авлодни муайян мақсад йўлида ҳар томонлама вояга етказиш, унда ижтимоий онг ва хулқ-атвори таркиб топтиришга йўналтирилган фаолият жараёни.

Тарбия-шахсни мақсадга мувофиқ такомиллаштириш учун уюштирилган педагогик жараён бўлиб, тарбияланувчи шахсига мунтазам ва тизимли таъсир этиш имконини беради.

Тарбия жараёни ўқитувчи ва ўқувчи (тарбиячи ва тарбияланувчи)лар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамкорлик жараёни. Тарбия жараёнида тарбияланувчининг онги шаклланади, ҳис-туйғулари ривожланади, ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ижтимоий алоқаларни ташкил этишга хизмат қиладиган хулқий одатлар ҳосил бўлади.

Тарбия жараёнида болаларнинг ҳаёти ва фаолиятини педагогик жиҳатдан тўғри уюштириш ғоят муҳим. Фаолият жараёнида бола ташқаридан келаётган тарбиявий таъсирларга нисбатан маълум муносабатда бўлади. Бу муносабат шахснинг ички эҳтиёж ва хоҳишларини ифодалайди. Психолог ва педагогларнинг тадқиқотлари шахсга ташқи омилларнинг (хоҳ салбий, хоҳ ижобий) таъсири боланинг уларга муносабатига боғлиқ-

лигини кўрсатади. Бола фаолиятини уюштиришгина эмас, балки тарбияланувчининг бу фаолиятга нисбатан турли кечинмаларни қандай англаши, баҳолаши, ҳис қилиши, улардан ўзи учун нималарни олаётганлигини билиши зарур. Зеро, тарбия ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашиб бориши асосида кечади.

Ҳар қандай ижтимоий жамиятда ёш авлод тарбия муайян мақсад асосида ташкил этилади. Тарбия мақсади ижтимоий жамият тараққиёти, унинг ривожланиш йўналиши, ижтимоий муносабатлар мазмунидан келиб чиқиб белгиланади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ташкил этилаётган тарбиянинг асосий мақсади комил инсонни тарбиялаб вояга етказишдан иборат.

Тарбия жараёни, одатда, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини қайта тарбиялаш, боланинг атроф-муҳитдаги у ёки бу ҳодисалар билан салбий алоқаси натижасида вужудга келадиган муносабатлар ва уларнинг хусусиятларини бартараф этиш билан олиб борилади.

## 2. Ўз ўзини тарбиялаш тушунчаси.

Ўз-ўзини тарбиялаш шахсни ўзида ижтимоий қадрга эга бўлган фазилатларни ҳосил қилиш ва такомиллаштиришга ҳамда салбий хислатларни бартараф этишга қаратилган ички фаолият сифатида таърифланади.

Ўз-ўзини қайта тарбиялаш шахснинг ўзидаги салбий одалар, характеридаги зарарли сифатларни йўқотиш, уларни бартараф этишга қаратилган ички фаолияти жараёни. Бола ҳулқидаги "оғиш"лар оиладаги носоғлом муҳит, ота-онанинг тарбияда йўл қўйган хатолари, ўқитувчи фаолиятидаги камчиликлар асосида вужудга келади. Қайта тарбиялаш жараёнида салбий ҳулқни ҳосил қилганлиги боис, шароит ўзгартирилади, қайта тарбиялашда мактаб ва шахс шахсий таъсирини оила, жумладан, ота-она ҳам маъқуллаши лозим.

Демак, қайта тарбиялаш ўқувчининг ўзигагина эмас, балки унинг ота-онасига ҳам қаратилиши лозим.

Тарбия жараёнини ташкил этиш жараёнида бир қатор вазифалар ҳал этилади. Ушбу вазифалар ижтимоий тарбия мақсадидан келиб чиқиб белгиланади. Айни вақтда ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш жараёнида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш муҳим аҳамият касб этмоқда:

а) ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, уларда кенг дунё-қарашни таркиб топтириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндашув, режа ва амал бирлиги ҳиссини уйғотиш;

б) ўқувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятлар мохиятидан огоҳ этиш, чуқур билим ва тафаккурга эга ёшларни тарбиялаш, уларнинг онгини бойитиш;

в) умуминсоний ахлоқ меъёрлари (одамийлик, камтарлик, ўзаро ёрдам, меҳр-муҳаббат, мурувват, адолатни ёқлаш, инсонпарварлик, ахлоқсизликка нисбатан нафрат ва ҳоказолар) мохиятини англаш, ўқувчиларда муомала одоби, юксак маданиятни қарор топтиришга эришиш;

г) ўқувчиларда ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга ҳурмат руҳида ёндашиш ҳисси ва фуқаролик туйғуси, ижтимоий бурчга масъулликни қарор топтириш;

д) табиатни муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни юзага келтириш борасидаги масъулиятни таркиб топтириш;

ж) ватанпарварлик ва байналминаллик туйғусини шакллантириш, ўзга миллат ва халқларни ҳурмат қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини қамситмаслик туйғусини қарор топтириш;

з) мустақил Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатига тўғри ва ҳолисона баҳо беришга ўрганиш;

и) инсонни олий қадрият сифатида қадрлаш, унинг шаъни, ор-номуси, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва бурчларини ҳурмат қилишга ўргатиш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ижтимоий тарбиянинг умумий вазифалари ана шулардан иборат.

Шу билан бирга ижтимоий тарбия йўналишлари - ахлоқий, ақлий, жисмоний, экологик, иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий тарбиянинг хусусий мақсадидан келиб чиққан ҳолда, бир қатор вазифалар амалга оширилади. Чунончи:

1) ахлоқий тарбияни ташкил этиш жараёнида - ўқувчиларни ижтимоий-ахлоқий меъёрлар мазмунидан хабардор этиш;

2) ақлий тарбияни йўлга қўйиш чоғида - ўқувчиларни илм-фан, техника ва технология борасида қўлга киригилаётган ютуқлар, янгилик ва кашфиётлардан бохабар этиш;

3) жисмоний тарбияни ташкил этиш жараёнида - ўқувчиларни ўз соғлиқларини сақлаш ва мустаҳкамлаш, организмни чиниктириш, жисмоний жиҳатдан тўғри ривожланиши ҳамда унинг ишчанлик қобилиятини ошириш борасида ғамхўрлик қилиш;



4) эстетик тарбияни олиб бориш жараёнида - ўқувчиларда эстетик хис-туйғу, эстетик дидни тарбиялаш;

5) экологик тарбияни олиб бориш чоғида - ўқувчиларга экологик билимлар бериш асосида шахс, жамият ва табиат бирлиги ҳамда алоқадорлигини ўқувчиларга тушунтириш;

6) иқтисодий тарбияни ташкил этиш жараёнида - ўқувчиларга иқтисодий билимларни бериш асосида мамалакат иқтисодий барқарорлигини таъминлаш;

7) ҳуқуқий тарбияни ташкил этиш жараёнида ўқувчиларга давлат Конституцияси, давлат ҳақидаги таълимот, фуқаролик, оила, меҳнат, хўжалик, маъмурий нафақа, суд ишларини юри-тиш ва бошқариш ҳуқуқларининг маъносини тушунтириш;

8) ғоявий-сиёсий тарбияни ташкил этиш жараёнида - ўқувчиларга сиёсий билимларни бериш, ўқувчиларда сиёсий фаолият кўникма ва малакаларини таркиб топтириш, сиёсий маданиятни шакллантириш ва ҳоказолар.

Тарбия қонуниятлари. Тарбия мақсади ҳамда вазифаларини амалга ошириш учун тарбия жараёнининг ўзига хос қонуниятларини англаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Тарбия жараёни ўзига хос хусусиятларга эга. Унинг энг муҳим хусусияти аниқ мақсадга йўналтирилганлиги.

Тарбия жараёни кўп қиррали жараён бўлиб, унда тарбия моҳиятини ёритишга хизмат қилувчи ички ва ташкил (субъектив ва объектив) омиллар кўзга ташланади ўрин тугади.

Тарбия жараёнининг яна бир хусусияти унинг узоқ муддат давом этиши. Тарбия натижалари тез суръатда ёки яққол кўзга ташланмайди. Ўзида инсоний сифатларни намоён эта олган шахсни тарбиялаб вояга етказишда узоқ муддатли давр талаб этилади.

Тарбия жараёнининг яна бир хусусияти унинг ўзлуксизлиги саналади. Таълим муассасасида олиб борилаётган тарбия жараёни бу - ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги ўзлуксиз, тизимли ҳаракатлари жараёнидир.

Тарбия жараёнининг яна бир хусусияти - бу унинг яхлит ҳолда тизимли ташкил этилишидир. Яхлитлик шундан иборатки, тарбия жараёнининг мақсади, мазмуни ва методларини бирлиги шахсни шакллантириш ғоясини амалга ошириш учун хизмат қилади.

Тарбиянинг яна бир хусусияти шундан иборатки, бу жараён икки томонлама алоқа хусусиятига эга бўлиб, унда боланинг ўзи ҳам фаол иштирок этади.

Икки томонлама алоқа икки йўналишда, яъни ўқитувчининг ўқувчига кўрсатадиган таъсири (тўғри алоқа) ҳамда ўқувчининг ўқитувчига нисбатан муносабати (тескари алоқа) тарзида ташкил этилади.

3. Ўз ўзини тарбиялаш жараёнида ўз-ўзини ишонтириш услубдан фойдаланиш.

Талабаларга тарбиявий таъсир кўрсатувчи манбаалар ичида ўқитувчи муҳим ўрин тутади. Хўш, ўқитувчи талабанинг онги, сезгиси, фаолияти, ҳатто ҳаракатларига таъсир кўрсатувчи қандай услублар кўламига эга? Барча ёш ўқитувчилар ҳам бу услубларни тушуниб, талабаларга таъсир кўрсатишда улардан фойдаланадиларми?

Мулоқотнинг ижтимоий психология назарияси ва педагогик тажрибаларни ўрганиш-коммуникатив, яъни педагогик таъсир этиш икки услубдан-ишонтириш ва уқтиришдан иборат эканлигини кўрсатади.

Ишонтириш-талабаларга ҳатти-ҳаракатлар тўғрилиги ва зарурлигини, шунингдек, айрим хулқ-атворлар нотўғрилигини тушунтириш ва исботлаш. Ишонтириш жараёнида талабаларга янги билим, кўникма ва малакалар ҳақида ахлоқий сифатлар шакллантирилади. Бўлар эса, талабалар ва уларнинг атрофидагилар учун меъёр (мезон) бўлиб ҳисобланади.

Ўқитувчининг ҳар қандай тарбиявий таъсир кўрсатиши, оқибат натижада талаба руҳиятига ҳар томонлама таъсир кўрсатишга, яъни талабаларда ижобий ҳиссиётларни: хулқ-атвор, муносабатлар, ҳатти-ҳаракатларни шакллантириш ва мустаҳкамлашга йўналган бўлади.

Ўсиб бораётган ёшлар ижтимоий муҳит ва табиат билан ҳам ўзаро таъсирланадилар. Бу ўзаро таъсир натижасида уларда ишонч, яъни билимлар ва муносабатлар, ахлоқий меъёрлар мажмуи вужудга келади. Энди ишонтириш педагогик таъсир этиш натижаси эканлигини кўриб чиқамиз.

Ишонтириш ҳақиқий ва сохта бўлиши мумкин. Ҳақиқий ишонч ҳақиқий воқеликка мос келади ва шахснинг жамият олдидаги кадр-қимматини оширади. Ўзининг ҳақиқий ишончига содиқ бўлиши, ҳатто ўлимга ҳам рози бўлади. Масалан, Ватанга содиқлик руҳида тарбияланган аскарларимизни жанг майдонида кўрсатган матонатлари. Сохта ишонч эса, аввало, синф жамоаси, қолаверса, жамият учун ҳам зарарли бўлган

одагларни шаклланишига олиб келади. Сохта ишонч талабаларнинг ўзи ва атрофдагилар таъсирининг умумлашуви нагжасида вужудга келади.

Биз талабаларда шаклланган сохта ишончларга қай даражада кўп рўпара бўламиз? Биз уларни сеза оламизми? Айрим талабаларда сохта ишонч ҳосил бўлишининг сабаблари куйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

\* фақат аъло баҳога ўқиш-бу билим олишда кўр-кўроналик, куруқ ёдлашга олиб бориш;

\* ўзини ўта итоаткорона тутиш-бу талаба фаолиятини ниҳоятда суст бўлишига олиб келади. Меъёргади ўқитувчидан баъзан танбеҳ олиб ҳам туриш керак;

\* ўқитувчини алдаш-бу талаба ўта ақлли ва топқирлигидан далолат беради;

\* мактаб ички тартиб-қоидасини бузиш-фақат кучли характерга эга бўлган талабагина доимо ўқитувчи томонидан танқид қилиб турилади;

\* ҳаддан ташқари кўп меҳнат қилиш-бу керак бўлмаган тиришқоқлик.

Юқоридаги бундай ишончлар талабада шаклланиб, аста-секин боқимандалик, ўқиш ва меҳнат фаолиятида сусткашлик қайфиятини содир қилади.

Сохта ишончни бартараф қилиш ўқитувчидан астойдил меҳнат қилишни талаб қилади. Буни уч йўналишда олиб бориш лозим: синф жамоасида соғлом ижтимоий фикрни шакллантириш, муҳим аҳамият касб этувчи ҳаётий тажриба яратиш, сохта ишончларни асосли равишда инкор қилиш. Биринчи навбатда жамоани шакллантиришга, уни яқин келажакда ва истиқболлий ривожланиш йўналишларини яратишга алоҳида эътибор бериш зарур. Ўқитувчи ҳар бир талабадаги ижобий хислатларга асосланган ҳолда, аҳил синф жамоаси ёрдамида сохта ишончларни бартараф қилишда қийинчиликларга дучор бўлмайди. Сохта ишончларни ўзгартиришнинг куйидаги усуллари мавжуд:

- талабага ўзини бошқалар билан таққослашга ундаш унинг фикрига қарама-қарши фикрда бўлган киши билан яқиндан танишиш (масалан, бола ўқишни хохламайди, лекин унинг таниш ўртоғи кўп ўқийди ва билади, аммо ўзининг "куруқ ёдловчи" ёки "ўта билимдон" қилиб кўрсатмайди);

- нотўғри карашлар ва ишонч оқибатда нималарга олиб

боришини кўрсатиш (масалан, ана шундай хислатларга эга бўлиб ўз ҳаётини барбод қилган, ўз эрки, ғурури ва виждонини йўқотган кишилар ҳақида сўзлаб бориш. Бунинг учун ҳаётий мисоллар, бадий асар, кинофильмлар ва бошқалардан фойдаланиш мумкин);

- сохта ишончни ёқлаб ҳимоя қилувчи талаба фикрини манتيкий ривожлантириб, уни ҳайратга солувчи ҳолатга етказиш (масалан, барча талабалар ўқитувчиларни алдаш, ички тартибқоидаларга риоя қилмаслик нималарга олиб бориши мумкин);

- талабага ўз қарашларини асослаб, исботлашга имкон бериш ва уларни алоҳида бирма-бир инкор қилиш. Сохта ишончлар ҳақиқий ишонч, ахлоқий тасаввурлар, қадриятлар ва одатлар билан алмашилиши лозим.

Нотўғри ишончларни бартараф қилиш учун қуйидаги услублардан фойдаланилади:

- ўсмир маънавий дунёсида қадриятлар тўқнашувини вужудга келтириш кучли бўлиш истаги, спортнинг ихтиёрий тури билан шугулланиши мумкин, бунинг учун эса кун тартибига риоя қилиш ва астойдил ўқиш зарур. Радио (фото) тўтаракка аъзо бўлиши мумкин, лекин бунинг учун икки бахосиз ўқиш керак ва ҳоказо;

- ўқитувчи ахлоқий сифатларини талабанинг нотўғри хулқи билан тўқнашуви: талабанинг қўпол муомаласига ўқитувчи ўзини тутиб, мулоҳимлик билан жавоб беради. Талаба шахси ва ғурурини поймол қилмайди;

- талаба нотўғри хатти-ҳаракат қилганда ҳам ишонч билдириб, унинг қарашларини ўзгартириш ("Мен сенга қандай ёрдам берай? Сени қийналаётганингни кўриб турибман-ку!");

- талабадаги нотўғри ишонч билан, синф талабалари амалий тажрибасига асосланган соғлом фикр ўртасида кураш пайдо қилиш, унинг ҳар бир нотўғри фикрини алоҳида-алоҳида инкор қилиш.

Инсондаги ишонч учта ташкил этувчилар билан: билиш-сезги-хулқлардан ташкил топган бўлади. Ишончларда: тушундим-бошимдан кечирдим-қабул қилдим-амал қиламан формуласига риоя қилинади, яъни тушунаман, ҳамдардлик билдираман, ўзимга қабул қиламан, ўз фаолиятим ва хулқимда бунга амал қиламан.

Ишонтиришнинг бирор ташкил этувчисига амал қилмаслик ҳам, тарбиявий иш самарадорлигини пасайтириб юборади. Ма-

салан, талаба у ёки бу вазиятда ўзини қандай тутиш кераклигини билади, лекин бундай хулқ-атвор зарурлигини тушунмайди, қабул қилмайди. Демак, бундай ҳолатда талабада фақат билиш шаклланган ҳолос. Инсон ўзини қандай тутиши лозимлигини билиши, айнан шундай тутиши лозимлигини тушуниши, Лекин бунга ўзини мажбур қилолмаслиги мумкин. Демак, бу унинг иродавий сифатлари ривожланмаганлиги, хулқ-атвор қисмларига амал қилиш малакаси таркиб топмаганлигини англатади.

Ишонтиришга қўйиладиган талаблар

Ишонтириш билимлар, қарашлар ва хулқ-атвор меъёрлари тизими бўлибгина қолмай, балки уларнинг шакллантириш услублари ҳам. Ишонтириш ёрдамида янги қарашлар, муносабатлар шаклланади ёки нотўғри қараш ва муносабатлар ўзгаради.

Ишонтиришдан самарали ўзаро таъсир этиш воситаси сифатида фойдаланиш учун қуйидаги шартлар бажарилиши лозим:

Ишонтирувчи кучга эга бўлиши. Бу унинг мазмуни ва ишонтирувчининг обрўга эга бўлиши билан белгиланади. Талаба ўқитувчини қанчалик кўп ҳурмат қилса, унга ишониши ҳам шунча осон бўлади; ишонтириш жараёнини ташкил этишда талабанинг руҳий киёфасининг ўзига ҳослигини эътиборга олиш. Бунинг учун педагог талаба олий асаб тизимининг типини, унинг таълим, тарбия ва камолотнинг ривожланиш доирасини билиши зарур. Масалан, бола кучли мувозанатлашмаган (сангвиник) асаб системаси типига эга бўлсин. Унда тормозланиш жараёнига нисбатан қўзғалиш жараёни кучли бўлади. Бу ҳолда, ўқитувчи ишонтириш жараёнини талаба асаб системасини оргикча қўзғалишига йўл қўймайдиган, қўшимча ҳиссиёт (ҳаяжон) содир қилмайдиган тарзда олиб бориши лозим; ўзаро таъсир этиш вақтида ўқитувчи ва талабаларнинг интеллектуал-ҳиссий ҳолатини эътиборга олиш. Масалан, бола ниҳоятда ҳаяжонланган ҳолатда бўлса, унда салбий ҳиссиётлар устунлик қилади. Агар ўқитувчи бунини эътиборга олмай, талабага унинг ноҳақ эканлигини исбот қилишга ҳаракат қилса, ҳеч қандай ижобий натижага эриша олмайди.

Фикр, сезги ва иродавий хислатлар бир бутун яхлитликни ташкил этгандагина ишонтириш услуби хақиқий ҳаракатлантирувчи кучга айланиши мумкин. Бу услубни қўллашда ишонтириш таркиби (билиш, сезги ҳиссиёт, хулқ-атворга) амал

қилиш мақсадга мувофиқ Дастлабки икки ташкил этувчиларни бир-биридан ажратиб бўлмайди ва шундай бўлиши ҳам керак. Ўқитувчи талабанинг ижобий хислатларини эътиборга олиб, унинг билишига асосланган ҳолда, янги билимларни унинг ҳиссётига таъсир кучини янада ошириш йўларини излайди.

Ўқитувчининг ўз сўзига қатъий ишониши, ҳайратланиши, ўз фикрларини ҳимоя қилишга тайёр эканлиги, тушунтирилаётган қоидаларнинг асосли тарзда исботланиши, ишонтириш услубининг кучини янада оширади. Бу талабаларни илҳомлантирувчи, ҳаяжонга солувчи, уларнинг ҳаёлини қамраб олувчи ва узоқ вақт ёдларида сақланувчи жонли (ёркин) сўзлар билан ифодаланadi. Ишонтирувчи ва ишонувчининг фаол ўзаро таъсир этишларини ҳам ташкил этишга эътибор бериш лозим. Ишонтириш услубидан болани қайта тарбиялашда фойдаланиш учун унинг ижобий хислатларини, кизикишларини билиши ва эътиборга олиши зарур. Қайта тарбияланувчининг ижобий хислатларига таянган ҳолда тарбиячигина тез орада унинг ишончини қозониши мумкин.

Талаба билан мулоқотда бўлганда, аввало, унинг ўзини ҳам иккилантириб турган сохта ишончларни "аста-секин", "пайпаслаб" топиш, асосли тарзда уларни бартараф қилиши керак. Агар талаба ишонтириш жараёнини эркин, ўз хоҳиши билан қабул қилса, мақсадга эришиш осон бўлади.

Ишонтириш натижаси ўқитувчи сўзи ва хулқига ҳам боғлиқ. Тарбиячининг сўзи ва иши бир бўлиши керак. Масалан, жаҳд устида талабани жазолаш билан қўрқитиб, сўнг эсдан чиқариб қўйиши, талабаларга ваъда бериб уни бажармаслик ва ҳоказолар, ишонтириш услуби самарасини пасайтиради. Энг ёмони ўқитувчи талабаларга ҳақиқат ҳақида баландпарвоз сўзларни айтса-да, ўзи кундалик иш фаолиятида унга амал қилмаслиги. Бундай ўқитувчи жамиятга катта зарар келтиради.

Баъзан мактабларда фақат оғзаки тадбирлар ўтказишга ниҳоятда кўп эътибор берилади. Биринчидан, бундай тадбирлар болаларни зериктиради, иккинчидан, улар ҳаётдаги аниқ вазиятларда ўзини қандай тутишга оид тажрибани эгаллаб олмайдилар. Натижада, ижтимоий ҳаётда сусткаш бўлиб етишадилар. Лекин бундай оғзаки тадбирларни ҳам юқори даражада ишонтириш салоҳиятига эга бўладиган қилиб ўтказиш мумкин. Масалан, синф (гурух) талабалари ўртасида "Бепуллик

қанчага тушади?" мавзусида йиғилиш ўтказиш мумкин. Ўқитувчи талабалар ёрдамида ижтимоий таъминот фонди, жамғармалар, республикамиз фуқароларини ҳуқуқлари, бурчлари ва эркинликлари ҳақида ахборот беради.

Ишонтириш услубини қайта тарбиялаш, яъни қараш ва муносабатларни шаклантиришда қўллаш-у ёки бу хислатларни намойиш қилиш зарур бўлган махсус вазиятлар яратиш орқали амалга оширилиши ҳам мумкин. Тасодифий вазиятлар қуйидаги йўллар билан яратилади: дарсда-талабага қутилмаган савол бериш, дарсдан ташқарида нотўғри хатти-ҳаракатлига иқдор бўлишига мажбур қилиш, ўйинда эса ҳаракат қилишга ундаш (масалан, ғира-шира ўрмонда разведкага бориш). Мактаб ҳаёти тасдиқланганидек, баъзан талаба ўз имкониятларини рўёбга чиқаришга шароит бўлмагани учун ҳам тарбияси оғирлар қаторига қўшилиб қолар экан. Ундан дарсда онда-сонда сўрашади, ўқитувчи унинг билимига ишонмайди, дарс пайтида унга диққат-эътибор беришга вақтдан қизғанади. Агар талабага тез-тез мурожаат қилинса, унга ўз фикрини баён қилиш таклиф этилса, унинг хулқида шаклланиб қолган стереотиплар аста-секин ўзгара бошлайди.

Ички зиддиятли ҳолат: уни ҳам, буни ҳам хоҳлайди, лекин биттасининг иложи бор. Масалан, иккита тўғаракка ёзилишни хоҳлайди, лекин биттасига ёзилса ҳам бўлади. Баъзан танлаш вазияти ва зиддият бир-бирига мос тушади, Лекин айрим ҳолларда зиддият ечими топилмаган қарама-қаршиликларга боғлиқ бўлади: бир ўқитувчи уйдан кетганга интилади, лекин бошқа ўқитувчи ёрдамида ҳал этилиши мумкин, акс ҳолда у талаба характерида нуқсон пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Зиддиятли вазият болалар ўртасида аста-секин пайдо бўлади. Зиддиятлар турли сабабларга кўра содир бўлиши мумкин, гуруҳ йўлбошчилари ўртасида, расмий ва норасмий фаоллар ўртасида ва бошқалар. Шахс ва гуруҳ ўқи барча синф талабалари ўртасидаги зиддият жуда хавфли. Зиддият салбий кечинмалар (изтироб)ни янада кескинлаштириб, уларни янада барқарорлигини оширади: баъзилар хафа бўладилар, баъзилар қасос олишга уринадилар, учинчи тоифадагилар эса кўрқадилар, ўз кўрқовларини дўқ-пўписа орқали яширадилар ва ҳоказо. Зиддиятларни бартараф қилиш ўқитувчидан юксақ маҳорат талаб қилади. Энг аввало уларни сабабларини, ҳар бир

талабанинг бу ҳақдаги фикрини аниқлаш, педагогик зийраклик, такт, журъатга эга бўлиш ва зиддиятларни бартараф қилишда чидамли бўлиш зарур. Қийинчиликларни енгиш вазиятлари табиий ҳолда яратилади: оғир тарбияли бола тўсатдан ўзи учун тартиб бузмасликка, аксинча, уни қўллаб-қувватлашга мажбур бўлиб қолади, бўйсунмиш ўрнига раҳбар (лавозими) вазифасини бажарувчи вазиятга тушиб қолади.

### Мавзу бўйича таянч сўзлар:

Тарбия, ўз-ўзини тарбиялаш, эстетик тарбия, методика, ўз-ўзини ишонтириш, ишонтириш, натижаси.

### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т., 1997.
2. Худойкулов Х.Ж., Одоб - ахлоқ ва тарбия дурдонаси. - Т., 2010.
3. Мавланова Р., ва бош. Педагогика. - Т.: Ўқитувчи, 2001.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". - Т., 1997.
5. Очилов М.О., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. - Т., 1997.
6. Гулбоев Т. Янги педагогик технологиялар. Маърузалар матни. - Навоий, 2000.
7. Худойкулов Х.Ж. Педагогика ва психология. Услубий қўлланма. - Т., 2010.
8. Махмудов Ю.Ф., Худойкулов Х.Ж., ва бошқалар. Миллий гуруҳ-маънавий қомиллик мезони. -Т.: ДЗАЙИН ПРЕСС. 2011й.



## 16- Мавзу. Ўқитувчи раҳбарлиги ва раҳбарлик маҳорати

### РЕЖА:

1. Таълим-тарбия тизимида синф раҳбарининг ўрни.
2. Раҳбар қандай киши бўлиш керак ва унга қўйиладиган талаблар.
3. Ўқитувчининг раҳбарлик маҳорати.

#### 1. Таълим-тарбия тизимида синф раҳбарининг ўрни.

Ўқитувчи ҳамма вақт, ҳар бир ишда, ҳамиша олдинда ва у доимо раҳбарликни қўлдан бермаслиги лозим. Касбига нисбатан, ўз фанига нисбатан, ўз шогирдларига ва раҳбарлик қилаётган синфига нисбатан у доимо раҳбардир. Айниқса синф раҳбари сифатида унинг ўрни чексиздир.

Синф раҳбари таълим муассасасининг тарбия тизимидаги таянч педагоглардан бири бўлиб, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил этиш, ўтказиш ва мувофиқлаштириш, синф ўқувчилари учун белгиланган талабларни бажаришлариини ташкил қилиш каби вазифаларни бажаради.

Синф раҳбари фаолиятини самарали ташкил эгишда ўқувчиларнинг феъл-атворини, оилавий ҳолатини, имконият ва интилишлариини, кизиқишларини атрофлича таҳлил этиш ҳамда ҳар бир ўқувчи учун мақбул алоҳида муносабатни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса, болалар тарбияси учун бевосита ота-оналар билан ҳамкорлик ишлари олиб боришни, ўқувчи шахсидаги ахлоқий, ақлий ва жисмоний жиҳатларни такомиллаш-тиришда етарли тарбиявий муҳит яратишни тақозо этади. Шунингдек, оилалар хилма-хиллиги ва ота-оналарнинг имкониятларини (ижтимоий, маънавий-ахлоқий, иқтисодий) тўғри баҳолай олиш зарур.

Бошланғич синф ўқитувчилари ўзига бириктирилган синфга раҳбар ҳисобланадилар. 5-9-синфларда, тартибга кўра, асосан бир педагог бир синф учун мазкур вазифани бажаради. Аксарият ҳолларда бир ўқитувчи маълум бир синфга 5-синфдан 9-синфгача раҳбарлик қилади. Бу эса ўқувчилар билан мунтазам ва тизимли тарбиявий ишлар ташкил этилиши учун имконият яратади.

### **Синф раҳбари ишии режалаштириш**

Синф раҳбари ўз ишини режалаштиришда ойлик, чораклик, йиллик ва истикболли иш режаларини мувофиқлаштирилган ҳолда ишлаб чиқилиши лозим. Ҳар бир ўқувчии ақлий ва ижодий (жисмоий ва бошқалар) жиҳатдан такомилланггириш мақсадида тарбиявий ишларнинг қуйидаги тартибдаги (намуна) истикбол режасипи ишлаб чиқиши мумкип:

#### **I босқич (5-синф). Ташкилий жараён.**

Ўқувчиларнинг ижтимоий ҳолатини ҳар томонлама таҳлил этиш. Уларнинг психологик хусусиятларини ўрганиш. Синфдаги ўқувчиларнинг диагностикака таҳлилин ишлаб чиқиш. Мувофиқ услубий хизматни йўлга қўйиш. Ўқувчилар ўзини-ўзи бошқариш тузилмасини шакллантириш. Уларга дарс берадиган ўқитувчилар жамоасига мослашув жараёнини ташкил қилиш.

**II босқич (6-синф). Ўқувчилар ўзини-ўзи бошқарувини ташкил этиш.**

Синфда болалар, ота-оилалар ва педагоглар жамоасини тузиш. Ўқувчилар жамоасини шакллантириш ва диагностика таҳлилин ишлаб чиқиш. Синф тарбиявий ишлар тизимини такомиллаштириш. Синф ўқувчиларининг синфдаи ва мактабдан ташқари мустақил ижодий фаолияти бўйича йўланмалар бериб бориш.

**III босқич (7-синф). Ўзликни англаш ёки ташаббусни шакллантириш.**

Ҳар бир ўқувчини намунавий синфни эҳтиёжига қўра ижтимоий аҳамиятли фаолиятга йўналтириш ва қўпинча ижодий қобилиятларини намоён этиш учун шароитлар яратиш. Мақабдан ташқари таълим муассасалари фаолияти билан атрофлича таништириш. Касбга йўналтириш.

**IV босқич (8-синф). Шахслараро муносабатни ривожлантириш.**

Ўқувчилар иштирокида ижтимоий муаммоларни ечиш, саломатлик, умумий маданият каби қатор йўналишларда фаоллаштирилган курслардан фойдаланиш. Шахслараро муносабатларни ривожлантириш.

#### **V босқич (9-синф). Ўзига ишонч.**

Ўқувчиларнинг ўзини ўзи тарбиялаш фаолиятини такомиллаштириш ва ҳар бир ўқувчининг алоҳида ўзига хослиги тушунишини мустаҳкамлаш. Касб танлашга йўналтириш. Шахсда масъулиятлилиқ тушунчасини шакллантириш.

Синф тарбиявий ишини режалаштиришда, анъанага кўра, умум-мактаб тадбирларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Жумладан, анъанавий умумхалқ байрамлари ("Наврўз", "Муस्ताқиллик куни", "Ҳайит", "Ўқитувчи ва мураббийлар куни" ва бошқалар), тадбирлар (кўрик-танловлар, "Навоийхонлик" ва бошқалар)да, мактаб, маҳалла жамоатчилиги ҳаётида синфнинг ўзига хос ўринга эга бўлишида синф раҳбарининг ташаббускорлиги муҳимдир.

Тарбиявий ишларни режалаштиришда синф ўқувчиларининг ҳамкорлигига суяниш лозим, ҳар бир ўқувчининг фикр-мулоҳазалари, таклифларини эътиборга олиш шарт. Синф ўқувчиларининг қизиқиш ва қобилиятларида келиб чиқиб, уларнинг мактабдан ташқари таълим муассасаларига, фан тўғррақларига жалб этилиши ўқув йили давомида узлуксиз ижодий жарасида бўлишларига замин яратади.

Ваташтарвар, юксак ахлоқли, билимли, эркин фикрлайдиган, мустаҳкам иродали ўқувчи шахсиини шакллантиришда синф раҳбарининг оила, фан ўқитувчилари, мактабдан ташқари таълим муассасалари, психолог, ўқувчиларнинг ўзини-ўзи бошқариш тузилмалари билан мунтазам ҳамкорлиги қутилган натижаларни беради.

### Синф раҳбарларининг услубий бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш

Синф раҳбарларининг услубий бирлашмаси таълим муассасаси ички ўқув-тарбия жараёни бошқарув тизимининг таркибий қисми бўлиб, барча синф раҳбарларининг ишини ташкилий ва илмий-услубий жиҳатдан ривожлантириб боради.

Синф раҳбарлари услубий бирлашмаси тарбиявий ишлар иазарияси ва амалиёти бўйича иазарий, амалий-услубий тайёргарлик даражасини ошириш; таълим муассасасида ўқувчи шахси тарбиясига ягона муносабатга мойилларини шакллантириш; замонавий иш услублари ва шакллариини, илғор тарбиявий технологияларини амалиётга жорий этиш; синф жамоаларининг тарбиявий тадбирларини ташкил қилиш, ривожлантириш на педагогик таҳлил этиб бориш каби вазифаларни бажаради.

Синф раҳбарлари услубий бирлашмаси синф жамоатчилиги фаолиятини таълим муассасаси даражасида режалаштиради ва таҳлил этади, шуинингдк:

— синф жамоалариининг тарбиявий фаолиятини мувофиқлашти-  
тиради, уларнинг ўзаро ижобий таъсирлари ташкил этади;

— мунтазам равишда ўқувчилар тарбия тамойилларини  
ишлаб чиқади ва режаларга тузатишлар киритали;

— синф раҳбарларининг замонавий тарбия технологияла-  
рини, тарбиявий ишларининг шакл ва услубларини ўрганиш  
ҳамда ўзлаштиришни ташкил этади;

— мактаб педагоглари ва ўқувчиларининг ижодий ҳамкор-  
лик фаолияти лойиҳаларини ишлаб чиқади;

— бирлашма аъзоларининг ишчи баҳолайди, оммалашти-  
ради, энг яхши синф раҳбарларини рағбатлантириш бўйича  
мактаб маъмуриятига тавсиялар беради.

Синф раҳбарлари услубий бирлашмаси иш рсжасида ўқув-  
чиларнинг тарбияланганлик даражаси, ҳолати ҳақида таҳли-  
лий маълумот тайёрланиб, бирлашманинг календар иш рсжа-  
сида, синф тадбирлари жадвалида, синф раҳбарининг касб  
маҳоратини такомиллаштириш рсжасида, ижодий ишлар,  
маърузалар тайёрлаш, синф раҳбарлари илғор иш тажрибала-  
рининг ўрганилганлиги ва умумлаштирилганлигида ўз акси-  
ни топиши лозим.

Синф раҳбарлари услубий бирлашмасида - услубий бир-  
лашма аъзолари рўйхати, йиллик иш рсжаси, услубий бир-  
лашма мажлис баёномалари, фаолият дастури ва лойиҳала-  
ри, таҳлилий материаллар, синф раҳбарларининг илғор таж-  
рибалари, иш жилдлари, ҳужжатлари бўлиши лозим.

Услубий бирлашма раҳбари услубий бирлашма фаолияти-  
ни режалаштириш, ўтказиш ва таҳлил этиб бориш, бирлаш-  
ма иши ҳақидаги ҳужжатларни ўз вақтида тузиш, расмийлаш-  
тириш, услубий тажрибаларни жамлашга масъулдирлар.

Синфда олиб борилган тарбиявий ишларни таҳлил этиш  
бўйича йўриқнома

Синф раҳбарининг тарбиявий ишларга онгли ёидашуви,  
аниқ таҳлиллар асосида вазифаларни белгилаши кутилган  
самараларни беради.

Тарбия мақсади: Ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривож-  
лантириш, уларнинг маънавий ва жисмоний жиҳатдаи ўзини  
ўзи ривожлантиришларига муҳит ва имкониятларини намоён  
этишлари учун шароит яратиш.


Тарбия мазмуни: Шахсининг ички (маънавий) ва ташқи  
(муомала маданияти, ўзини тута билиш, ўзининг атрофлича

камол топиши жиҳатларини намоён этиш) маданиятини шакл-лантиришга йўналтириш.

**Тарбиявий ишлар вазифаси:** Ўқувчиларнинг маънавиятини шакл-лантириш. Ўқувчини истисдод ва қобилиятини эркин иамон этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш. Эркин фикрлашга ўргатиш, ҳушёрлик ва огохликни тарбиялаш.

**Услубий мавзу:** Ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини аийқлаш технологияси.

Амалга оширилган ишлар таҳлили тарбиявий ишлар сифат-самарадорлигини опшришга хизмат қилади.



## Тарбиявий ишларнинг сифат-самарадорлигини ошириш омиллари:

- фаолияти диагностик таҳлил этиш;
- ижобий ишларни такомиллаштириш;
- ютуқларни ривожлантириш;
- рағбатлантириш;
- камчиликларни бартараф этиш;
- хатоларни эътиборда тутиш.

Тарбиявий ишларни таҳлил этишнинг асосий мақсади муваффақиятга элтувчи йўллар (технология)ни аниқлаш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишдир.

## 2. Раҳбар қандай киши бўлиш керак ва унга қўйиладиган талаблар.

Кейинги йилларда раҳбар ва раҳбарлик ҳақида тез-тез гапирадиган бўлиб қолинди. Рўзнома, ойномаларда онда-сонда бўлса ҳам катта-кичик мақолалар босилиб чиқмоқда.

Эл-юртга, халқ, миллатига раҳномалик қилиш билан боғлиқ муаммолар жуда қадимдан буён ўз замонасининг етуқ билимдонлари, олиму фозиллари диққатини жалб қилиб келган ва улар шу ҳақда турли тилларда, асосан, форс, араб, турк тилларида қатор қўлланмалар яратишган.

Раҳбар кадрларни, хусусан, раҳбарлик ишларига эндигина тайинланган, бинобарин ҳали бу соҳада зарур тажриба, малакага эга бўлмаган ёшларимизни ана шу қўлланмаларнинг айримлари билан таништириш, раҳбар ва раҳбарлик бобида улар қандай масалаларга эътибор қилиш керак бўлган баъзи бир сиралардан хабардор қилиш ўринли бўлади, - деган умид билан, кўхна тарихимизнинг турли замонларидан бизгача етиб келган бой меросимиз намуналаридан баъзилари ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

Шарқ мутафаккирлари раҳбарлик ҳақида жуда қўп асарларида маънавий ахлоқий жиҳатларга эътибор берган ҳолда яхши фикрларни маънавий меърос сифатида бизга қолдирган.

Ҳикоямизни энг аввало, IX асрнинг охириги чораги - X асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган буюк алломалардан бири Абу Наср Форобийнинг "Фозил одамлар шаҳри" асаридан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади, - деб ўйлаймиз.

Абу Наср Форобийнинг бу асарида жамиятда адолат ўрна-

тиш, шаҳар, давлатни бошқариш йўллари, юртбоши, шаҳар ҳокими қандай киши бўлиши кераклиги, бошлиқ учун зарур ҳислат-фазилатлар ҳақида қимматли фикр-мулоҳазалар келтирилган. Асар муаллифи бошлиқ ҳамда унинг атрофидаги раҳбар кадрларни танлаш ва ҳар бирининг у ёки бу ҳислат-фазилатларига қараб ўзига лойиқ, муносиб ишга қўйиш масалари ҳусусида сўз юритган.

Унинг фикрича, фозиллар шаҳрининг бошлиғи ун иккита ҳислат-фазилат эгаси бўлиши керак.

Биринчидан, тўрт мучали соғ-омон бўлиши, касал бўлмаслиги, соғлиғи ўз зиммасидаги вазифаларни беками-кўст адо этишга ҳалақит бермаслиги лозим.

Иккинчидан, табиатан нозик, фаросатли бўлиши, ким билан мулоқатда бўлмасин, суҳбатдошининг сўзлари, фикрларини тез ва тўғри тушуниб, мақсадини илғаб оладиган бўлиши, гап нимада эканлигини аниқ тасаввур қила олиши зарур.

Учинчидан, кўрган, эшитган, англаган нарсаларни тўла-тўқис ёдида сақлай оладиган, ҳеч нимани эсдан чиқармайдиган даражада яхши хогирага эга бўлиши даркор.

Тўртинчидан, у зехни ўтқир, зукко бўлиб, ҳар қандай нарсанинг билинар-билинемас аломатларини ва улар нимани англатишини тез билиб, сеза оладиган бўлсин.

Бешинчидан, чиройли сўзлайдиган, фикрини аниқ-равшан тушунтира оладиган бўлиши зарур.

Олтинчидан, у таълимга ташна, билим, маърифатга ҳавасли, ўқиш-ўрганишда ҳар қандай қийинчиликлардан қўрқмай, ҳормай-толмай ишлашга ўрганган бўлиши керак.

Еттинчидан, овқатланишда, ичишлиқда, қимор ёки бошқа ўйинларда ўзини тия оладиган, меъёрини билиб иш қиладиган бўлиши лозим.

Саккизинчидан, ҳақ ва ҳақиқатни, одил, ҳақгўй одамларни севадиган, ёлгонни ва ёлгончиларни ёмон кўрадиган бўлиши даркор.

Тўққизинчидан, ўз қадрига етадиган, кадр-қимматини ардоқлайдиган, ор-номусли, пасткашлардан юқори турувчи, туғма олий ҳиммат, улуғ ишларга интиладиган одам бўлиши керак.

Ўнинчидан, бойлик мол-дунё кетидан қувмайдиган, бу дунё бойликлари, сўм, доллар, евро ва рублларга қизикмайдиган бўлиши лозим.

Ўн биринчидан, адолатгарвар, одил одамларни севадиган, ўз одамлари ва бегоналарга ҳам ҳақиқат килувчи, барчани адолатга чакирувчи, истибдод ва жабр-зулмни, мустабид ва золимларни ёктирмайдиган, ноҳақ жабрланганларга мададлашувчи, барчага яхшилиқни ва ўзи суйган гўзалликларни раво кўрувчи бўлиши зарур. У ҳар қандай ҳақсизлик ва разолатларга мурасасиз бўлиши керак. Ҳақ иш олдида ўжарлик қилмай, одил иш тутиши лозим.

Ўн иккинчидан, ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши, қўрқоқлик ва ҳадиксирашларга йўл қўймаслиги даркор.

Абу Наср Форобийнинг фикрича, ана шу ўн икки фазилатга эга бўлган кишигина шаҳарга, халққа бошчилик қилиши маъқул бўлади. Шундай раҳбарга эга бўлган шаҳар аҳолиси осуда ва фаровон ҳаёт кечириши, юртда адолат ҳукм суриши мумкин.

Аммо, деб афсусланади Абу наср Форобий бундай кишилар жамиятда жуда кам бўлади. Бундай нодир инсонлар топилмаслиги ҳам мумкин. У ҳолда, юқорида санаб ўтилган фазилатларнинг бир қанчасига эга бўлган инсонларни қидириш керак. Фозиллар шаҳри аҳолиси орасидан ақлли беш ёки олти ана шундай фазилатларга эга бўлган киши ҳам ақл ва заковатда беназирлиги туфайли фозиллар шаҳрига раҳбарлик қилиши мумкин, деб уқдиради.

Олдинги имом ўрнига келган кейинги имом ҳам юқорида кўрсатиб ўтилган фазилатлар соҳиби бўлиши шарт. Кейинги раҳбар қуйидаги олти фазилатли инсон бўлмоғи лозим:

Биринчи - донишманд;

Иккинчи - аввалги имомлар жорий қилган қонунлар ва тартибларни хотирада яхши сақлаб қолиши ва уларга амал қила бориши учун қуввати муҳофазага эга бўлиши;

Учинчи - мабода аввалги имомлар давридан бирор (ёки бир неча) соҳага тааллуқли қонун қолмаган бўлса, бундай қонунни ўйлаб топиш учун ижод, ихтиро қилиш қувватига эга бўлиш;

Тўртинчи - ҳозирги ҳақиқий аҳволни тез пайқаб олиш ва келгусида юз берадиган, аввалги имомлар кўзда тутмаган воқеаларни олдиндан кўра билиши учун башоратгўйлик ҳислатларига эга бўлиши;



**Бешинчи** - аввалги имомлар ўрнатган қонунларга, шунингдек, аввалгилардан ибрат олиб, ўзи туқиб чиқарган қонунларга халқ амал қилиши учун қизғин сўзлаш - нотиклик ҳислатига эга бўлиши;

**Олтинчи** - зарур бўлган ҳолларда ҳарбий ишларга мохирона раҳбарлик қилиш учун етарли жисмоний қувватга эга бўлиши, яъни ҳам жанг қилиш, ҳам сарқарда сифатида жангужадалга раҳбарлик қилиш учун ҳарбий санъатни яхши билиши керак.

Абу Наср Форобий кимлар раҳбарлик қилишга муносиб бўлиши мумкин деган масала хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини давом эттириб, таъкидлайдики, мободро шу олти ҳислатнинг барчасини ўзида жамлаган бир одам топилмаса, фозиллар шахрига раҳбарликка ана шундай фазилатли икки кишини (бири - донишманд, иккинчиси қолган ҳислатлар соҳиби бўлса) қўйиш зарур. Агарда қайд этилган ҳислатлар бир эмас, бир неча кишиларда бўлса (яъни, бирида у, иккинчисида бу, учинчисида ё тўртинчисида бошқа ҳислатлар мужассам бўлса), ана шу фозил инсонлар гуруҳини юрт раҳбарлигига қўтариш маъқул деб маслаҳат беради. Унинг фикрича, ана шу гуруҳ инсонлар ҳамжиҳат бўлиб, ўзаро бамаслаҳат, келишиб иш тутса, шаҳар яхши бошқарилади, ҳар бир фозил ҳоким бўлиши мумкин. Лекин, фозиллар шахрига ҳокимлик қилаётган кишилар барча зарур ҳислатларга эга бўлса-ю, аммо, донишмандлик бўлмаса, фозиллар шахри яхши ҳокимсиз қолади, бундай шаҳар ҳалокатга юз тутади.

Шундай қилиб, Абу Наср Форобий раҳбар учун энг муҳими - бу донишмандлик деган ғояни ҳамма фазилатлардан устун қўяди. У ўз замонасининг ҳокими, имоми, бошлиғи, раҳбари барча кишилардан ҳар жиҳатдан мукамал, комил инсон бўлиши керак деб ҳисоблайди. Фақат шундай инсон бошқош бўлган, раҳномалик қилаётган шаҳаргина чинакам фозил кишилар шахри бўлиши мумкин.

Абу Наср Форобийнинг раҳбар ва раҳбарлик ҳақидаги бу фикр-мулоҳазалари узоқ йиллар давомида кўпчилик подшо, хон, амир, султон, бек, ҳокимлар учун бир услубий қўлланма, дастуруламал бўлиб келган бўлса ажаб эмас. Шундай экан ўқитувчилик соҳасида ҳам. Педагогик фаолиятда ҳам Абу Наср Форобий томонидан билдирилган барча ҳислатлар синф ва аудиторияни бошқараётган, ўқитувчилик касби билан банд

бўлган, бу соҳада раҳбарлик қилаётган кишиларга ҳам талук-лидир.

Янги раҳбарига хос икки муҳим фазилатга урғу берган. Унинг фикрича, раҳбар энг аввало, пок бўлиши керак.

Раҳбар халқдан ажраб қолмаслиги керак бу ерда у раҳбарга, жумладан туман ҳокимига ота-боболаримиз давридан қолган восита бозорни бориб кўришни таклиф этади.

Ўз фикрини давом эттириб, раҳбарлик-бойлик орттириш воситаси эмас. Раҳбар фақат ўзини эмас, ўзгаларнинг ҳам бой-ишини исташи керак деб хулоса чиқаради.

Мавлоно Муҳаммад Қози «Хукумдорларга ўғит» асарида давлатни бошқаришнинг ўнта шарти бор деб ҳисоблайди.

Биринчи шарти шуки, бирон воқеа юз берганда ва ушбу воқеа юзасидан ҳукм чиқариш лозим бўлганда, подшоҳ ёки ҳоким ўзини фуқаролардан бири деб тасаввур қилиб, бошқа бировни ўзига ҳоким деб билсин. Шу ҳолатда ўша бошқа бировдан ўзига раво кўрмаган ва қилиши лозим деб билган ҳарқандай ҳукумни ўзидан бошқаларга ҳам раво кўрмасин.

Иккинчи шарти шуки, подшоҳ мусулмонларнинг ҳожатларини чиқаришни ибодатларнинг сараси деб ҳисоблаши зарур. Биронта мусулмон унинг олдида муҳтож ва мунтазир бўлиб турмасин.

Учинчи шарт, тансиқ таомлар ва башанг кийимларга ружу қўймаслиги керак.

Тўртинчи шарти, мулоийм сўзлаш ва асоссиз равишда қўполлик қилмаслик лозим. Бирон масала юзасидан далил-исботлар кўп бўлса, уларни эринмай эшитиши, ва мискиҳлар суҳбатидан ор қилмаслиги зарур.

Бешинчи шарти, халқнинг розилигини ўйлаб, ҳукм чиқаришда сусткашлик қилмаслиги даркор.

Шунингдек, ҳар бир одамни хушнуд этиш учун ҳақиқат ва шариатга қарши бормаслиги керак.

Ҳукм чиқарганда ҳеч кимга ён босмай беғараз бўлиши шарт.

Олтинчи шарти шуки, давлат ва мамлакатга таҳдид этадиган хатардан ғафир қолмасин.

Даврон подшоҳлари ва ҳокимларнинг аксари фоний дунёнинг бевафо давлатига мағрур бўлиб, ҳавойи нафслари учун ўз динини вайрон қиладилар ва беномусликлари туфайли иймонни шамолга учирадилар.

Еттинчи шарт, дин уламоларини зиёрат этиш ва улар билан суҳбат куриш учун ўзида эҳтиёж сезиши керак.

Саккизинчи шарт, жабр-зулм ва такаббурлик билан халқни кўрқитмаслик, заифлар, қўл остидагиларга адлу эҳсон ва шафқат назари билан қараб, раъиятнинг муҳаббатини қозонмоқ зарур.

Тўққизинчи шарт, зўравон амалдорларнинг зулмига бепарво қарамаслик лозим. Хар бир амалдорнинг зулм ва жиноятини пайкаган заҳоти уни жазоламоқ керак, токи бу бошқаларга ибрат бўлсин.

Ўнинчи шарт фаросатдир. Рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг юзага келиш сабаби ва моҳиятига чуқур назар ташлаш, басират кўзи билан уларнинг оқибатини кўра олмоқ вожиб.

Мавлоно Муҳаммад Қози рисола сўнгида, давлатни бошқаришга дахлдор кишиларни мусулмонларга нисбатан тавозели бўлишга, ўз ҳукмронлиги ва мулкидан мағрурланиб, ҳеч бир мусулмонга такаббурлик қилмасликка даъват этади.

Фикрини давом эттириб, одамларнинг бир-бирини ёмонлаб айтган сўзларига қулоқ солмасликни маслаҳат беради.

Бирон айби ёки камчилиги учун мусулмон одамга ғазабни сочмаслик ва уни авф этиш имкони бўлса, буни орқага сурмаслик лозим деб уқдиради.

Унинг тақидлашича, дунёвий ишларда кечиримли бўлиш афзалроқдир.

Мавлоно Муҳаммад Қози ўзининг ана шу ихчам, лекин ниҳоятда муҳим рисоласида давлат сиёсатининг ўзига хос нозик ва мураккаб томонлари ҳақида ибратли фикр юритган.

Биз бу ерда Амир Темурнинг васияти, ўғитлари, хусусан, "Темур тузиклари"ни назарда тутмоқдамиз.

Амир Темур ўлим тушагида ётганида ўғилларига мурожаат қилиб, тайинлаган эди:

"Ўғилларим, миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ учун сизларга қолдираётган васият ва тузукларни яхши ўқинг, асло унутманг ва тадбиқ этинг. миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни кўринг, йўқсулларни бойлар зулмига ташламанг Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз ўлсун..."<sup>1</sup>.

Амир Темурнинг таржимаи ҳоли ва унинг оғир, хавфхатарларга тўлиб тошган фаолияти ҳақидаги баён этувчи "Те-

<sup>1</sup> Ахмедов Б. Темур тузиклари. - Т.: Ф.Ғулум. 1996. 334 б.

мур тузуклари"да даъват ҳамда уни бошқариш хусусидаги фикр-мудоҳаза, қарашлари ҳам асос эттирилган. Асар эски ўзбек (чингай-туркий) тилида ёзилган. Унинг бир нусхаси XVII асрдан Яшил ҳукмдори Жаъфар пошонинг кутубхонасида сақланган. Амир Темурнинг кучли марказлашган давлат, кўшин тузиш ва душман черкини синдириш юзасидан Тузган кенгашлари ва мақсадда амалга оширган ишлари тўғрисида сўз юритилади.

Амир Темур бу асарида ўз давлатининг тузилиши, у қай тарзда бўлиши кераклигини баён этиб, мансабдорларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берган.

Унинг фикрича, ҳар бир тождор ўз давлатининг таянчи бўлиш ижтимоий, сиёсий гуруҳларга суянган ҳода иш олиб бориши лозим. Давлат, раият, кўшинни шулар ёрдамида идора қилиши зарур.

Амир Темур ана шундай гуруҳларга қуйидагиларни киритган:

1. Муҳаммад алайҳиссалом авлоди бўлмиш саййидлар, уламолар, шайхлар.

2. Тажиба орттирган билимдонлар.

3. Дуоғўй тақводорлар.

4. Амирлар, сарҳанглар, сипоҳлар.

5. Сипоҳ ва раият.

6. Салтанат ишларини, унинг сиру асрорларини билган, кенгаш қилишга муносиб оқил, ишончли кишилар.

7. Вазирлар, саркотиб, девон муншийлари.

8. Ҳақимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандислар.

9. Муҳаддислар, ровийлар.

10. Машойих, суфий, орифлар.

11. Хунар ва санъат аҳли.

12. Ҳар мамлакат ва диёрдан келган саёҳатчи ва мусофирлар, савдогарлар (улар турли мамлакатлардан хабар келтириб турганлар).

Амир Темур давлатни бошқаришда вазирлар, амирлар ва нилоят волийларига алоҳида аҳамият берган.

Амир Темур фикрича, вазирлар қуйидаги тўрт фазилатга эга бўлишлари керак: а) аслик ва тоза наслик, буюклик; б) ақлу фаросат; в) сипоҳу раият аҳволидан хабардорлик ва уларга хушмуомалада бўлиш; г) сабру бардошлилик ва мулойимлик.

Амир Темур ўз вазирларига нисбатан жуда ҳам меҳрибон бўлган. Айни вақтда уларни ортиқча сийламаслик лозимлигини ҳам таъкидлаган.

У вазир золим бўлса, салтанат ишлари тез муддатда парокандаликка учрайди деб ҳисоблайди.

Амир ва ҳоким мансабига тайинлашга алоҳида эътибор берилган. Улар тажрибаси, фаросати, баҳодирлиги ва шижоати каби ҳислатларига қараб танланган.

Соҳибкирон ўзининг улкан давлатини ўғиллари, набиралари, яқин қариндошлари ёрдамида бошқарган. Мовароуннаҳрдан ташқари бошқа ерлар улус тарзида уларга тақсимлаб берилган. Лекин шу билан бирга маълум даражада ўз мустақиллигини сақлаб қолган.

Амир Темур инсонни қадрлай биладиган, одамларни бир-биридан фарқ қила оладиган инсон эди. Ўзига ўринбосар, ноиб танлашда унга ҳаётини тажрибагина эмас, табиий, яъни худо берган қобилият ҳам жуда қўл келди. У ўзидаги ана шундай илоҳий қудрат, куч туфайли оғир қунларда ҳам, қозоклик<sup>1</sup> йилларида ҳам жасур ва иқтидорли кишиларни ўзига эргаштира билди ва улардан садоқатли ҳамкорлар, фидокорлар тайёрлай олган.

Амир Темур қўл остидагиларнинг гуноҳини кечира олиш қобилиятига ҳам эга бўлган.

"Менга ёмонликлар қилиб, - эслайди у, - бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам илтижо билан тавба-газарру қилиб келгач, ҳурматлаб, ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим". Аммо, у ҳам кўплар қатори уч маротабагача кечирган.

Ўзбек халқининг улугъ шоири ва мутафаккири Алишер Навоий (1441-1501 йй.) "Садди Искандарий" дostonида ўзининг сиёсий ғояларини асослаб берган ва ижтимоий адолатли тузум ғоясини адолатли шоҳ тимсолида баён этган.

Алишер Навоий ўз асарида бундан кейин пайдо бўлиши мумкин ва зарур бўлган подшоҳ образини яратишда бошқа-

---

<sup>1</sup> Қозоклик - подшоҳликка даъвогар бирор шахзода ёки валиахднинг ўз мақсадига эришмоқ ниятда бирор тождорнинг хизматини ўташи даврида кечирган ҳаёт тарзи. Ҳокимият тепасига келгунча Амир Темур ҳам баъзан Сеистон ҳокимининг хизматида, баъзида Мўғулистон хон Тўғлиқ Темур (1348-1362) хизматида бўлган.

лар ундан ибрат оладиган, жамиятдаги иллатларни бартараф қилиб, адолат ва маърифат, осойишталик ва фаровонлик қарор топтириши лозим бўлган подшоҳни назарда тутган.

Навоий шаҳзода Искандарни мол-давлат, мансаб-мартаба ва айш-ишратга берилиб кетган худбин ва айёр шаҳзодаларга карама-қарши кўяди.

Искандар тахтга ўтирганидан кейин мамлакатда инсоф ва адолат ўрнатади, халқнинг осойишталиги ва фаровонлиги учун, ободончилик ва илм-маърифат учун бел боғлайди. Инсониятга зарар келтирувчи ҳар қандай кучларга қарши курашади.

Навоий давлат бошлиқлари илм-маърифат аҳлларининг, донишмандларнинг кенгаши ва маслаҳатчи билан иш олиб бориши лозим деб ҳисоблайди.

Подшо элга мушфиқ ва марҳаматли бўлиши, сипоҳни лутфи билан шод, раиятни адли билан обод қилиши, улуснинг осойишталиги учун курашмоғи, ярамас кишиларга нисбатан сиёсат қўллаши, қаттиққўл бўлиши, оғзи, сўзи, кўнгли ва кўзи пок, ҳимматли ва саховатли бўлиши керак.

Навоий илм-маърифатни тарғиб қилиб, олимларни мамлакат ва халқ ҳаёти учун фойдали бўлган ишлар билан шуғулланишга, феодал ҳукмдорларни илм-фан аҳлларига ҳомий бўлишга, уларнинг маслаҳати билан эл-юртни идора қилишга чақирди.

Навоий ўз фикрини давом эттириб, подшо халқ ва кўшиннинг ишончини, муҳаббатини қозонмаса, уни халокат кутади деб уқтиради.

Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарида ҳам полшо ва амалдорлар ҳақида тўхталиб, мамлакат сиёсий ҳокимиятининг мустақамлиги ҳам, иқтисодий ва маданий тараққиёти, эл-юртнинг осойишталиги ҳам аввало, ҳукмдорнинг ўзига, унинг шахсий фаолияти ва шахсий ҳислатларига боғлиқдир деб уқтиради.

Навоий таъкидлаганидек, одил ва оқил ҳукмдор туфайли мамлакат обод, эл-юрт шод ва фаровон бўлади, у "куёш била абри баҳордек қаро туфрокдин гуллар очар ва мулк аҳли бошиға дурлар сочар", факирларнинг хуррамлиги, мусофирлар йўлининг бехатарлиги, мактаб болаларининг қувноқлиги, кўзиларнинг бўри хавфидан омонлиги - ҳамма-ҳаммаси ҳукмдорнинг адолатли ва маърифатидандир.

Замонавий раҳбарнинг ўзига хос жиҳатлари қандай бўлмоғи лозим.

Раҳбарларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ҳозирги кунда энг долзарб масаладир. Бугунги кунда цивилизациянинг ҳамма босқичларида малакали раҳбарлар ва мутахассислар барча муаммоларни ҳал қилишда муҳим ўрин тутати. "Биз олдимизга қандай муҳим вазифа қўймайлик, - дейди Президентимиз - Қандай ҳаётий муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир оқибат, юқорида айтганимиздек, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади"<sup>1</sup>.

Жамиятни бошқаришда ҳар бир раҳбарнинг ўз ўрни ва ҳуқуқи ёки масалаларни ҳал қилишда ҳам ўз овози, ўз фикри бўлмоғи лозим. Ҳар бир корхонада соғлом психологик муҳит яратилиши биринчи навбатда раҳбарга, унинг маънавий дунёсига, ҳақгўйлиги ва энг муҳими адолатпарварлигига боғлиқдир.

Ачинарли томони шундаки, баъзи бир раҳбарлар муҳим масалаларни ҳал этишда, айниқса лавозимга бирор шахсни тайинлашда, "мен бошлиқман, демак, менинг айтганим-айтган, деганим-деган бўлиши шарт", деб ўйлайдилар. Натижада у ёки, бу лавозимга баъзи маънавий нолайик, онги сиёсий жиҳатдан шаклланмаган киши тайинланиб қолади. Оқибатда маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчилик каби умум ишимизга ниҳоятда путур етказадиган иллатлар илдиз отади.

Худди шундай шароитда раҳбар учун ҳам, жамоа учун ҳам ноқулай психологик вазият вужудга келадикки, буни тузатиш анча мураккаб вазифага айланади.

Юқоридаги камчиликлар. Республикаимизнинг раҳбарлари томонидан ўрганилиб таҳлил этилганда, жамоа билан раҳбар ўртасида кескин ва зиддиятли муносабат кўзга ташланади.

Бугунги кунда замонавий раҳбарнинг асосий вазифалари куйидагилардан имборат деб кўрсатади Президентимиз И.А. Каримов.

1. Раҳбар кўнгли очик, қалби ва кўнгли тоза, ақл-заковат соҳиби, маънавий жиҳатдан шаклланган бўлиши керак.

2. Раҳбар ўзини тарбия қилган, билим ва маҳорат берган, ишонч билдириб, юксак мартабага муносиб кўрган эл-юртга

<sup>1</sup>Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили. — Т. «Ўзбекстон», 1995 й. 17 б.

ҳалол ҳизмат қилиши, зиммасидаги маъсулиятни доимо ҳис қилиб яшамоқ лозим.

3. Раҳбар ақлли, тажрибали, ўз ишининг билимдони бўлган мутахассисларга таянмоғи, уларнинг фикрига қулоқ солмоғи ва шунга асосланиб хулоса чиқармоғи керак. Унинг куйи поғонадаги раҳбар кадрларни тўғри танлаш ва тарбиялаш жуда муҳимдир.

4. Раҳбарнинг барча қилган ишлари халқимиз ҳаётига ижодий таъсир кўрсатмоғи керак. Кимларгадир янги кўриниш, мақтаниш учун қилинган иш раҳбар келгусидаги фаолиятида салбий из қолдирилиши мумкин.

5. Раҳбар халқ ва ватанига фидойилик, ташаббускорлик, қатъият ва талабчанлик бўлмоғи шарт. Талабчанлик зўравонликка, қатъиятни манманликка айлантириш ўта калтабинликдир. Манманлик, зўравонлик, ўзгалар фикрига қулоқ солмаслик раҳбар кадрларни яхши мутахассислар, меҳнатқаш, содда ва самимий одамлардан узоқлаштириб қўяди. Раҳбарнинг қўли остидаги ходим ва мутахассисларни кўпчилик олдида шахсига тегиб ҳақоратлаши унинг ожизлиги, ўз вазифасига нолайиқлиги аломатидир.

6. Раҳбар ҳеч қачон майда гаплар, фисқу фасод, майшат-бозликка берилмаслиги керак.

7. Катта раҳбарларнинг кичик раҳбарларни маҳаллийчилик, ошна-оғайничилик, шахсий садоқатига қараб танлаши ўта калтабинликдир. Айниқса, янги раҳбар ўзидан олдин фаолият кўрсатган раҳбар даврида ишлаган яхши мутахассисларни ишдан бўшатиши, ўзига рақиб деб билиши ачинарли хол бўлиб, бу умумдавлат манфаатларига жиддий зарар еткази.

8. Раҳбар мақтовдан боши айланиб, "доҳий"лик касалига чалиниб қолмаслиги жуда-жуда муҳимдир. Бундай раҳбарлар атрофида фақат ўз манфаатини ўлчовчи "маслаҳатгўйлар", амалпараст, лаганбардоз, порахўр, оддий одамларга зуғум ўтказувчи кимсалар тўпланиб қолади. Бунинг оқибатида эса халқ ва давлат манфаатларига жиддий зиён етади.

9. Раҳбар нафс балосига қарши турмоғи, ўзидан кичик раҳбарларни ҳам бу балодан асрамоғи керак.

10. Раҳбар адолатсизликка асло йўл қўймаслиги лозим.

11. Раҳбар ўз шахсий ҳаёти, турмуш кечиришида ҳам бошқаларга ўрнак бўлмоғи керак.

12. Раҳбарнинг барча ишлари очиқ ва ошкора бўлиши лозим.



Вақти - вақти билан халқ олдида Ҳисобот бериб туриш уларнинг раҳбарлик фаолиятига обрў келтиради.

13. Раҳбар ўз ғояси, фикри, ҳаракат дастурига эга бўлиши билан бирга, барчани она юрт тараққиёти, халқимизнинг тинч-тотувлиги, фаровонлиги йўлида ягона гоё атрофида жипслаштириш шарт.

14. Раҳбар ҳар доим вақт топиб, ўз ходимларининг меҳнат ва яшаш шароитлари билан танишиб, у ердаги камчилик ва ютиқларни ўз кўзи билан кўриб, унга қўлидан келган барча имкониятларни яратиш.

15. Раҳбар барча арз ва шикоятларни эшитиб, уларни бар-тараф этиш йўлини ахтаради.

Шунинг билан бирга раҳбарнинг асосий хусусиятларидан яна бири бу маъсулиятдир. Раҳбар маъсулияти ҳамиша муҳим ҳисобланган, чунки маъсулият унинг виждони, иймони, қолаверса, ўзига нисбатан жавобгарликни ҳис қилиши, ўзига ва бошқаларга талабчанлик ҳолатда бўлишни талаб этади.

Ҳар қандай раҳбар сиёсий ва маданий маъсулиятни ҳис қилган ҳолда, айниқса маънавий бойлиги билан бошқаларга ибрат-наъмуна бўлмоғи лозим.

Замонавий раҳбар қуйидаги ахлоқий маънавий фазилатларга эга бўлмоғи лозим:

- ташаббускорлик, доимо янгиликларга интилувчи, Янги имкониятларни излаб топувчи;
- ҳар қандай бўладиган ўзгаришни олдиндан кўра билиш хусусиятига эга бўлиши;
- қатъиятли, сабр бардошли, тиришқоқ бўлиши;
- учрайдиган ҳар хил қийинчилик ва тўсиқларга тайёр туриш, уларни иродавий қатъиятлик билан енгиши;
- мақсадни аниқ белгилаб, унга эришишга ҳаракат қилиш, маъсулиятни чуқур ҳис этиши;
- фаолиятида етарли ахборотга эга бўлиши ва ўз ишини қатъий режалаштириши лозим;
- иш юритишда мустақил фикрга эга бўлиши, унинг самардорлигига эришиш;
- шерикларига, ҳамкорларига ва жамоа аъзоларига берган ваъдасига содиқ бўлиб, ўз вақтида бажариш;
- Ҳар қандай раҳбар етук нотик бўлиши лозим.

Агар ҳозирги давр раҳбарлари такрор-такрор ўқиб, унинг бой маъно-мазмунини обдан ўзлаштириб, ўз кундалик фао-

лияти, ҳаёти мобайнида кенг қўлланишига, ҳар қанча дик-  
кат-эътиборга, эъзозга лойик.

Раҳбарлик сир-асрорларини пухта эгаллаб оламан деган ҳар  
бир раҳбар уни ўзи учун дастур ул-амал билмоғи зарур.

Қатра-қатрадан дарё бўлур деганларидек, авлод-аждогла-  
римизнинг етук билимдонлари, олиму фозиллари ёзиб қол-  
дирган ниҳоятда бой меросдан жуда кўп ва ғоят ибратли сабоқ  
олиш мумкин.

Уларда кўрсатиб ўтилагн панд-насихат, ўғит, йўлланмалр-  
нинг барчасини ҳаётга айнан тадбиқ этиб бўлмаса-да, ёш раҳ-  
бар кадрларимиз авлод-аждоглрмиздан бизгача етиб келган  
улкан ўғит гулзоридан керакли гулларни узиб олиб, мураккаб  
ва ўта масъулиятли кундалик фаолиятларини ана шу гуллар  
гулдастаси билан безатишлари айни муддао бўлади.

4. Ўқитувчининг раҳбарлик маҳорати. Ҳар қандай касб эга-  
си ўз маҳоратига эга бўлгани каби ўқитувчилик касбида ҳам  
юксак раҳбарлик маҳоратига ҳам эга бўлиш керак. Ҳар бир  
дарс қанчалик муҳим бўлмасин у албатта ўқитувчи раҳбарли-  
гида бошқарилади.бу бошқарув ўз маҳоратига кўра ўқитувчи-  
лик санатига боғлиқ. Бу санъат эса ўқитувчидан юксак маҳор-  
ратни талаб этади. Маҳорат қанчалик юксак бўлмасин раҳбар-  
лик сирларини ҳам ўқитувчи ўзлаштириши зарур. Синфхонани  
ёки аувдиторияни бошариш ҳам раҳбарлик маҳоратидан дало-  
лат беради, чунки бир синфда турли характердаги.турли фази-  
латдаги ўқувчилар тўпланган бўлади. Буларни бошқариш ал-  
батта раҳбарлик маҳоратини хабардор бўлишни талаб этади.

Шундай экан, энг аввало раҳбарлик атамасига тўхталиб  
ўтсак. Раҳбарлик атамаси ишнинг кўзини биладиган, касбига  
қалб кўри ва бутун меҳрини бериб, оиласи ва бутун эл-юртни  
ўйлаб меҳнат қиладиган, бошқарув фаолиятини жон дилдан  
сева олган кишига нисбатан ишлатилади. Айниқса, ўқитувчи  
раҳбар юксак ақл-фаросат, кўп куч-ғайрат, изланиш ва топқ-  
ирликни, ўз устида тинмай ишлашни, ўрни келганда, зарур-  
рий тадбиркорликни талаб қилади. Иккинчи томондан раҳ-  
барлик фаолияти унинг шахси инсоний фазилатлари билан  
боғлиқ. Бугунги кунда ўқитувчи раҳбарнинг умуминсоний маъ-  
навий фазилатлари катта аҳамиятга эга.

Бундай фазилатлар ўзаро ишонч, ҳалоллик, ҳаққонийлик,  
адолатлиликдан иборат бўлиши керак. Бундан ташқари ўқитув-

чи раҳбарда маънавий жиҳатдан шакллантириш учун куйидаги фазилатлар ҳам зарур:

- ташаббускорлик, доимо янги имкониятларни излаб топиш;
- вақтдан, шунингдек вазиятдан ҳамиша унумли фойдалана олиш;
- қатъийятли, тиришқок, сабр-бардошли бўлиш;
- ҳаётда ҳар доим бошқалардан бир қадам олдинда юриш;
- бўладиган ўзгаришларни олдиндан кўра билиш;
- учрайдиган ҳар хил қийинчилик ва тўсиқларга тайёр туриш, уларни иродавий қатъийатлилик билан енгиш;
- мақсадни аниқ белгилаб, унга эришишга ҳаракат қилиш;
- ҳар бир ишда масъулиятни чуқур ҳис этиш;
- фаолият соҳаси юзасидан етарли даражада илмий-амалий ахборотга эга бўлиш;
- мунтазам равишда раҳбарлик фаолиятини олдиндан қатъий режалаштириш ва унга амал қилиш;
- шерикларини ўзи илгари сурган янги ғояни амалга оширишга кўндириш, даъват қилиш ва йўналтириш;
- иш юритишда мустақил бўлиш;
- маълум бир пайтларда таваккалчиликка йўл қўйиш ва унинг натижасини тасаввур қила олиш, шу тариқа юксак самарадорликка эришиш.

Ўқитувчилик маҳоратининг муҳим жиҳати муомала маданиятидир. Ёқимли ва мулоим суҳбат олиб бориш таълим-тарбияда, раҳбарликда катта ютуққа олиб келади. Бунда куйидаги маънавий меъёрларга риоя қилиш зарур:

1. Гарчи мулоқотда унга нисбатан бошқалар салбий ҳис-туйғусини билдирса ҳам, ўқитувчининг ўзи ақллий салоҳияти билан иш юритиб, назорат қилинмаган, ноўрин ҳатти - ҳаракатлардан ўзини тийиши лозим.

2. Ўқитувчи суҳбатдош ўқувчини тушуниши зарур. Шерикни, мулоқотдошни тушунмаслик ҳар икки томон учун ҳам маъқул қарорга келишга ҳалақит беради.

3. Шерик билан самимий мулоқотда бўлиш. Мулоқотда шериги уни эшитишни ҳоҳламаса ҳам ўқитувчи бир иложини топиб, унинг эътиборини ўзига жалб қилиши лозим. Бу ўртадаги муносабатларнинг яхшиланишига олиб келиши мумкин.

4. Ўқувчи ҳақида айтилган маълумот етарли асосларга эга бўлиши керак. Маълумот хато ёки ёлғон бўлса, мулоқот муваффақиятсиз тугайди.

5. Ҳуқуқсўзчи мулоқотда шеригига насиҳат қилишдан сакланиб, шерик билан тенг дўстона, очик мулоқотда бўлиши зарур.

6. Тадбиркор ҳуқуқсўзчи шеригига ортикча гапириб унинг вақтини бекорга олмаслиги лозим.

7. Келишув натижалари ахлоқий меъерларига мос келиши шарт.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мулоқотда баъзан шерикларининг бир-бирини танқид қилишга ҳам тўғри келади. Танқид ҳуқуқсўзчини яхши бўлишига ёрдам берадиган бўлиши, ишга тўсқинлик қилувчи эмас, балки яратувчанлик даражасида аҳамият касб этиши лозим. Шу билан бирга ҳуқуқсўзчи шеригининг эътиборини доимо ҳамкорликнинг муҳим жиҳатларига қаратишга ҳаракат қилиш тавсия этилади.

Ҳуллас, юқорида кўрсатиб ўтилган тамойил ва тавсияларга амал қилган ҳуқуқсўзчи ўз фаолиятида доимо ижобий натижаларга эришиб бориши табиий.

Ҳуқуқсўзчи раҳбар ўзининг кундалик амалий фаолияти давомида турли ижтимоий учрашувлар, суҳбатлар, муносабатларнинг иштирокчиси бўлади. Шу боисдан қайси учрашув ёки суҳбатнинг ҳуқуқсўзчи раҳбарга муҳим бўлиб кўринишига қараб унинг муомала маданиятини ўрганиш мумкин. ҳар қандай зиёли ҳуқуқсўзчи раҳбар бошқалар билан ҳамкорлик қилиш маҳоратини ва санъатини эгаллаган бўлиши лозим. Маълумки, кишилар гаплашаётганда бир-бирини тинглайди. Раҳбар ҳуқуқсўзчининг мулоқот самарадорлиги икки шахснинг қанчалик ўзаро бир-бирини тушиниши ва сабр билан тинглашига боғлиқдир. "Раҳбарнинг тинглаш маҳорати масаласини бугунги кунда ҳаётнинг ўзи ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифасига айлантириб қўймоқда."<sup>1</sup> дейди психолог В.Каримова. Чунки тинглаётган одам маъноли, яхши диалогдан фақат яхши, фойдали маълумот олади. Гапирган эса аксинча, ўзидаги борини бериб, гапирмайдиган суҳбатдошидан "тескари алоқани" олиб улгурмай, ҳеч нарсаиз қолиши ҳам мумкин. Шунинг учун мулоқотда муҳим йўналишлардан бири одамларни фаол тинглашга, тинглаш маҳоратининг омилларидан ўринли фойдаланишга ўргатишдир. Маҳоратли раҳбар ҳуқуқсўзчи булардан хабардор бўлиши лозим.

<sup>1</sup>В.Каримова. Психология. - Т.: 2002, 167-бет.

## Мавзу бўйича таянч сўзлар:

Раҳбар ва раҳбарлик тушунчаси, раҳбар хислатлари, раҳбар фазилатлари, ўқитувчи маҳоратида раҳбарлик хусусиятлари. Унинг маданияти ва тинглаш саъати .

## Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т., 1997.
2. Худойкулов Х.Ж., Одоб - ахлоқ ва тарбия дурдонаси. - Т., 2010.
3. Мавланова Р., ва бош. Педагогика. - Т.: Ўқитувчи, 2001.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". - Т., 1997.
5. Очилов М.О., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. - Т., 1997.
6. Гулбоев Т. Янги педагогик технологиялар. Маърузалар матни. - Навоий, 2000.
7. Худойкулов Х.Ж. Педагогика ва психология. Услубий қўлланма. - Т., 2010.
8. Махмудов Ю.Ғ., Худойкулов Х.Ж., ва бошқалар. Миллий ғурур-маънавий қомиллик мезони. -Т.: ДЗАЙИН-ПРЕСС. 2011й.

## 17-Мавзу.Ўқитувчининг таълим воситаларидан фойдаланиш маҳорати.

### РЕЖА:

1.Таълим воситаларининг дарс самарадорлигидаги ўрни ва аҳамияти.

2.Талим воситаларининг турлари ва унинг моҳияти.

3.Ўқитувчининг педагогик фаолиятида компьютер технологиясидан фойдаланиш.

1.Таълим воситаларининг дарс самарадорлигидаги ўрни ва аҳамияти. Таълим самарадорлигини оширишда таълим воситаларининг аҳамияти бениҳоят каттадир. Унда кўргазмалилик алоҳида имкониятларга эга. Ўқитиш жараёнини кўргазмали ташкил этиш зарур. Ҳам эшитиш, ҳам кўрсатиш орқали ўқув материалларини идрок қилиш, уларни онгли ва пухта ўзлаштириш, билимларнинг турмушдаги заруриятини англаб олиш учун асос бўлади, диққатни барқарорлаштиради. Шунинг учун кўргазмали материаллар ўрганилаётган мавзунинг мазмунига мос келиши, ўқувчи - талабанинг ёши ва билим даражасига мувофиқ бўлиши, ҳамда улардан фойдаланишнинг самарали йўли ва воситаларини қўллаш ҳамда ишлаб чиқиш лозим. Таълим олувчиларнинг ҳаракатида фаоллик бўлиши, улар билан олиб бориладиган таълим-тарбиявий фаолият функциялари эса доимо алмашилиб, янгиланиб турилиши лозим. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия олувчиларнинг фаолияти устидан раҳбарлик қилишда, маҳоратли ўқитувчи бой тажрибаларига эга бўлиши зарур. Сўнги йилларда педагогик маҳорат фанида тажрибавий фаолиятни ташкил этишда, етакчи ёндашув сифатида турли таълим воситалар ва кўргазма куроллардан ўқитувчилар кенг фойдаланмоқдалар. Мазкур фаолиятни мукамал шакллантириш учун қуйидаги педагогик воситалари ва методлардан фойдаланиш мумкин.

Ўқитувчининг таълим воситаларидан фойдаланиш маҳорати: Ўқитувчи ўзининг фанини ўқитувчи талабалар томонидан янада чуқурроқ ўзлаштиришига эришиш мақсадини қўйса унда замонавий компютер ва бошқа ўқитиш воситаларидан фойдаланиши лозим. Компютер ахборот ва телекоммуникатсия технологияларидан фойдаланиб, ўқитиш жараёнини ташкил этиш педагогдан ўз меҳнат фаолиятида янгича ёндашувни талаб

этилади. Таълимнинг барча боскичларига оид умумий педагогик муаммо - ўқувчи ва талабаларнинг мустаъқил ишлаш самарадорлигини такомиллаштириш, Уларнинг фанга қизиқшини кучайтириш, касбий билимларни чуқурлаштириш ва фаоллигини оширишдан иборатдир. Замонавий ахборот технологияларини қўллаш ўқувчиларни дарс жараёнига қизиқтириш, уларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилади. Айтиб ўтиш лозимки, таълим мазмунинг самарадорлигини ошириш Республикамиз таълим муассасаларида устувор вазифа ва ўқув жараёнида компьютер воситаларидан, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда янги педагогик технологиялар жадаллик билан кириб келмоқда. Масалан компьютерлаштиришга бағишланган анжуманларни ўтказиш, электрон шаклда ўқув - услубий мажмуаларни, дарсликларни яратиш ва уларни ўқув тарбия жараёнида қўллаш устувор вазифалардан биридир. Таълимни ахборотлаштириш - бу ахборот жамиятни яратилишида интеллектуал асоси деб ҳисобланади. Таълимни информатциялаштириш мақсадларида бир қатор хусусиятларни ёдда тутиш лозим. Компьютер билимдонлиги таълимнинг ахборот таъминланиши, янги компьютер технологиялари асосида яқка тартибда таълим олишни мустаҳкамлайди. Масофавий ўқитишда ҳар бир талаба ўқитувчига бириктирилади ва вазифалари қуйидагилардан иборат бўлади. Таълимни назорат етиш мураккаб саволлар бўйича консультациялар бериш, назорат ва тест ишларини текшириш, тест саволларига тайёрлаш ўқитувчи билан талаба телефон, интернет ёки бошқа алоқа воситаси орқали мулоқатда бўлади. Ўқитиш воситалари деб-ўқув жараёнида ишлатиладиган турли материаллар ва воситаларга айтилади. Ўқитиш жараёнида ишлатиладиган кўргазмалар 2-турга бўлинади. Бу моделаиш ва предметларни тасвирлаш. Бунга схема, расм срукенкали диаграмма фотосурат ва ҳоказолар киради.

Физиологларнинг тадқиқотлар шуни кўрсатдик одам кўз анализатори ёрдамида 80% ахборотни олади. Бу маълумотлардан шундай хулоса чиқарамиз, ўқитувчи вербал усулларни новербал усулар билан ҳамкорликда қўллаши лозим. Компьютер техникаси ўқитиш воситаси сифатида катта имкониятга эга. Айтиб ўтиш лозимки, ўқитувчи ўзининг фаолиятида китоб билан ўқитиш техник воситасини рационал ҳолатда ишлата билиши лозим. Тайёр китобга ўқитиш техник воситасини

мослаштирилган ҳолатда олиб бориши мақсадга мувофиқ. Кўрғазмали материаллар ўқув фанларининг характери ва мазмунига қараб турли - туман бўлиши мумкин. Жумладан:

а) буюм ва нарсаларни асли - табиий ҳолда кўрсатиш (ўсимликлар, ҳайвонлар, гербарий ва коллекциялар, лобаратория машғулотларига намоишлар, экскурсиялар чоғида кўрсатиладиган буюм, нарсалар);

б) тасвирий кўрғазмали материалларни намоиш қилиш (расмлар, фотосуратлар, диафильмлар ва диапозитивлар, кинофильмлар ва бошқ.);

в) нарса ва буюмларни шартли белгилар орқали кўрсатиш (ўқув хариталари, схема, жадвал ва макетлар);

г) овозли кўрғазмали материаллар (грампластинка, магнитофондаги ёзувлар, овозли кинофильмлар).

Билимлар турли воситалар орқали пухта ўзлаштирилгандагина, у мустақкам эса қолади, бу эса ўқув материалларини онгли ўзлаштиришга, назария билан амалиётни боғлашга, кўрсатмалиликка амал қилишга ва билимларни такрорлаш орқали мустақкамлашга боғлиқ. Таълимнинг бош мақсади эса билимларни тизимли ва пухта ўзлаштириш.

## 2. Таълим воситаларининг турлари ва унинг моҳияти.

Таълим воситалари-ўқитишни ва ўрганишни лозим бўлган билимларни берувчи ҳар қандай ахборот ташувчи воситалардир.

Таълим воситаларнинг турлари :

1-Босма

2-Техник

а) матнли

а) аудио визуал

б) тасвири

б) ёрдамчи (жихозли)

3-Реал

а) моделли                      б) ҳақиқий.

### Босма таълим воситалари:

Махсус адабиётлар (дарсликлар), Ўқув қўлланмалар.

а). матнли; Тарқатма материаллар, имтихон ва назорат варақалари.

б). тасвири; Фото суратлар, Чизма схемалар, плакатлар, стендлар, матнли чизмалар.

### Техник таълим воситалари:

а) аудиовизуаллар; Видео филмлар, Компакт дисклар, Аудио кассеталар, Лабеч поинт материаллар.



- б) Электрон дарсликлар, Доскалар, Видеопроекторлар.  
в) ёрдамчи жихозлар; Кодаскол, Компьютер, Финчарт, Пинборд доскалар.

#### Реал таълим воситалари:

- а) Махсус модели ўқув воситалар; Моделлар, акетлар, Тренажёрлар, Мусажлар (маникентлар)  
б) ҳақиқий; Реал машина станоклар, Реал механизмлар, Асбоб ускуналар ва доскалар, Ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар.

#### Таълим воситалари:

Таълим берувчи учун: ўқув методик қўлланмалар; методик қўлланмалар, ўқув дастурлар, дарс режалари, маъруза матнлари.

Таълим олувчи учун: дарсликлар; ўқув қўлланмалар, жадваллар, тарқатма материаллар, йўл-йўриқ технологик хариталар, топшириқ бажариш.

Дарс ўтказиш учун: моделлар, макетлар, жихозлар, аудиовизуал воситалар, техник воситалар, реал воситалар.

Таълим бериш ҳар бир мавзунинг мағзини талабаларга янгича етказиш маҳорати ўқитувчидан кўп изланишни, кўп мутоъла қилишни талаб қилади. Билим уммонига бой бўлган мавзуни мағзини талабалар онгига мохирона етказа олиш ўқитувчидан мавзунинг мақсадига қараб таълим усуллари танлай билишни тақоза этади.

Таълим усулларида оқилона фойдаланиб дарс ўтиш, ўқувчиларнинг ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиш, унинг онгини шаклланишига катта асос бўлиб хизмат қилади.

Ўқитувчининг маълум фан илмини ўқувчилар онгига етказа олиш маҳорати, уни етказа олиш йўллари танлаши маълум аҳамиятга эга. Таълимнинг моҳияти инсон камолотини шакллантиришга хизмат қилади.

Таълим воситаларини танлашда аниқловчи омиллар:

- мақсадни белгилаш ;
- ўқув ахборот мазмуни;
- таълим воситалари;
- етакчи билим манбаи;
- ўқув материалининг янгиллиги ва мураккаблиги.

Дарс жараёнида ўқувчиларни билим кўникма ва малакалар билан қуроллантириш учун ахборот технологияси асосий роль

ўйнайди. Шу сабабли ўқув машғулотларига ажратилган вақтнинг асосий қисми дарс ўтиш учун сарф қилинар экан, албатта ахборот технологияси дарс самарадорлигини оширади.

**3. Ўқитувчининг педагогик фаолиятида компьютер технологиясидан фойдаланиш.**

Таълим жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва бунда ўқитувчиларнинг кўникма ва малакаларини ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида"ги 2005-йил 28-сентябрдаги ПҚ-191 сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларидан жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2002-йил 6-июндаги 200-сонли, "Ўқитувчи кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 2006-йил 16-февралдаги 25-сонли қарорларнинг қабул қилиниши мазкур масалага давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

Ўқув жараёнида замонавий ахборот технологияларини қўллаш таълим методларининг самарадорлигини оширишга, ўқитувчилар меҳнат фаолиятининг ўзгаришга, уларнинг педагогик маҳоратларини такомиллаштиришга, педагогик тизимларнинг таркибий ўзгаришига самарали таъсир этади. Бу эса педагогик жараёнларни ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқаришда ўзига хос вазифаларини қўяди.

Педагогик таълим жараёнларини замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ташкил этиш учун:

- масофавий ўқув курсларинива электрон адабиётларни яратувчи жамоа ўқитувчилар, компьютер дастурчилари, тегишли мутахассисларнинг биргаликда фаолият олиб боришини;

- ўқитувчилар ўртасида вазифаларнинг бир маромда тўғри тақсимланиши;

- таълим ва тарбия жараёнини янада мукамал ташкил қилишни такомиллаштиришва педагогик фаолиятнинг самарадорлигини ошириш мониторингини ташкил этиш имкониятини яратади.

Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланилганда ўқитувчининг педагогик фаолиятида қуйидагилар бўлиши шарт:

- таълимнинг технологик асосини замон талабалари даражасида ривожлантириш билан боғлиқ бўлган мураккаб, жараён ўқитувчи фаолиятида шаклланади;

- дарс жараёнини замонавий техник воситалар асосида ташкил этиш учун махсус кўникма ва малакалар шаклланади;

- масофавий курсларнинг очиқлиги туфайли уларнинг сифатига бўлган талаблар ва ўқув материалларининг сифатини назорат қилишга эҳтиёж пайдо бўлади;

- таълим жараёнида ўқитувчиларнинг мустақил фаолияти такомиллашади, дарс жараёнининг самарадорлиги ўқитувчидан ўқувчига кўчади;

- ўқув жараёнини ташкил этишда, ўқувчининг ташкилотчилиги ва шахсий иштироки ортади;

- замонавий коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида ўқитувчи педагогик фаолиятида ҳар бир ўқувчи билан тесқари алоқаси вужудга келиши таъминланади.

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси, ўзининг кундалик фаолиятида, узлуксиз равишда турли ахборот ресурсларидан фойдаланади. Доимий равишда ортиб бораётган ахборотлар ҳажми жамиятдаги интеллектуал салоҳиятнинг ошишига хизмат қилади. Модомики шундай экан, ўқитувчи ҳам ўз касбий ва педагогик маҳоратни замонавий ахборот технологиялари оқими асосида ошиб бориши мумкин. Ҳар бир ўқитувчи меҳнат фаолияти жараёнида ахборот технологияларидан унумли фойдаланиши учун аввало ўз ахборот муҳитини шакллантиришга замин яратиши керак. Замонавий ахборот технологиялари ўз муҳитида ахборот объектларини, уларнинг ўзаро алоқасини, ахборотларни яратиш, тарқатиш, қайта ишлаш, тўплаш технологиялари ва воситаларини, шунингдек, ахборот жараёнларнинг ташкилий ва ҳуқуқий тарқибини мужассамлаштиради.

Ҳозирги кунда ўқитувчи таълим тарбия жарайнида ўқувчиларнинг имкониятлари ва талабларини инобатга олиши зарур. Ўқитувчи томонидан тарғиб этилаётган таълим тарбия тизими шахсга йўналтирилган характерда бўлиши яъни шахснинг ҳар хил хусусиятлари ва сифатига эътибор қилган ҳолда табақалаштирилган бўлиши керак.

Ҳар қандай таълим-тарбия тизими маълум бир ижтимоий, илмий техник, иқтисодий, маданият ва ниҳоят, сиёсий муҳитда шаклланади ва ривожланади. Агар таълим тизимида

Ўқитиш устувор саналган бўлса, ҳозирги кунда жамиятнинг ахборотлашуви даврида устуворлик ўқишга ва ўргатишга йўналтирилган. Шу сабабдан таълимнинг ўқитувчи-дарслик-ўқувчи парадигмаси ўқувчи-дарслик-ўқитувчи парадигмаси билан ўрин алмашмоқда. Ўқитувчи эндиликда янги статусга эга бўлади, энди унинг вазифаси ўқувчиларда мустақил билим олиш имкониятларини яратиш ва ижодий фаолиятларини ташкил этиш, билимларни мустақил эгаллаш ва уларни амалиётда қўллашга ўргатишдан иборат. Ўқитувчи бундай мақсадларда ўқитишнинг методлари, технологияларни шундай танлаши керакки, у ўқувчиларга нафақат тайёр билимларни ўзлаштиришларида, балки билимларни турли манбалардан излаш, мустақил эгаллаш ўзларида шахсий нуқтаи назарнинг шаклланиши, уни асослаши ва авалги эгалланган билимлардан янгиларни олишда фойдаланиш имкониятини яратиши керак. Бундай ўқитишни "ривожлантирувчи" ҳам деб аташ мумкин.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш-бу ўқувчининг ёш ва шахсий хусусиятларини, қобилияти ва имкониятларини инобатга олувчи илғор педагогик ахборот технологиялардан ўқувчи шахсини ривожлантиришда самарали фойдаланувчи ўқитишдир. Шундай қилиб, шахсга йўналтирилган ўқитишда ўқитишни табақалаштириш ва индивидуаллаштириш асосида тамоил сифатида қаралади.

Замонавий ахборот технологиялари шакл ва мазмунининг ранг - баранглиги-ўқувчининг қизиқиши, имконияти ва шахсий хусусияларидан келиб чиқиб таклиф этилаётган ҳолатлардан танлаш имкониятини беради. Бундай имконият таълим тизимида ҳам ўз аксини топиши зарур. Ўқитувчининг ҳар хил сатҳли ўқитишни замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил этиши бундай муаммонинг ечими бўла олади.

Ўқув машғулотларини ўқувчиларнинг кундалик фанлар мажмуаси ва улар бўйича берилган кундалик топшириқлар мажмуаси асосида белгиланиши, ҳар бир ўтилган мавзунини кейинги дарсда сўраб баҳоланадиган қилиб ташкил этилиши қўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Бундай ҳолда ўқувчилар бирон бир фанга ўзларининг асосий диққат-этиборини тўлиқ қарата олмайдилар. Бундай нотугалликларни баргараф этишда, модули ўқитишда энг яхши ечим ҳисобланиши мумкин.

Замонавий жамиятда таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик йўналиши - бу инсоннинг турли соҳаларда мақсадли мустақил фаолият асосида интеллектуал ва ахлоқий ривожланишидир

Бунда учта асосий вазифага эътибор қаратилади:

1. Таълим тизимини ислоҳ этиш.
2. Мустақил фаолият тамойилини таълим ва тарбиянинг асосий тамойили сифатида эътироф этиш.
3. Таълим ва тарбия жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш.

Замонавий инсоннинг ўқиш жараёни фақат боғча умумтаълим мактаблари академик литцейлар ёки касб - ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари билан тугамайди. Инсон бутун умри давомида таълим олиши зарур, яъни таълим узлуксиз бўлиши керак. Демак узлуксиз таълим - давр талабидир. Зеро, бу муаммо замонавий ахборот технологияларига бўлган еҳтиёжни янада шакллантириши шубҳасиз.

XXI-аср ахборотлаштириш асрида таълим соҳасини ахборотлаштириш, ҳар бир таълим муассасидан:

- ўқитиш ва ўқиш жараёнининг;
- таълим муассаси бошқарилишининг;
- таълим муассаси бўлинмаларнинг;
- таълим муассасаси фаолияти муҳитнинг ахборотлаштирилишини талаб қилади.

Ҳозирги таълим муассасаларида компьютер технологияларидан фойдаланиш имкониятларини такомиллаштириш таълим жараёнида бундай технологияларини қўллашнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири эканлиги педагог олимлар томонидан эътироф эгилмоқда. Жумладан, У.Ш.Бегимқулов таълим муассасаларида компьютер ахборот муҳити ва ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган даражадаги ахборот базасини яратиш зарурлигини, гиперматн ва мултимедия, ўқитишда иммитатция, коммуникация тизимларини ривожлантиришни, зарур ахборотларни компьютер техникаси ёрдамида киритиш, тизимлаштириш, сақлаш ва фойдаланиш учун тавсия қилинадиган маълумотлар базасини яратиш таклиф этади. Шу боисдан ўқитувчи кадрларнинг замонавий ахборот технологиялари имонятларидан фойдаланиб билим кўникма ва малакаларини шакллантириш мақсадида ҳамда ўқитувчилар педагогик маҳоратларини ҳозирги замон талаблари асо-

сида такомиллаштиришга мўлжалланган масофавий малака ошириш курсларини ташкил этиш ташаббуси билан чиқади.

У.Ш.Бегимкулов замонавий ахборот коммуникация технологиялари соҳасида эришилаётган ютуқларни инобатга олиб, компьютер технологиясини қўйидаги жиҳатларда таълим муассасалари педагогик фаолияти жараёнларида қўллаш самарали бўлишини таъкидлайди:

Замонавий ахборот коммуникация технологияларини таълим муассасалари педагогик фаолиятида қўллаш учун:

- таълим муассаси ҳужжатларини киритиш ва шакллантириш;

- дарс жадвалларини тузиш;

- таълим муассаси ўқитувчилари ҳамда ўқувчилар бўйича маълумотлар банкини яратиш ва ундан фойдаланиш;

- ўқитувчилар фаолиятининг мониторингини яратиш;

- ўқув муассаси фаолиятини тезкор бошқаришнинг интерфаол телеконференция, виртуал маслаҳатлар, муҳим ахборотларни ўқитувчиларнинг жамоавий ёки шахсий компьютерлари дисплейи экранга ташлаш орқали тез ташкил этиш;

- таълимни бошқариш ёхуд бошқа мутасадди ташкилотлар билан электрон почта орқали боғланиш шароитини яратиш;

- бошқа ўқув муассасалари, жумладан, чет эл муассасалари билан ижодий боғланишни ташкил этиш ;

- интернет тизими ёрдамида ахборот излаш ва уни танлаш.

Таълим муассасалари ўқув фаолиятида эса:

- ахборот коммуникацион ва ахборот технологияларини мажбурий ўрганишни ташкил этиш;

- барча фанлар бўйича ўргатувчи дастурлардан фойдаланиш;

- компьютерда ёзилган тестлар ёрдамида ўқувчиларнинг ўзлаштиришини назорат қилиш;

- кутубхоналар каталогларидан фойдаланиш ва оммабоп кутубхоналардаги китобларга интернет орқали буюртма бериш;

- ўқитувчиларнинг методик ишланмалари, маруза матнлари ва бошқа ўқув қўлланмаларини нашрга тайёрлаш;

- интернет тизимидаги маълумотлардан фойдаланиб, ўтилган мавзу асосида ўқувчилар томонидан марузалар ва рефератларни мустақил тайёрлашга эришиш;

- ўқув ва бадиий адабиётларнинг электрон матнларидан фойдаланиш;

- кўникма ва малакаларни оширишда махсус енциклопедик луғатлардан фойдаланиш имкониятини яратиш лозим.

Компьютер технологиялари (компьютер саводхонлиги) дан фойдаланишда, ўқитувчи унинг мазмунига кўра бир қанча вазибаларни бажариши мумкин. Фаол фойдаланиш имкониятига эга компьютер технологиялари куйидаги асосий дидактик функцияларни бажаради:

- мултимедия технологиясини қўллаш эвазига ўқувчиларда фанларга қизиқишни ривожлантиради;

- бунда таълимнинг интерфаоллиги туфайли ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятлари фаоллашади ва ўқув материални ўзлаштириш самарадорлиги ошади;

- реал ҳолатларда намоён қилиниши қийин ёхуд мурракб бўлган жараёнларни моделлаштириш ва кўриш имкониятини бериши билан муҳим аҳамиятга эга;

- ўқув материалларини ўзлаўтирилиши фақат даражасига кўра эмас, балки ўқувчилар еришган мантиқан қабул қилишларининг даражасига кўра ҳам самарали ҳисобланади;

- масофадан туриб таълим олишни фақат ўзлаштирувчи ўқувчилар ёки интернет таълими учун ташкил этилмайди, балки сабабсиз дарс қолдирган ўқувчилар учун ҳам ташкил этиш имкониятини беради;

- ўқувчиларга мустақил изланиш йўли билан материалларни излаш, топиш ҳамда муаммоли масалаларга жавоб бериш орқали маълум тадқиқот ишларини бажариш учун имконият яратади;

- ўқувчиларнинг янги мавзунини ўзлаштириши, мисоллар ечиши, иншо, баён ёзиш ишларида, ўқув материаллари билан мустақил танишиш, танлаш ва ахборот ҳамда маълумотларни таҳлил этиш каби масалаларни тез бажариш учун шариит яратади.

Маълумки таълим мазмунини тақомиллаштиришнинг бош хусусиятларидан бири компьютер билан мулоқот жараёнида унинг доимий мурожаат қилинадиган "қўллаб-қувватловчи ахборот"ни кўпайтириш, компьютер ахборот муҳити ва ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган даражадаги ахборот базасининг яратилганлиги гиперматн ва мултимедия, ўқитишда иммитация, комуникация тизимлари қабул қилинган.

Бир қатор ахборотларни анъанавий қайта ишлаш учун уларни тайёрлашнинг стандарт шакллари мавжуд бўлиб, уларга библиография, статистик маълумотлар рефератлар киради. Маълумотлар базаси ахборот таркибига статистик, матнли, график ва кўринишли ахборотларни чексиз кўп миқдорда ва албатта белгиланган шакллардаги кўринишларни қабул қиладди. Билимлар базаси эса ёпиқ тизимда мазкур мавзу бўйича кўшимча ахборотларга эҳтиёж сезмаган ҳолда ва унинг ҳар бир элэменти мантиқ жиҳатдан боғланган бошқа элэментларга чиқа олиши бўйича тузилмали ахборотлаштирилган тизимга эга бўлади. Бунда ушбу билимлар базасига киритилмаган, яъни ундан ташқи элэментларга мурожаат қилинишига имкон бўлмайди. Билимлар базасининг бирламчи библиографик ўхшашликлари сифатида турли энциклопедиялар, луғатлар хизмат қиладди.

Ўқувчилар билими сифатларини тест саволлари ёрдамида аниқлаш ва психофизиологик ривожланаётганлиги ташхис қилиш мақсадида компютер тизимига экспорт тизими кўшимча киритилган бўлиб бу тизим ёрдамида элэктрон тармоқ орқали билимларни баҳолаш ва бу масала бўйича етарличанатижаларни аниқлаш мумкин.

Бундай дастурий воситалардан, таълимдаги ҳолат ва унинг мақсадига кўра баъзан ўқувчиларнинг эҳтиёжларини чуқурроқ англаш зарурияти нуқати назаридан уларнинг маълум фан соҳасида билимларни таҳлил қилиш бўйича бошқа бир ҳолларда эса ўқитишнинг психологик тамоилларини ҳисобга олиш мақсадида кенг фойдаланилади.

Компютер ёрдамида турли илмий ахборотлар ўқув материаллари бўйича ахборотларни тавсия этишнинг бой имкониятлари, хусусан уларга интегратив курсларни киритиш фаннинг тарихи ва методологияси билан танишиш турли фанлар бўйича уларнинг замонавий даражасига оид билимлар маданият ва ижтимоий онгга даҳлдор билимларни киритиш таълим мазмунини сезиларли ўзгартириш ва кескин бойитишга ёрдам беради, уни фаоллаштириш ва ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

Компютер воситалари ёрдамида мустақил таълимни ташкил этиш нуқтаи назаридан таҳлил этадиган бўлсак аксарият унинг интерфаоллигини, бевосита мулоқот ёрдамида ўқувчи ўқув режасида кўрсатилган исталган фан соҳасида махсус ўқув дастурлари ёрдамида билим олиш имкониятига эга эканлиги



маълум бўлади. Компьютер воситаси, ўқувчи ёхуд ўқитувчи муружаатларига "жавоб беради", улар билан бемалол "мулоқотга киришади", булар компьютер таълим методикасининг асосий хусусиятларидан бири саналади.

Айниқса компьютер технологиясининг маълум мавзуни ўқитиш бўйича ёки алоҳида дидактик масалаларни ҳал этишда фойдаланиш каби ҳолатлар ("кириб борувчи" технология номи билан машҳур), шунингдек, ўқитишда маълум технологиянинг асосий аниқловчи ва энг муҳим тавсифловчи сифатида компьютерни қўлланиш ҳолатидан компьютер ва бошқа технологиялар орасидаги мунособатлар масаласи жуда долзарб саналади.

Компьютерли ўқитиш методикасининг бошқа бир муҳим хусусияти у ўқитиш жараёнининг барча босқичларда жумладан янги ўқув материални тушунтиришда қайтаришда умумлаштиришда ўқувчиларнинг маълум фан бўйича эришган билим иалака ва кўникмаларини текширишда намаён бўлади. Бундай жараёнда ўқитувчи компьютернинг ўқувчи учун турли вазифаларни хусусан ўқитувчилик, ишчи қурол, таълим объекти, ўзаро мулоқот каби функцияларни бажаришини билиш керак. Бунда ўқитувчининг вазифаси дарс жараёнида ўқувчиларни компьютердан тўғри фойдаланишларини назорат қилишдан иборат:

Компьютернинг ўқитувчилик вазифасини бажариши қуйидаги жараёнларда намаён бўлади.:

- ўқув ахборотининг манбаи (ўқитувчини ёки дарсликни қисман, баъзан тўла ўрнини босувчи сифатида);
- кўрсатмали қўлланмалар (мултимедиа-телекоммуникация имконияти бўлган янги сифат даражасида);
- индивидуал ахборот фазасининг яратилганлиги;
- машқ қилдиргич;
- ўқувчи билими кўникма ва малакаси ташҳиси ва назорати муҳити.

Ишчи қурол сифатида компютер қуйидаги вазифаларни бажаради:

- матнларни таййорлаш ва сақлаш муҳити;
- матнлар муҳаррири;
- графиклар қурувчи ва уларнинг муҳаррири;
- кенг имкониятли ҳисоблаш машинаси (олинган натижаларни турли кўринишда ифода этувчи);

- моделлаштириш воситаси.

Компьютернинг таълим объекти сифатидаги воситачилик вазифаси:

- дастурлаштириш (вазифали жараёнлар бўйича компьютер ёрдамида ўқитиш);

- дастурий маҳсулотларни яратиш;

- турли ахборот муҳитидан фойдаланиш;

Компьютер ва итернет ёрдамида кенг аудитория билан боғланиш ва унинг натижаси сифатида ўзаро мулоқотлашувчи жамоа муҳити яратилади.

Компьютер технологиялари асосида ўқитувчи ўзининг касбий маҳоратини ошириш учун мустақил фаолиятида қуйидаги вазифаларни бажариш лозим:

1. Ўқув жараёнини бир бутун гуруҳ ва бир бутун фан (ўқув жараёнининг графиги ташқи ташхис, жорий, оралик ва якуний назорат ва бошқалар) сифатида ташкил этиш.

2. Ўқув жараёнида гуруҳни фаоллаштириш ва мувофиқлаштириш, иш жойларни тақсимлаш, кўрсатмалар, гуруҳ ичида бошқариш ва бошқалар.

3. Ўқувчиларни индивидуал кузатиш, индивидуал ёрдам кўрсатиш, ҳар бир ўқувчи билан индивидуал мулоқот олиб бориш. Компьютер ёрдамида эшитиш ва кўриш имкониятлари, индивидуал ўқитишнинг энг самарали шаклларига эришилади.

4. Ахборот муҳитини ташкил этувчилари (шахсий компьютер, ўқув ва намоиш қурилмаларнинг ҳар хил турлари, дастурий воситалари ва тизимлари, ўқув-методик кўрсатма қўланмалар ва бошқалар) маълум ўқув курсининг мазмуни билан аниқланган боғлиқлик асосида таййорланади.

Мустақил таълимни таъминлашда ўқитувчилар кампьютер технологияси (компьютер саводхонлиги) мазмунининг қуйидаги тизимлари тўғрисида маълумотга эга бўлиши керак.

- информатика ва ҳисоблаш техникасининг асосий тушунчаларини билиши;

- компьютер техникасининг функционал имкониятларини билиши;

- замонавий оператцион тизимлари билиш ва уларнинг асосий буйруқларини ўзлаштириши;

замонавий дастурий воситалар ва оператцион тизимларни (Norton Commander, Windows,) уларнинг версияларини) билиш ва уларнинг вазифалари ўзлаштириши;

- камида битта матн муҳаррири билан таниш бўлиши;
- алгоритмлар, тиллар ва дастурлаштириш ҳақида дастлабки тушунчаларга эга бўлиши;
- амалий дастурлардан фойдаланиш тўғрисида дастлабки тажрибага эга бўлиши.

Таълимни жадаллаштиришда ахборот технологияларидан фойдаланиш ўқув жараёнининг самарадорлигини оширади, бунда:

- ўқитувчилар илмий ходимлар жаҳоннинг салмокли илмий методик адабиётлардан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар;
- узоқ худудларда жойлашган етакчи таълим муассасаларининг илмий лабораториялари билан танишадилар;
- турли мавзулада видеоконферсиялар ташкил қилиш ва амалга оширишга эришилади;
- ўқитувчиларнинг ўзаро семинар ва тренинглар ўтказилади;
- масофавий таълим, ахборотлар алмашилиши ва шунга ўхшаш жуда кўп имкониятларга эга бўладилар.

Замонавий ахборот технологияларини таълим муассасалари тизимига татбиқ этиш ўқув жараёнида замонавий ўқитиш методлари қўллашга ҳамда ўқитувчи педагогик маҳоратни намойиш этишга кенг имкониятлар очади.

Ўқувчилар билимини баҳолашнинг компьютер тизими ва ўзлаштириш мониторингини ташкил этиш учун аввало замонавий таълим тизимида ўқитишнинг сифатини ташхис қилишга, яъни унинг ҳолатини аниқламай туриб, ундаги жараёнларни самарали бошқаришга, таълимда маълум бир мақсадга эришишнинг иложи йўқлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Ўқувчиларнинг яқунлови билим ва малакаларини таълим жараёнида турли мезонлар ва ёндашувларга таяниб аниқлаш, бу жараёнларга замонавий ахборот технологияларни қўллаш, уларнинг қўйилган дидактик талабларга ҳақиқатдан мослигини назорат қилиш мумкин.

Бунда педагогик ташхис ўқувчиларнинг билим кўникма ва малакаларни шакллантириш даражасини аниқлашни, назорат қилишни, баҳолашни, йиғиш ва статистик малумотларнинг таҳлили ҳамда келгусида бу жараён ривожини башорат қилишни ўз ичига олади. Методик адабиётларда ўқувчилар ўзлаштиришларининг ташхиси, улар томонидан эришилган

ётуқларнинг даражаси сифатида қайд этиш еканлигига эътиборни қаратсак, унда педагогик ташхиснинг мақсади, таълим жараёни боришининг таҳлили ва уни баҳолашни ўз вақтида аниқланишидан иборат бўлади.

Маълумки таълим жараёнини бундаай баҳолаш, фақат ўқувчининг ўзлаштириш даражасини белгилаш билан чегараланиб қолмай ўқиш жараёнини рағбатлантиришда муҳим педагогик восита ва ижобий мотив уйғотиш билан ўқувчи шахсига кучли таъсир этади. Шу хилда ўқувчини объектив баҳолаш асосида унда адекват равишда ўз-ўзини баҳолаш имконияти туғилади ва ўз мувоффақиятларига танқидий мунособатнинг шаклланиши қайд этилади. Шу нуқтаи назардан ўқувчи билим кўникма ва малакаларни баҳолаш, айниқса, билимларни назорат қилишнинг компютерлаштирилган тизими замонавий ахборот - педагогик тизимларда, уларда билимни назорат қилишнинг ташхисий аҳамияти ва ҳаққонийлигини самарали олиб бориш тақазо қилинади. Мазкур масаланинг ечими ўқитишнинг мақсадга мувофиқ ва ҳаққоний бўлишда, иложи борича аниқ ва асослаган усул сифатида қайд қилинган.

Компьютер технологиялари асосидаги ўқувчилар билимини назорат қилиш фақат мутахассис ўқитувчилар томонидан эмас балки педагогик жараён иштирокчилари томонидан ҳам амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Бундай технологияларини мониторинг тизимида жорий қилишда педагогик жараён иштирокчиларининг ахборотга, билимга бўлган эҳтиёж ва иштиёқларини фаоллаштиришга эришиш зарур.

Ўқувчилар билими, кўникма ва малакаларини назорат қилиш компютер тизимининг асосий мақсади, улар эришган ютуқлар ва муваффақиятларни аниқлаш, уни такомиллаштириш йўлларни кўрсатиш, шу асосда ўқувчиларга самарали ижодий фаолият кўрсатиш учун шароит яратишдан иборат. Бу мақсад биринчи навбатда, ўқувчилар томонидан ўқув материалларини ўзлаштириш сифати билан, яъни ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш даражасида билан боғлиқ. Иккинчи томонидан, компютер назоратининг асосий мақсадини аниқлаштириш, ўзаро, шунингдек ўз-ўзини назорат қилиш бўйича ёндашувларни амалга ошириш ҳамда ўзаро ва ўз-ўзини назорат

қилишга бўлган эҳтиёжнинг шаклланиши билан боғлиқ. Учинчидан эса, бу мақсад ўқувчиларда бажарилган иш учун жавобгарликнинг номоён бўлиши каби шахснинг ижобий сифатларини тарбиялашга қаратилган бўлади.

### Мавзу бўйича таянч сўзлар:

Таълим воситалари, техник таълим воситалари, кампьютир технологияси, амалий дастурлаш.

### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т., 1997.
2. Худойқулов Х.Ж., Одоб - ахлоқ дурдонаси. - Т., 2010.
3. Мавланова Р., Тўраева О., Холикбердиев Қ. Педагогика. - Т.: Ўқитувчи, 2001.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". - Т., 1997.
5. Очилов М.О., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. - Т., 1997.
6. Гулбоев Т. Янги педагогик технологиялар. Маърузалар матни. - Навоий, 2000.
7. Худойқулов Х.Ж. Педагогика ва психология. Услубий қўлланма. - Т., 2010.
8. Махмудов Ю.Ф., Худойқулов Х.Ж., ва бошқалар. Миллий гуруҳ-маънавий қомиллик мезони. -Т.: ДЗАЙИН ПРЕСС. 2011й.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т., 1997.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. - Т., 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". - Т., 1997 й.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т., 1997.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. - Т., 1997.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. - Т., 2008.
7. Бабанский Ю.К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабларида ўқитиш методлари. - Т., 1990.
8. Гулбоев Т. Янги педагогик технологиялар. Маърузалар тўплами. - Навоий, 2000.
9. Иброхимов А. ва бошқалар Ватан туйғуси. - Т., 1997.
10. Кайковус. Қобуснома. - Т., 1991.
11. Ким қандай ўқитади? - Т.: ТДПУ.
12. Макаренко А.С. Таълим-тарбия тажрибасидан баъзи бир хулосалар. - Т.: Ўқитувчи, 1988. 139 - б.
13. Махмудов Ю.Ф, ва бошқалар. Педагогика ва психология. -Т.; "Дзайн-пресс", 2010.
14. Махмудов Ю.Ф., Худойкулов Х.Ж., ва бошқалар. Миллий ғурур-маънавий комиклик мезони. -Т.: ДЗАЙИН-ПРЕСС. 2011й.
15. Маърупов, Нурмухаммедов. Қалби қуёш мураббий. - Т., 1987.
16. "Мустақиллик" изоҳли илмий оммабоп луғат. - Т., 2000.
17. Навоий.А. Махбуб ул - қулуб. - Т., 1986.
18. Очилов М.О., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. - Т.: Ўқитувчи, 1997.
19. Рашидов А. Миллий анъаналар-тарбия мактаби. Халқ таълими. -1992. 5-сон.
20. Султонова Г.Р. Педагогик маҳорат. - Т.: ТДПУ. 2005.
21. Тошмуродова Қ. Таълим тарбияни режалаштириш хусусиятлари. -Т., 1993.
22. Холиков А. Педагогик маҳорат. - Т.: «Иқтисод-молия» нашриёти, 2011.

23. Худойкулов Х.Ж. Жамиятда муомала ва мулоқот одоби-  
нй шакллантиришда ота-она, ўқитувчи ва раҳбар масъуллиги.  
- Т., 2009.
24. Худойкулов Х.Ж. Одоб-ахлоқ ва тарбия дурдонаси. - Т.,  
2010.
- 25: Шавкатов И. Педагогик маҳорат асослари: Т.: Шарқ,  
2009.
26. Юсуф Хос Хожиб. Кутадғу билиг. - Т., 1990.
27. Кудратов Т. Нутқ маданияти асослари. - Т., 1993.
28. Кўзиев Б., Долимов У. Маърифат дарғалари. - Т.: Ўқитувчи  
1999.
29. Файбуллаев Н.Р. Таълим-тарбиянинг амалий йўналиши.  
Т.: Шарқ1986
30. Ҳасанбоёва О. Тарбиявий ишларни ташкил қилиш ме-  
тодикаси. - Т., 1996.

## Му н д а р и ж а

Кириш.....	3
1. Мавзу. "Педагогик маҳорат" тушунчси, унинг фан сифатида притмети, мақсад ва вазифалари.....	5
2. Мавзу. "Педагогик маҳорат" фанининг, ўқитувчи фаолиятидаги ўрни ва аҳамияти.....	21
3. Мавзу. "Педагогик маҳорат" фани ҳақидаги тарихий фикрлар ва уни мактаб амалиётида қўлланиши.....	33
4. Мавзу. Ўқитувчи фаолиятида педагогик қобилият.....	44
5. Мавзу. Ўқитувчининг коммуникатив қобилияти.....	64
6. Мавзу. Ўқитувчи фаолиятида мулоқот маданияти ва психология. Мулоқотни ташкил этишда умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги.....	76
7. Мавзу. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муомала мулоқот одоби.....	85
8. Мавзу. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ.....	92
9. Мавзу. Педагогик низо ва уни бартараф этиш йўллари.....	107
10. Мавзу. Педагогик техника ҳақида тушунча. Педагогик техникани шакллантириш услублари.....	121
11. Мавзу. Ўқитувчининг нутқ техникаси ва маҳорати...	135
12. Мавзу. Ўқитувчининг таълим жараёнидаги маҳорати.....	145
13. Мавзу. Ўқитувчининг тарбиячи сифатидаги маҳорати.....	157
14. Мавзу. Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиш....	165
15. Мавзу. Ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш....	173
16. Мавзу. Ўқитувчи раҳбарлиги ва раҳбарлик маҳорати.....	184
17. Мавзу. Ўқитувчининг таълим воситаларидан фойдаланиш маҳорати.....	205
Фойдаланган адабиётлар рўйхати.....	221



*Илмий-оммобоп нашр*

**Х. Ж. Худойкулов, А. Э. Кенжабоев,  
Т.Р. Нурмухамедов**

**ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ  
АСОСЛАРИ**

*(ўқув қулланма)*

*Рассом Ш.Мирфаёзов*

*Тех. муҳаррир ва саҳифаловчи Н. Мавлонова  
Мусаҳҳиҳ С. Абдувалиева*

«NAVRO'Z» нашриёти

Манзил: 100069 Тошкент А.Темур шох кучаси, 19.

Теришга берилди 20.02.2012 й. Босишга рухсат этилди 12.05.2012 й.  
Қоғоз бичими 84x108  $\frac{1}{16}$ . Офсет босма усулида оқ қоғозга босилди.  
19,5 босма тобок. Адади 500. Буюртма №43.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«MERIYUS» хусусий матбаа-нашриёт корхонасида чоп этилди.  
Манзил: ген. Узоқов кучаси, 2 А-уй.

Х. Ж. Худойкулов , А. Э. Кенжабоев,  
Т. Р. Нурмухамедов

# ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ АСОСЛАРИ



ISBN 978-9943-381-31-5



9 789943 381315